

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Б.Б. БЕРКИНОВ

ИНСТИТУЦИОНАЛ ИҚТИСОДИЁТ

ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**


**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ**

Б.Б. БЕРКИНОВ

ИНСТИТУЦИОНАЛ ИҚТИСОДИЁТ

**Ижсанчи мавзур,
қайта ишлабтаги ва қўшимчалар киратилган**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан олий ўкув юртларида илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувоффиклассириувчи кевгашиб томонидан олий ўкув юртларининг 340000 – “Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасидаги йўналишилари талабалари учун ўкув кўлланма сифатида тавсия этилган



ТОШКЕНТ - ИҚТИСОДИЁТ - 2013

УДК: 330(075)

65.9(55)-56

Б57

Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Ўқув кўлланма. 2-нашр, қайта шлангая. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. – 226 б.

Ўқув кўлланма “Институционал иқтисодиёт” фани дастурига мувофик ёзилган бўлиб, унда ушбу фаннинг методологик асослари, предмети ва асосий тушунчаларининг мазмун-моҳияти ёритилган. Шунингдек, кўлланмада жамиятда расмий ва норасмий институтларнинг ролига, бозор институти, шартномалар, трансакция харажатлари, хуфиёна иқтисодиёт, мулкчилик, фирма, давлат ва уй хўжалиги назарияларининг асосларини ёритишга кенг ўрин берилган.

Кўлланма олий ўқув юргларининг бакалавриат йўналиши талабалари, магистрантлар, катта илмий ходим-изланувчилар ҳамда ўқитувчилар, шунингдек, институтлар иқтисодиёти масалалари билан кизикувчи мутахассислар учун мўлжалланган.

Масъул мударрир иқтисод фанлари доктори, проф. А.Ш. Бекмуродов

Тақризчилар: и.ф.д., проф. Т.Ш. Шодисев,
и.ф.д., проф. Х.П. Абулқосимов.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий кенгаши томонидан чоп этишга тавсия қилинган

ISBN-978-9943-330-30-6

УДК: 330(075)

ББК 65.9(55)-56

Б57

Кириш

Хар кандай жамият институционал мухитини ташкил этувчи маълум институтлар доирасида фаолият юритади ва ривожланиб боради.

Ўзбекистонда мустакилликнинг дастлабки Йилидан бошлаб, бешта тамойил асосида¹ боскичма-боскич амалга оширилган ислоҳотлар жараённида ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг барча соҳаларида ўзгаришларга эришилди, иқтисодиётнинг янги хўжалик юритувчи субъектлари – йирик акциядорлик жамиятлари, холдинг компаниилар ва хусусий мулкчиликнинг турли шакллари барпо этилди. Шу билан бирга улар фаолият юритиши шартларини белгилаб берувчи расмий қондалар (конституция, конунлар, фармонлар ва б.) ҳамда миллий кадриятлар, урф-одатлар ва бошка норасмий нормаларни ўз ичига олган институционал асослар яратилди. Бу жамиятда мулкчилик, ишлаб чиқариш ва таксимот муносабатларининг такомиллашуви, моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга кучли таъсир кўрсатади.

Шу боис институционал мухитни кучайтириш, иқтисодиётнинг ривожланиш қонуниятларини билиш, уни модернизация қилиш йўлларини танлаш ва ҳаф-хатарининг олдини олишнинг самарали воситаси зарур. Институционал иқтисодиёт, шубҳасиз, ана шундай воситалардан бири хисобланади.

Институционал иқтисодиёт иқтисодий назария ва хўжалик амалиётини институционал ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлигига ўрганувчи замонавий иқтисодий фикрларнинг иммий йўналишларидан биридир. Ушбу йўналиш Farb мамлакатлари иқтисодиётининг ривожланиши, талеб ва тақлиф қонуяларининг ишлапши, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳулк-автори, бозор ва маъмурий механизмларнинг фаолият юритиши, иқтисодий ўсиш ва шу каби бошка бир катор жараён ва ҳодисаларни ўрганишда кенг татбиқ этиб келинмоқда.

Шуни хисобга олган ҳолда ушбу фанни кенг ўрганиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асослаб берган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да белгиланган устувор вазифаларни ҳал этиш, Ўзбекистон иқтисодиётида институционал ислоҳотларни чукурлаштириш ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда мухим услубий асос хисобланади ва мамлакатимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фарованиелигини янада юксалтиришга қаратилган чоралар мазмун-моҳиятини очиб беришга хизмат килади.

Ҳозирги кунда институционал иқтисодиёт фани иқтисодий назариянинг узвий йўналиши сифатида дадил майдонга чиқди. Ушбу фан Белоруссия, Россия, Украина, Болтиқбўйи ва бошка ўтиш иқтисодиётига эга катор мамлакатларнинг иқтисодиёт йўналишида кадрлар тайёрловчи олий ўкув юртларида кенг ўқитилмоқда ва мазкур фан бўйича кафедралар ташкил этилган.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш Йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. - 269 б.

Эътиборингизга ҳавола этилаёттан ушбу ўкув^{*} қўлланмада янги институционал назариянинг методологик асослари, асосий коидалари, тамойиллари, ушбу йўналиш вакилларининг илмий қарашлари, жамиятдаги расмий ва норасмий нормаларни мувофикаштириш муаммосига ва норасмий институтларнинг ролига мухим аҳамият берилган.

Шунингдек, қўлланмада институционал иктисодиётнинг тадқикот усули сифатида ўйинлар назарияси ва моделлаштириш тавсифи, режа ва бозор институтлари фаолияти нормалари ҳамда шартномалар хилларига катта эътибор қаратилган. Трансакциялар ва трансакция харажатлари назарияси, трансформацион ёндашувнинг ўзига хос кусусиятлари ва унинг аҳамияти ҳамда таҳлилий усуллари, мулкчилик ҳуқуқлари ва мулк шаклларининг ривожланиши, давлат ва уй ҳўжалиги хиллари, фирмалар турлари ва улар фаолиятининг институционал асослари кенг ёритилган. Қўлланмада институтларни янги институционал мухитга жорий этиш жараёнларини ўрганишга катта ўрин берилган.

Ушбу қўлланма Т.Веблен, Р.Коуз, Д.Норт, О.Уильямсон, Т.Эггертсон каби институционализм намоёндаларининг жаҳонда тан олинган асрлари, Мустакил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларининг сўнгги йиллар мобайнида чоп этилган, институционал иктисодиёт назарияси доирасидаги тадқикотларнинг янги йўналишларини белгилаб берган А.Н.Олейник, Р.И.Капелюшников, В.М.Полтерович, В.Л.Тамбовцев, А.Е.Шаститко ҳамда мамлакатимиз олимлари Б.Ходиев, Х.Абулқосимбов, А.Бекмуродов, А.Вахобов, И.Бутиков, Н.Жумаев, А.Расулов, Т.Шодиев, Ш.Шодмонов, А.Исаходжаев, Н.Юсупова, Р.Яушев, А.Кодиров, А.Хошимов, С.Гуломов ва бошкаларнинг мулкчилик ҳуқуки, институционал ислоҳотлар, трансакция ва шартномалар, ҳуфиёна ва норасмий иктисодиёт назариялари билан боғлиқ илмий ишлари ҳамда мамлакатимизда амалга оширилган институционал ҳамда иктисодий ислоҳотлар натижаларини илмий жиҳатдан умумлаштиришга асосланган.

Муаллиф ушбу қўлланмани синчилаб ўкиб, уни яхшилаш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган профессор А.Бекмуродовга, профессор Т.Шодиевга, профессор Х.Абулқосимовга, доцент Н.Ўрмонов ҳамда қўлланманинг компьютер матнини тайёрлашга катта хисса қўшганлиги учун илмий ходим М.Кораевга самимий миннатдорчилик изхор этади.

Ўкув қўлланманинг мазмун-моҳиятини янада бойитиш ва уни такомиллаштириш юзасидан билдирилган холисона фикрларни муаллифга ТДИУга йўллаш мумкин.

I бөл. ИНСТИТУЦИОНАЛ НАЗАРИЯЛАРНИНГ ПАЙДО БҮЛИШИ ВА РИВОЖЛANIШИ

1.1. Институционал назарияларниң пайдо бүлиши ва ривожланиши тарихи

Илмий иқтисодий назариялар шаклланиши XVII асрда Европада дастлаб В.Петти, Буагильбер, кейинрок эса, А.Смит ва Д.Рикардоларнинг классик иқтисодий таълимотлари билан тавсифланади. XIX асрнинг етмишинчи йилларига келиб, классик назариянинг К.Менгер, М.Жевонс, Л.Вальрас ва бошқа тадқиқотчиларнинг фаолияти замридаги маржинал ёндашув билан кенгайиши неоклассик назария сифатида А.Маршаллнинг “Иқтисодиёт принциплари” асарида ўз ифодасини топди. Кейинчалик А.Маршаллнинг қарашлари Ж.Б.Кларк изланишларида такомиллашди.

Неоклассик назариянинг асосий тамойиллари иккиси кисмдан иборат. Асосий тамойилларнинг биринчи қисмини классиканинг “эски” тамойиллари, иккинчи қисмини эса, неоклассиканинг “янги” тамойиллари ташкил этади. “Эски” тамойиллар “катый негиз” бўлса, “янги” тамойиллар неоклассиканинг «химоя қобигиги»ни ташкил этади.

“Эски” тамойилларга куйидагилар киради:

- бозорда ҳамма вакт мувозанат мавжуд, у ягона Парето (Вальрас-Эрроу-Добре) оптимуми талабларига мос келади;
- бозорда индивидлар томонидан оқилона танлов амалга оширилади;
- индивидларга ташки омиллар таъсир кўрсатмайди, уларнинг бирор ҳолатни афзал билиши барқарор ва экзоген хусусиятга эга;
- харажатларнинг ягона тури – ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олинади. Айни чогда айирбошлиш харажатлари зътиборга олинмайди.

“Янги” тамойилларга кўра:

- бозорда айирбошлини амалга ошириш учун ресурсларнинг хусусий мулкни ташкил этиши асосий замин ҳисобланади;
- индивидларда битим тўғрисидаги барча ахборот мавжуд;
- айирбошлиш чегаралари камайиб борувчи фойдалилик тамойили асосида ҳамда ресурсларнинг дастлабки таҳсилланишидан келиб чиқиб, белгиланади.

Классик назариянинг ривожланишида кузатиладиган исталган қонди тузатиш ва аниклаштиришлар жараёнида «Эски тамойиллар»ни ташкил этувчи фикрлар ўзгаришсиз колишини назарда тутади. Улар тадқиқот парадигмаси, назарияни изчил кабул қилувчи ҳар қандай тадқиқотчининг танқиди қанчалик кескин бўлмасин, “эски” тамойиллардан воз кечилмайди. Аксинча, назариянинг ривожланишига кўра, унинг тадқиқот предметига «янги тамойил»ни ташкил этувчи қарашларга доимий тузатишлар, янги унсурлар киритилади.

«Эски» институционализм назариясининг моҳиятини янада тўлирок кўриб чиқиш учун ушбу илмий йўналишнинг кўзга кўринган вакиллари Т.Веблен, К.Поланы ва Ж.К.Гэлбрейт қарашларига мурожаат этиш мумкин. Машниали ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлишини таҳдид қилишда капиталист

билин ёлланма иочи ўртасидаги муносабатлар тизими межнат таксимоти қабул киладиган куйидаги ташкилий шакллар оркали уларнинг ўзаро таъсирига зътибор қаратилди: табиий межнат таксимоти → кооперация → мануфактура ва мутлак кўшимча қийматни шакллантириш → хусусий ишчининг пайдо бўлиши → машиналарнинг пайдо бўлиши → фабрика → нисбий кўшимча қийматни шакллантириш.

Карл Поланьининг таъкидлашича, айнан миллий ресурслар ва межнат бозорининг шаклланиши асосида давлатнинг аралашуви ётади. Гарбий Европанинг барча ички бозорлари маҳаллий бозорлар табиий эволюциясининг натижаси эмас, балки давлатнинг аралашуви оркали барпо этилган.

Т. Веблен «Бекорчи синф назарияси» (1899) [32] асаридаги одатлар тўғрисидаги таҳлилда холизм методологиясини кўллади. Одатлар индивидларнинг бозордаги, сиёсий соҳадаги, оиласидаги хатти-харакатлари доираларини белгилаб берувчи институтлардан бири хисобланади. Инсонлар хатти-харакати Веблен томонидан иккита жуда қадимий одатдан келиб чикиб, таърифланади. Бу одатларни у ракиблик хиссиёти (бошқалардан биринчи бўлиш, умумийликдан ажralиб туриш истаги) ва маҳорат хиссиёти (халол ва самарали межнат килишга мослашиш) деб номлайди.

Т. Вебленнинг фикрига кўра, ракиблик хиссиёти мулкчилик ва бозордаги ракобатнинг асосида ётади. Ушбу ҳиссиётнинг ўзи индивид ўз танловини амалга оширишда ўз фойдалилигини кўпайтиришни эмас, балки бошқаларнинг кўз ўнгига ўз нуфузини оширишни кўзловчи «оцкора истеъмол»ни изоҳлайди. Масалан, сотиб олмокчи бўлган автомобилни танлашда истеъмолчи унинг нархи ва техник хусусиятларига эмас, балки муайян русумдаги машинага эгалик килиш оркали таъминланадиган нуфузга зътиборни қаратади.

Нихоят, “эски” институционализм намоёндаси Ж.К.Гэлбрейт ўз таҳлилини ахборот ва ахборот алмашувининг иштирокчилар ўртасида тақсиланиши масалаларидан бошлайди. Унинг асосий фикри – ҳозирги бозорда ҳеч ким тўлиқ ахборотга эга эмас. Ҳар бир шахснинг билимлари ихтиослашган ва хусусий аҳамиятга эга, ахборот тўликлигига факат ушбу тўлиқ бўлмаган билимларни бирлаштирувчи ташкилот доирасида эришиш мумкин, деб таъкидлайди.

Бунда ҳокимият алоҳида шахсдан гурухга бирлашган, индивидуалликка эга ташкилотлар кўлига ўтади. Сўнгра мазкур ташкилот индивидларнинг хатти-харакатига кўрсатадиган таъсирини таҳлил килиб, индивидлар тавсифларини институционал мухит вазифаси сифатида кўриб чиқади. Масалан, унинг таъкидлашича, истеъмол талабининг ўсиши истеъмолчиларнинг ички туйгулари юқори бўлишидан эмас, балки уларни ишонтириш учун рекламадан фаол фойдаланувчи корпорациялар манфаатлари ортишидан келиб чиқади.

Бозор иктисолиётини муносабатларининг жадал ривожланиши баробарида иктисолий тадқикотлар кўлами янада кенгайди ва чуқурлашди. Бу билан ҳозирги замон иктисолий таълимотларининг йирик йўналишлари шаклланди.

Ҳозирги замон иктисолий таълимотларини ўрганишнинг энг кенг таркалган ёндашувларига кўра, улар учта йўналишни ўз ичига олади:

неоклассика, институционализм ва кейнсчилік. Бирок, мамлекеттік мазкур йұналиштар – айникса, институционализм йұналиши соқасидагы илмий-назарий, үкув-услубий жабхалар яхлит бағыттың адағынан етепталған етари, деб бўлмайди.

Институционализмнинг назарий йұналиш сифатида шаклланышы бевосита классик ва неоклассик назариялар билан боғлик. Бинобарян, неоклассика тамойилларидаги юкорида күрсатылган чекловларни хисобга олган ҳолда, бозор моделини тузишга йұналтирилган назария – институционализм хисобланади. Ушбу назариянинг тадқиқот марказида институтлар – инсонлар томонидан барпо этиладиган ва үзаро ҳамкорликни таркибловчи сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий меъёр ва қоидалар турди. Институционал назария қоидалари неоклассик ғындашувга нисбатан янги назария бўлиб, бозор муносабатларини таҳлил қилишининг янги соҳасидир.

Институционализм бутунги кунда иқтисодиёт фанининг тезкор ривожланиб бораётган йұналишлардан бири хисобланади. Бу кўпроқ неоинституционал иқтисодий назарияга ёки янада қентрок қилиб айтадиган бўлсан, неоинституционал назарияга ёки неоинституционализмга таалуқи.

Илмий маёнбаларга [30, 32, 34, 40, 41, 47] кўра, неоинституционализм чукур тарихий илдизга эга. XIX аср охири – XX аср бошида юзага келган “эски” институционализмнинг асосчилари Т.Веблен, Ж.Р.Коммонс ва У.Митчеллар хисобланадилар. Ҳозирги замон иқтисодчилари уларнинг ишлардан бутунги кунда ҳам ўз аҳамияттнин йўқотмаган ва иқтисодиёт фанининг анъанавий усуллари ёрдамида изоҳланиши кийин бўлган жараёнларни таҳлил қилиш имконини берувчи гояларни топмоқда.

Бирок ўтган асрнинг 60-70 йилларигача институционал йұналиш анча суст ривожланган. Кейинчалик эски голлар иккичи босқич институционалистлари – Ж.К.Гэлбрейт, Р.Хайлбронер, Ф.Перру, Ж.Фурастье, Г.Мюрдалъ ва бошқаларнинг ишларida ўз ифодасини топган.

“Эски” (замонавий) институционализмнинг учигичи босқичи асосан Ж.Ходжсон бошчилигидаги [55] “кембридж мактаби” олимларининг фаолияти билан боғлик.

Шу билан бирга турли иқтисодий мактабларга мансуб бир қатор иқтисодчилар [30, 31] институционал тизимларни таҳлил қилиш билан шугулланиб, ўз тадқиқотларида институционал ғындашувдан бевосита ёки билавосита фойдаланғандар.

Институционал назариянинг кўп сонли масалаларини ёритувчи адабиётларда [31, 39, 40, 50, 56] институционализм турли йұналишларининг методологик хусусиятлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларга катта аҳамият берилган.

“Эски” институционализм билан неоинституционализмда кўплаб умумийликлар мавжуд, бу институтларни тадқиқ этиш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ходисаларни үрганишга нисбатан эволюцион ғындашувнинг айrim жиҳатларини таҳлил қилишдир. Умуман, ушбу иккита ғындашув кесишув нуткаларига эга эмас.

Россиялик олим Р.Нуреевнинг фикрича, “эски” институционализм билан неоинституционализм ўртасида, камида, учта асосий фарқ мавжуд².

1) Агар “эски” институционалистлар замонавий иқтисодий назария муаммоларини жамиятдаги бошқа фанлар усуллари билан ўрганишга интилган ҳолда ҳуқук ва сиёсатдан иқтисодиёт томон борсалар, неоинституционалистлар бунга тўғридан-тўғри қарама-қарши йўлдан борадилар, яъни улар ўз таҳлилида неоклассик иқтисодий назария воситаларига таянади, замонавий микроиқтисодий усулларни кўллаган ҳолда сиёсий ва ҳуқукий муаммоларни ўрганади.

2) “Эски” институционализм асосан индуктив усулга асосланиб, алоҳида ҳолатлардан умумлаштиришга интилди, натижада, катор иқтисодчиларнинг фикрича, умумий институционал назария юзага келмади; неоинституционализм дедуктив йўлдан бориб, неоклассик иқтисодий назариянинг умумий тамойилларидан ижтимоий ҳаётнинг муайян ходисаларини изохлашга интилмоқда.

3) “Эски” институционализм радикал иқтисодий тафаккур оқими сифатида асосий зътиборни инсонтар манфаатларини қимояловчи жамоалар (асосан, қасаба уюшмалари ва ҳукумат) ҳатти-ҳаракатига қаратди; неоинституционализм қайси жамов аъзоси бўлиш унинг учун фойдали эканлигини ўз манфаатларига амал килган ҳолда ҳал этувчи мустакил индивидга зътибор қаратади.

4) “Эски” институционализм методологик ҳолизмдан фойдаланади, уни умумий тарзда қуйидагича таърифлаш мумкин: “институтлар бирламчи, индивидлар иккиласми”. Ушбу ҳолат неоинституционал назарияга асос қилиб олинди.

Шу нуктаи назардан “эски” ва “янги” институционал мактабларни ўзаро фарқлаш лозим. Инглиз иқтисодчиси Ж.Ходжсон [55] у ёки бу йўналишга мансуб олимларни қуйидагича тарзда таснифлашни таклиф килади:

“Эски” институционал мактаб: Т.Веблен, Ж.Р.Коммонс, У.Митчеллар, Й.Шумпетер, Ж.К.Гэлбрейт, Ф.Найт, К.Полани, К.Айрес, Г.Мюрдаль.

“Янги” институционал мактаб: Р.Коуз, Д.Норт, О.Уильямсон, Р.Познер, М.Олсон, Ф.Хайек.

Ж.Ходжсоннинг фикрича [55], агар “эски” мактаб дарвинизмга асосланиб, рақобатлашувчи институтлар тўғрисидаги асослардан фойдаланган ҳолда институтларнинг узок вакт мобайнида ривожланишини кўриб чиккан бўлса, “янги” мактаб ижтимоий дарвинизмдан йироклашиб, ўз тадқиқотларини методологик индивидуализм нуктаи назаридан олиб бормоқда. Шундай килиб, Ж.Ходжсон “янги” мактабни кўп жиҳатдан танқид килади.

Унинг таъкидлашича, “янги” мактабнинг начорлиги шунда намоён бўладики, тадқиқотларга жамият ўзининг “табиий ҳолатида” асос қилиб олинган бўлиб, унда баъзи инсоний муносабатлар мавжуд, лекин институтларсиз; институтлар урф-одатлар ва коидалар билан бирга пайдо

² Нуреев Р. Институционализм: вчера, сегодня и завтра. В кн. «Институциональная экономика». Учебное пособие / А.Олейник. –М.: ИНФИМ, 2000. 5-7-6.

бўлиши, сўнгра эса инсонлар томонидан қонуният сифатида очилиши хисобга олинмайди. Масалан, К.Магнер пулнинг пайдо бўлиши муаммосини тадқиқ этишини жамиятнинг унда пул мавжуд бўлмаган институтлардан холи бўлган ҳолатини таҳлил килишдан бошлаб, сўнгра эса уларнинг пайдо бўлишига индивидуал агентларнинг оқилона қарорлари натижаси сифатида карайди.

О.Уильямсон ҳам асос сифатида институтлардан холи макон – институтларсиз бозорни кўриб чиқади, сўнгра эса трансакция ҳаражатларини кискартирувчи тузилмалар сифатида фирмаларнинг пайдо бўлишини тадқик этган. Ж.Ходжсоннинг фикрича [55], неоинституционал оламнинг бундай тахмини хотўгри, чунки жамият азалдан институционаллашган. Ушбу холоса, унинг таъкидлашича, кўплаб иқтисодчиларнинг “эски” мактаб институционалистларининг гояларига қайтишига сабаб бўлди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, “янги” институционал мактаб, неоинституционал назария ва янги институционал иқтисодиёт – битта нарса эмас. “Янги” мактаб, Р.Нуреевнинг фикрича, ўз асосларига кўра ўзаро фарқ килувчи иккита сўнгти йўналиш: неоинституционализм учун неоклассик назария ва янги институционал иқтисодиёт учун “эски” институционализм йўналишларига асос бўлиб хизмат килди.

Янги институционал иқтисодиёт вакиллари томонидан нафақат ушбу йўналиш доирасида, балки бошка йўналишлар доирасида ҳам тан олиниб, кенг кўлланилган бир неча назария ишлаб чиқилди. Булар ўйинлар назарияси (Ж.Фон Нейман, О.Моргенштерн, Ж.Нэш) ва тўлиқсиз оқилоналик назарияси (Г.Саймон) хисобланади [30]. Янги институционал иқтисодиётнинг ҳозирги замон ишланмаларини француз мактаби иқтисодчилари – Л.Тевено, О.Фавро, А.Орлеан, Р.Буайе ва бошқалар ишларида учратиш мумкин [30, 31].

Бироқ институционалистларнинг баҳс-мунозаралари бир йўналишнинг бошка йўналишдан устунлигини исботлашга қаретилган. Бир катор иқтисодчилар, хусусан, Т.Эттертсоннинг таъкидлашича³, “факат вақт мунозараларда ҳакам сифатида иштирок этиши мумкин. Айнан методологик зиддиятлар туфайли Ж.Р.Коммонс бошчилигидаги эски америка институционалистларининг уринишлари муваффақиятсизликка учради, чунки 1984 йилда Р.Коуз ёзганидек, “хеч қандай назарияга эга бўлмаган улар (америка институционалистлари) ҳали англаб стишли талааб этувчи қурук изоҳли материалдан бошка ҳеч нарсани таклиф эта олишмади”.

1.2. Институционализмнинг методологик асослари ва институционал таълимда бошлангич нуқта масаласи

Ҳозирги вақтда неоинституционал ёндашувдан нафақат иқтисодчилар ва социологлар, балки юристлар ва сиёсатшунослар ҳам фойдаланмоқдалар. Бу кўпроқ ҳам жаҳон жўжалик тизимини, ҳам алоҳида олинган миллий иқтисодиётни тадқиқ этишга тааллуқли, чунки фундаментал таҳдилни, хоҳ у иқтисодий назария, сиёсатшунослик, социология, хуқук бўлсин, бир фан доирасида олиб бориб бўлмайди.

³ Эттертсон Т. Экономическое последование и институты. – М.: ДЕЛО, 2001, с. 18-19.

Хозирги боскичда иктиносодий империализм⁴ иктиносодий фаннинг деярли барча оқимларига хос, бирок неоинституционализмда у яккол намоён бўлади, бу бошқа методологик асослардан воз кечмаган ва неоклассиканинг “катьй негизи”ни ўзгартирган ҳолда жамият ҳақидаги бошқа фанлар – психология, социология, сиёсатшунослик фанларининг ишланмаларидан фойдаланиш имконини беради. Бу ҳол таҳлил соҳасини сезиларли даражада кенгайтириб, уни бойитади ва аникликка якинлаштиради.

Неоинституционализм иккита умумий асосдан келиб чиқади, биринчидан, ижтимоий институтлар аҳамиятга эга, иккинчидан, улар неоклассик назария воситалари ёрдамида тадқик этилади. Ушбу икки томонлама хусусият неоинституционализмни “эски” институционализм ва неоклассик назариядан ажратиб туради.

Неоинституционализм неоклассик назариядан инсоннинг кўпайтирувчи хатти-харакати ва методологик индивидуализм тамойилларини мерос килиб олган ҳолда ўтган асрнинг 50–60-йилларига келиб шаклланди. Неоинституционализмнинг айrim вариантларида ўйинлар назариясидан фойдаланилади. Ўйrim неоинституционалистлар ўз тадқикотларида эволюцион назария коидаларига таянадилар.

Бирок уларнинг ўхашалигига қарамай, неоинституционал ва неоклассик ёндашувларнинг методологик хусусиятларини белгилаб берувчи бир катор фарқларни ажратиш мумкин.

Неоинституционал назария ижтимоий жараённинг реал фаолият юритувчи иштирокчилари сифатида гурӯҳ ёки ташкилотларни эмас, балки алоҳида индивидларни ўрганиди. Шу тариқа ташкилотларда индивидлар ўртасида юзага келувчи муносабатлар турли ташкилий тузилмаларнинг мавжуд бўлишини изоҳлаш учун ҳал этувчи омил ҳисобланиб, неоинституционал назарияни ўрганиш обьекти саналади, айни пайтда неоклассик назарияда фирма “кора қути” сифатида кўриб чиқилди. Фирманинг пайдо бўлиши масалалари ҳам неоклассиклар назаридан четда қолди, айни пайтда неоинституционал йўналиш вакилларининг кўплаб ишлари, шу жумладан, Р.Коуз ишлари [30]нинг мақсади “фирманинг мавжуд бўлишини изоҳлаш ва унинг фаолияти кўламларини белгилаб берувчи сабабларни кидириб топишдан иборат бўлди”.

Таъкидлаш лозимки, методологик индивидуализм бир катор жараёнларни тадқик этиш учун анча жиддий чекловларни белгилайди. Масалан, давлатни ягона, уйгунашган тарзда фолият юритувчи, бўлинмас организм сифатида аниқ тасаввур қилишга тўлиқ таянган тадқиқотни амалга ошириш муаммога айланди; давлатнинг мақсадли вазифасини кўпайтиришга, индивидлар вазифаларининг кисми (агрегати) ҳисобланмайдиган ўзига хос “ижтимоий неъмат вазифаси”га асосланган ёндашувлардан фойдаланиш ҳам кийиндек туюлади. Иккинчи томондан, бундай асос тадқиқот натижасида олинадиган хулосаларнинг амалиёт нуктаи назаридан аҳамиятини янада оширади, чунки улар реал маълумотларга асосланади.

⁴ Неоклассик ёндашувининг асосида жамият тўғрисидаги фанларнинг бутун тарқоқ саналарини умумлаштириш (унификациялаш) ётади.

Индивидлар ва институтларнинг ўзаро багликлигини таҳлил этишда бошлангич нуктага нисбатан иккита тамойил мавжуд. Биринчи тамойилда институтлар индивидларнинг манфаатлари ҳамда ҳатти-харакатлари оркали тушунтирилади ва методологик индивидуализм деб номланади. Яъни индивид институтларни таҳлил килишда бошлангич нукта хисобланади. Масалан, давлатни тавсифлашда унинг фукароларининг манфаатлари ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқилади. Методологик индивидуализм тамойилининг давоми ички сабаб натижасида вужудга келган эволюция концепциясидир. Ушбу концепцияга кўра, институтлар инсонларнинг харакатлари натижасида пайдо бўлади деган таҳмин илгари сурилади. Яъни индивидлар бирламчи, институтлар эса иккиласми ўрин тутиши тўғрисидаги таҳмин неоклассиклар қарашларида ўз аксини топган.

Аксинча, таҳлил учун бошлангич нукта сифатида индивидлар эмас, балки институтлар белгиланиши иккинчи тамойилга асос бўлади. Шу тарика иккинчи тамойилда холизм методологиясидан фойдаланилади. Бошқача айтганда, индивидлар институтларнинг таърифидан келиб чиқиб тавсифланади. Институтлар эса, макрорәражада муносабатлар тизимини тақрор ишлаб чиқаришда бажарувчи вазифалар оркали изоҳланади. Энди фукаролар ўз хукуматини эмас, балки хукумат маълум хилдаги фукароларнинг шаклланишига кўмаклашади. Сўнгра, ички сабаб натижасида вужудга келган эволюция концепциясига институционал детерминизм гояси карши туради ва у мухим баркарорлаштирувчи омил хисобланади. Институтлар – ўтмишда содир бўлган «ожараёнлар натижаси» бўлиб, улар ўтмиш ҳолатларига мослашган ва шунинг учун ижтимоий мўртлик, руҳий омил хисобланади ва барча кейинги ривожланиш «доираларини» белгилаб беради. Шундай килиб, холизмда индивидларнинг манфаатлари ва ҳатти-харакатлари уларнинг ўзаро ҳамкоригини олдиндан белгилаб берувчи институтларнинг тавсифи оркали изоҳланади. Яъни бунда институтлар бирламчи, индивидлар эса, иккиласми ўрин тутади. Шу нукта назардан индивидлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликлар ва уни таъминловчи институтлар (тузилмалар) институционал иқтисодиёт назариясининг предмети бўлиб хисобланади.

1.3. Неониституционал назариянинг асосий йўналишлари

Ўрганиш соҳалари ва объектларининг хилма-хиллиги шунга олиб келадики, неониституционал назария мукаммал назарий тизим сифатида эмас, балки бир неча мухим гоялар билан бирлашган ёндашувлар тўплами сифатида намоён бўлади.

Неониституционализмнинг асосий йўналишлари ичida ўз моҳиятига кўра, кўп жиҳатдан ўзаро якин бўлган куйидаги тадқиқотларни ажратиш мумкин [30, 37, 40, 42, 47, 52, 56]:

- мулк ҳукуки назарияси – Р.Коуз, А.Алчиян ва Г.Демсец, Р.Познер, С.Пейович ва Е.Фуруботи – шартномалар назариясига асос бўлди;

- трансакция харажатлари назарияси – Р.Коуз, О.Уильямсон, Д.Норт – иқтисодий ташкилот назарияси (фирма назарияси)га асос бўлиб хизмат қилди –

М.Аоки, А.Алчиян ва Г.Демсец, С.Чунг, М.Женсен ва У.Миклинг, О.Уильямсон, Ю.Фама;

- ижтимоий танлов назарияси – Ж.Бьюкенен, Т.Таллок, М.Олсон – бюрократия назарияси – К.Эрроу, В.Нисканен, С.Паркинсон; жиноят ва жазолар иқтисодий назарияси – Г.Беккер, М.Фридмен, Ж.Стиглер, М.Олсон ва б.; коррупция иқтисодий назарияси – Э.Крюгер, Ж.Стиглер ва б.; хуфиёна ва норасмий иқтисодиёт – Э. де Сото, Э.Файт, К.Харт, Т.Шанин, Ф.Шнайдер;

- Д.Нортнинг институционал эволюция концепцияси янги иқтисодий тарихда ўз ифодасини топди – Б.Густаффсон, Д.Норт, Р.Томас ва б.

Россия иқтисодиёт фанида неоинституционал назария Р.И.Капелюшников, О.С.Сухарева, А.Н.Олейник, В.М.Полтерович, В.Л.Тамбовцева, А.Е.Шаститко ва бошқаларнинг ишларида ривожлантирилган [31, 34, 40, 41, 43, 48, 51, 56].

Хуфиёна ва норасмий иқтисодиётнинг институционал жиҳатлари А.Аузан, Л.Косалс, А.Олейник, В.Радаев, Л.Тимофеев, Ю.Латов ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган [41, 47, 52].

Неоинституционал назариянинг санаб ўтилган йўналишлари ўртасида кўплаб фарқлар ҳам, умумий жиҳатлар ҳам мавжуд. Хусусан, Т.Эгертсон кўйидагиларни фарқлайди [59]:

Биринчидан, барча ушбу муаллифлар алмашувни тартибга солувчи коидалар ва шартномаларга нисбатан белгиланадиган чекловларни яққол кўринишда моделлаштиришга иянтиладилар, бунда андоза сифатида кўпроқ неоклассик моделда мулк ҳуқуқларнинг энг намунали йўлидан фойдаланилади.

Иккинчидан, тўлик ахборот ва алмашувнинг ноль даражали харажатлар тўғрисидаги неоклассик таҳминлар ойдинлаштирилди, шунинг учун ижобий трансакция харажатларининг натижалари ўрганилмоқда.

Учинчидан, баҳоланадиган неъматларда факат иккита ўлчов – нарх ва сифат ўлчовлари мавжуд, деган оддий таҳмин анча юмшатилди, шу сабабдан иқтисодий натижалар ва иқтисодий ташкилот учун товарлар ва хизматлар сифат ўзгаришларининг натижалари тадқиқ этилмоқда.

Яна бир бор таъкидлаш лозимки, неоинституционал назария хозирча тўлик шаклланмаган: таърифлар ва атамашунослик борасида тўлик уйгуниликка эришилмаган, математик моделлардан микрониқтисодий назариядагига нисбатан жуда кам даражада фойдаланилмоқда, эмпирик тестлашга катта зътибор қаратилади (бу айникса ўтиш иқтисодиётидаги жареёларни таҳлил қилишда, масалан, хуфиёна секторни ўрганишда, турли мъамурий тўсикларнинг самарадорлигини тадқиқ этишда яққол кўзга ташланади).

1.4. Институционал иқтисодиётнинг ривожланниш хуусиятлари

Институционал иқтисодиёт ривожланишидаги кейинги давр неоинституционал ҳамда янги институционал босқичлардан иборат. Босқичларнинг номланишидаги ўхшашлиликка карамай, институтлар

тахлилида принципиал жиҳатдан турли концепциялар мавжуд. Биринчи номланиш неоклассиканинг катъий негизини ўзгаришсиз қолдиради. Институтлар тахлилига яғи унсурни киритиш неоклассика назариясининг «химоя қобиги» тўғрисидаги фикрларга тузатишлар киритиш хисобидан юз беради. Айнан шунинг учун неоинституционал иктисодиёт «иктисодий империализм»га мисол сифатида келтирилади: анъанавий микроиктисодий куролдан воз кечмаган ҳолда «империалистлар» илгари неоклассик назарияга бегона бўлган омиллар – мафкура, ҳатти-харакат нормалари, конунлар, оила ва ҳоказоларни тушунтиришга интилишади. Иккинчи номланиш, аксинча, институтларнинг неоклассиканинг илгариги қондлари билан боғлик бўлмаган янги назариясини яратишига уринишни акс эттиради.

Ронал Коуз «Фирма табиати» (1937), «Ижтимоий харажатлар муаммоси» (1960) каби мақолаларида биринчи бор неоинституционализмнинг тадқиқот дастурини шакллантирган эди. Ушбу дастурда неоклассик назариянинг «химоя қобиги»га қўйидаги ўзгартиришлар киритилган.

Биринчидан, ҳусусий мулк билан бир каторда мулкчиликнинг жамоавий, давлат, акциядорлик шакллари тахлил қилинади ва уларнинг бозорда битимларни таъминлашдаги нисбий самарадорлиги тақкосланади. Яъни мулкчилик шакллари ва шартнома шаклларининг кенг доираси кўриб чиқилиб, улар асосида алмашув аматга оширилади *Мулкчилик ҳуқуқлари назарияси* (Р.Коуз, Р.Познер, С.Пейович) ва *оптималь шартнома назарияси* (Ж.Стиглиц, Й.Макнил)нинг тадқиқот дастури ана шундай. Бу ерда мулкчилик ҳуқуқларининг ўрнатилиши ва самарали химояланиши учун масъул бўлган давлат назарияси, *ижтимоий танлов назарияси* (Ж.Бьюкенен, Г.Таллок), шунингдек, ижтимоий танлов назариясидан ҳосил бўлган *конституциявий иктиносидиёт* (В.Ванберг) ажralиб туради. Айниска, конституциявий иктиносидиётнинг вазифаси неоклассика, «эски» институционализмнинг таркибий кисми хисобланган «тартиб назарияси» ҳамда «ижтимоий танлов» унсурларини уйғулаштиришдан иборат.

Иккинчидан, неоклассик моделга *аҳборот харажатлари*, яъни битим тўғрисидаги вазият тўғрисидаги аҳборотни кидириш ва олиш билан боғлик харажатлар тушунчаси киритилади. *Аҳборот назарияси* (Ж.Стиглер) неоинституционализм ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Учинчидан, ишлаб чиқариш харажатлари билан бир каторда *трансакция харажатлари* мавжудлиги неоинституционалистлар томонидан таъкидланди. *Трансакция харажатлари назарияси* (Р.Коуз, О.Уильямсон) учун марказий бўлган ушбу атама замирида битимларни амалга оширишда юзага келадиган барча харажатлар тушунилади. Трансакция харажатлари назарияси ва мулкчилик ҳуқуқлари назариясини кўллаш натижасида *Янги иктиносий тарих* (Д.Норт), деб номланган тарихий тахлил пайдо бўлди.

Институционал иктиносидиёт ривожланишидаги иккинчи босич ўйинлар назарияси (Ж. фон Нейман, О.Моргенштерн, Ж.Нэш)нинг неоклассикадаги

* Иктиносий империализм – неоклассик ёндашув асосида жамият тўғрисидаги фанларнинг таржок оиласини умумлаштириш.

умумий мувозанат моделига нисбатан билдирган тақиидий холосаси билан бошланди.

Айнан ўйинлар назарияси янги институционал иқтисодиёт моделларининг тилини шакллантириди. Ўйинлар назарияси куйидаги таҳминларга асосланади:

- а) бир неча мувозанат нукталари мавжуд бўлиши мумкин;
- б) мувозанат нукталари Парето бўйича оптимум нукталарига мос келиши шарт эмас;
- в) мувозанат умуман мавжуд бўлмаслиги мумкин.

Кисидача хулоса

XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида бозор иқтисодиёти муносабатларининг жадал ривожланиши баробарида иқтисодий тадқиқотлар кўлами янада кенгайди ва чукурлашди. Бу билан ҳозирги замон иқтисодий таълимотларининг йирик йўналишлари шаклланди. Улар уч йўналишдан иборат: неоклассика, институционализм ва кейнсчилик. Классик назариянинг маржинал ёндашув билан кенгайиши неоклассик назария сифатида намоён бўлди.

Институционализмнинг тадқиқот марказида институтлар – инсонлар томонидан барпо этиладиган ва ўзаро ҳамкорликни тарқибловчи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий меъёр ва қоидалар туради. Институционал назария қоидалари неоклассик ёндашувга нисбатан янги назария бўлиб, у бозор муносабатлари таҳлилиниң янги соҳасидир. Индивидлар ва институтларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилишда методологик индивидуализм ва холизм методологиясидан фойдаланилади. Улар институтлар ёки индивидларнинг бирламчилиги нуктаи назаридан ўзаро фарқ қиласди.

Институционал иқтисодиёт ривожланишида ўзаро ўхшаш номдаги неоинституционал ҳамда янги институционал босқичлардан иборат. Биринчи босқичда мулкчилик хукуқлари (Р.Коуз, Р.Познер, С.Пейович), оптималь шартнома, конституциявий иқтисодиёт (В.Ванберг), ижтимоий танлов (Ж.Бьюкенен, Г.Таллок), трансакция ҳаражатлари (Р.Коуз, О.Уильямсон), аҳборот (Ж.Стиглер) назариялари, иккинчи босқичга ўйинлар назарияси (Ж. фон Нейман, О.Моргенштерн, Ж.Нэш), Г.Саймоннинг тўлиқсиз рационаллик назарияси киритилган. Д.Норт тадқиқотларида индивидларнинг институционал доираларни ўзгартиришга кодирлиги таъкидланади.

Янги институционал иқтисодиётнинг энг ёйик кўринишдаги дастури келишувлар иқтисодиёти (Л.Тевано, О.Фавро, А.Орлеан, Р.Буайе)дир. Уни таҳлил қилиши марказида келишувлар туради. Келишувлар индивидлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг умумий доиралари сифатида қабул қилинади.

Таъиҷ сўз ва иборалар

Маржинал ёндашув, неоклассика, институционализм, кейнсчилик, методологик индивидуализм, ички сабаб натижасида вужудга келган эволюция концепцияси, холизм методологияси, институционал детерминизм, «Эски»

институционализм, техник таркиб, «химоя кобиги», мулкчиллик хукуклари назарияси, оптималь шартнома назарияси ижтимоий тайлов назарияси, конституциявий иқтисодиёт, ахборот харажатлари, ахборот назарияси, трансакция харажатлари назарияси, янги иқтисодий тарих, ўйинлар назарияси, тўлиқсиз рационаллик назарияси, келишувлар иқтисодиёти.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ҳозирги иқтисодий таълимотларининг йирик йўналишларини айтинг.
2. Институционализмнинг бошка йўналишлардан фарқини айтинг.
3. «Эски» институционализм вакилларининг карашларини шарҳланг.
4. Институционализмнинг асосий назарияларига тариф беринг.
5. Мулкий ва шартномавий муносабатларга оид назарияларни шарҳланг.
6. “Эски” ва “янги” институционал мактабларнинг принципиал фарқини айтинг.
7. Неоинституционал иқтисодий назарияни (неоинституционализмни) ривожлантириш учун нима асос бўлиб хизмат килди?
8. Неоинституционал назариянинг асосий қондадари қанақа? Уларнинг неоклассик назария асосларидан фарқи нимада?
9. Неоинституционал назарияда нима таҳлилнинг асосий бирлиги хисобланади?
10. Неоинституционализмнинг асосий йўналишларини санаб беринг.

II боб. ИНСТИТУТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИДАГИ РОЛИ

2.1. “Институт” ва “норма” тушунчаларининг моҳияти

Институтлар жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади. Агар бир дақиқасга барча институтлар йўқ бўлиб кетишини тасаввур киладиган бўлсак, у ҳолда тартибсизлик бошланиб кетган бўларди ва бу ҳол, ўз навбатида, абадий давом этмас эди. Чунки инсонларнинг ўз ҳаётини тартибга келтиришга уринишлари янги институтларнинг пайдо бўлишига олиб келган бўларди.

Институтлар табиятини янада чуқурроқ таҳлил қилиш глобал хусусиятларга эга қатор саволларга, хусусан, нима учун бозорлар “ишлайди” ёки “ишламайди”? Иктиносидий сиёсатнинг у ёки бу тадбирлари нима учун самарали ёки самарасиз бўлди? Иктиносидиётдаги қайси ўзгаришлар ички сабабларга кўра ёхуд ҳукуматнинг у ёки бу қарори туфайли юзага келди, деган саволларга жавоб топиш имконини беради.

Институтлар ўзи нима? Турли даврлар тадқиқотчилари институтлар моҳияти ва уларнинг фаолият юритиш механизмини ёритувчи бир неча таърифларни асослаганлар. Т.Веблен [32] институтларни қуидагича таърифлаган: “*Институтлар* – бу инсонлар уларга амал килган ҳолда турмуш кечирадиган одатий тафаккур тарзи” ёки “*Институтлар* ўтмишда содир бўлган жараёнлар натижаси бўлиб, улар ўтмиш шароитларига мослашган ва, ўз навбатида, ҳозирги вақт талабларига тўлиқ мослашмаган”.

Е.Эрдвард томонидан [60] “*Институтлар* кўплаб индивидумлар улардан ҳамма жойда ва ҳар куни фойдаланадиган ва асосан ўз ноёблиги билан тавсифланадиган южтимоий неъматлар. Институтлар алмашув жараёнини соддалаштиради. Улар – қарорлар қабул қилиш жараёнининг якка тартибдаги қарорларни ижобий қарорларга айлантирувчи ажралмас кисми”, деган таърифланган.

Ж.Ходжсоннинг таърифлашича [55], “*Институтлар* – анъана, урф-одат ёки қонунчилик чеклови орқали узок муддатли ва барқарор ҳулк-автор намуналарининг яратилишига олиб келувчи ижтимоий ташкилот”.

Институтларни кўз билан кўриб, уларни жисмонан ҳис этиб ёки ўлчаб бўлмайди. Бу инсон онги билан яратилган ўзига хос конструкциялар, кўзга кўринмайдиган механизмлардир. Институтлар инсонларнинг муайян жамоасига хос бўлган тафаккур тарзини акс эттиради.

Институтларнинг яна бир таърифи Б.З.Милнер томонидан Д.Норт [46] ёзган сўз бошида келтирилган: “*институтлар* – инсонлар томонидан ишлаб чиқилган чекловлар ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таркиблаштирувчи маъбурлаш омиллари. Буларнинг барчаси биргаликда жамият ва иктиносидиётнинг ундовчи таркибини ҳосил килади”.

Юқорида келтирилган таърифлар институтларнинг асосий хусусиятларини камраб олган ҳолда, уларнинг асосий вазифаларини ҳамда ривожланиш қонунларини акс эттиради ҳамда жамиятни ривожлантириш учун институтларнинг муҳимлигини таъкидлайди. Юқорида кўрсатилган барча

холатларни умумлаштирган ҳолда, институтционализмнинг ҳозирги замон талкінларига асосан институтларни қуидаги таърифлаш мүмкін:

Институт – жамият айзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб беруачи расмий кондалар ва нормалар тизими. Институтлар асосини унинг таркибий кисмлари хисобланған нормалар ташкил этади.

Норма – институционал мұхитда индивидларнинг ўз танловини амалга оширишда фойдаланылады ассоцияның салынуда. Ушбу унсур: тартибиңін саклаш вазифасына зәғір; ўзаро ҳамкорліктар тизимінде мажбурий хатты-харакат бажарылышын талаб этади; шахслар хатты-харакатидаги ижтимоий, іктисодий, юридик санкцияга тәннүвчи мұнтазаммілік ҳамда мұкаррарлікнің акс этирады; шахснің турлы вазиятларда ўзиниң қандай тутиши лозимлігін белгілайды. Норма амал қилиши учун талаб этилады таркиб беш унсурдан иборат:

- индивидларнинг гурухланиш белгилари;
- мұкаррарлік омили (керек ёки керак змас);
- мақсад;
- норма ҳаракатда бўлган шарт-шароитлар;
- санкциялар.

Ажратилган ушбу 5 та унсур нормалар турлари, яъни ҳамкорлик стратегиясини, хусусан, норманинг ўзини (тор маънода) ва кондаларни чеклаш имконини беради. Норма турлари қуидагилардан иборат:

Ҳамкорлик стратегияси = белги + мақсад + шарт-шароит;

Норма = белги + мұкаррарлік омили + мақсад + шарт-шароит;

Конда = белги + мұкаррарлік омили + мақсад + шарт-шароит + санкция.

Шахарда ёки супермаркетда бир-бирларини йўқотган киришларни кидириш ҳамкорлик стратегиясига мисол бўлади. Бунда: индивидларнинг гурухланиш белгиси – бир-бирини йўқотганлик факти; мақсад - бир-бирини топиш; шарт-шароит – учрашиш эҳтимоли якин бўлган кўзга ташланувчи нарса ёки буюмнинг мавжудлиги бўлади.

Торрок маънода норма келишув тушунчасига мос келади. Чунки келишув кўрсатмасини бажариш ўта ихтиёрий хусусиятга зәғір. Кондага ўтишда кўрсатмаларни бажаришининг ихтиёрий хусусияти йўколади, яъни бунда санкция ишга тушади.

Норманинг инсон хатты-харакатига таъсири ҳақидаги мунозара социология ва иқтисодий назария ўртасидаги чуқур тарихий илдизга зәғір карама-каршилик билан бөғлиқ. Социологлар нормада инсонлар хатты-харакатининг уларга ташкаридан берилган ва экзоген хусусиятга зәғір мутлак натижасини кўрадилар. Homo sociologicus хатты-харакати умуман жамиятнинг норматив таркиби билан аникланади. Нормаларнинг ўзлари эса, социологларнинг фикрига кўра, жамият хусусиятларидан хосил бўлган ва уни тақрор ишлаб чиқариш вазифасини кўзлайди.

Иқтисодчилар эса класик сиёсий иқтисод-девридан бўён нормаларнинг бундай талкин этилишига кўшилмайдилар. Чуфти норма ~~тапшылыш~~ эркинлігини

истисно этади. Номо есопомісуз ўз танловида, шу жумладан, норма томонидан қўйиладиган чекловлардан холи. Иктиносидилар шахс танловининг институционал чекловчиси сифатида нормаларнинг мавжуд бўлишини умуман инкор этади. Ёки нормаларга оқилона изоҳ беришга, аниқроғи, уларда ташқарида берилган хатти-харакат натижасини эмас, балки англаб этилган танлов натижасини кўришга интилади.

Умуман, ижтимоий танлов назариясида нормалар: оқилона танлаш натижаси сифатида қаралади. Келишувлар иктиносидётида эса нормалар оқилона хатти-харакат омили сифатида таҳлил қилинади.

Ижтимоий танлов назарияси (Д.Бьюкенен) биринчи галда сиёсий танлов натижасини акс эттирувчи ва дүкундаги қайд этилдиган юридик нормани ўрганади. Юридик нормаларни изоҳлаш учун оқилона танловининг неоклассик моделидан фойдаланилади. Хусусан, шу нарса назарда тутиладиши, Бьюкенен учун сиёсат – инсонлар бозорда фақат ўз афзалликларига амал қилган ҳолда товарни ҳарид қилгани сингари, у асосида улар турли мукобил варианталарни ўз қалр-қимматлари билан киёслаган ҳолда, танлайдиган мураккаб институционал жараён хисобланади. Бошқача айтганда, норма ва қоидалар сиёсат бозорида шахслар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик натижасида пайдо бўлади. Бундан нормаларни баҳолашнинг навбатдаги мезони – уларнинг самараదорлиги келиб чиқади. Нормалар факат улар ўзига хос қадр-қимматга асосланганда самарали бўлиб, якка манфаатларни ўзаро фойдали тарзда амалга оширишга кўмаклашади [47].

Ижтимоий танлов назариясига хос бўлган оқилона танлов модели ёрдамида нормаларни талқин қилишдан фарқли ўлароқ, келишувлар иктиносиди нормаларга амал қилишда (бунда нормалар ташқарида берилган) экзоген хисобланишига қарамай, оқилона хатти-харакатнинг омилини кўришни таклиф этади. Бундай бир карашда ўзига хос хусусиятга эга оқилона танлов натижаси хисобланмаган нормаларни бажариш, оқилона хатти-харакатнинг шартига айланади. Аммо бозордаги битимлар иштирокчиларининг оқилоналилк талаби ушбу ўзига хосликни изоҳлаш имконини беради.

Келишувлар иктиносиди нормани бозорда иштирокчилар томонидан истаклар ва афзалликларнинг ўзаро талқин этилиши учун замин сифатида кўриб чиқишини таклиф этади (2.1-жадвал). Шу нуткази назардан нормага амал қилиш шахс учун ўз мақсадлари (signaling) ҳақидаги хабарларни контрагенттагча етказиш усулига айланади. Шахслар ўз хатти-харакатига нисбатан бир-бирини истисно этувчи талабларни мувофиқлаштириш ва ўз томонларининг харакатларига нисбатан ишончли фикрларни билдиришга кодир бўлмай қолади. Кўриб чиқилаётган ёндашув доирасида келишувлар нисбатининг кўйидаги варианталари таҳлил қилинади.

1. Экспансия – унда ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш илгари бошка келишувлар устуворлик қилган соҳалардаги келишувлардан бирининг нормалари асосида амалга ошадиган келишувлар нисбати. Масалан, сиёсий соҳа сиёсий бозорга айланishi мумкин, бунда фукаролик келишуви нормалари бозор келишуви нормалари томонидан сиёсий чиқарилади.

Бозор келишувининг экспансияси ўта хавфли, у бойликнинг ўта номутаносиб таксимланишига ва ундан сиёсий хокимият омили сифатида фойдаланишга олиб келган ҳолда жамият ривожланишини баркарорликдан маҳрум этади.

2. *Уриниши* – унда бир ўзаро ҳамкорликнинг ўзи бир-бирини истисно этувчи нормалар асосида амалга оширилиши мумкин бўлган келишувлар нисбати. Шу нуктаи назардан илк бор К.Эрроу томонидан тадқиқ этилган кон топшириш бунгаайнан мос мисол бўлади. Гал шундаки, кон одатда пулга (бозор келишуви) ёки бирдамлик нуктаи назардан бепул (фуқаролик келишуви) топширилади. Ушбу номутаносиблик шахсларнинг кон топшириш юзасидан ўзаро ҳамкорлигига ноаникликтининг юқори даражасини белгилаб беради.

3. *Муроса* – унда турли келишувлар талаблари ўртасидаги зиддиятга барҳам берувчи эгилувчан нормалар намоён бўладиган келишувлар нисбати. Масалан, ҳар қандай реклама кампанияси бозор келишуви ва ижтимоий фикр талаблари ўртасидаги муросани топишни назарда тутади. Ушбу икки келишув ўртасидаги муросага бошқа мисол – кўр-кўронга истеъмол, бунда шахс ўз истеъмол танловида товар ёки хизматни истеъмол килишдан фойдалиликни оширишни эмас, балки у истеъмол килиш туфайли кўлга киритадиган ҳурматга эришишни кўзлади.

2.2. Расмий ва норасмий нормалар ва уларнинг шаклланиши

Институционализм асосчиларидан бири Д.Норт [46] институтлар таркибида уларни уч асосий кисмга ажратади:

- расмий қоидалар (конституциялар, қонунлар, суд карорлари, маъмурий ҳужжатлар ва б.);
- норасмий нормалар (анъаналар, урф-одатлар, ижтимоий шартлилик);
- қоидаларга амал қилинишини таъминловчи (судлар, полиция ва ҳ.к.) мажбурлаш механизмлари (масалан, жазолаш тизими).

“Институт”нинг юкорида келтирилган таърифи (2.1)дан келиб чишиб, институтлар инсон томонидан онгли равища яратилган турли ҳужжатлар (конституциялар, қонунлар ва ҳ.к.) кўрининишидаги расмий, “ёзилган” қоидаларда ифодаланиши мумкин. Шу билан бирга улар умумий кабул қилинган шартлилик, хатти-харакат кодекслари, яъни норасмий, “ёзилмаган” нормаларда намоён бўладиган, жамиятнинг барча соҳаларига кириб бориб, анъаналар, урф-одатлар кўрининишида ёки бошқа шаклда амал қилинадиган инсон онгининг маҳсулини ўзида намоён этиши мумкин.

Агар расмий қоидалар тизими инсонлар (давлат)нинг қонун ижодкорлиги фаолиятини ўзида акс эттираса, у ҳолда норасмий нормалар тизими кай тарзда шаклланади, деган савол тугилади.

Т.Веблен [32]нинг концепциясига кўра, институтларнинг ўзгариши табиий танлаб олиш конунига мувофик равища кечади. Инсоннинг жамиятдаги ҳаёти, худди бошқа турдаги ҳаёт каби – бу яшаш учун курашиш ва, ўз навбатида, танлаб олиш ва мослашиш. Унинг фикрича, ижтимоий тузум эволюцияси ижтимоий институтларни табиий танлаб олиш жараёни бўлди.

Бозор иштироқчыларининг ўзаро келишувлар бўйича ҳатти-харакатлари нормаси*

Келишувлар клики	Ҳатти-харакатнинг боссий нормаси	Келишув	Ахборот макбия	Вакт (хозир, ўтниш ва исламж)	Фаолият соджаси (чишол)
Бозор Саноити хос	Бошниш шахсийр эктингизларини кон- дирни оркали фойдаланишини ошириш	Товар на пул	Нарх	Хозирги вакти наварда тутниш	Кийислик бозор
Индустрини хамкорликни	Ишниб чигарниш узунисимити, бўйсузлирниш оркали таъминланти	Технологик жемхоллар	Стандартлар	Бўймалар келгусини хозирга даврга акс эттириш	Харбий саноит макбия
Анъянавий тадобурларни	Анъянавий тадобурларни тадобурлабди; юнталаш тадобури	Утмишта хос бўйлаб булошиб	Одатлар, анъянавий	Бўймалар ўтган деврия аks этириши	Оила
Фуларолик	Жамоавий мағфалларга бўйсуниш, мўлжал - Парсто оптимум	Иктиномий бошниш	Конун	Хозирги даври наварда тутниш	Сыйси хайт
Ижтимоий финир	Маджкурияниша жишини, эътборини жойб этиш	Нуфузлар бурумлар	Дұр-дудлар	Хозирги даври наварда тутниш	Оданчек ахборот воситалярни
Ижодий феномент	Ўхшашни йўк, бетагорр матнага	Иктиро	Иктидор	Дискирет вакт	Ижодий фаолият
Экологик	Эршишиш Табигат билан уйгуланашу, экология тадобурларига бўйсунидирлар	Табигат объектлари	Атроф - мўлжал харидат ахборот	Вактиниш дэврийлаб: табигат дэврийлаб	Табигат мунофасия

* Мажба: Олдилик А. Норма як базовий элемент институтов / Вопросы экономики. – М.: 1999, №2, с. 142.

Институтлар – инсон жамияти ва инсон табиатининг ривожланишда давом этиши ва шу нуктаи назарда эришилган тараккиётни умумий кўринишда энг кўп мослашган тафакур тарзини табиий равиша танлаш ва индивидларни жамият ривожланиши билан изчил ўзгариб турадиган янги шароитларга мажбурий мослаштириш жараёни, дейиш мумкин. Шундай килиб, Т.Вебленнинг талкинида ижтимоий-иктисодий ривожланиш (“ижтимоий тузум эволюцияси”) турли хилдаги институтларни “табиий танлаш” жараёнини амалга ошириш сифатида намоён бўлади.

Т.Вебленнинг нуктаи назари Ф.Хайек⁵нинг карашларига яқин. Хайекнинг фикрича, жамиятда карор топган ахлоқ қоидалари ва нормаларини танлашни биологик танловга киёслаш мумкин. Унинг фикрича, расмий қоидалар билан бир каторда (анъаналар ва урф-одатлар кўринишида) норасмий нормаларнинг мавжуд бўлиши шу билан шартланганки, “танлаб олиш жараённида, шаклланган урф-одатлар ва ахлоқда ҳакикий ҳолатлар сони хисобга олиниши мумкин – индивидлар кабул килиши мумкин бўлган нарсалардан кўпроқ; бунинг оқибатида, анъана маълум жихатларда инсон онгидан устун туради”. Жамият канчалик кўп хилма-хилликка йўл кўйса, ижтимоий максадга мувофик институтларни танлаб олиш шунчалик самарали кечади.

Юкорида келтирилган фикрлардан келиб чикадики, агар расмий қоидалар сунгий тарзда ўйлаб топилиши ва мажбуран жорий этилиши мумкин бўлса, Ф.Хайекнинг таъкидлашича, норасмий нормалар “маълум ўтмишдаги воеалар билан белгиланади, лекин бирор-бир тузилма ёки модел (институционал матрица)нинг онгиз тарзда ўзини–ўзи ташкил этиши жараёнининг таркибий қисми сифатида шаклланади”⁶. Бошқача айтганда, норасмий институтлар – шартлилик, ўзини–ўзи кўллаб-куватловчи, учинчи томон (давлат)нинг аралашувисиз, ўз–ўзидан бажариладиган қоидаларdir.

Таъкидлаш лозимки, “эволюция” атамасидан фойдаланилса-да, табиий танлов назарияси изчил институционал ўзгаришларга нисбатан ҳамма вакт ҳам кўлланилмайди. Чунки энг “яхши” институт ҳамма вакт ҳам яшовчан бўлмайди. Иккинчи томондан, институтларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга доимий равиша ўтиши ҳамма вакт ҳам ташки омиллар таъсири остида кечмайди. Беъзи институтлар норматив тарзда мустаҳкамланиб, норасмий турдан расмий институтларга айланади, бошқалари эса, расмий институтлар сифатидаги аввалги аҳамиятини йўқотиб ва ҳуқукий тизимдан чиқарилган ҳолда норасмий кўринишга эга бўлиши мумкин.

Амалиётга кўра, кўп ҳолатларда норасмий нормалар жамиятда “тартибни” таъминлашда расмий қоидаларга нисбатан ғоят катта роль ўйнайди. Бунга катор омиллар хизмат қиласди:

1. Ҳар кандай жамиятда фаолиятнинг алоҳида соҳалари расмий қоидалар мавжуд бўлмаганда факат норасмий нормалар билан тартибга солинадиган вазиятни кузатиш мумкин. Ҳўжаллик юритишнинг жамоа шакли пайдо бўлиши даврида уруғдошлик ва улар аъзолари ўртасидаги муносабатлар ёки мафия

⁵ Хайек Ф.А. Пагубная самонадеянность. Ошибка социализма. – М.: Новости, 1992, с.133.

⁶ Хайек Ф.А. Пагубная самонадеянность. Ошибка социализма. – М.: Новости, 1992, с. 20.

(криминал) гурухлар ўргасидаги муносабатлар, Ўзбекистонда маҳаллада яшовчи аҳоли орасида кенг тарқалган одатлар ва қоидалар бунга мисол бўлиб хизмат килади.

Қоидаларга зарурат ҳамма вакт, биттадан кўп субъект мавжуд бўлиб, улар ўргасида баъзи муносабатлар юзага келган тақдирда, тугилади. Бунда субъектларнинг турли гурухларидағи қоидалар бир хил бўлиши ҳам, ўзаро яққол фарқ килиши ҳам мумкин. Алоҳида оила ёки алоҳида жамоа доирасидаги муносабатлар ана шундай қоидаларга энг оддий мисол бўлиб хизмат килади. Оила доирасидаги муносабатлар норасмийлигича колади, жамоанинг қариндошлар бўлмаган аъзолари ўргасидаги муносабатлар эса, аксарият ҳолларда шартнома ёки бошқа ҳужжат иўринишида (фукаролик кодексида давлат доирасида) расмий тарзда мустаҳкамланди.

2. Норасмий нормалар жамиятда расмий қоидаларга нисбатан анча олдин пайдо бўлиб, кўп жиоатдан расмий, конунчиллик билан мустаҳкамланган нормалар учун асос бўлиб хизмат юлди. Норасмий нормаларнинг расмий қоидалар сифатида мустаҳкамланишига исталган мамлакатнинг тарихида кўплаб мисолларни учратиш мумкин.

2.3. Институционал матрица

Институционал матрица социология фани доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, унда социологик тушунчалардан фойдаланилади. Аммо ушбу концепция жамиятнинг барча соҳаларида, шу жумладан, иқтисодиётда ҳамда ҳукукий жараёнларни таҳлил килишда кўлланилиши мумкин.

Шуни ҳисобга олиб, институционал матрицанинг нисбатан янги концепциясини кўриб чиқамиз. Институционал матрицанинг назарий гоёси жамиятни таҳлил килишга нисбатан таркибий-тизимли ёндашувни амалга оширади.

Институционал матрица – тарихан барқарор шаклланган, дастлабки давлатларнинг пайдо бўлиши ва барча кейинги институционал тузилмаларнинг ривожланишини белгилаб берган, ўз навбатида, моҳияти ҳамон сакланиб колган бирламчи моделни тақрор яратишга хизмат килувчи асосий ижтимоий институтлар тизими.

Бу ерда институтлар социум яшовчанлигининг ташки шароитлари билан шартланган жамият аъзолари ўргасидаги муайян ва мукаррар алоқалар тизими сифатида тушунилади. Ушбу ҳолатда гап инсоннинг тақрор шаклланишини тартибга солувчи ижтимоий институтлар (улар жумласига оила, саломатлик ва бошқа институтлар икради) ҳақида змас, балки давлатларнинг тақрор шаклланиши ва ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларини тартибга солувчи ижтимоий институтлар ҳақида бормокда.

Институтлар жамиятнинг унинг тарихий барқарорлиги ва ижтимоий яхлитликнинг тақрор шаклланишини таъминловчи ўзига хос тузилишини (қобиргасини) хосил қилади. Институционал матрица чизма кўринишида жамиятда тенг аҳамиятли мавқени эгаллаб турган ягона учта: сиёсий, иқтисодий ва ҳукукий соҳаларни бирлаштирувчи ижтимоий шакл сифатида



2.1-расм. Жамиятнинг институционал матрицаси.

намоён этилган (2.1-расм). Асосий матрицалар [30] С.Кирдинанинг “Институционал матрицалар ва Россиянинг ривожланиши” китобидан олинган. Бирок уларга айрим ўзгартиришлар киритилган, хусусан, сиёсий ва мафкуравий соҳалар бирлаштирилган, чунки жамиятда мафкура кўп жихатдан бошқарувчи сиёсатчиларга боғлиқ бўлиб, улар фаолиятининг натижаларидан бири хисобланади. Матрицада ижтимоий соҳа алоҳида ажратилган ва институционал тизимни шакллантириша у катта роль ўйнайди.

Матрицаларнинг асосий ва қўшимча институтларнинг муайян тўплами билан тавсифланувчи иккита тури мавжуд – гарбий (бозор, демократик) ва шаркий (буйруқбозлик, диктатура ёки деспотия) матрицалар.

2.4. Институционал ўзгаришлар ва институтларнинг ўзаро боғлиқлиги

Институтлар кандай ишлабтганлигини, нима учун улар асрлар мобайнида мавжуд бўлиши ва ривожланишини, уларнинг “хәётйлиги” ёки баркарорлигини тушуниш учун институционал ўзгаришларга олиб келувчи сабабларни ўрганиб чиқиш лозим.

Жамиятнинг ривожланиш жараёнида институтлар шаклининг ўзгариши рўй беради. Агар расмий қоидаларни у ёки бу қонун, фармонни қабул қилиб ўзгартириш мумкин бўлса, анъаналар ва урф-одатларда ифодаланадиган норасмий чекловларни бир кунда ўзгартириб ёки тутатиб бўлмайди. Улар яна узоқ вақт амал қилишда ва жамият ривожига таъсир кўрсатища давом этади. Бирок институционал тизимнинг ўзида доимий равишда ўзгаришларга эҳтиёж сезилиб туради.

Т.Вебленнинг таъкидлашича, институционал ўзгаришларнинг асосий сабаби шаклланган институтлар билан ўзгартган шароитлар, ташки мухит ўртасидаги ўзаро номувофиқлик хисобланади [40].

Д.Норт [40] институционал ўзгаришлар субъекти сифатида якка тартибдаги тадбиркорни, институционал ўзгаришлар манбаси сифатида эса нархлар нисбатидаги фундаментал силжишларни ажратади.

Ўзгаришлар механизми кўйидагича: нисбий нархлар таркибидаги силжишлар ишлаб чиқариш омилларининг нархлари ўртасидаги нарх улушкига,

ахборот кийматига ва технологиялардаги ўзгаришларга таъсирни назарда тутади. Ушбу ўзгаришлардан айримлари экзоген хусусиятга эга (инкироз, эпидимия ва х.к.), бирок аксарият ўзгаришлар эндоген хусусиятга эга бўлиб, инсонларнинг жорий фаолияти кенгайиши натижаларини акс эттиради. Нархлар нисбатидаги фундаментал ўзгаришлар вакт ўтиши билан хатти-харакат эски одатларининг ўзгариши ва инсонлар томонидан хатти-харакат стандартларини хосил киладиган омилларнинг аглаб етилишига олиб келади. Бирок, нархлар ўзгаришининг гояларга таъсири даражаси тўгрисидаги масала хозирча кам ўрганилганлигича колмоқда.

Д.Нортнинг фикрича [46], мафкура институционал ўзгаришларнинг яна бир манбаи хисобланади. Мафкура деганда, у инсонлар улар оркали атрофдаги оламни қабул киладиган ва баҳолайдиган субъектив моделни тушунади. Мафкуравий майилллик ҳам иқтисодий хисоб-китоблардан ҳоли эмас: оламнинг субъектив манзараси кимнингдир фойдали имкониятларини чегаралаши канчалик катта бўлса, уни кайта кўриб чикишдан манфаатдорлик шунчалик кучли бўлади.

Шундай килиб, институционал ўзгаришлар техника тараккиёти, янги бозорларнинг очилиши, аҳоли сонининг ўсиши ва ҳоказолар, яъни улар натижасида ташкилий ва институционал ўзаро ҳамкорликнинг илгари муваффакиятли фаолият юритган алоҳида шакллари “фойдасиз” бўлиб коладиган жараёнлар оқибатида юз бериши мумкин. Янги расмий нормалар ўрнига бошкалари қабул килинади, норасмий нормаларга амал киладиган инсонлар сони камайиб бориши билан улар аста-секин йўқолиб боради.

Институтлар пайдо бўлишининг ўзига хос жиҳатлари шундаки, улар ўзлари пайдо бўлишидан аввал амал қилган нормалар ва шароитларга боғлик хисобланади. Шу тарика, ҳар кандай янги институт, мавжуд иқтисодий ёки ижтимоий шароитлар (институционал матрица) томонидан белгилаб берилади. Институционал ўзгаришлар сезиларсиз тарзда кечиши ҳам, ёки ўзгаришлар, жамиятдаги мавжуд ижтимоий-иктисодий тизимнинг тезда такомиллашувига олиб келиши ҳам мумкин.

Институционал ўзгаришлар эски ва янги институтлар ўртасидаги ўзаро боғликлик хусусияти ҳам катта роль ўйнайди. Д.Норт боғликларнинг куйидаги турларини таъкидлайди [46]:

Биринчиси – ривожланишнинг аввалги йўлига боғликлар – чукур алокা, янги институтларнинг факатгина эски институтлар негизида пайдо бўлишини таъминловчи янги институтларнинг эски институтларга кучли боғликлиги.

Иккинчиси – мутлақ янги институтларнинг пайдо бўлишига бўшлик мавжудлиги орқали белгиланадиган нисбатан камрок.

Боғликларнинг ушбу икки тури эволюцион хусусиятга эга, чунки эски институтлардан янги институтларга ўтишда изчилликка амал қилинади. Эволюцион ўзгаришлар жиддий иқтисодий ларзалар содир бўлмаган ва уларнинг жаҳон ишлаб чиқаришидаги улуши устун бўлган бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг институционал тизимларига хосдир. Изчиллигига қарамай, эволюцион ўзгаришлар сифат жиҳатдан илгари

силжишларни истисно этмайди – микдорий-сифат ўзгаришлар диалектикаси ўз кучида қолади.

Д.Норт томонидан ажратилған бөгликтіккіннің учинчи тури – эски ва янги институттар ўртасыда яққол алоқа (бөгликтік)нінг мавжуд зәмсілігі – инқилобий хусусияттаға зә. Инқилобий ўзгаришлар жамият ривожланишининг аевалғи ўзгариш чизигіга амал қилишни назарда тутмайды ва тафаккур тарзі одалари ва аньаналарининг тубдан ўзгариши билан күзетілади.

Хатто іктисодий тизим самарадорлігіннің ошишига хизмат килувчи инқилобий ўзгаришлар ҳам ақолининг күплаб гурухлари учун жиддий ижтимоий оқибатларни келтириб чыкарыши мүмкін. Бунга бир яққол мисол тарикасида XV-XVIII асрларда Англияда рўй берган агарар соҳадаги туб бурилишлар билан бөглиқ институционал ўзгаришларни келтириш мүмкін.

Расмий қоидалар ва норасмий нормаларни мувофиқлаштыриши. Расмий қоидалар ва норасмий нормаларнінг мувофиқлаштырилиши жамиятда мухим роль ўйнайды, чунки у институттар мавжуд тизими фаолиятининг самарадорлігіннің катта таъсир күрсатади.

Одатда, инсонлар баъзан институттар таркибий унсурларидан бири ҳисобланған жазолаш тизимининг самарадорлігінга зиён етказған ҳолда жазолашнинг анча юмшок шаклларини назарда тутувчи нормаларни расмийлаштыришга интиладилар. Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги баҳс-мунозаралар бунга мисол бўлади.

Келишмовчилик натижасида институционал низо келиб чиқиши мүмкін. Бир ҳолатда, институционал низо хеч бир ўзгаришсиз институтларнинг пайдо бўлишига, бошқа ҳолатда эса самарасиз бўлса-да баркарор ҳосилалар – институционал тузоқларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Эски ва янги институттар ўртасидаги инқилобий бөгликтік доирасида улар ривожланишининг учта эктимолий йўлини таъкидлаш лозим:

- биринчиси – мавжуд институционал матрицага қарама-карши бўлган расмий институтларнинг пайдо бўлиши (одатда, ҳамма жойда чукур ислохотлар даврида, масалан, ўтиш іктисодиётіда конунлар, фармонлар кўринишида) ва уларнинг илдиз отиши (кенгайиб бориши) ҳамда қабул қилинган расмий нормаларга мос келувчи янги норасмий нормаларнинг шаклланиши;

- иккинчиси – қабул қилинаётган расмий қоидаларнинг норасмий нормаларга тўлик мос келмаслиги шунга олиб келадики, норасмий нормалар анча “ҳаётӣ” бўлиб чиқади ва натижада янги қабул қилинган расмий қоидаларнинг норасмий институционаллашуви юз беради;

- учинчиси – янги расмий қоидалар илдиз отмайди, бу уларнинг йўқолиб кетишига олиб келади.

Институционал тизим самарадорлігига институтлар билан бир каторда ташкилотлар ҳам таъсир кўрсатади. Д.Нортнинг фикрича [46], институтлар іктисодий назария билан ёритиладиган стандарт чекловлар билан бир каторда жамият аъзоларининг имкониятларини ҳам шакллантиради.

Институционал доиралар кайси ташкилотлар (снёсий органлар, іктисодий тузилмалар, жамоат муассасалари) ҳосил бўлиши ва ишлашини

белгилаб беради. Бошқача айтганда: институтлар – “үйин коидалари”, ташкилотлар эса – “үйинчилар”. Бирок бу ҳол үйинчилар жамиятда ўрнатилган “үйин коидалари”га мажбурий тарзда амал килишини англатмайди. Худди институтлар сингари ташкилотлар ҳам инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни таркиблаштиради. “Ташкилотлар аник максадга йўналтирилган тарзда фаолият юритувчи, ташкилотчилар томонидан бойлик, даромадни кўпайтириш учун ёки бошқа максадларда ташкил этилган бирликлар хисобланади. Ушбу максадларни кўзлаган ҳолда, ташкилотлар аста-секин институционал таркибни ўзгартиради” [46].

Ташкилотлар (корхоналар, фирмалар)нинг институционал жараёндаги роли хозирча кам ўрганилган, бироқ институционал назария доирасида, хусусан, Г.Клейнер томонидан ўтказилган сўнгти тадқикотлар кўрсатдиги, ташкилот нафакат товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиси, балки куйидаги асосий вазифаларни бежарувчи ўзига хос “институт-провайдер” хисобланади [30]:

- ишлаб чиқариш институтлари ва келишувлар ишлаб чиқувчиси ва тарқатувчиси роли. Алоҳида ташкилотнинг муваффакиятли тажрибаси, унда фойдаланиладиган шартномалар тизимининг самарадорлиги, одатда, бундай тузилмаларни ташкилотнинг ушбу усуllibаридан фойдаланишга ундайди;
- институтлар инкубатори роли. Ташкилотнинг фаолият юритиши натижасида ушбу тузилманинг ўзига хос хусусиятларини хисобга олувчи ва якуний натижаларнинг катта самарадорлиги билан фаолият юритувчи янги расмий коидалар ва норасмий нормалар шаклланади ёки, бошқача айтганда, тегишли институционал мухитда янги институтлар ҳосил килинади;
- якка тартибдаги институционал интегратор роли (ушбу нормага амал килувчилар таркибига янги индивидларни жалб этиш).

Институционал ёндашувга мувофик давлатни алоҳида ташкилот сифатида кўриб чиқиш лозим. Давлатни институт (ижтимоний шартнома негизида расмий коидалар тизимини шакллантириш ва уларга амал қилиш механизми) сифатида ҳам, ташкилот (давлат бошқарув аппарати таркиби, конуний жазолаш ва мажбурлаш тизими) сифатида ҳам тадқиқ этиш мумкин.

Қисқача хулоса

Институтлар жамият ривожланишининг барча босқичларида мухим роль ўйнаб келган. Улар жамиятда қарорлар кабул қилиш, инсонлар ва иқтисодиёт иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини белгиловчи нормалардан таркиб топган расмий ва норасмий коидалар хисобланади. Расмий коидалар мамлакат Конституциясида, конунларда, маъмурий ва бошқа хужжатларда ўз аксини топади. Норасмий нормалар эса урф-одат, анъаналар ва шу каби бошқа хаёт тарзи орқали юзага келган коидаларда ифодаланади.

Жамият ривожланиши билан мавжуд институтлар ва улар негизини ташкил этувчи расмий ва норасмий коидалар ҳам ўзгариб боради, такомиллашади. Бундай ўзгаришларни ижтимоний, иқтисодий ва сиёсий шароитлар белгилаб беради.

Институтлар ўзаро мувофикаштирилган тарзда ишлаши, давлат тизими фаолиятининг самарадорлигига катта таъсир кўрсатади. Институтлар фаолияти аксарият ҳолларда нормаларга боғлиқ. Норма тушунчаси тартибни саклаш вазифасига эга бўлиб, у ўзаро ҳамкорликлик тизимидаги мажбурий хатти-харакат бажарилишини талаб этади. Нормалар ҳамкорлик стратегияси, коида, хусусан, норманинг ўзи каби шаклларга эга. Рационалликнинг тўлик, тўлиқсиз, тартиботли, асосланган, харакат нормаси каби шакллари мавжуд. Ижтимоий танлов назариясида нормаларга оқилона танлаш натижаси сифатида қаралади. Келишуввлар иктиносидиётида эса, нормалар оқилона хатти-харакатнинг омили сифатида таҳлил килинади.

Талич сўз ва иборалар

Институт, расмий қоидалар, норасмий нормалар, институтларнинг ўзгариши, институционал матрица, институционал ўзгаришлар, мафкура, институтларнинг ўзаро боғлиқлиги, ташкилотлар, ўйинчилар, ўйин қоидалари, норма, ҳамкорлик стратегияси, коида, келишув, ижтимоий танлов назарияси, келишуввлар иктиносидиёти назарияси, уриниш, муроса, оқилона харакат, ташкилот.

Тақоролаш учун саволлар

1. Институтлар нима? Уларнинг таърифларини келтиринг.
2. Институтлар таркибий қисмларига нималар киради?
3. Расмий ва норасмий нормалар қандай юзага келади?
4. Норасмий қоидаларнинг жамиятдаги роли нимада?
5. Институционал матрица таърифини келтиринг ва унинг гояси нимадан иборат?
6. Норма асосий институт эканлигини изохланг.
7. Ўзаро ҳамкорликни қуришда норманинг ўрни қандай тавсифланади?
8. Ўзингизнинг одатий кунингизни эрталабдан кечгача келишув (муроса, экспансия, уриниш) лар атамаларида ёритишга уриниб кўринг.
9. Институционал ўзгаришларга нималар сабаб бўлади? Эски ва янги институтлар ўргасида қандай боғликлар мавжуд?
10. Расмий ва норасмий нормаларни мувофикаштириш зарурати нима билан белгиланади?
11. Ташкилотлар институционал жараёнда қандай вазифаларни бажаради?

III боб. ЎЙИНЛАР НАЗАРИЯСИ ВА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

3.1. Ўйинлар назариясининг асосий тушунчалари

Маълумки, неоклассиканинг «қатъий негизи»даги ўзаро ҳамкорликларни таҳлил қилишда дифференциал ҳисоблашдан фойдаланилган. Институционал иқтисодий назарияда юкоридаги тадқикот усулини таянч усул сифатида кўллаш унча кулай эмас. Институционал иқтисодиёт назариясининг предметини индивидларларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда ушбу ҳамкорликни таъминловчи тузилмалар ташкил этса, ўйинлар назарияси унинг тадқикот усули ҳисобланади.

Институционал иқтисодиёт формал моделларини тузиш учун Жон фон Нейман ва Оскар Моргенштерннинг «Ўйинлар назарияси ва иқтисодий хатти-харакат» (1944) китобидаги фикрларга асосланган ўйинлар назариясидан фойдаланади [47]. Ушбу назариянинг ривожланиши Жон Нэш 1950 йилда киритган мувозанат вазияти тушунчаси билан боғлик. Бу билан кооперацияга асосланмаган (нокоалицион) ўйинларнинг ечиш усули ишлаб чиқилди. 1994 йилга келиб, бирданига уч тадқикотчи “нокооператив ўйинлар” назариясидаги мувозанатни биринчи бор таҳлил қилиб чикқанлиги учун иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлдилар. Булар: Райнхад Селтен (Германия), Жог Нэш (АҚШ), Жон С.Харсани (асли венгриялик – АҚШ). Ушбу тадқикот усулининг ўзига хос асосий белгилари ичida қўйидагиларни ажратиш лозим. Биринчидан, ўйинлар назарияси индивидларнинг ўзаро шартлашилган хатти-харакатлари вазиятини таҳлил қилиш билан шугулланади: ҳар бир шартнинг ҳал этилиши ўзаро ҳамкорлик натижасига ва ўз навбатида, колган индивидларнинг карорларига таъсир кўрсатади. Индивид ўз харакатлари масаласини ҳал этаётib, ўзини контрагентлар ўрнига қўйиб қўриши керак.

Иккинчидан, ўйинлар назарияси, мукаммал калькулятор сифатидаги индивиддан тортиб то робот сифатидаги индивидгача катор моделлардан фойдаланган ҳолда, индивидларнинг тўлиқ рационаллигини талаб этмайди.

Учинчидан, ўйинлар назарияси ўзаро ҳамкорликлардаги мувозанатнинг мавжудлиги, ягоналиги ва Парето-оптималигини назарда тутмайди. Ушбу сабаблар ўйинлар назарияси ёрдамида курилган институтларнинг формал моделларига қизикишни орттиради.

Ўйинлар назариясидаги формал моделни ташкил этиш учун: иштирокчи индивидларнинг мавжудлиги; ҳар бир иштирокчининг имкониятлар тўплами; иштирокчиларнинг стратегиялари ҳисобга олиниши лозим.

Ўйинлар назарияси таркибий жихатдан кооператив (коалицияли) ва нокооператив (коалициясиз) назарияларга ажратилади. Бунда ўйин иштирокчиларининг ўзаро келишуви даражасига кўра, кооператив(коалицияли) ва нокооператив(коалициясиз) ўйинлар назарда тутилади. Шартли равишда айтиш мумкинки, биринчи гурӯх назариялар макродаражадаги таҳлилга, иккинчи гурӯҳдагилар эса, микродаражага эътиборни каратадилар.

Кооператив (коалицияли) ўйинлар – иштирокчилар ўртасида ахборот алмашиш ва иттифок тузиш мумкин бўлган вазиятлар. Нокооператив (коалициясиз) ўйинларда якка иштирокчи таҳлил қилишнинг бошлангич нуткаси хисобланади, бунда иштирокчилар ўртасида ахборот алмашиш ва иттифок тузиш мумкин эмас. Ўйинлар асосан матрица шаклида намоён этилади. Нокооператив (коалициясиз) ўйинларда иштирокчилар ўзаро зиддиятли муносабатда бўладилар. Ҳар бир иштирокчи ўз ютугини оширишга харакат килади. Бирининг ютуги иккинчисининг маглубиятига олиб келади. Ҳар бир ўйин иштирокчисининг зиддиятли вазиятларни ҳал этиш борасидаги харакат дастури ўйин иштирокчисининг стратегияси дейилади.

$$G=F(N, S_t, P)$$

Демак, ўйин (G)ни таҳлил этишда уч кисм: ўйинчилар сони (N); стратегиялар мажмуаси (S_t); иштирокчиларнинг ютуқ (P)лари асос бўлади.

3.2. Мувозанатлар турлари ва уларни излаш йўллари

Ҳар бир ўзаро ҳамкорлик учун мувозанатларнинг турли хиллари мавжуд бўлиши мумкин: устун стратегияли мувозанат, Нэш бўйича мувозанат, Штакельберг бўйича мувозанат ва Парето бўйича мувозанат. Устун стратегияли мувозанат – бошка иштирокчининг харакатларидан қатъи назар иштирокчига энг юкори фойдалиликни таъминловчи харакатлар режаси. Нэш бўйича мувозанат – ўйинчиларнинг ҳеч бири ўз харакатлари режасини ўзгартирган ҳолда ўз ютугини бир томонлама ошира олмайдиган вазият. Штакельберг бўйича мувозанат – ҳеч бир ўйинчи ўз ютугини бир томонлама тартибида ошира олмайдиган вазият. Бунда карор дастлаб биринчи ўйинчи томонидан кабул килинади, сўнгра иккинчи ўйинчига маълум бўлади. Парето бўйича мувозанат – ўйинчилардан бирининг ҳолатини, иккинчи ўйинчининг ҳолатини ёмонлаштирумagan ҳолда, яхшилаб бўлмайдиган вазият.

Устун стратегия деб иштирокчига бошка иштирокчининг харакатларидан қатъи назар ўйинчининг максимум фойдалилигини таъминловчи харакатлар режасига айтилади. Ўз навбатида, ўйиндаги иккала иштирокчи устун стратегияларининг ўзаро кесишуви устун стратегиялар мувозанати бўлади. Нэш бўйича мувозанат – ҳар бир ўйинчининг стратегияси бошка ўйинчининг харакатига яхши жавоб бўладиган вазият. Штакельберг бўйича мувозанат ўйин иштирокчилари томонидан карорлар қабул қилинишида вакт омили мавжуд бўлганда юзага келади, яъни улардан бири бошкаси қандай йўл тутганилигини билган ҳолда карор қабул килади.

Шундай килиб, Штакельберг бўйича мувозанат карорлар бир вақтнинг ўзида қабул қилинмаган шароитда ўйинчиларнинг максимум фойдалилигига мос келади. Устун стратегиялар мувозанати ва Нэш бўйича мувозанатдан фарқли ўларок мувозанатнинг ушбу тури ҳамма вакт мавжуд бўлади. Ниҳоят, бир вақтнинг ўзида иккала ўйинчининг ҳам фойдалилигини ошириб бўлмайдиган ҳолатда Парето бўйича мувозанатга эришилади. Куйидаги

мисолда мувозанатнинг барча түртта турини излаш технологиясини кўриб чиқамиз.

Фараз қилайлик, А фирма Б фирманинг муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш учун монополиясини бузишга уринади. А фирма бозорга чиқиши чикмасликни, Б фирма эса, борди-ю А фирма бозорга киришни ҳал этса, ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириш масаласини ҳал қиласди. Б фирмада ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармай қолган тақдирда, иккала фирма ҳам ютказади. Агар Б фирма ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтиришга карор килса, у ўз фойдасини А фирма билан «баҳам кўради» [47].

Кўрсаткичлар		Б фирма -ишлаб чиқариш ҳажмини	
		саклаб қолиш	пасайтириш
А фирмабозорга	кириш	-3; -2	4; 4 [N ₂ St _A P]
	кирмаслик	0; 10 [N ₁ St _B]	0; 10

Устун стратегияли мувозанат. А фирма иккала вариантдаги воқеалар ривожида ўзи ютугини таққослайди (агар Б фирма нарх-наво «урушини» авж олдирмаса, -3 ва 0) ва (агар Б фирма ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтиришга карор килса, 4 ва 0). У холда А фирма учун Б фирманинг харакатларидан қатъи назар энг кўп ютукни таъминловчи стратегия мавжуд эмас:

0>-3 ⇔ агар Б фирма ишлаб чиқариш ҳажмини аввалги даражада саклаб қолса, «бозорга кирмаслик»;

4>0 ⇔, агар Б фирма ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтираса, «бозорга кириш».

Б фирмада устун стратегия мавжуд: у А фирманинг харакатидан қатъи назар ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтиришдан манфаатдор 4>-2, 10=10. Демак, устун стратегиялар мувозанати мавжуд эмас.

Нэй бўйича мувозанат. Б фирманинг ишлаб чиқариш ҳажмини аввалги даражада саклаб туриш тўгрисидаги карорига А фирманинг энг яхши жавоби - бозорга кирмаслик, ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириш карорига эса, - бозорга кириш.

А фирманинг бозорга кириш тўгрисидаги карорига Б фирманинг энг яхши жавоби - ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириш, бозорга кирмаслик карори қабул килинганда эса – иккала стратегия ҳам бир хил натижада беради. Шунинг учун, Нэш бўйича иккита (N₁, N₂) мувозанат (4; 4) ва (0; 10) нукталарида турибди: А фирма бозорга киради, Б фирма эса ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтиради; ёки А фирма бозорга чикмайди, Б фирма эса ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтирумайди. Бунга ишонч хосил килиш осон, чунки ушбу нукталарда иштироқчилардан хеч бири ўз стратегиясини ўзгартиришдан манфаатдор эмас.

Штакельберг бўйича мувозанат. Фараз қилайлик, биринчи бўлиб А фирма карор қабул қиласди. Агар у бозорга киришга карор килса, пировардида (4; 4) нуктада бўлади: Б фирманинг танлаши ушбу вазиятда бир хил, 4>-2. Агар

у бозорга чикмасликка карор килса, якун иккни нукта (0; 10): Б фирманинг карори иккала вариантни ҳам қўллаш имконини беради. Буни билган ҳолда, А фирма, 4 ва 0 ни таққослаб, ўз фойдасини (4; 4) нукталарда қўпайтиради. Карорлар бир хил ва Штакельберг бўйича биринчи мувозанат S_{t_1} (4; 4) нукталарда бўлади. Ҳудди шу тарика, биринчи бўлиб карорни Б фирма қабул қилганди, Штакельберг бўйича мувозанат S_{t_2} (0; 10) нукталарда бўлади.

Парето бўйича мувозанат. Парето бўйича оптимумни аниклаш учун, биз «Ўйиннинг исталган бошқа якунига ўтиш бир вактнинг ўзида иккала иштирокчи учун ҳам фойдалиликнинг ошишини таъминлайдими?» деган саволга жавоб берадиги, ўйиннинг барча тўртта якунини изчил танлаб олишимиз зарур. Масалан, (-3; -2) якундан биз кўрсатилган шартни бажараётги, исталган бошқа якунга ўтишимиз мумкин. Факат (4; 4) якундан биз, бунда ўйинчилардан ҳеч бирининг фойдалиларини камайтирмаган ҳолда, ҳаракатлана олмаймиз ва бу Парето бўйича – Р мувозанат бўлади.

3.3. Ўйинлар назарияси таянч моделларининг таснифи

Ўйинлар назарияси учун бир неча таянч моделлар мавжуд [40]. Ушбу моделлар Нэш бўйича мувозанат нукталарининг сони билан ва уларнинг Штакельберг бўйича ва Парето бўйича мувозанат нукталарига мос келиши ёки мос келмаслиги билан фарқ килади.

Умумий кўринишда моделлар турлари ўйинлар назариясида фойдаланиладиган иккала иштирокчи учун куйидаги кўринишга эга бўлади⁷:

S/N	2	1	0
=	I. $N_1=S_{t_1}=S_{t_2}=P \neq N_2$	II. $N=S_{t_1}=S_{t_2}=P$	
#	IV. $N_1=S_{t_1}=P_1 \neq (N_2=S_{t_2}=P_2)$	V. $N=S_{t_1}=P_1 \neq (S_{t_2}=P_2)$	VII. $S_{t_1}=P \neq (S_{t_2}=P)$
		VI. $N=S_{t_1} \neq (S_{t_2}=P)$	VIII. $S_{t_1}=P \neq S_{t_2}$

I модел. Масалан, иккита талаба томонидан учрашув жойининг танланishi вазиятини акс эттиради. Улардан ҳар бирини ё кутубхонада ёки буфетда топиш мумкин. Буфетдаги учрашув иккала талабага ҳам фойдалиликни таъминлаши назарда тутилади: улар кофе ёки бирор хил шарбат устида сұхбат ўтказишларни мумкин.

1-талаба	2-талаба	
	Кутубхонага бориш	Буфетга бориш
Кутубхонага бориш	0; 1	2; 2[N ₂]
Буфетга бориш	3; 3[N ₁ S _{t_1} S _{t_2} P]	1; 0

⁷ Олейник А.Н. Институциональная экономика. Теория игр и моделирование взаимодействий. / Вопросы экономики. №3, 1999, с. 141.

Бу ўйин унинг ёрдамида «фокал нұқта» – иккала талаба томонидан ўзлари танлайдиган учрашув жойи гояси акс эттирилиши туфайли қызықарлы. Агар иккаласи ҳам бир-бирунни яхши билса, улар бир-бирунни топиши мүмкін бўлган жойни таҳмин килиш унчалик кийинчилик тугдирмайди. «Фокал нұқта» буфет бўлиши эҳтимоли кўпроқ.

II модел. Эр-хотин ўртасидаги катъий шаклдаги кескин вазиятни намоён этади. Эр-хотин иккита муқобил – концерт ёки футболга бориш вариантидан бирини танлаш йўли билан кечки вактни қандай ўтказишни ҳал этади. Ҳар бирининг фикри равшан: хотин – концертта, эр – футболга боришни ағзал кўради. Бунда эр-хотин кечки вактни биргаликда ўтказишдан ҳордик чиқаришни анча паст баҳолашади.

Эр	Хотин	
	Концертта бориш £	Футболга бориш
Концертта бориш	1; 3	0; 0
Футболга бориш £	2; 2 [N ₁ St ₁ St ₂ P]	3; 1

Ўйин шуниси билан қизиқки, бу ерда иккала иштирокчидаги ҳам устун стратегия мавжуд (£) «концертта бориш» – хотин учун, «футбол матчиға бориш» - эр учун.

III модел. «Махбуслар дилеммаси» муҳокамаси.

1-гумондор	2-гумондор	
	Айбни тан олиш £	Айбни тан олмаслик
Айбни тан олиш £	1; 1 [N St ₁ St ₂]	3; 0
Айбни тан олмаслик	0; 3	2; 2 [P]

IV модел. Эр-хотин ўртасидаги аввалги каттиқ шаклдаги ихтилоғли вазиятнинг юмшоқроқ варианти. Катъий шаклдаги ихтилоғли вазиятнинг юмшоқ шаклдан факат битта фарқи мавжуд, эр-хотин биргаликда ўтказилган кечки вактдан кўрилган манфаатни юқори баҳолайдилар:

Эр	Хотин	
	Концертта бориш	Футболга бориш
Концертта бориш	2; 3 [N ₁ St ₁ P ₁]	0; 0
Футболга бориш	1; 1	3; 2 [N ₁ St ₁ P ₁]

V модел. Ушбу модель куролсизланиш муаммосини ифодалайди. А мамлакат Б мамлакатга нисбатан уруш бошлиш масаласини ҳал этади, Б мамлакат эса куролланиш ёки куролсизланиш вариантларидан бирини танлайди. Муаммо шундан ибортки, куролсизланган Б мамлакт тажовузкор

мамлакат учун осон ўлжага айланади, куролланган мамлакат эса тажовузга тажовуз билан жавоб кайтариши мүмкін:

А мамлакат	Б мамлакат	
	Куролланиш	Куролсизланиш £
Уруш зылон килиш	0; 0	3; 1 [N St ₁ P]
Уруш зылон килмаслик	2; 2 [St ₂ P]	1; 3

VI модел. Бирон-бир романни ўкиш түгрисида карор кабул килиш билан боғлиқ оғир маңнавий танлов вазияттини акс эттиради. Биринчи китобхон, агар у китобни ўқый олмаса, афсус чекади, лекин, агар у ушбу романни барибир ўкишни бошласа, ўзи бундан уялади. Иккінчи китобхон – мунофикнинг фикрига кўра, китобни ўкишни ҳаммага таъкидлаш лозим, лекин агар романни ўкиш керак бўлса, у холда факат унинг ўзи ўкиши лозим:

1-китобхон	2-китобхон	
	Ўқимаслик £	Ўкиш
Ўқимаслик	0; 3	3; 1 [St ₂ P]
Ўкиш	1; 1 [N St ₁]	2; 0

VII модел қуйидаги ўйин кўринишида амалга оширилади. Ҳар бир ўйинчи ўйин бошида 2 долларга эга ва ушбу сумманинг ярмини қутига солиб қўяди. Сўнгра кути биринчи ўйинчига топширилади, у ушбу суммани ўзида қолдириши ёки қудукка ташлаб юбориши мүмкін. Иккинчи иштирокчи биринчи ўйинчининг хатти-харакатини олдиндан айтиб бериши лозим, агар у бунинг уддасидан чиқса, 1 доллар олади. Бундан ташкари, агар кути қудукка ташланмаса, ўйинчилар ундаги суммани ўзаро бўлиб оладилар:

1-ўйинчи	2-ўйинчи	
	Қудукка ташлаш	Қудукка ташламаслик
Қудукка ташлаш	0; 2	2; 0
Қудукка ташламаслик	3; 1 [St ₂ P]	1; 3 [St ₁ P]

VIII моделда давлат билан сармоядор ўртасидаги ўзаро муносабатлар ифодаланади. Сармоядорда ҳаракатларнинг иккি варианти мавжуд – мамлакатда инвестицияни амалга ошириш ёки оширмаслик. Давлат эса инвестициялардан олинадиган даромадларга юкори солик белгиллаши ёки соликни умуман бекор қилиши мүмкін:

Давлат	Сармоядор	
	Инвестиция киритмаслик	Инвестиция киритиш
Солик жорий этиш	0; 1	3; 0
Жорий этмаслик	1; 2 [St ₂]	2; 3 [St ₁ P]

Юкорида изохланган моделларни кўриб чиқиш индивидлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик жараёнида юзага келадиган қатор муаммоларни аниглаш ва таҳлил килиш имконини беради:

- *мувофикалаштириш муаммоси* Нэш бўйича иккита нуқта мавжуд бўлган ҳолларда пайдо бўлади (I, IV моделлар). Мувофикалаштириш муаммосининг ҳал этилиши қўшимча институционал шарт-шароитлар жорий этилиши, «фокал нукталар» ёки келишувлар мавжуд бўлишини талаб этади. Масалан, эр хотиннинг кизиқишилари бир жойдан чиқкан ҳолларда, улар ўз харакатларини мувофикалаштириши анча осонлашади;

- *бирга бўла олиш муаммоси* Нэш бўйича мувозанат мавжуд бўлмаган вазият учун хосдир (VII, VIII моделлар). Агар институтлар стратегияларни танлашни чекламаса ва «йўналтирмаса», индивидлар ўз харакатларини мувофикалаштира олмайдилар. Масалан, давлат билан сармоядор ўртасидаги ўзаро муносабатта давлатнинг иуфузи омилиниң жорий этилиши (2, 3) якунда тўхталиш имконини беради;

- *кооперация муаммоси* - Нэш бўйича мувозанат мавжуд, у ягона, лекин Парето бўйича оптимал эмас (III модел - «маҳбуслар дилеммаси»). Ушбу вазиятда ҳам институционал чекловнинг жорий этилиши Парето бўйича оптимал натижага эришишни таъминлайди;

- *адолатлилик муаммосининг долзарблиги* - Нэш бўйича ягона мувозанат асимметрик, ютуқнинг ўзаро ҳамкорлик иштирокчилари ўртасида адолатсиз тақсимланиши билан тавсифланади (V, VI моделлар). Адолатсизлик муаммосини ҳал этиш варианларидан бири тақрорланадиган ўйинларга ўтиш ва «аралаш» стратегиялар асосида нормалар яъни, t_0 вақт лаҳзасида индивид A стратегияни, t_1 вақт лаҳзасида эса B стратегия танлагандаги бўллади.

Қисқача хулоса

Институционал иқтисодий назариянинг предметини индивидларларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда ушбу ҳамкорликни таъминловчи тузилмалар ташкил этади.

Жон фон Нейман ва Оскар Моргенштерннинг «Ўйинлар назарияси ва иқтисодий хатти-харакат» (1944) китобидаги фикрлар институционал иқтисодиётда ўйинлар назариясини татбиқ этиш учун асос бўлган. 1994 йилга келиб, биринчи бор “нокооператив ўйинлар” назариясидаги мувозанат таҳлили учун бир варакайига уч тадқиқотчи иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлди. Булар: Райнхад Селтен (Германия), Жон Нэш (АҚШ), Жон С.Харсани (АҚШ). Ўйинлар назариясидаги формал моделни ташкил этиш учун: иштирокчи индивидларнинг мавжудлиги; ҳар бир иштирокчининг имкониятлар тўплами; иштирокчиларнинг стратегиялари хисобга олинниши лозим.

Ўйинлар назарияси таркибий жиҳатдан кооператив(коалицияли) ва нокооператив (коалициясиз) назарияларга ажратилади. Ўйин (G)ни таҳлил этишда уч қисм: ўйинчилар сони (N); стратегиялар мажмусаси (St); иштирокчиларниң ютуқ (P)лари асос бўллади.

Ҳар бир ҳамкорлик учун мувозанатларнинг турли ҳиллари мавжуд бўлиши мумкин: устун стратегияли мувозанат, Нэш бўйича мувозанат, Штакельберг бўйича мувозанат ва Парето бўйича мувозанат.

Талич сўз ва иборалар

Ўйинлар назарияси, расмий модель, кооператив (коалицияли) ва нокооператив (коалициясиз) назариялар, стратегия, устун стратегияли мувозанат, Нэш бўйича мувозанат, Штакельберг бўйича мувозанат ва Парето бўйича мувозанат.

Тақоролаш учун саволлар

1. Нима учун институционал назарияда математик аппарат неоклассикаси учун анъанавий хисобланган математик аппарат тилидан эмас, балки ўйинлар назариясидан фойдаланилади?
2. Индивидлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг қайси асосий муаммолари ўйинлар назарияси ёрдамида моделлаштирилади?
3. Кооператив (коалицияли) ва нокооператив (коалициясиз) назарияларнинг хусусиятларини изохланг.
4. Устун стратегияли мувозанатни шархлаб беринг.
5. Нэш бўйича мувозанатни шархлаб беринг.
6. Штакельберг бўйича мувозанатни шархлаб беринг.
7. Парето бўйича мувозанатни шархлаб беринг.

IV бөб. РЕЖА ИНСТИТУТИ ВА БОЗОР ИНСТИТУТИ

4.1. Иқтисодиёт фаолият юртишининг нормалар тизимининг шаклланиши

Нормалар индивидларнинг ўзаро мувофиқ муносабатлари барқарорлигининг асосий кафолати хисобланади. Индивид томонлар харакатларини тушуниш ва ўз ҳаракетини улар билан мувофиқлаштириш учун бирор-бир нормани ташлаш баробарида умуман тизимнинг барқарорлигини таъминлайди. Индивид нормадан четга чикса, уни нормага қайтарувчи тартибга солиш механизмининг мавжудлиги нормалар тизимини шакллантиради. Шунингдек, нормалар тизими макро ва микродаражалар ўртасидаги асосий боғловчи бўтнинг айланади.

Индивидларнинг иқтисодий фаолият юртишини таъминловчи нормалар тизимига иқтисодиётнинг асосий конуни (конституцияси) дейилади. Буйруқбозлик ва бозор иқтисодиёти тизимларида ўзаро зид нормаларга амал қиласди. Масалан, бозор тизими факат индивидлар кундалик иқтисодий фаолиятида у асосланадиган нормалардан фойдаланган даражага кўра барқарор ва такрор ишлаб чиқаришга кодир бўлади. Шахсий манфаатларини кўзловчи индивидлар ўртасидаги битимлардан макроиқтисодий даражага ўтиш бозор ҳатти-харакатлари нормалари орқали амалга оширилади.

Буйруқбозлик иқтисодиётининг нормалар тизими сурункали тақчиллик, яъни ресурсларнинг етишмаслигини ўзида намоён этади. Тақчилликнинг маълум даражада барқарорлашуви ҳамда иқтисодий агентлар ушбу даражага мослашуви тизимда нормал тақчиллик ҳолатини юзага келтиради. Бунда буйруқбозлик иқтисодиётига хос навбатнинг катталиги ресурслар ва тайёр маҳсулотларнинг нормал захиралари ва ҳоказолар тушунилади. Бошқача айтганда, нафакат Вальрас бўйича умумий мувозанат иқтисодий тизимнинг барқарор ҳолати билан чекланади, балки тизим ҳатто мувозанатсиз ҳолатда ҳам барқарорлашиши мумкинлиги намоён бўлади.

Умуман, буйруқбозлик ва бозор тизимларида қўлланиладиган нормаларнинг таркибий тузилишини куйидаги жадвалда кўриш мумкин.

Куйида ушбу нормаларнинг иқтисодиётда намоён бўлиши кўриб чиқилган.

4.1.-жадвал

Иқтисодиёт асосий конуни нормаларининг гурулланиши

Бозор иқтисодиёти нормалари	Буйруқбозлик иқтисодиёти нормалари
Мураккаб фойда (манфаат) кўриш (утилитаризм)	Оддий фойда (манфаат) кўриш
Рационал мақсадли феъл-атвор	Мафкуравий кадрият рационаллiği
Индивидуаллаштирилмаган ишонч	Индивидуаллашган ишонч
Хайриҳохлик	«Сен – менга, мен – сенга»,
Ижобий маънода эркинлик	
Конунга ихтиёрий бўйсуниш	Конунга тилда бўйсуниш

4.2. Буйруқбозлик иқтисодиёти нормалари

Буйруқбозлик иқтисодиётининг нормал ҳолатлари учун зарур бўлган нормалардан бири оддий фойда кўриш хисобланади. Бунда индивид томонидан ўз фойдалилигини оширилиши ўзига хос равишда намоён бўлади. Яъни, оддий фойда олиш индивиднинг самарали фаолияти билан боғлик бўлмаган ҳолда ўз фойдалилигини оширишга интилишидир.

Индивид истеъмол маданиятидаги оддий фойда кўриш “квартира – машина – дала ҳовли” учлигига акс этади. Индивидда бундай катта орзунинг юзага пайдо бўлиши ва қулай ҳаёт шароитларини таъминлашга интилиш сабиқ шўролар (советлар) жамияти намунасида XX асрнинг 70-80-йиллардаги ўзига хос шаклга эга тенденциялар билан тавсифланади. Бунда истеъмолнинг маълум даражасига эришиш учун ноёб (такчил) ресурслардан фойдаланиш имконияти самарали меҳнат бўйича эмас, балки маълум касб тоифасидаги ходимлар (савдо соҳаси, бюрократик аппарат, темир йўл ва ҳаво йўли транспорти ходимлари, чет элга чиқиш имкониятидагилар) ўртасида бўлинган эди.

Яъни фойда (манфаат) кўриш нормаси буйруқбозлик иқтисодиётида факат оддий шаклда – индивиднинг самарали фаолият билан боғлик бўлмаган ҳолда фойдалиликни оширишга интилиши сифатида мавжуд бўлган. Иккинчидан, такчиллик шароитидаги истеъмолда фойдалиликни оширишга интилиш навбатда туриш зарурлиги, асаббузарликлар, оворагарчиликлар, жанжаллар (низолар) туфайли келиб чиқсан юкори руҳий кечинмалар билан чекланди. Буйруқбозлик тизимининг бу тавсифи «сабр чегараси» тушунчаси билан ҳам изоҳланади. Сабр чегараси деганда низолар ва кескинликлар жамланишининг ундан кейин иқтисодий агентлар шикоят кила бошлайдиган ва норозилик намойиш этадиган даражаси тушунилади. Шундай килиб, буйруқбозлик иқтисодиётининг биринчи нормаси оддий ва чекланган фойда кўришдан иборат.

Буйруқбозлик иқтисодиёти нормалари тизимининг иккинчи унсури тўлиқсиз рационал фаолият билан изоҳланади. Бунда, биринчи навбатда ахборотнинг чекланганлиги ва тўлиқсизлиги билан шартланган тўлиқсиз рационаллик тушунилади. Иқтисодий агентлар эркин шаклланмаган нарх ва такчил ресурслар шароитида нархлардаги мавжуд ахборотни нархга тааллуқли бўлмаган – захиралар ҳажми, навбатларнинг узунлиги ва ҳоказолар ҳакидаги маълумотлар билан тўлдирадилар. Соф кўрсаткичларда ахборот олиш эса, ҳамма вақт уни йигиш билан боғлик юкори даражадаги харажатларни келтириб чиқаради. Натижада тизимда «низо», яъни сотувчи ва харидорлар фикрларини мувофиқлаштиришда кечикишлар пайдо бўлади.

Низо прогностлардаги хатолар, манфаатдор шахсада бошка субъектларнинг ҳолати ва мақсадлари тўғрисида ахборотнинг мавжуд эмаслиги, манфаатдор шахснинг қарор кабул килишдаги бекарорлиги, ўзгарувчан шароитта мослашишдаги нокулайлиги шаклига эга бўлади. Бундан ташқари, тўлиқсиз рационал фаолият, иқтисодий агент учун факат ташқаридан белгиланган мақсадларга эришиш воситаларини ташлаш эркинлиги билан ифодаланган. Мафкура билан белгиланган партия-хўжалик аппаратининг мафкуравий

максадлари режа топшириклари шаклини қабул қилувчи муайян маъмурий ва хўжалик вазифаларига айланади. Бошқача айтганда, буйруқбозлик иқтисодиётида иқтисодий субъектларнинг фаолияти – мафкуравий қадрият рационаллиги мельрига асосланади.

Ишонч нормаси иккита шаклда давлатга ишонч сифатида ва бир бирини яхши билган шахслар доираси билан чекланган микродаражадаги ишонч сифатида мавжуд бўлади. Ҳар кандай аҳамиятли битимнинг давлат органига: партия, режа, таъминот органига мурожаат этиш билан боғликлиги сабабли давлатга ишонмай, бошқа йўл тутишнинг иложи йўқ. Бундай вазиятда бевосита ҳамкорга ишониш мутако ортиқча бўлиб, давлат учинчи томон сифатида битим шартларининг бажарилишини кафолатлавди. Бирок микродаражадаги ишонч барибир *максимал индивидуаллашган* шаклда мавжуд бўлади.

Бу норма ҳам уй хўжалигига, ҳам корхонада амал килади. Уй хўжалигининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида оғирлик марказининг оиласкариндошлиқ таркибига, дўстлар ва таниш-билишларга кўчирилади. Масалан, ўзаро ҳамкорлик умуман врач, сартарош билан эмас, балки *таниш* врач ёки сартарош билан амалга оширилади. Корхоналар хатти-харакатини ҳам худди шундай таърифлаш мумкин. Улардан ҳар бири барқарор шерикчилик доирасига эга бўлиб, бунда ушбу корхоналар раҳбарлари ўргасида шахсий даражада ишончили муносабатлар йўлга кўйилади. Яъни директорлар ўргасида ўзаро ёрдам ва ўзаро ишонч тамойиллари асосига курилган корпоратив муносабатлар шаклланади.

Буйруқбозлик иқтисодиётининг навбатдаги асосий нормаси «сен – менга, мен – сенга», ёки ўзаро хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги келишувдир. Такчил ресурсни олишнинг кенг тарқалган варианларидан бирига қўра, истеъмолчи ва етказиб берувчи вақти-вақти билан вазифаларини алмаштириб туради, яъни “буғун мен пўлат бериб тураман, сен эса эртага болтдан ёрдам қилиб турасан”. Айнан ҳар кандай бартер битими асосида «Сен – менга, мен – сенга» нормасидан фойдаланиш ётишига ишонч ҳосил килиш мумкин. Ҳатто, бартер алмашуви занжир бўйича амалга оширилиши мумкин бўлса-да, ушбу нормага локал ва таниш-билишлар доираси билан чекланган хусусиятни йўқотиш имконини бермайди.

Ниҳоят, қонунга бўйсунниш нормаси. Ҳар кандай ўзаро муносабатнинг давлат назорати остида бўлишига қарамай, буйруқбозлик иқтисодиёти доирасида конунлар партия манфаатларига бўйсунган. Бунинг учун расмий асос бўлмаса-да, партия карорлари *де факто* қонун кучига эга бўлган. Ҳатто эълон килинган *де юре* умумхалқ мулкчилик шакли ҳам *де факто* мулкчилик шакли билан, хусусан, бюрократик органлар – «идоралар» (вазирликлар ва идоралар) мулки бўлган. Бюрократиянинг бундай ўзбошимчалиги оддий фукароларнинг қонунга нисбатан муносабатига акс тавсир ўтказган. Бошқача айтганда, буйруқбозлик иқтисодиётида иқтисодий субъектларнинг хатти-харакати қонунга тишида бўйсунниш нормаси сифатида тавсифланади. Демак, буйруқбозлик иқтисодиёти конституциясининг асосий нормалари тизимнинг мувозанатсиз ҳолатини баркарорлаштирга хизмат килади.

4.3. Бозор иқтисодиёти нормалари тизими

Бозор иқтисодиёти нормалари – бозорда битимларни ғамалга ошириш ва унда мувозанатга эришиш имконини берувчи хатти-харакатларнинг ўзаро шартланган нормалари йигиндисини ташкил этади. Бозорлардаги баркарор мувозанат бозор нормаларидан фойдаланишнинг натижаси хисобланади Бозор нормалари тизими асосида ётувчи биринчи норма – мураккаб фойда кўриш нормаси бўлиб, у нафакат индивидни фойдалиликни оширишга йўналтириш, балки унинг олинадиган фойда билан ўзининг самарали фаолияти ўртасидаги алокани англаб етишини назарда тутади. Яъни фойда (манфаат) кўриш индивид томонидан ўз фойдалилигининг самарали фаолият асосида оширилишидир.

Мураккаб фойда кўриш нормаси индивиднинг эҳтиёжлар даражаси ва самарали фаолияти ўртасидаги номувофиқликни истисно этади. Баъзан бундай номувофиқлик юкори ишлаб чиқариш салоҳияти ва юкори меҳнат самарадорлигига эга бўлмаган мамлакат аҳолиси ўртасида юкори истеъмол стандартларнинг тарқалишида юзага келадиган «номувофик кутишлар инклиблари» асосида ётади. Ушбу вазиятда асосан оммавий ахборот воситалари оркали юз берадиган янги истеъмол стандартини кабул килиш жамиятда ҳукмронлик қилувчи самарали фаолият моделига тааллукли бўлмайди.

Бундан ташкири, кулагай шароитлар мавжуд бўлганида оддий утилитаризм фойдалиликни оширишни рентани излашга айлантиришни назарда тутади. Мукаммал рақобат вазиятидан ҳар қандай четга чиқиш, алмасиши (тарифлар, квоталар) учун чекловлар ўрнатилиши оддий утилитаризм сайди-харакатларини рентани излашга ёки, бошкacha айтганда, фойдага самарасиз йўналтирилишга айлантиради. Индивиднинг рентани кўпайтиришга интилишини норматив чеклаш сифатида мураккаб манфаат кўриш, яъни индивид томонидан бошқалар зиёнига эмас. балки факат ўз фаолияти хисобидан ютукка эришиш мумкинлигининг тан олиниши мукобил вариант хисобланади.

Агар фойда кўриш нормаси индивиднинг мақсадли вазифасини белгиласа, *рационал мақсадли феъл-атвор (хатти-харакат)* нормаси фойдалиликни муайян вазифаларнинг ҳал этилиши билан боғлаган ҳолда оширишни муайянлаштиради. Маълумки, рационал мақсадли феъл-атвор индивиднинг рационал ва ўйланган мақсадига эришиш учун ташкири олам нарсалари ва инсонларнинг маълум феъл-атворидан фойдаланишини назарда тутади. Ахборотнинг тўлиқсизлиги ва уни қайта ишлаш бўйича малакали қобилиятларнинг чекланганлиги шароитида рационал мақсадли феъл-атвор найранг килишга айланади: агар индивид катта ҳажмдаги ахборотга эга бўлса, у ўзининг ҳамкори билан найранг килади. Индивид шу усул билан атрофидагиларни ўз мақсадига – фойдалиликни оширишга эришиш воситасига айлантиришга уринади.

Айрим агентларнинг фойдаланилган автомобиллар бозори ва «маънавий хатар» билан боғлик сугурта бозорида бошқаларни зиёнига учратиши ахборот асимметриясидан фойдаланишга классик мисол бўлади. Бундай айёрлик, яккол ёки нозик шаклда алдаш билан шахсий манфаат кўзланадиган хатти-харакатга

оппортунизм номи берилган. Рационал мақсадли феъл-атворни оппортунизмга айлантиришга қарши кафолатлар барча иштирокчилар фаолиятининг куйидаги ё таркибий ёки расмий-хукукий жиҳатлари билан тавсифланади:

- мукаммал малакали қобилият ва алмашувда тўлиқ ахборотга эга бўлиш;
- шартнома тузишда маҳсус таомиллардан фойдаланиш.

Иккинчи жиҳат оптимал шартнома назариясини маҳсус ўрганиш обьекти хисобланади, шунинг учун бу ерда бозорнинг асосий қонунига иккинчи унсури сифатида тўлиқ рационаллик мезонларига жавоб берувчи рационал мақсадли феъл-атворни таъкидлаш лозим.

Мақсадли рационал феъл-атвор шаклланиши асосларидан бири атроф-муҳитдаги нарсаларни ва қишиларнинг феъл-атворини кутилаётган воқеликка нисбатан мос равищда айти олишdir. Индивид томонидан кабул килинадиган карорлар хатарининг ҳамкор фаолияти асосида аниқланган вазиятлари кутилаётган воқеликка шартнома иштирокчиси ҳаракатларининг мос бўлиши учун ўта аҳамиятлиdir. Ўзаро боғликлар шароитида индивидлар ўтасидаги мунособатларни тартибга солувчи норма сифатидаги ишонч бўлган тақдирда мақсадли рационал ҳаракаттага эришилади.

Индивидга ўз ҳаракатини бошлишига қадар атрофдаги ҳаракатлар аник бўлиб, индивид танловига айрим атрофдаги ҳаракатлар бўйича кутилишларнинг таъсир килиши ишонч дейилади. Бозордаги битим билан индивидуаллашмаган ишонч ўтасидаги боғликлик олдиндан тўловларнинг амал килишида намоён бўлади. Бу энг оддий бозор битими хисобланади. Иктисодиёти ривожланган малакатларда индивидуаллашмаган ишонч бўйича ўтказилган сўровларга жавоблар (Дания-94 %; Германия-90 %; Франция-84%)да юқори натижаларга эришилган.

Бозор иктисодиётининг яна бир нормаси хайриҳолик бўлиб, бунда индивид ўзини ҳамкор ўрнига қўйиб кўради ва унинг барча кечинмалари, қизикишлари ва мўлжалларини бозор субъекти сифатида ўзидан ўтказишга ҳаракат киласди. Айрим шахслар доираси билан чекланмаган хайриҳолик индивиднинг ўз ҳаракатларида эркинликка чиққани билан боғлик. Инсоннинг фаолияти қанча эркин бўлса, у атрофдагиларнинг ҳаракатини шунча яхши тушунади ва уни олдиндан айти олади. Бу эркинлик нормасининг рационал асосланган мақсадга эришишда тўсиқ эмас, балки муваффакият шартига айланнишини таъминлайди. Сўнгти норма очиклик (эркинлик) бўлиб, бунда қонунни ҳурмат килиш ва ўз ихтиёрига кўра, унга бўйсиниш тушунилади. Бу норма айни чогда, мулкий хуқукларнинг самарали ҳимоя қилинишига ҳам йўл очади. Юқорида баён этилганлардан шу нарса келиб чиқадики, бозор иктисодиёти нормалари тизимида ҳам айрим нуқсонлар мавжуд бўлгани холда, уларнинг ўзаро боғлиқ тарзда амал килиши тизимнинг мунтазам тақомиллашувига хизмат киласди.

4.4. Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш

Индивидлар учун мулкчилик ҳуқуқларини ўрнатиш ҳамда ушбу ҳуқуқларга уларнинг амал қилиш зарурати конунга ихтиёрий бўйсуниш нормалари билан ўзаро узвий болганган. Мулкчилик ҳуқуқлари индивидлар ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатлардаги ноаникликни камайтирувчи институтлардан биря хисобланади.

Мулкчилик ҳуқуқларини тахлил қилиш учун иккита фермер ўз подаларини биря паст хосилдор бўлган иккита яйловда ўтлатишини кўриб чикамиз [47]. Берилган ҳолатга кўра, ем-хашак захиралари ушбу яйловларнинг ҳар биринида бир вактнинг ўзида иккита подани ўтлатиш имконини бермайди.

4.2.-жадвал

Фермерларнинг яйловлардан фойдаланиш имкониятлари

Кўрсаткичлар		2-фермер	
		Биринчи яйловда ўтлатиш -Р ₂	Иккинчи яйловда ўтлатиш-1- Р ₁
1-фермер	Биринчи яйловда ўтлатиш - Р ₁	2; 2	8; 4 [N ₂ P ₂ P ₁ S ₁]
	Иккинчи яйловда ўтлатиш -1- Р ₁	4; 8 [N ₁ P ₁ S ₁]	1; 1

Ушбу ҳолатда Парето бўйича оптималлик нуктаи назаридан иккита бир хил якун (4; 8) ёки (8; 4) мавжуд. Яқунлардан бирини кайд этувчи институционал карорлар бир нечта бўлиши мумкин. Улардан энг оддийси яйловдан фойдаланишдаги устуворликни унга биринчи бўлиб ўз подасини олиб келган фермерга берувчи коидани қўллашдан иборат. Келиш тартиби бўйича ноёб ресурс (яйлов)ни таксимлаш – навбат институти фаолият юритиши асосида ётувчи тамоиллардан бирини акс эттиради. Бирок навбат институтидан фойдаланиш подани кайси яйловга олиб бориш тўгрисида карор қабул қилиш вактида фермерларнинг иккиланишини камайтиrmайди, балки оширади. Бундан ташкири, иккиланиш ҳар сафар яйловни танлашда ҳам тақрорланади.

Яйловда мулкчилик ҳуқуқларининг ўрнатилишигина масалани ҳал этишининг муқобил варианти бўлади. Масалан, 1-фермер биринчи яйловнинг, 2-фермер эса иккинчи яйловнинг мулкдори хисоблансан. Ҳатто фермерларнинг нафлиилиги нуктаи назаридан бундай карорнинг номутаносиблигини хисобга олган ҳолда, иккевининг ҳам манфаати йўлида мулкчилик ҳуқуқларини тан олиш ва хурмат қилиш лозим. Кам ҳосилли яйловни олувчи иккинчи фермернинг мулкчилик ҳуқуқлари жорий этилгунга кадар ва ундан кейинги нафлиикни таққослайлик.

Мулкчилик ҳуқуқлари ўрнатилгунга кадар иккинчи фермер, агар у подасини биринчи яйловга олиб борса, $2 P_1 + 8 (1- P_1) = 8-6P_1$ га, агар у подасини иккинчи яйловга олиб борса, $4 P_1 + 1 (1- P_1) = 3P_1 + 1$ га эга бўлади. Сўнгра иккинчи фермер томонидан биринчи яйловнинг танланиши эктимолини хисобга олган ҳолда, $P_1 = EU = P_2 (8-6P_2) / (3P_1+1)$ га, оддий ҳолатда $P_1 = P_2 = 1/2$ га эга бўламиз, бу $EU = 3,75$ ни беради. Мулкчилик ҳуқуқлари ўрнатилганидан

кейин эса иккинчи фермерга 4; яъни, $4 > 3,75$ ға тенг бўлган ютуқ кафолатланган.

Иккала фермер ҳам бир вактнинг ўзида битта яйловдан фойдаланган холатларда паст ютукларга эришишга алоҳида зътиборни қаратиш лозим. Мазкур холат очик фойдаланишда бўлган ресурсларни ноокилона истеъмол килишда ўз аксини топадиган «жамоат мулки фожнасини» намоён этади. Бундай ресурслардан фойдаланишнинг хусусий ва жамоат сарф-харажатларининг номувофиқлиги уларнинг тугашига олиб келади. Бошқача айтганида, ресурсга нисбатан мулкчилик ҳукуклари аниқ ўрнатилмаган холларда унинг истеъмол килинини салбий ташки таъсиirlар ёки экстерналларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Мисол тарикасида яна иккала фермер томонидан бир вактнинг ўзида бир яйловдан фойдаланишни тасвирловчи ҳолатни кўриб чиқамиз. Мисолда ишлаб чиқаришнинг факат икки омили – фермерларнинг ери ва меҳнати хисобга олинсин.

Фараз қиласайлик, яйловга кўшимча меҳнат бирлиги сарфланган, яъни биринчи фермер згаллаган яйловга иккинчи фермер ўз подасини олиб келди. Ушбу холатда кўшимча меҳнат сарфининг самараси пасаяди. Ишлаб чиқариш (етиштириш) умумий ҳажми ошгани ҳолда кўшимча меҳнат қилган фермернинг манфаатдорлиги пасаяди ва ўртacha маҳсулотнинг камайиши юз беради. Агар яйлов хусусий мулкчиликда бўлса, у ҳолда мулкдорнинг шахсий сарф-харажатлари кўпроқ самара келтиради ва рента энг юкори бўлади. Агар яйлов умумий фойдаланишда бўлса, меҳнат сарфи самарадорлигининг даражаси пасайиб, рента йўқолади.

Юкорида баён этилганларга якун ясадб, таъкидлаш лозимки, мулкчилик ҳукукларининг ўртилиши камиди иккита сабабга кўра, иктиносидий агентлар манфаатларига мос келади, яъни уларнинг ўзаро ҳамкорлигидаги ноаниник (иккиланиш) камаяди ва ресурслардан фойдаланиш оптималлашади.

Кисқача хуолоса

Нормалар индивидларнинг ўзаро мувофик муносабатлари баркарорлигининг асосий кафолати хисобланади. Иктиносидётнинг асосий конуни (конституцияси) деб индивидларнинг иктиносидий фаолият юритишини таъминловчи нормалар тизимига айтилади. Буйруқбозлиқ ва бозор тизимларида иктиносидёт конунининг нормалари ўзаро зид ҳолда амал килади. Буйруқбозлиқ иктиносидётининг нормалар (оддий фойда кўриш, максимал индивидуаллаштириш, «сен – менга, мен – сенга», конунга тилда бўйсуниш) тизими сурункали тақчиллик, яъни ресурсларнинг етишмаслигини намоён этади. Бозор иктиносидёти нормалари тизими – бозорда битимларни амалга ошириш ва унда мувозанатга эришиш имконини берувчи хатти-харакатларнинг ўзаро шартланган нормалари (мураккаб фойда кўриш, рационал максадли феълатор, индивидуаллашмаган ишонч, хайриҳохлиқ, очиқлик) йигиндисини ташкил этади.

Таянч сўз ва мборалар

Иқтисодиёт асосий қонуни (конституцияси), буйруқброзлик ва бозор иқтисодиёти нормалари тизими, оддий фойда кўриш, максимал индивидуаллашган, «сен – менга, мен – сенга», қонунга тилда бўйсуниш, мураккаб фойда кўриш нормаси, рационал мақсадли феъл-атвор, индивидуаллашмаган ишонч, хайриҳоҳлик, очиқлик.

Такоролаш учун саволлар

1. Иқтисодиёт асосий қонуни тушунчасининг моҳиятини шархланг.
2. Агар буйруқбозлик иқтисодиёти ҳатто сурункали тақчиллик мавжуд бўлганда ҳам баркарор тизимни ўзида намоён этган бўлса, у ҳолда ўтиш иқтисодиётининг туб бекарорлигининг сабаблари нимада?
3. Буйруқбозлик иқтисодиётининг унсури ҳисобланган оддий фойда кўриш нормаси унинг бозор нормасидан қандай фарқ қиласди?
4. Бозор иқтисодиётидаги хайриҳоҳлик нормасининг маъносини тушунтириб беринг.

У 66. ТРАНСАКЦИЯ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШГА ЁНДАШУВЛАР

Тадбиркорлик фаолиятини юритувчи иқтисодиёт субъектлари (юридик ва жисмоний шахслар) фаолияти жараённда мулкчилик ҳукуки алмасиши (шартномалар асосида маҳсулотни сотиш ёки сотиб олиш ва шу каби бошка ҳолатларда), бошка шахслар томонидан мулкка нисбатан ноқонуний хатти-харажатлар содир этилган шароитларда уни ҳимоя қилиш ёки иқтисодий ислохотлар жараённда аввал фаолият юритиб турган институтлар ва нормаларни ингилари билан алмаштириш зарурати юзага келади.

Шундай вазиятларда тадбиркор ёки давлат томонидан турли харажатлар қилишига зарурат пайдо бўлади. Бундай харажатлар хорижий маёнбаларда “трансакция харажатлари” тушунчаси билан юритилиди ва у институционал иқтисодиёт назариясининг таркиби кисмларидан бирни сифатида институтлар билан бир каторда унинг категорияси хисобланади.

Трансакция харажатлари тушунчаси билан бир каторда трансформация харажатлари тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, ушбу тушунчаларни тўғри англаб етиш уларни таҳлил қилиш учун муҳим аҳамиятга эга.

5.1. Трансакция ва унинг турлари

Инглиз тилидаги “transaction” сўзини иккиси таркибий қисмга ажратиш мумкин, яъни “trans” (транс), ўзбек тилида “ўзаро” сўзини билдиради, “action” (акция) эса – “харакат” деганидир. Булардан келиб чиқадики, “трансакция” сўзи “ўзаро харакат” деган маънони билдиради.

Демак, “трансакция” – бу иқтисодиёт субъектларининг ҳар кандай ўзаро харакатини ёки ўзаро муносабатини англатади, кайсиким бунда ҳеч бўлмагандан битта ҳамкор иштирок этиши зарур. Шундай қилиб трансакция иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка асосланган харакат хисобланади.

Илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, “трансакция” тушунчасига муаллифлар ёндашувига ҳамда тадқикот обьектига караб турлича таърифлар берилтган.

Трансакция – бу товарларни ўзаро алмашиш эмас, балки жамнят томонидан яратилган мулкчилик ҳукуклари ва эркинликлардан ўзгалар фойдасига воз кечиш ва уларни ўзлаштириш хисобланади. Ушбу трансакция таърифидан шу нарса келиб чиқадики, трансакциянинг маъноси кандайдир нарсаларни бевосита алмашишни амалта оширишдан эмас, балки кандайдир активларга бўлган муайян ҳукукларнинг бир субъектдан бошкасига ўтишини англатади.

Трансакция – бу иқтисодий жараён хисобланади, ушбу жараёнда унда иштирок этувчи томонлар муайян иқтисодий мақомга (мулкдор, фойдаланувчи мақоми ва ҳ.к.) эга бўлишади ёки бошқалар ундан воз кечади.

Трансакциянинг таърифи ва унинг изоҳлари трансакция турларини кўриб чиқиш, уларниң бир турини бошкаси билан алмаштириш жараённи нима билан

шартланганларини аниклашга имкон беради. Трансакцияларни турларга ажратишнинг аҳамияти шундан иборатки, у иктисодиёт субъектлари ўртасидаги ўзаро алмашувларга воситачилик қилувчи муқобил варианктарни қиёсий таҳлил қилиш имконини беради. Муқобил варианктар – бу иктисодиёт субъектлари ўртасидаги чекланган неъматлар борасидаги ўзаро ҳамкорликка воситачилик қилувчи кондадарнинг тизимли ёпик (бўлинмас, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи) тўпламлари йигиндиси ҳисобланади.

Трансакцияларни кўйидаги учта турини ажратиш мумкин:

Савдо битими трансакцияси, бошқарув трансакцияси ва мукаммалаштириш трансакцияси.

1) Савдо битими трансакцияси – мулкий ҳукуқ ва эркинликларни тасарруфидан чиқариш ва ўзлаштириш жараёнини амалга оширишга хизмат килади ва унинг амал қилиши учун иктисодий манфаатлар ҳисобга олинган ҳолда икки томоннинг розилиги керак бўлади.

2) Бошқарув трансакцияси – бунда асосий тушунча одамлар орасида бўладиган бошқарув муносабатлари бўлиб, ушбу ҳолатда карор кабул қилиш ҳукуки факат бир томонда бўлади.

3) Мукаммалаштириш трансакцияси – бунда томонлар ҳукукларининг номутаносиблиги кузатилади, бироқ бошқарувчи томон ўрнида ҳукуклар таснифини амалга оширувчи жамоа бошқарув органи иштирок этади. Бундай трансакциялар орқали иктисодий агентлар орасида бойлик кайта таксимланади.

Савдо битими трансакциясида мулкчилик ва эркинлик ҳукукларини амалда кўлга киритиш ва улардан воз кечишини амалга ошириш учун тарафларнинг улардан ҳар бирининг иктисодий манфаатига асосланган икки томонлама розилиги зарур. Савдо битими трансакцияси – унда тарафлар ўртасидаги ҳукукий муносабатларнинг ўхшашлиги шартларига амал қилиш мумкин бўлган ягона шакл.

Бундай савдо битими трансакциясига ёлланма ходим ва иш берувчи (ёки улар итифоклари)нинг меҳнат бозоридаги ҳаракатлари, конун чиқарувчиларнинг сиёсий бозордаги ҳатти-ҳаракатлари, кредитор ва қарздорнинг вақтинчалик бўш турган пул маблаглари бозоридаги ҳаракатлари мисол бўла олади. Таравордан ҳар бири алмашувда иштирок этиш тўгрисида мустакил тарзда якунний карор кабул қилади. Шу нуқтаи назардан савдо трансакцияси ҳукукий жихатдан teng, лекин музокаравий кучда teng бўлиши шарт бўлмаган, тарафлар ўртасида амалга оширилади.

Бироқ, ҳар қандай ҳолатда савдо битими трансакциясининг моҳияти алмашувчи тарафлар ўртасидаги иктиёрий келишув асосида мулкчилик ҳукуклари билан алмашиндан иборат, бу ушбу иктисодиёт субъектлари ҳукукий муносабатларининг ўхшашлиги оқибатидир.

Бошқарув трансакциясида инсонлар ўртасидаги карор қабул қилиш ҳукуки факат бир тарафга тегишли бўлганда ўзаро ҳамкорликни назарда тутувчи бошқариш-бўйсуниш муносабати энг асосий ҳисобланади. Трансакцияларнинг ушбу тури корхонанинг ички муносабатларида, бюрократик ташкилотларда, шунингдек, кенг маънода – ички погона

муносабатларида мавжуд. Бошқарув трансакцияси шунинг учун мавжудиси, қарор қабул килиш хукуки, ундан кутилаётган фойда бозордаги иш ҳақининг бозор ставкасига мос келадиган фойдадан юқори бўлиши лозим бўлган даромадга алмаштирилади. Шу муносабат билан ишчи кучини ёллаш бўйича шартномалар алоҳида хуқук сифатида эркинликни ажратиш зарурлитини белгилаб берган ҳолда бошқа ихтиёрий шартномалардан тубдан фарқ киласи.

Бошлик билан ходимнинг расмий қондаларга мувофик ўзаро ҳамкорлиги бошқарув трансакциясига оддий мисоллар бўлади. Бошқарув трансакциясида ҳатти-харакат ноўхаш (асимметрик) хусусиятга эга, чунки тарафларнинг хукукий ҳолати ва ўз навбатида, хукукий муносабатлари ҳам бир хил эмас. Савдо битими трансакциясининг обьектлари алмашиладиган нesъматларга бўлган хукуклар бўлса, хукукий муносабатлар тарафларидан бирининг ҳатти-харакати бошқарув трансакциясининг обьекти хисобланади.

Агар трансакция ўз тушунчасига мос келса, бошлик бу билан бевосита ўз истагини ифода этган ҳолда буйруклар беради, ишчилар ёки ходимлар эса, бу уларнинг манфаатларига мос келиш-келмаслигидан катъий назар ушбу буйрукларни бажаради. Буйрук – бу ишчилар ва ходимлар кўллаши мумкин бўлган йўл кўйиладиган харакатлар тўпламини бир томонлама чеклаш воситасидир.

Мукаммаллаштириш трансакциясида тарафлар хукукий ҳолатининг асимметриклиги сакланиб қолади, лекин бошқарувчи тарафнинг ўринини, одатда, хукукларни таснифлаш функциясини бажаравчи жамоавий орган эгаллайди. Хусусан, директорлар кенгаши томонидан компания бюджетининг тузилиши ва вакиллик ҳокимияти органи томонидан тасдиқланиши, арбитраж судининг харакатланувчи субъектлар ўртасида юзага келадиган низо бўйича қарорлари рационаллаштириш трансакциялари хисобланади. Бир тараф (директорлар кенгаши, суд) иккичи тараф (бўлинмалар раҳбарлари, даъвогар ва жавобгар)нинг хукукларини белгилаб беради.

Трансакция харажатлариният мавжуд бўлиши трансакцияларнинг у ёки бу турини вакт ва мухит шаронитига мос равиша янада самарали бўлишига ёрдам беради. Шунинг учун мазкур операциялар тартибга солувчи конун-қондаларга боғлик ҳолда трансакцияларнинг турли хилларига боғлик бўлади.

Трансакциялар оддий (масалан, бозордан бирор нарсани сотиб олиш) ёки мураккаб (мисол учун, автоматлаштириш тизимини ташки маслаҳатчилар ёрдамида жорий қилиш) бўлиши мумкин. Мураккаб ва масъулиятли келишувлар ҳар доим шартномалар орқали расмийлаштирилади.

Фьючерс битимлар (факат келгусида товарни харид қилиш ёки сотиш хукуки сотиладиган ва сотиб олинадиган палладаги алмашувдан фарқли ўлароқ) трансакцияга энг якъол мисол бўлиб хизмат киласи.

Умуман олганда, барча турдаги трансакциялар куйидаги икки кисмдан иборат бўлади.

Битимлар тузиш. Бу боскичда харидор сотувчини топиши, нархлар ҳакида маълумотлар йигиши, сифатни баҳолаши, сотувчини танлаши ва у билан битим тувиши керак бўлади. Сотувчи бозорда жой сотиб олиши,

махсулот сифати назоратини олиб бориши ва узлуксиз равишда нархлар хақида ахборот йиғиши лозим бўлади.

Олди-сотди шартномасини амалга ошириш. Бу боскичда харидор товар хақини тўлайди, уни ўз ихтиёрига ўтказади ва товар сифатини кайта баҳолайди.

Ҳар бир трансакция 4 гурухдаги маълумотларни ўз ичига олади:

1. Битим иштирокчилари; 2. Трансакцияда ишлатилган ресурслар ва кутилаётган натижалар; 3. Иштирокчиларнинг ресурс ва натижаларга нисбатан ҳуқуклари; 4. Томонлар мажбуриятлари.

Тузилган шартномалар доирасида трансакция муносабатларини амалга ошириш катта харажатлар билан боғлик бўлади (5.1 – расм). Улар икки гурух харажатларига бўлинади – трансакция ҳамда трансформация харажатлари. Ушбу харажатлар мөҳияти турлари ва таркиби китобнинг кейинги кисмида батафсил кўрниб чикилади.



5.1 – расм. Трансакция муносабатлари ва улар билан боғлик харажатлар турлари

Таъкидлаш жоизки, трансформация харажатлари хам трансакция харажатлари каби иқтисодий тизимнинг барча погоналарида юзага келади. Айникса, трансакция харажатлари бозор иқтисодиётiga ўтиш ва унинг тузилмаларини хамда янги институционал мухитни яратишда нисбатан катта ҳажмларда бўлади. Шу билан бир вактда улар ўткинчи (бир маротабалик) харажатлар эмас, балки бундай харажатлар кўлами давлатнинг макро даражадаги институционал ислохотлар сиёсати хамда мамлакат ташки иқтисодий алокалар ривожи билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Шу боис трансформация жараёнлари билан боғлиқ бўлган давлат хамда корхоналар миқёсидаги харажат турлари ва таснифларига алоҳида йўналиш сифатида қараш лозимидир.

5.2. Трансакция харажатлари ва уларни таҳлил қилишга Коуз-Уильямсон ёндашуви

Трансакция харажатлари тушунчасини кўллаган ҳолда дастлабки тадқиқотлар Р. Коуз [42] томонидан фирмалар фаолиятини таҳлил қилиш учун ўтказилган. Бўнга XX асрнинг 60-йилларида саноати ривожланган етакчи мамлакатларда ижтимоий-иктисодий муаммоларнинг кескинлашуви сабаб бўлган. Ягона хўжалик тизимини яратишга интилиш, меҳнат таксимотининг чукурлашуви, мулкнинг янги турлари, масалан, интеллектуал мулкнинг пайдо бўлиши, мулк хукукларининг алоҳида ваколатларга бўлинниб кетиши – буларнинг барчаси трансакция харажатлариният сезиларли даражада ўсишига олиб келди.

Трансакция харажатлари назарияси доирасида ўтказиладиган тадқиқотларни микро ва макродаражаларга бўлиш мумкин. Микродаражада гап жараёнларни корхона (фирма), алоҳида иқтисодий субъектлар даражасида таҳлил қилиш ҳакида, макродаражада эса умуман иқтисодий тизимни таҳлил қилиш ҳакида боради. Ушбу таҳлил қилиш белгисига мувофик трансакция харажатлари назариясида иккита ёндашув мавжудлигини изохлаш мумкин: биринчиси, Коуз – Уильямсоннинг трансакцион ёндашуви (барқарор фаолият юритувчи институтларни таҳлил қилиш учун) ва иккинчиси Нортнинг трансформацион ёндашуви (институционал ўзгаришларни таҳлил қилиш учун).

Бундай ёндашувлар ўтиш иқтисодиётiga эга мамлакатларда трансформацион жараёнларнинг институционал жихатларини тадқиқ этиш имконини беради. Хусусан, биринчи ёндашувни давлат ва хусусий мулкчилик тузилмаларининг самарадорлигини киёсий таҳлил қилиш, норасмий институтларнинг шаклланиш жараёнларини, жамият ва иқтисодиётнинг криминаллашувини изохлаш учун, иккинчи ёндашувни эса бўйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётни тизимига ўтишнинг институционал сабабларини, ўтиш иқтисодиётiga эга мамлакатларда ислохотлар жараёнларининг бориши ва натижаларини таҳлил қилиш учун кўллаш мумкин.

Трансакция харажатларини иқтисодий таҳлилга киритиш, Р. Коузнинг фикрига кўра, бозорга қарама-карши бўлган фирма каби ўзини-ўзи онгли

равишида назорат килиш имконига эга бўлган “оролчалари”нинг мавжуд эканлигини тушунтириш учун зарур бўлган.

Р.Коуз “Фирма табиати”, деб номланган мақоласида (1937) трансакция харажатларини “нархлар механизмидан фойдаланиш харажатлари”, “очик бозорда алмашув трансакцияларини амалга ошириш харажатлари” ёки “бозор харажатлари” сифатида белгилаган. Кейинчалик “Ижтимоий харажатлар муаммоси” мақоласида (1960) Р.Коуз “бозор трансакция харажатлари” иборасидан фойдаланган. Уларнинг моҳиятини у куйидагича ифодалаган: “бозор трансакциясини амалга ошириш учун ким билан битим тузиш маъқуллигини аниклаб олиш, ким билан ва қандай шартларда битим тузишни истаётганилиги хакида барчага маълум қилиш зарур, дастлабки музокараларни ўтказиш, шартномани тайёрлаш, шартнома шартларининг бажарилишига ишонч хосил қилиш учун маътумотларни тўплаш ва хоказолар”⁸.

Аммо иқтисодий адабиётларда “трансакция харажатлари” ибораси мустаҳкам ўрин эгаллаган. Бунда трансакция харажатларига берилган куйидаги таъриф кенг тарқалди: “трансакция харажатлари – ахборотни тўплаш ва кайта ишлаш харажатлари, музокаралар олиб бориш ва карорлар қабул қилиш, шартноманинг бажарилишини назорат килиш ва юридик химоялаш харажатлари”.

Илмий манбаларда берилган таърифларга мувофиқ трансакция харажатларини қуйидаги тарзда таснифлаш мумкин:

- 1) ахборотни излаш харажатлари (нархлар, мавжуд товарлар, етказиб берувчилар ва истеъмолчилар тўғрисида ахборотни йигиш ва кайта ишлаш учун сарфланган вакт);
- 2) музокаралар олиб бориш харажатлари;
- 3) алмашувга кирганди таърифларга мувофиқ трансакция харажатларини назорат килиш ва юридик химоялаш харажатлари;
- 4) тафсирлаш ва мулкий хукукларни химоялаш харажатлари;
- 5) оппортунистик хатти-харакатдан химоялаш харажатлари, бунда битим шартларини бузувчи ёки бир томонлама фойда олишга йўналтирилган нотўғри хатти-харакат тушунилади.

Трансакция харажатларини таснифлашга нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Таснифлашни битимни тузиш боскичларига мувофиқ амалга ошириш маъқул. О.Уильямсон трансакция харажатларини битим тузилгунга қадар ва битим тузилганидан сўнг юзага келадиган харажатлар, дея таърифлайди. Агар шерикни қидириб топиш, манфаатларни мувофиқлаштириш, битимнинг бажарилишини назорат килиш битим тузишнинг боскичлари сифатида ажратилса, у ҳолда трансакция харажатларини таснифлаш куйидаги 5.1-жадвал кўрнишига эга бўлади.

Трансакция харажатларининг бундай таснифланиши уларни миқдорий баҳолаш масаласига нисбатан микро ва макроиктисодий даражада ёндашиш имконини беради. Масалан, квартирадан фойдаланиш хукуқининг мулкдор

⁸ Коуз Р. Фирма, рынок и право. – М.: Дело ЛТД, 1993, 8-9 6.

Трансакция харажатларининг таснифланиши

Битим тузилгунга кадар амалга оширилган харажатлар	Битим тузилганидан кейинги харажатлар
Ахборотни излаб топиш харажатлари – имкониятли шерик хакидаги, бозордаги вазият хакидаги ахборотни излаб топиш харажатлари. шунингдек, кўлга киритиладиган тўликсиз ва номукаммал ахборот билан боғлик йўқотишларни ўз ичига олади.	Мониторинг ва олпортуязмийнг олдини олмиш харажатлари – битим шартларига риоя этилишини назорет хилиш ва ушбу шартларни бажаришдан бош тортишнинг олдини олиш харажатлари
Музокаралар олиб бориш харажатлари – алмашув шартлари, битим шаклини таъланаш хакида мулокотлар олиб бориш харажатларини ўз ичига олади	Тафсирлаш ва мулкчилик хукукларини химоя келиш харажатлари – судлар, хакамлар харажатлари; шартномани бажариш жараённада бузилган хукукларни тиклаш учун зарур бўлган вакт ва ресурслар сарфлари, шунингдек, мулкчилик хукукларининг яхши тафсирланмаган ва ишончсиз химоядан кўрилган йўқотишлар
Шартнома тузиш харажатлари - битимни юридик ёки хуфиёна (норасмий) расмийлаштириш харажатлари	Учничи шахслардан химоялаш харажатлари - учничи шахслар (давлат, уюшган жиноятчилик ва ҳ.к.)нинг битим натижасида олинадиган фойдали самара кисмига эътирозларидан химоялаш харажатлари

томонидан ижаракига топширилишини назарда тутувчи квартирани ижарага олиш бўйича битим тузишда ижаракининг трансакция харажатлари қўйидаги шаклларга эга бўлади (5.2.-жадвал).

Шундай килиб, уй-жойни ижарага олишда юзага келадиган трансакция харажатларини микдорий баҳолашга ё воситачилик фирмаларининг даромадларини таҳлил килиш, ёки ўртача соатлик иш хақига кўпайтирилган бевосита пул харажатлари ва вакт сарфларини қўшиш ёрдамида эришиш мумкин.

Трансакция харажатларини кўпгина турлари бевосита кузатилмайди ва шунинг учун бу тоифадаги харажатлар ҳажми статистик жиҳатдан кийин ўлчанди.

Инсонлар хамма вакт, ҳеч қандай харажатларни қилмасдан, натижада ишлаб чиқариш киймати ошиши учун хукукларни кўлга киритиш, бўлиш ва ўрин алмаштириш тўгрисида келишиб олишлари мумкин. Бу “ноль даражали трансакция харажатлари” деб юритилади ва бу хукукий чегараларга боғлик хисобланади.

Ноль даражали трансакция харажатларида ишлаб чиқарувчи шартномага пировард натижада ишлаб чиқариш кийматини ошириш учун зарур бўлган барча нарсани киритади. Агар трансакция харажатлари мавжуд бўлmasa, фирманинг фаолият юритиши учун ҳеч қандай иктисадий асос бўлмайди.

Квартира ижараси бўйича трансакция харажатлари

Харажат мазмуни	Харажат шакли
Ижарага топшириладиган квартиралар, уй-жой бозоридаги нархлар хакидаги аҳборотни излаб топиш харажатлари: маҳсус нашрларни харид килиш ва эълонлар бўйича кўнгироклар ёки ризалторлик фирмасига мурожаат этиш	Пул шаклидаги харажатлар ва вакт сарфларн
Танланган квартиралар мулкдорлари билан ижаранинг алоҳида шартларни хакида мулокотлар олиб бориш харажатлари	Воситачи сарфлари ва вакт сарфлари
Танланган квартираларни бориб кўриш жареёнида уй-жой сифатини бахолаш харажатлари	Воситачи зижмасига юклатиш мумкин бўлган вакт сарфлари ва транспорт харажатлари
Ижара шартномасини юридик расмийлаштириш, уни нотариал тасдиқлаш харажатлари	Пул шаклидаги харажатлар
Мулкдорнинг ижара шартларни ўзгартариш (ижара тўловини ошириш) бўйича оппортунизмнинг олдини олиш харажатлари	Вакт ва асаб сарфлари
Мулкдор ижарачига квартирани саклаб туриш юзасидан ёзтироz билдирган ва / ёки шартноманин муддатидан олдин бузишини хоҳлаган тақдирда шартнома амал килиши муддатига берилган фойдаланиш хукукини химоя килиш харажатлари	Вакт сарфлари ва судга мурожаат этиш билан боғлиқ пул шаклидаги харажатлар

Баъзи ююри трансакция харажатларига эга бўлган аниқ ҳолатда шартномаларнинг кўпчилиги тузилмайди ва амалга оширилмайди. Чунки уларни ижро этишдан келадиган фойда харажатларга нисбатан анча кам бўлади. Шу тариқа, трансакция харажатлари амалга ошириладиган трансакциялар сонига таъсир кўрсатади (трансакция – шартнома шаклидаги битим). Шуларни инобатта олганда корхоналар нисбий устунлигини ошириш учун трансакция харажатларини тежаш имкониятларини излаш зарурдир.

Микродаражада турли хусусий ташкилий тузилмаларда харажатларни таҳлил этишда куйидаги тамойиллар кўлланилиши лозим:

1. Трансакция (битим-шартнома) – таҳлилнинг асосий бирлиги.
2. Ҳар қандай муаммони, бевосита ёки билвосита шартномавий муаммо, деб караб, уни трансакция харажатларини камайтириш нуткан назаридан ўрганиш фойдалидир.
3. Трансакция харажатларини тежашга турли трансакцияларни уларни бошқариш тузилмаларига табакалаштирилган тарзда биринтириш йўли билан эришиллади.
4. Ташкилий тузилмани танлаш мүкобил вариантларни киёсий институционал баҳолаш асосида кечади.

Микродаражада трансакция харажатлари корхонада ишлаб чиқариш жараёви билан боғлиқ бўлмаган харажатлар хисобланади. Бунда куйидаги харажатлар, яъни шартнома лойиҳасини тузиш, музокаралар юритиш ва келишув кафолатларини таъминлашда юзага келадиган харажатлар, шунингдек,

шартномани самарасиз мослаштириш, унга тузатиш киритиш билан бөглил бўлган, шартномани амалга ошириш бўйича ташланган йўлдан қайтиш, шартномадаги хатолар ва кутилмаган ташки низолар натижасида юзага келадиган харажатларни фарқлаш лозим.

Шуни инобатта олган ҳолда, иктисодиётда институтларни шакллантирища, улар фаолиятини самарадорлигини оширишда трансакция харажатлари асосий роль йўнайди. Шу нуткан назардан⁹ О.Уильямсоннинг кўйидаги хulosаси диккатга сазовор: “моддий ва хомашёларга кам харажатлар билан кўп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган жамият эмас, балки маҳсулотни ишлаб чиқаришда трансакция харажатлари улуши паст бўлган жамият ютукка зришади”.

5.3. Трансформация харажатлари ва уларни таҳлил қилишга Норт ёндашуви

Микродаражада трансакция харажатларини таҳлил қилишга нисбатан Коуз – Уильямсон ёндашуви трансакцион ёндашув, деб юритилса, макродаражада Норт ёндашуви трансформацион ёндашув, деб юритилади [46].

Таҳлилларга кўра, дастлаб трансформация харажатларини ўрганиш ишлаб чиқариш назарияси доирасида олиб борилган ва харажатларнинг ушбу тури кўпинча ишлаб чиқариш харажатлари – материални жисмоний ўзгартириш, натижада муайян кийматга эга маҳсулот олинадиган жараёнидаги харажатларга тенгглаштирилган. Ушбу харажатларга нафакат материалга ишлов бериш харажатлари, балки ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш ва мувофиқлаштириш билан бөглиқ харажатлар ҳам киритилган. Шундай килиб, бундай талқин этишда трансформация харажатлари тушунчаси кенг маъно касб этади, чунки ушбу ишлаб чиқариш харажатларига уларни факатгина шартли равишда ишлаб чиқариш харажатлари, деб аташ мумкин бўлган трансформация харажатлари ҳам киради.

Мазкур ҳолатда трансформация харажатлари муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш билан эмас, балки институционал тизимни ўзгартириш билан бөглиқ. Шундай килиб, трансформация харажатларига кўйидаги умумий търифни бериш мумкин: трансформация харажатлари эски институтларни тугатиш, иктисодий тизимда янги институтларни шакллантириш (ёки импорт қилиш) ва мослаштириш билан бөглиқ харажатлардир. Булар таркибига нафакат юкорида санаб ўтилган харажат турлари, балки янги институтлар, шу жумладан янги тадбиркорликни ташкил этиш ва бу фаолиятни юритиш билан бөглиқ харажатларни ҳам киритиш мумкин.

Трансформацион ёндашувга мувофик жамиятдаги эски расмий ва норасмий қоидаларнинг тугатилиши ва янгиларининг белгиланишига олиб келувчи ўзгаришлар трансформация харажатлари ошишига сабаб бўлади.

Республикамизда амалга оширилган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, суд-хукук

⁹ Уильямсон О.И. Экономические институты капиталиста: фирмы, рынки, «отношенческая контрагтация». – СПб.: Лениздат, СЕВ Press, 1966, с. 640-641.

тизимини ўзгартириш, янги конунчиллик тизимини барпо этиш, бозор тизимларини шакллантириш ва шу каби бошқа институтларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар шулар жумласига киради.

Трансформация ва трансакция харажатлари ўртасида фарқ мавжуд бўлишига қарамай, ушбу харажатлар ўзаро узвий боғланган. Т.Эггерссон томонидан ифодаланган қуйидаги фикр унинг моҳиятини очиб беради: агар трансакция харажатлари катта бўлмаса, у холда иқтисодиёт ундаги мавжуд сиёсий ва бошқа институтлар тўпламидан қатъи назар ҳамма вакт оптимал йўналиш бўйича ривожланади. Яъни институционал тизим фаолиятининг трансакция харажатлари катта бўлмагандан ҳар қандай ўзгаришларга юкори трансформация харажатларининг таҳди迪 тўсқинлик қиласи, техник тараққиёт ва (жисмоний ва инсон) капитални жамгариш эса автоматик тарзда иқтисодий ўсишли таъминлади.

Таъкидлаш лозимки, институционал тизимни ўзгартириш нафакат трансформация харажатларининг ўсиши, балки илгариги тизимда мавжуд бўлмаган бир катор трансакция харажатларининг пайдо бўлишига ҳам олиб келади.

Юкорида айтилган фикрлар кўп жиҳатдан самарасиз институтларнинг узоқ вакт мавжуд бўлиши ва иқтисодий ташкилот тургун шаклларининг фаолият юритишини ҳам изохлади.

Ўзгаришларга тўсқинлик қилувчи асосий кучлар Д.Норт томонидан ҳам кўриб чикилган. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) давлат – агар бу газна даромадлари билан харажатлари ўрасидаги фаркни камайтиришга ёрдам берса;

2) ўзининг шахсий манфаатларини кўзловчи нуфузли гурӯхлар;

3) жамиятнинг унинг аввалги ривожланиш йўналишига боғликлигини белгилаб берувчи институционал матрица.

Ўз навбатида, юкори трансформация харажатлари, юзага келган институционал тизимнинг самарадорлигидан қатъи назар, унинг ўзига хос баркарорлаштирувчиси ҳисобланади.

Янада самарали институционал коидаларнинг жорий этилиши ва институтларнинг ташкил этилиши катта микдордаги трансформация харажатлари билан боғлиқ, бирок янги институтлардан (трансакция харажатларини тежашдан) келадиган самара анча катта бўлиши мумкин.

Ислоҳотларга сарфланган маблағлар оддий инвестицияларга нисбатан катта ҳатарлар билан боғлиқ бўлишига қарамай, янги институтларнинг кўпроқ самарадорлигини кутиш, шунингдек, бошқа мамлакатлар тажрибаси институтларни импорт қилувчи ислоҳотчиларни харакатга келтиради.

Бундай ўзгаришларни юкори даражадаги трансформация харажатларига эга ўтиш иқтисодиётида ҳам кузатиш мумкин. Ўтиш иқтисодиётида трансформация харажатларига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1. *Ресурсларни инвестицияллашнинг анъанавий соҳаларидан янги институтларни барпо этишига йўналтириш.* Эски хўжалик механизмини тугатиш, нархни шакллантириш ва солиқ солишининг янги усулларига ўтиш,

хусусийлаштириш механизмларини яратиш, молия ва банк тизимини тубдан ўзгартериш – ресурсларни инвестициялашнинг анъанавий соҳаларидан четлаштириш билан боғлик.

2. *Қайта ташкил қилиш харажатлари*. Унинг икки жиҳатини фарқлаш лозим. Биринчидан, ислохотлар жараёнида эски тизимнинг бузилиши янги тизимнинг самарадорлиги намоён бўлгунга кадар юз беради. Бозорни эгалтаб олиш бўйича қатъий курашда иштирок этувчи кўп сонли иктисодиёт субъектларининг факатгина бир кисми ўз лойихаларини амалга оширади, натижада – жамият йўқотишларга дуч келади. Иккинчидан, мувозанатга томон харакатланиш жараёнида турли субъектлар, шу жумладан давлатнинг харакатлари хам ўйгунашмаганлиги. Ушбу жиҳат ислохотчилар томонидан етарлича баҳоланмаган ва бу ҳанузгача етарлича ўрганилмаган.

3. *Ўтиш рентасини қайта тақсимлаш харажатлари*. Буйрукбозлик тизимида жамиятдаги мавжуд ресурсларнинг катъий тартибга солиниши алоҳида гурухлар учун имтиёзларнинг пайдо бўлишига олиб келди, бу рента даромади билан бир хил бўлади. Улгуржи ва чакана нархлар, шунингдек, ички ва жаҳон нархлари ўртасидаги фарклар ҳисобидан олинган рентанинг катта кисми давлатга келиб тушиб, турли ижтимоий гурухлар ўртасида қайта тақсимланди, уларнинг кичик кисми эса амалдорлар ва хуфиёна бозор субъектлари томонига ўтди. Иктиносидиётнинг эркинлаштирилиши ушбу хилдаги рента даромадлари ва сунистеъмол қилиш имкониятларининг йўқолишига олиб келиши лозим.

Трансформация харажатларининг турларини таҳлил қилиш ўтиш иктиносидиётига бўлган мамлакатлarda уларнинг ўсиш механизмини тушунтириш имконини беради: институтларнинг дастлабки сифати қанча ёмон бўлса, уларни такомиллаштириш учун шунча кўп инвестициялар йўналтирилади; тизим мувозанатдан қанча йирок бўлса, ўтиш жараёни шунча узок давом этади ва тугатиш йўқотишлари шунчалик кўп бўлади; мувозанатдан йироқлик ўтиш рентасини қайта тақсимлаш кўламларининг катталигини, демак у учун курашиш натижасида йўқотишлар катта бўлишини англатади. Таъкидлаш лозимки, ислохотлар харажатлари ва фойдаси ахолининг турли гурухлари ўртасида нотенг тақсимланади, бу кўп жиҳатдан турли ижтимоий гурухларнинг ўзаро ҳамкорлигига боғлик трансформациялар динамикасида ўз аксини топади.

Ҳозирги вақтда ўтиш иктиносидиётига эга мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон хамда ривожланаётган мамлакатлarda юз берётган кенг кўламли институционал ўзгаришлар муносабати билан катта ҳажмдаги трансформация харажатлари муаммоси гоят кескин турибди. Бу ўринда трансформация харажатларини қандай килиб кисқартириш мумкин ва уларни кисқартириб бўладими деган савол тугилади.

Институционал мухитни сунъий равишда ўзгартеришда (мавжуд институтларни ўзгартеришда ёки мутлақо янги институтларни импорт қилишда) кўп жиҳатдан уларда бундай институтлар жамият эволюцияси жараёнида шаклланган ва муваффакиятли фаолият юритаётган мамлакатлар

тажрибасини пухта ўрганиш трансформация харажатларининг кискаришига кўмаклашиши мумкин.

Афуски, трансформация харажатлари муаммосига олим ва иқтисодчилар факат сўнгги йилларда зътибор карата бошладилар ва, трансформация харажатлари ўтиш иқтисодиёти ва ривожланётган мамлакатлар иқтисодиётининг иқтисодиёт фанида энг зарур ва муҳим унсур хисобланишига қарамай, улар кам ўрганилган омил бўлиб колмоқда.

Шу билан бир каторда янги институтларни ташкил этишининг баъзи усууллари фойдасига ҳал этиш нафакат уларнинг фаолият юритиш самарадорлиги турлича эканлиги туфайли, балки инсонлар ўртача чамалангандан баҳони чикиришда кўрсаткичларни турлича ўлчаш усуулларидан фойдаланиши сабабли ҳам фарқ килиши мумкин.

Шу нуктаи назардан трансакция ҳамда трансформация харажатларини ўлчаш муаммоси муҳим аҳамият қасб этади. Чунки трансакция харажатлари кўпинча ушбу таркибий қисмнинг ўлчаб бўлмаслиги билан тавсифланади. Ушбу соҳада тадқиқот олиб борган мутахассислар фикрига кўра, иқтисодий таҳлилга трансакция харажатларининг киритилиши деярли барча ҳодисаларни трансакция харажатларини камайтириш йўли билан эришилган самарадорлик нуктаи назаридан изохлаш имконини берган бўлар эди. Трансакция харажатларини ўлчаш имконини берувчи усуулларнинг ишлаб чикилиши ушбу соҳада эришилган самарави кадам бўлди.

Таҳлилларга кўра, ўлчаш муаммосини шартномалар тузишнинг турли усуулларидаги трансакция харажатларини тақкослаш йўли билан ҳал этиш мумкин. Бошқарувнинг муқобиъ аниқ (мавжуд) тузилмаларини тақдослашни кўпинча мураккаб математик аппаратни кўлламай ёки чегара кийматларни хисоблаб чикмай амалга ошириш мумкин. Иккита кийматнинг ўзаро мос келмаганлигини кўрсатиб бериш учун ушбу кийматларнинг чегара кийматлари тенглигига эришиладиган шароитларни аниқлашдаги каби нозик ва мураккаб усууллар талаб этилмайди.

Айрим иқтисодчилар ҳар бир муайян ҳолатда харажатларни аниқ тафсирлашни тақлиф этади, масалан, бир ҳолатда – бу хусусий тадбиркорликни ташкил этиш харажатлари (тадбиркорлик шақини рўйхатдан ўтказиш, лицензия олиш ва ҳ.к.), иккичи ҳолатда мулкий хукукларнинг ҳаракатини таъминловчи харажатлар, учинчи ҳолатда шартномаларни тузиш ва химоялаш билан боғлиқ харажатлар, тўртинчи ҳолатда корхонада карорлар қабул килиш билан боғлиқ харажатлар бўлиши мумкин ва ҳ.к.

Трансакцион ёндашувни кўллашдаги ўзига хос мураккабликлар шундан иборатки, айрим трансакция харажатлари ушбу турдаги харажатларнинг пайдо бўлишига олиб келган трансакцияларнинг мавжуд эмаслиги туфайли тафсирланиши ва хисоблаб чикилиши мумкин эмас. Бундай харажатларнинг ушбу турлари “виртуал харажатлар”, деб аталади.

5.4. Трансакция харажатларини оптималлаштириш тажрибаси

Ўзбекистонда мустакилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президент Ислом Каримов асослаб берган 5 та тамойил асосида боскичма-боскич олиб борилган бозор ислоҳотлари натижасида иқтисодиётнинг барча тармок ва соҳаларида хусусий мулкчилик шаклидаги йирик ва кичик бизнес корхоналари ташкил этилиб, уларниг бошкарув тизими бозор муносабатларига мос талаблар негизида ўзгартирилди. Улар иқтисодиётимизда салмокли ўрин эгаллаб, ривожланиб бормоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жаҳон молиявий-иктисодий инқизоризига багишланган асарида¹⁰ ҳамда 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нуткида¹¹ мамлакатимизнинг инқизориздан кейинги даврда таракқиёти ва жаҳон бозорларида ракобатбардошлигини таъминлаш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган.

Корхоналарда “катъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириши рагбатлантириш хисобидан маҳсулотлар ракобатбардошлигини ошириш” ана шундай вазифалар жумласига киради. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши натижасида амалда саноат тармокларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи 18 фоизга, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, “Ўзметкомбинат” акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, “Ўзлтехсаноат” ўюшмаси, “Ўзкурилишматериаллари” компанияси ва бошқа корхона ҳамда тармокларда 20-25 фоизга камайган¹². Бундай натижалар корхоналар ва улар маҳсулотларининг жаҳон бозорларида ракобатбардошлигини оширишнинг асосий шартлари хисобланади.

Маълумки, иқтисодиёт субъектлари сарф-харажатларининг маълум кисмини трансакция харажатлари ташкил этади. Ушбу тоифага кирувчи харажатларни камайтириш иқтисодиётни модернизация килиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнларида муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий эксперталарининг фикрича, фирманинг умумий чиқимларидан трансакция харажатларининг улуши улар анъанавий бозорда фаолият юритганда 1,5 фоиздан 5 фоизгачани, янги сотиш бозорларига чиқишда эса 10-15 фоизни ташкил этади. Ривожланган мамлакатларда трансакция харажатларининг энг катта улуши хўжалик алокалари субъектлари сонининг ўсиши, демак улар томонидан амалга ошириладиган трансакциялар сонининг ошиши билан боғлик.

Ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда эса, трансакция харажатларининг юкори даражада бўлишига яна бир сабаб – уларда ҳанузгача давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ўргасидаги ўзаро ҳамкорлик механизми пухта ишлаб чиқилмаган. Ривожланаётган мамлакатларда муаммо шундан иборатки,

¹⁰ Каримов И. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизоризи, Ўзбекистон шаронтида уни бартареф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

¹¹ Каримов И. Асосий вазифамиз – Ветанимиз таракқиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

¹² Каримов И. Асосий вазифамиз – Ветанимиз таракқиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 38-б.

давлатнинг суд ва хукукни мукофаза килиш харажатларининг асосий кисми иктисодий субъектнинг зиммасига тушади. Бундан ташкири, трансакция харажатларининг таркибига муайян маҳсулотни сотиш бозорларининг ўзига хос хусусиятлари катта таъсир кўрсатади.

Хорижий манбалар маълумотларига кўра, АҚШ ЯММда хусусий сектор томонидан кўрсатиладиган трансакция хизматларининг улуши 1870 йилги 23 фоиздан 1970 йилда 41 фоизгача, давлат томонидан кўрсатиладиган трансакция хизматларининг улуши 1870 йилги 3,6 фоиздан 1970 йилда 13,9 фоизгача ошган, бу умумий кўринишда 26,1 фоиздан 54,7 фоизгача ўсишни ташкил этади. Юз йил мобайнида ушбу ўсиш кисми трансакция харажатларининг нобозор соҳадан бозор соҳасига томон силжишини акс эттириди, лекин унинг бошқа кисми эса ресурсларнинг реал инвестиция килинишини намоён этди.

Ўзбекистонда трансакция хизматлари давлат ва нодавлат секторлари ташкилотлари томонидан олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Ташки иктисодий алокалар, савдо ва инвестициялар вазирлиги, Ўзстандарт, Олий хўжалик суди, Аддия вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси ва бошқа давлат органлари экспортчилар шартномаларини рўйхатга олиш, рухсат бериш ва бошқа назорат хизматларини олиб боради. Трансакция хизматларни кўрсатувчи нодавлат ташкилотлари Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, ахборот-маслаҳат ва консалтинг марказлари, мулкни баҳоловчи ташкилотлар, маркетинг хизматлари ва бошқа идоралар тадбиркорларни кўллаб-куватлаш, маслаҳат ва ахборот хизматларни кўрсатади.

Тахлиллар кўрсатадики, тадбиркорга турли трансакция хизматларини кўрсатиш, айниқса уларнинг ўз ишларини очиш билан боғлиқ харажатлар ушбу соҳада хизмат кўрсатувчи давлат сектори тузилмалари зиммасига тўғри келади. Шуларни инобатга олиб, мамлакатимизда Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозига карши чора-тадбирлар дастури доирасида тадбиркорларга рухсат бериш билан боғлиқ амалдаги трансакция харажатлари (тўлов микдори) кискартирилди ва улар оптималлаштирилди.

Маълумки, тадбиркор ўз фаолиятини бошлиши учун белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиши лозим. Бунинг учун тадбиркор давлат рўйхатини юритувчининг хизмати учун, яъни туман ҳокимлиги бўлинмасига пул тўлаши талаб этилади. Аввал ана шу ҳак 5 та энг кам иш хаки (ЭКИХ) микдорида бўлган. Ҳозир эса тадбиркор хукумат карорига асосан 2 та ЭКИХ микдорида пул тўлаб, давлат рўйхатидан ўтиши учун 140,2 минг сўм тўпланган бўлса, ҳозир бу 56,1 минг сўмгача ёки 60 фоизга камайтирилди. Ушбу чора туфайли 2009 йилда давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлар сони 2008 йилга нисбетан 6 минг нафардан кўпни ташкил этди. Шу билан бирга банкда хисоб раками очиш учун тўлов 28 минг сўмдан 14 минг сўмгача камайтирилди. Шунингдек, ер участкаларини расмийлаштириш хизмати харажатлари ҳам 56 фоизга ёки 130 мингдан 58 минг сўмгача кискартирилган.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, тадбиркор томонидан курилиш лойихаларини амалга ошириш ёки қурилиш ишларини бажариш бўйича

тандловларда катнашиш, лойихаларни экологик экспертизадан ўтказишга рухсат олиш жараёнлари учун тўланадиган тўловлар суммаси илгари бирмунча юкори бўлган. Масалан, тадбиркор аввал курилиш архитектура-режа топширик тўпламини олиш учун 1 млн. 120 минг сўм маблаг тўлаган, ҳозир эса ушбу сумма 4 баробарга кискартирилиб, 280,4 минг сўм микдорида белгиланган. Ёки лойиха-смета хужжатларини экспертиза килиш харажати 280,4 минг сўмдан 84,1 минг сўмгача камайтирилган. Шунингдек, экологик экспертиза харажатлари хам 701,4 минг сўмдан 28 минг сўмгача ёки 96 фоизга кискартирилган. Ушбу йўналишда энг кўтта кискариш норматив лойихаларини экспертизадан ўтказиш бўйича кузатилди, яъни бундай экспертиза учун аввал 2,1 млн. сўм тўланган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 28,1 минг сўмга тенг ёки кискариш 99,7 фоизни ташкил этади.

Рухсат бериш жараёнлари харажатларини кискартириш, ЎзР Монополиядан чикириш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат кўмитаси маълумотларига кўра, лицензия ва рухсатномалар кийматисиз 5,4 млн. сўмдан кариб 831 минг сўмга ёки 6,1 марта га пасайтирилган. Жами ҳар бигта тадбиркор ҳисобига тежалган маблаг 4,2 млн. сўмни ташкил этади.

Шу билан бирга "Ўзтелеком", "Ўзстандарт", "Кишлоқхўжаликкимё", "Ўзагромашсервис" ҳамда қурилиш материалларни ишлаб чикириш тизимларида 30 тадан ортиқ монопол маҳсулот ва хизматларнинг кийматини (нархини) пасайтириш чоралари амалга оширилди. Жумладан, интернет провайдерлар учун техник биноларни ижарага олиш нархи 20 фоизга, уларга техник хизмат кўрсатиш 10 фоизга камайтирилган. Шунингдек, "Ўзстандарт" тизимида синов ўтказиш, метерология хизматлари, сертификат бериш, калиброрвка килиш, сифат тизимини жорий этиш, сертификатлаш хизматларини кўрсатишнинг ўртacha нархи 12 дан 20 фоизгача пасайтирилган.

"Ўзагромашсервис" уюшмаси тизимида 1 гектар майдондаги галлани ўриб-йигиб олишнинг ўртacha нархи 91,3 минг сўмдан 63,2 минг сўмга ёки 30,7 фоизга пасайтирилган. "Чирчиқчишлюхўжмац" заводида ишлаб чикириладиган пулуг нархи 6,5 фоизга, "Жиззахпластмасса" заводининг полизтилен пленкаси нархи 10,7 фоизга пасайтирилган. Қурилиш саноати корхоналарида ишлаб чикириладиган темир-бетон, шифер, электрод, гицт ва шу каби бошқа материаллар нархи 11 дан 34 фоизгача камайтирилган.

Тадбиркорларга рухсат бериш учун тўлов харажатларини кискартириш билан бирга кўплаб чеклов ва рухсатномаларнинг амал қилиш муддатлари хам қайта кўриб чиқилган. Жумладан, илгари маҳсулотлар гигиеник сертификатининг амал қилиш муддати 3 йил белгиланган бўлса, ҳозирда бу чеклов муддати бекор қилинган. Фитосанитария хуносаларни бериш муддати узайтирилди, иссиклик ва электр тармокларига уланиш учун техник шартларни бериш бир ойдан 3 кунга кискартирилди. Рекламани жойлаштириш тарифлари ўртacha 20 дан 30 фоизга пасайтирилди. Электр энергиясидан фойдаланиши учун тузилган шартнома шартларига тадбиркорлар манфаатларидан келиб чиқиб ўзгартиришлар киритиш юзасидан карорлар қабул қилинди.

Трансакция харажатларини пасайтириш ва улар таркибини оптималлаштириш тадбиркорларнинг молиявий-иктисодий салоҳиятини оширишнинг таъсирчан йўли бўлиб, у тадбиркорлар томонидан ишлаб чикарилган маҳсулотларининг ички ва ташки бозорларда ракобатбардошлигини ошириш, ишлаб чикаришни модернизация килиш, техник ва технологик янгилашга кўпроқ ички инвестицияларни ажратишнинг самарали воситаси бўлиб хизмат килади.

Кискача хулоса

Трансакция харажатлари иктисодий назарияси унда трансакцияни таҳлил килишинг асосий бирлиги сифатида иштирок этадиган иктисодий ташкилотни ўрганишга нисбатан қиёсий институционал ёндашувни ўзида намоён этади.

Трансакция харажатлари назарияси институционализмнинг таркибий кисмларидан бири хисобланади. Трансакция харажатлари эса институтлар билан бир каторда унинг асосий категориясидир.

Асосий восита сифатида “трансакция харажатлари” категориясини кўллаган ҳолда дастлабки тадқикотлар фирма фаолиятини таҳлил килиш учун амалга оширилди ва бу Р.Коуз номи билан боғлик.

Трансакция харажатлари назарияси кайсиdir маънода неоклассик иктисодий назария босиб ўтган, фирмани тадқик этишдан то иктисодий тизимни таҳлил килишгача бўлган йўлни тақрорлади.

Трансакция харажатлари мулкчилик ҳукукларини алмашиш ва химоялаш билан боғлик барча харажатлардир. Трансакция харажатлари пайдо бўлишини изохлашнинг камида учта варианти мавжуд: трансакция харажатлари назариясининг ёндашуви, ижтимоий танлов назариясининг ёндашуви ва келишувлар назариясининг ёндашуви. Трансакция харажатларини тавсифлашга нисбатан О.Уильямсон ёндашуви, яъни трансакция харажатларининг битим тузилгунга кадар ва битим тузилганидан сўнг юзага келадиган харажатларга ажратилиши уларни таҳлил килишинг асосий усули сифатида кабул килиниши мумкин.

Талич сўз ва иборалар

Трансакция харажатлари, трансформация харажатлари, микро ва макродаража, Коуз-Уильямсон ёндашуви, Норт ёндашуви, иктиносидиётда трансформация харажатлари, трансакция харажатларини ўлчаш.

Тақрорлаш учун саволлар

1. Трансакция тушунчаси нимани англатади?
2. Трансакцияларни турларини изохлаб беринг?
3. “Трансакция харажатлари”га уларнинг моҳиятнини тўлик очиб берадиган таърифни беринг.
4. Трансакция харажатларининг турларини санаб беринг. Оппортунистик хатти-харакатдан химоялаш харажатлари нима?

5. "Трансформация харажатлари"га таъриф беринг. Трансформация харажатлари ишлаб чиқариш ва трансакция харажатлари билан қандай bogланган?
6. Трансакция харажатларини ўлчаб бўладими? Виртуал ва реал трансакция харажатлари нима?
7. Жамият ривожланиши билан боғлиқ холда пайдо бўладиган трансакция харажатларининг янги турларига мисоллар келтиринг.
8. Муайян холатда трансакция харажатларининг алоҳида турларини хисоблаш имкониятини баҳоланг.
9. Ўзбекистонда трансакция харажатларини пасайтириш ва улар таркибини оптималлаштириш учун қандай чоралар амалга оширилган?

VI боб. ХУФИЁНА ИКТИСОДИЁТ

Норасмий иктисодиёт билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш иктисодиёт фанида алоҳида ўрин тутади. Бу ҳол мазкур фаолиятнинг кенг кўламлилиги ва айни пайтда унинг тўлиқ ҳажини ўлчаб бўлмаслиги билан изоҳланади.

Халкаро валюта фонди (ХВФ)нинг баҳоларига кўра, 2000-2001 йилларда жаҳонда хуфиёна фаолиятдан олинган даромад бир йилда 1 трл. доллардан 3 трл. долларгачани ташкил этди, бу жаҳон ялпи маҳсулотининг 2 фоизидан 3 фоизигачасига тенг кўрсаткичdir.

Сўнгти вақтларда иктисодиётнинг хуфиёна сектори иктисадчилар, социологлар, сиёсатчуносларнинг диккатини кўпроқ ўзига жалб этмоқда. Хусусан, унинг пайдо бўлиши ва жамиятда янада тарқалиши сабаблари батафсил таҳлил қилинмоқда. Бунда, айнича, чет элда ва Россияда кўп сонли адабиётларни юзага келтирган янги институционал ёндашувнинг кўлланилиши энг самарали восита ҳисобланмоқда.

Янги институционал ёндашув асосий эътиборни инсоннинг хўжалик фаолиятини белгилаб берувчи ва чекловчи “ўйин коидалари” билан иктисодий ривожланиш жараёни ўртасидаги боғликлликка қаратади. Анъанавий неоклассик назария, ривожланиш жараёнини таҳлил қилаётib, ишлаб чиқаришни ресурслар (ер, ишчи кучи, капитал) сарфи ва ишлаб чиқариш технологиясини товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғловчи тизим сифатида кўриб чиқкан ҳолда, уни тор маънода таърифлайди. Институционал ёндашув эса иктисодиёт билан иктисодий алмашувда “ўйин коидалари”ни белгилаб берувчи институтлар ўртасидаги тескари боғликлликка эътибор қаратган ҳолда, ушбу асосий коидаларни янада кенгайтиради.

Тадбиркорларнинг харакатлари ўрнатилган “ўйин коидалари”га мос келиб, улар билан ҳисобланади. Аксинча, ушбу коидаларга амал қилинмаган ҳолларда, тадбиркорлар иктисодиёт хуфиёна секторининг унсурлари сифатида кўриб чиқилади. Бошкacha айтганда, ўрнатилган коидаларга итоаткорлик “конуний” иктисодиётда иштирок этишининг биринчи даражали мезони ҳисобланади, айни пайтда ўрнатилган коидаларга амал қилмаслик ёки уларни четлаб ўтиш эса хуфиёна иктисодиётда иштирок этиш мезони ҳисобланади.

6.1. Хуфиёна иктисодиётиниң келиб чиқиши сабаблари

Конуний равишда кайд этилган ҳукукларга эга бўлган алмашувнинг юкори даражадаги трансакция ҳаражатлари ҳамма вакт ҳам энг самарали мулкдорларга мулкчиликнинг зарур ҳукукларига эгалик килиш имконини бермайди. Бу ҳол алмашув умуман содир бўлмаётганилиги ва иктисодий агентлар мулкчилик таркиби нооптималлигича колишига рози бўлганлигини англатмайди. Аксинча, иктисодий агентларнинг мұқобил қарорни излаши мулкчилик ҳукукларини тафсирлаш ва улар билан хуфиёна, яъни давлатнинг

иштироксиз, алмашылған ташкил қилишга уринніші күріннішида амалға оширилади.

Хуфиёналик – шахсларнинг кундалик фаолиятни ташкил қилинша мавжуд ҳуқук (конун) нормалардан фойдаланишдан бўйин товлаш ва ёзилмаган ҳуқуқка, яъни анъана ва урф-одатларда кайд этилган нормалар ҳамда мулкчилик ҳуқуқларини алмашиш ва ҳимоялаш юзасидан келиб чиқкан низоларни ҳал этишнинг ҳуқук доирасидан четга чикувчи механизмларига мурожаат этишидан иборат. Мулкчилик ҳуқуқларини дастлабки тафсирлаш жараёнида давлат уни энг самарали мулкдорларга бера олмайдиган, ҳуқуқлар билан алмашиш эса юқори трансакция харажатлари туфайли мумкин бўлмаган, таъкиланадиган даражадаги тант вазиятдан чиқиш йўли худди шу тарика топилади.

Мулкчилик ҳуқуқларининг ошкора ва хуфиёна тизимлари амалға оширилишига кўплаб мисоллар мавжуд. Маъмурӣ-буйруқбозлик иқтисодиётсида, конунда мустаҳкамланган «мулкчиликнинг умумхалқ хусусияти»га қарамай, асосий ҳуқуқлар ҳам партиявий, ҳам маъмурӣ (вазирликлар, юқори ташкилотлар) буюрократия кўлида эди. Тегишлича савдолар ва битимлар шаклини ҳосил қилган низоларни ҳал этишнинг муқобил механизмлари ҳам мавжуд эди, бунда алмашув предмети сифатида нафакат товар ва хизматлар, балки «жамиятдаги мавқе, ҳокимиёт ва бўйсуниш, қонунлар ва уларни бузиш ҳуқуқи» ва ҳатто ишлаб чиқариш давлат режалари ҳам иштирок этган.

Перулик олим Эрнандо де Сото тадқиқотларида Лотин Америкаси мамлакатлари мисолида хуфиёна иқтисодиёт масалалари жиддий таҳлил этилган. Уларда давлат суд-ҳуқук тизими ва у ҳимоя киладиган мулкчилик ҳуқуқлари алмашувларнинг факат кичик бир кисми механизмини шакллантиради. Уларда – чакана савдо, жамоат транспорти, курилиш каби иқтисодиётнинг бир қатор секторлари фаолияти мулкчилик ҳуқуқларининг хуфиёна тизимига асосланади. Масалан, Перу пойтахти Лима шаҳрида янги кўп қаватли тураржой биносини куриш мэриядан рухсат олишдан эмас, балки биринчилик тамойили бўйича курилиш учун майдонни згаллаб олишдан бошланади. Шу тарика мулкчилик ҳуқуқларининг ўрнатилиши хуфиёна кайд этилган мулкчилик ҳуқуқи даражаси билан эмас, балки южтимоий санкциялар ва оддий ҳуқук билан ҳимояланади.

Иқтисодий фаолиятни хуфиёна амалға ошириш, биринчи нафбатда, конун доирасидаги ҳаракат билан, яъни юқори трансакция харажатлари билан боғлик. Трансакция харажатларининг таснифига асосланган ҳолда, таъкидлаш лозимки, бунда асосан шартномани тузишдаги юқори харажатлар, мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоялаш харажатлари ва учинчи шахслардан ҳимоялаш харажатлари назарда тутилади. Де Сото ушбу харажатларни «қонунга бўйсуниш баҳоси», дея таърифлайди. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

- конундан фойдаланиш харажатлари (юридик шахсни рўйхатта олиш, лицензия олиш, банкда хисобварақлар очиш, юридик манзимга эга бўлиш ва бошка расмиятчиликларни бажариш харажатлари);
- конун доирасида фаолиятни давом эттириш зарурати билан боғлиқ харажатлар (солиқларни тўлаш; меҳнат муносабатлари соҳасида конун талабларини бажариш (иш кунининг узунлиги, энг кам иш ҳақи, ижтимоий кафолатлар); ошкора суд тизими доирасида низоларни ҳал этишда суд харажатларини тўлаш).

Таъкидлаш жоизки, конунга бўйсуниш баҳоси нафакат тўғридан-тўғри харажатлар, балки бирон-бир тадбирни бажариш учун вакт сарфларини ҳам ўз ичига олади. Бунда унинг айнан ушбу таркибий қисми қатор ҳолатларда жуда катта бўлади. Масалан, Лима шаҳрида уй-жойни қуриш учун рухсат олиш тадбiri таҳминан 4 йилу 1 ой, майда улгуржи бозорини ташкил қилиш учун рухсат олиш 17 йил, кичик дўконни очиш учун рухсат олиш 43 кун вактни олган. «Учинчи дунё» айрим мамлакатларида юридик шахсни рўйхатта олиш учун талаб этиладиган харажатлар 6.1-жадвалда келтирилган.

6.1-жадвал

Айрим мамлакатларда юридик шахсни рўйхатта олиш харажатлари

Мамлакатлар	Вакт сарфи (кунда)	Пул шаклидаги харажатлар (кутилаётган йиллик фойдага нисбатан %да)
Боливия	15-30	0,3-3
Бразилия	31-60	3-8
Чили	12-65	3-6
Эквадор	60-240	15-24
Мексика	83-240	-
Уругвай	75-90	6-160
Гватемала	179-525	4-9
Венесуэла	170-310	6-24

Россияда 1998 йилда корхонани рўйхатта олиш учун вакт сарфи унчалик катта эмас, лекин шу билан бирга конун доирасида фаолиятни давом эттириш харажатлари тақиқланадиган даражада юкори бўлган. Биринчи нафбатда, бу солик тўловларига тааллукли бўлиб, кўшилган қиймат солиги 20 фойзни, айланниадан тўланадиган солик 4 фойзни, фойда солингининг ўртача ставкаси 35 фойзни, иш ҳақи фондига тўловлар (шу жумладан даромад солиги ва бюджетдан ташкири фондларга тўловлар) 60 фойзни ташкил килган. Ушбу рақамларни «учинчи дунё» мамлакатларига хос бўлган конун доирасида фаолиятни давом эттириш харажатлари миқдори билан солишириш мумкин (6.2-жадвал). Айнан конунга бўйсунишининг юкори баҳоси корхонанинг кундаклик фаолият кўрсатишини таъминлаш учун конун мезёларини кўллашнинг паст фойзини изоҳлайди.

**Айрим мамлакатларда қонунчиллик мөъёрларига амал килувчи
корхоналарнинг улуши (%)да)**

Мамлакат-лар	Патент хукуки	Ер солиги	Фойда солиги	ҚҚС	Энг кам иш хаки	Мехнат хавфисалиги	Иш куни узунлиги	Ижтимоий хизоми
Жазоир	м.й.	53	83	83	54	29	30	58
Эквадор	72	м.й.	63	40	87	м.й.	49	36
Ямайка	м.й.	м.й.	м.й.	м.й.	46	27	33	20
Нигер	66	29	9	12	2	7	2	5
Таиланд	м.й.	20	60	м.й.	34	42	33	40
Тунис	85	75	м.й.	м.й.	26	52	60	49
Свазиленд	54	м.й.	16	39	16	19	41	7

6.2. Хуфиёна иқтисодиёт турларининг таснифи ва уннин бахолашга ишбатан ёндашувлар

Турли конунчиллик мөъёрларига амал килинмаслик ҳолатларининг тез-тез учраб туриши хуфиёна иқтисодиёт ўлчамининг индикатори бўлиб хизмат киласди. Бирок унинг микдорий ўлчови вазифасини ҳал этишга киришишдан олдин хуфиёна иқтисодиётнинг турли унсурларини таърифлаш лозим. Умуман, хуфиёна иқтисодиёт – унда иқтисодий фаолият қонун доирасидан ташкарида амалга ошириладиган, яъни битимлар конундан, хўжалик турмушининг хукукий мөъёрлари ва расмий коидаларидан фойдаланмаган ҳолда амалга ошириладиган соҳа. Хуфиёна иқтисодиёт бир нечта унсурдан таркиб топади.

Хуфиёна иқтисодиётнинг машхур иқтисодчи Э.Файг¹³ томонидан таклиф этилган таснифи диккатга сазавордир.

Файгнинг фикрига кўра, ҳар бир алоҳида хуфиёна иқтисодиёт турининг тафсифи унинг вакиллари бузадиган институционал коидалар тўплами билан белгиланади, яъни уларнинг фаолияти коида ва нормаларнинг ўрнатилган тизими доирасидан ташқарига чиқади ёки уни четлаб ўтади ва, ўз навбатида, ўлчанмайди ва ижтимоий жихатдан хисобга олинмайди.

Бирор-бир ҳолатда баъзи коидаларнинг бузилиши хуфиёна иқтисодиёт турларини фарқлаш мезони хисобланади. Ушбу мезондан таснифлаш тизими учун асос сифатига фойдаланган ҳолда, Э.Файг хуфиёна иқтисодий харакатларнинг тўрт турини ажратади: нолегал (махфий, яширинча), хисобга олинмаган, рўйхатта олинмаган ва норасмий иқтисодий фаолият.

1. Нолегал иқтисодиёт. Нолегал иқтисодиёт тижоратнинг конуний шакллари соҳасини белгилаб берувчи, юридик нормативларни бузувчи иқтисодий фаолият томонидан ишлаб топилган даромаднинг синоними

¹³ Файг Э. Определение и оценка подпольной и неформальной экономики: нео-институциональный подход – М.: РТТУ, 2000. -147 с.

сифатида иштирок этади. Нолегал тадбиркорлар таъқиқланган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва уларни тақсимлашда иштирок этади (гиёхвандлик моддаларини ноконуний ишлаб чиқариш, чайковчилар томонидан валюта әйирбошланиши ва х.к.). Бундай таъқиқланган иктиносий ҳаракатлар, конунни четлаб ўтган ҳолда, фойдали даромад майбай хисобланади. Шунингдек, сиёсий, иктиносий ва юридик муассасалар барқарорлигига путур етказишга хизмат килади.

2. Ҳисобга олинмаган иктиносидиёт. Ҳисобга олинмаган иктиносидиёт институционал жиҳатдан ўрнатилган, солик кодексида қайд этилган фискал қоидаларни четлаб ўтувчи ёки улардан бўйин товловчи иктиносий фаолиятни ўз ичига олади. Ҳисобга олинмаган иктиносидиётдан олинган даромадлар солик органларига хабар қилинмайди. Бунда “солик бўшлиғи” – солик тушумларини назарда тутувчи сумма билан амалда олинган даромад ўртасидаги фарқ юзага келади.

Ҳисобга олинмаган даромадларни тадқик этиш ривожланган мамлакатларда солик солиш соҳасидаги турли ўзгаришларга туртки бўлди. Солик тўғрисидаги қонунларнинг соддалашибтирилиши ва солик ставкаларининг пасайтирилиши солик солиш негизининг кенгайиши ва солик тизими харажатларининг кискаришига олиб келди. Шу билан бирга ривожланаётган мамлакатларда ҳисобга олинмаган иктиносидиёт, перулик иктиносиди Э. де Сато “меркантилист тизим” сифатида таърифлаган самарасиз фискал институтлари мустаҳкамланган ҳолда, фаолият юритишда давом этмоқда.

3. Рўйхатга олинмаган иктиносидиёт. Рўйхатга олинмаган иктиносидиёт ҳукумат статистика органларининг талабларига кўра белгиланган институционал қоидаларни четлаб ўтувчи иктиносий фаолият туридан таркиб топган. Бу ерда давлат миллий статистика тизимида рўйхатга олинмаган даромад суммаси асосий кўрсаткич хисобланади. Э.Файгнинг фикрига кўра, рўйхатга олинмаган даромад амалдаги умумий даромад билан статистика тизими томонидан қайд этиладиган даромад ўртасидаги фарқдир.

Ривожланаётган мамлакатларда уйда ишлаб чиқариш рўйхатга олинмаган иктиносидий фаолиятнинг муҳим таркиби кисмларидан бири хисобланади. Миллий даромадни хисоблаш методикаси уйда ишлаб чиқаришнинг миллий ҳисобга киритилишини назарда тутса-да, мазкур сектор, одатда, уни ўлчашнинг кийинлиги туфайли эътибордан четда қолади. Э.Файгнинг таъкидлашича, уйда ишлаб чиқаришнинг мавжуд баҳоларига кўра, у ривожланган мамлакатларда рўйхатга олинган ЯИМнинг 25-50 фоизини ташкил этади.

Таъкидлаш лозимки, ҳисобга олинмаган ва рўйхатга олинмаган иктиносидиёт ўртасидаги фарқ, юкорида келтирилган таърифлардан келиб чиқиб, ғоят шартли. Агар фаолият статистика органлари томонидан рўйхатга олинмаса, у ҳисобга ҳам олинмайди.

4. Норасмий иктиносидиёт. Норасмий иктиносидиёт жамият фойдаси ҳамда мулкчилик муносабатлари, лицензиялаш, меҳнат шартномалари, молиявий кредитлаш ва ижтимоий сугурталаш муносабатларини тартибга солувчи қонунлар ва маъмурий қоидалар билан белгиланган ҳукукларни бузган ҳолда

алоҳида харажатларни тежовчи иқтисодий фаолиятни ўз ичига олади. У норасмий фаолият юритувчи иқтисодий агентлар томонидан олинадиган даромадлар билан ўлчанади.

Иқтисодиётнинг ушбу турига уйда ишлаб чиқаришни киритиш мумкин, чунки иқтисодий нуқтаи назардан у хисоблашнинг кийинлиги туфайли хисобга олинмайди.

Норасмий секторнинг хозирги таърифлари, Э.Файгнинг фикрича, одатда, норасмийликнинг ҳуқукий концепциясини назарда тутувчи Э. де Сатонинг гояларини ўзида акс эттиради. Норасмий сектор тўгрисидаги адабиётларнинг катта қисми шаҳар иқтисодиётига багишиланган бўлса-да, албатта, кишлок норасмий иқтисодиёти янада катта.

Хуфиёна ҳўжалик айланмаси, табиийки, расмий статистикага киритилмаслиги боис, хуфиёна иқтисодиёт ўлчамларини баҳолаш муаммоси ўта долзарб хисобланади. Ушбу максад учун қўйидаги ёндашувлардан фойдаланилади:

- монетар усул, у хуфиёна ҳисоб-китобларда факат накд маблаглардан фойдаланиш тўгрисидаги гипотезага асосида курилади (накд пул массаси харакатининг динамикаси хуфиёна иқтисодиётнинг ўлчамлари ҳакида фикр юритиш имконини беради);

- харажат ва даромадлар баланслари усули, унда декларация килинадиган даромадлар харажатлар суммаси, товар ва хизматлар истеъмолининг реал ҳажмлари билан таққосланади;

- бандликни таҳлил килиш, у шуни назарда тутадики, узок вакт мобайнида сакланиб келаётган рўйхатта олинмаган ишсизликнинг юкори даражаси хуфиёна секторда бандлик учун кенг имкониятлар мавжудлигидан далолат беради (рўйхатта олинмаган ишсизлар сони хуфиёна иқтисодиётнинг ўлчамларидан билвосита далолат беради);

- технологик коэффициентлар усули, у харажатларнинг маълум технологик коэффициентлари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми ҳакидаги маълумотларни олиш имконини беради (масалан, истеъмол килинадиган электр энергиясининг динамикаси ва декларация килинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси тўгрисидаги маълумотлар таққосланади);

- уй ҳўжаликлари ва корхона раҳбарлари ўртасида сўров ўтказиш усули, у хуфиёна иқтисодиётнинг ўлчамига эксперт баҳоларини беради;

- социологик усул, у хуфиёна битимлар амалга ошириладиган алоҳида меъёрлар, уларнинг жамиятда таркалганлиги, битимларни тузишда қўлланиш даражасини таҳлил килишдан иборат.

Ёритилган ёндашувларнинг турли-туманлиги хиллиги сабабли олинадиган натижаларни кўпинча таққослаш кийин бўлса-да, хуфиёна иқтисодиёт микдорининг айрим баҳоларини келтириш мумкин: (ЯИМга нисбатан фоиз хисобида): Италия - 15-30, Бельгия - 4-13, Швеция - 0,5-17, Буюк Британия - 2-16, Франция - 15, США - 3-28, Перу - 27-28. Россияда 80-йилларнинг охирида ЯИМнинг 20 фоизга яқини, 1996 йилда 23 фоиз.

Юкорида айтиб ўтилганидек, конунга бўйсунишнинг юкори баҳоси ва хуфиёна иктисадиётнинг катта ўлчамлари ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд. Бирок хуфиёна тартибда алмашувларни амалга ошириш ҳам харажатлар билан боғлиқ. Харажатларнинг бир турида тежалишга зришган хуфиёна иктисадиётда фаолият юритувчи субъектлар бошка харажатларни кўпроқ амалга оширадилар – улар «хуфиёналик баҳоси»ни тўлашга мажбурдирлар. Хуфиёналик баҳоси бир неча унсурлардан таркиб топади.

Хуқуқий қоидатардан бўйин төвлаш билан боғлиқ харажатлар кўйидагиларни ўз ичига олади: солик ва бошка молиявий маслаҳатчилар хизматларига ҳак тўлаш; ишлаб чиқариш ҳажмининг чекланиши ва реклама натижасида йўқотилган фойда (корхона канча катта бўлса ва у реклама кампаниясини канча фаол юритса, назорат килювчи органларнинг эътибори доирасига тушиш имконияти унда шунчалик катта); «иккиёклама» бухгалтерияни юритиш харажатлари ва шу муносабат билан юзага келадиган корхонадаги ҳисоб юритиш ва назоратдаги кийинчиликлардан кўриладиган йўқотишлар.

Даромадлар трансферти билан боғлиқ харажатлар. Ҳатто соликлар тўлашдан бош тортувчи иктисадий субъектлар ҳам ўз фаолиятидан фойдали самарани давлат билан баҳам кўради, бирок бунда улар бунинг зазига давлатдан ҳеч ярса олмайдилар. Гап шундаки, барча иктисадий субъектлар билвосита соликлар ва инфляция солигини тўлайдилар (биринчи навбатда бу хуфиёна алмашувлар чогидаги мутлак нақд пулларга таалукли). Лекин трансферлар бир томонлама хусусиятта эга – ошкора иктисадий субъектлардан фарқли ўлароқ, хуфиёна иктисадий субъектлар бузилган мулчилик хукукларини химоялаш юзасидан давлатга мурожаат эта олмайдилар. Бунга, жумладан, кредит олиш билан боғлиқ кийинчиликларни ҳам кўшимча килиш лозим – чунки ўз фаолиятини яширувчи субъектлар кредитига лаёқатлиликларни бухгалтерия балансида асослай олмайдилар.

Соликлар ва иш ҳақига ҳисоблаб ёзишлардан бош тортиши билан боғлиқ харажатлар. Даромад солиги, ижтимоий сугурта фондига ва пенсия жамгармасига мажбурий тўловлардан бош тортиш корхонага иш ҳақини тўлашга тежаш имконини беради, лекин бунда меҳнатнинг ўрники сармоя билан босиш ва техика билан кайта жиҳозлашдан манфаатдорликни пасайтиради. Арzon меҳнат корхонани «йўлдан оздиради». Бундан ташқари, кўшилган киймат солигини ундириш тадбири хуфиёна фаолият соҳасини факат ишлаб чиқариш занжирининг четки бўгинлари – чакана савдо ва хомашёга ишлов беришининг бошлангич босқичлари билан чеклайди. Чунки ишлаб чиқариш жараёнининг айнан бошлангич босқичларида ККСни тўламасликдан кўриладиган фойда энг кўп миқдорга етади, айни пайтда оралиқ босқичларда оралиқ маҳсулотнинг хуфиёна ётказиб берувчилари ошкора етказиб берувчиларга нисбатан ютказиш ҳолатига тушиб коладилар.

Конуний кайд этилган мулчилик хукукларининг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ харажатлар. Мулчилик хукукларини хуфиёна тафсирлаш факат ижтимоий санкциялар ва муносабатларни индивидуаллаштириш йўли билан

ижтимоий тузилмалар доирасида амалга оширилиши мумкин. Мулкчилик хукуклари ошкора (фукаролик келишуви асосида) эмас, балки ижтимоий (анъанавий келишувлар асосида) белгиланади ва химояланади. Шунинг учун факат барча трансакциялар ижтимоий тузилма - кабила, оила-қариндошчилик ёки кўшни жамоа, миллий доиралар ичидаги амалга оширилганда, хукукларни алмашиш ва химоялаш харажатлари жуда паст бўлади. «Четдан» инсон иштирокидаги ҳар қандай битимда мулкчилик хукукларини химоя килишининг иктиносидий механизмлари амал килмай колади.

Демак, хукуклар факат улар ичидаги ёнг юкори нархни тўлашга тайёр бўлган (яъни ёнг самарали ҳуқуқ эгаси) ҳаридор топилиши шарт бўлмаган инсонларнинг қатъий чегараланган доирасига мумкин. Коуз теоремасининг бажарилмаслигидан ташқари, мулкчилик хукукларини капиталлаштириш, хукукларни эркин ўтказишининг иложисизлиги ҳам маълум шахслар доираси томонидан хукуклар билан алмашувни чеклашнинг натижаси хисобланади (ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини сотишининг иложи йўқ). Де Сото хуфиёна қайд этилган мулкчилик хукукларини таърифлаш учун «жонсизлантирилган капитал» атамасидан фойдаланади: ушбу капиталдан гаров сифатида фойдаланиш, уни гаровга инвестиция килиш, эркин сотиш, баъзан эса шунчаки мерос килиб қолдириш мумкин эмас.

Шартнома тизимидан фойдаланишининг имконсизлиги билан боғлиқ харажатлар. Шартномаларни тузишнинг хуфиёна тадбири унда кўплаб иктиносидий субъектлар иштирок этадиган узок муддатли лойихаларнинг амалга оширилишини кийинлаштиради. Чунки узок муддатли лойихага маблағлар кўйишига ундовчи омил бўлиб унда иштирок этувчи инсонларнинг шахсий нуфузи эмас, балки нима бўлишидан қатъи назар сармоядорларнинг хукуклари химояланишига ишонч хисобланади. Ҳакикатан ҳам, шартномани қайта кўриб чикиш зарурати туғилган ҳолатларда иштирокчилар битимнинг томонларнинг хеч бири ундан манфаатдор бўлмаган барча икир-чикирларнига зътибор қаратиши лозим бўлган суд ёки арбитражга мурожаат эта олишмайди.

Хуфиёна битимнинг мутлақ икки томонлама хусусияти билан боғлиқ харажатлар. Фаолият ва унинг натижаларини конундан яширишга уриниш хуфиёна битим иштирокчилари доирасини мумкин кадар чеклашга унрайди. Хуфиёна битим кўпроқ икки томонлама хусусиятга эга. Битимдан манфаатдор бўлган учинчи шахслар (масалан, стихияли юзага келадиган бозорлар якинидаги мавзелар ахолиси) унинг иштирокчилари доирасидан чиқарилган, демак, уларнинг манфаатлари битимда хисобга олинмайди. Бошқача айтганда, зарарли фойдаланиш хукуки, одатда, хуфиёна хукукни тартибга солиш соҳасидан ташкарида колади.

Низоларни ҳал этишининг хуфиёна тартиботларидан фойдаланиш харажатлари. Ошкора суд-хукуқ тизими низоларни ҳал этишининг қатор субинститутларига – оиласий-қариндошчилик ва мафия механизмларига эга. Юзага келган низоларни ҳал этиш учун иккала муқобил вариантдан ҳам фойдаланиш харажатлар билан боғлиқ. Биринчидан, кўп сонли қариндошлар, юртдошлар ва бошқа «ўзиникилар» билан яхши муносабатларни ушлаб туриш

зътибор белгиларини каратиш учун вақт ва хизматлар алмашиш учун маблаглар талаб килади.

Иккинчидан, суд ва кучлилик тузилмалари вазифасини бажарувчи мафия хизматларига мурожаат этиш ўзига хос соликни тूлаш зарурати билан шартланган. Ҳатто Италияда ушбу солик алоҳида – rizzo номига эга бўлган. Ушбу соликнинг микдори ё корхона айланмасига нисбатан фоизларда, ёки мафия томонидан бизнесни химоялаш ва низоларни ҳал этиш бўйича кўрсатилган хизматларга тенг (эквивалент) хисобда хисоблаб чиқилади. Бунда давлатдан фарқли равиша мафия ўз хизматларининг ҳар бир фойдаланувчисига «соликнинг» алоҳида микдорини белгилаган ҳолда монополчини камситувчи сиёсатни олиб боришига қодир бўлади. Ошкора тузилмага нисбатан мафия фаолиятининг маҳаллий хусусияти ахборот манбаларининг янча кенг доирасидан фойдаланишда ўз ифодасини топади.

6.3. Хуфиёна бозор институционал тизим сифатида

Хуфиёна сектор билан боғлиқ энг катта ҳавф-хатар бозор иқтисодиётни нормасидан кескин фарқланувчи ҳатти-ҳаракатлар ва битимлар тузишнинг алоҳида нормалари шаклланишидири. Хуфиёна нормалар асосида уларнинг амал килиши ҳудудий жихатдан ва / ёки шахсларнинг маълум доираси томонидан чегараланган ижтимоий механизмлар ётади - конунга бўйсуниш нормаларининг мавжуд эмаслиги, норларнинг ижтимоий мансублигидан катъи назар барча иқтисодий субъектларга амал килишига имкон бермайди.

Хуфиёна нормаларнинг ёзилмаган ва якка ҳол хусусияти туфайли хуфиёна битимлар тузиш учун барчага мос келадиган ўйин коидаларини ифодалаб бўлмаса-да, хуфиёна иқтисодиёт «конституцияси»нинг асосий унсурларини аниқлаш мумкин. Йўлмий манбаларда бунга мисол тарикасида иқтисодчилар ва социологлар томонидан яхши ўрганиб чиқилган Италия, Сицилия, Калабрия ва бошқа ривожланган хуфиёна секторга эга мамлакатлар келтирилган.

Давлатнинг (дастлаб Испания, сўнгра Италия давлатининг) кам иштироки ва унинг маҳаллий аҳолининг турмуши ва мулкчилик ҳукукларини химоялашни таъминлашга лаёқатсизлиги Италия жануби тарихий ривожланишининг муҳим омиллари бўлган. Давлат ушбу минтакаларнинг узокда жойлашганлиги ва ўзи олиб борадиган «бўлиб ол ва хокимият ўрнат» сиёсат туфайли уларнинг мавжудлиги ҳакида шунчаки унтиб кўйди. Шунинг учун, айниқса феодал ҳукукнинг бекор қилиниши ва майда мулкдорлар синфининг шаклланиши муносабати билан мулкчилик ҳукукларини тафсирлаш ва шартномалар бажарилишини таъминлашнинг давлатнинг аралашувига мукобил механизмлари талаб этилди.

Мулкчилик ҳукукларини тафсирлаш ва химоялаш бўйича давлатга мукобил институт сифатида мафия ҳакида дастлабки тилга олиниши феодализмдан майда ва ўрта ер мулкчилигига ўтишининг айнан шу палласига тааллуқли. «Мафия» атамаси одатда турли маъноларда ва турли хилдаги ҳодисаларни ёритиш учун қўлланилади. Иқтисодий таҳлилда ушбу атамадан

асосан битимларни тузишда амалга ошириладиган хатти-ҳаракатнинг алохидаде мөйөрлари ва намуналарини белгилаш учун фойдаланилади. Яъни мафия расмий ташкилот бўлмаса-да, хатти-харакат ва ҳукмдорлик муносабатларининг алохидада хили хисобланади. Бошқача айтганда, мафия институт сифатида шахсларга иктисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳадардаги фаолиятини мувофиқлаштириш имконини берувчи ўйин қондаларининг йигиндишидир.

Биринчи меъёр «ўйин нормалар тизими» ўзаро ҳамкорлик максадларини аниклашга тааллукли, уни шаън нормаси сифатида ифодалаш мумкин. Мафиянинг авжига чиқкан классик даври (1890-1970 йиллар)да Италия жануби аҳолисининг асосий мақсади ўзининг фойдалиларни оширишдан эмас, балки ўз шаъни ва ўз оиласининг шаънини саклаб қолишдан иборат бўлган. Ҳатто ўзини мафия деб хисоблаган инсоннинг ўзини номлаши – «шаън одами» - унинг фаолияти максадининг анъанавий хусусиятини тасдиклаган.

Келишувлар назарияси атамасидан фойдаланган ҳолда, шаън нормасини анъанавий келишув жумласига киритиш мумкин, чунки гал оиланинг шаъни ва обрўси ҳақида, биринчи галда, эр хотиннинг шаъни ҳакида кетаяпти. Шаъннинг йўқотлиши ижтимоий ўзаро муносабатлар соҳасидан чиқарилишга олиб келади – уни йўқотган инсонлар ҳатто алохидада, кишлоқларнинг чеккаларида яшашади ва факат ўз мухити доирасида мулокотда бўладилар. Ҳакиқий мафиоз учун ҳатто тижорат соҳасидаги мудаффакият ҳам мустақил қадр-киммат эмас, балки шаън белгиси сифатида кўриб чиқилади.

Агар манфаат кўриш нормасини оқилона-харакат нормаси тўлдирса, шаънни ҳимоя қилиш ва тасдиклашнинг асосий воситаси – «ҳасад ракобатчилиги», эркаклар эга бўлган зулм ўtkазish салоҳиятини доимий равишида таъкослаш (таъкидлаш лозимки, мафиянинг маданий соҳаси – «мачизм», яъни эркакка сигниш)дир. Шахс томонидан ҳамкорлар эҳтиёжларини қондириш оркали фойдалиларни оширишнинг бозор тамоили (унга кўра алмашувнинг барча иштирокчилари ютади)дан фарқли ўлароқ, ҳасад ракобатчилигига иккита голиб бўлиши мумкин эмас: факат битта голиб мавжуд – қолганлар маглублардир.

Кундалик турмушни тартибга солувчи восита сифатида зулм ўтказишдан фойдаланиш учун таъкидларнинг мавжуд эмаслиги, зулм ўтказишни монополлаштиришга уриниш иктисодий соҳадаги мафия вакилларининг хатти-харакатларига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Мафия билан боғлик тадбиркорда фойда олишга чеклашлар ошкора тадбиркорнига нисбатан кам. Хуфиёна тадбиркор зарур ҳолатларда зулм кўлланилиши билан тўхтаб қолмайди, ошкора тадбиркор эса зулм ўтказиш учун давлат монополияси натижасида эркинликнинг ушбу даражасидан маҳрум этилган. Шунинг учун мафия билан боғлик корхоналарнинг ракобат жиҳатдан устунликлари ракобат натижасида эмас, балки якка (алохидада) монополияни ҳосил қилиш ва ракобатни чеклаш натижасида юзага келади. Мафия қондалари бўйича фаолият юритувчи бозор мукаммал ракобат шартларидан йироклашади, бундай қондаларнинг мавжуд бўлиши иктисодий механизмларнинг амал қилиш тартибини ўзgartиради.

Навбатдаги норма – ишонч – анъанавий хусусиятга эга, чунки у оила доирасида ажримлашган. Оила ишонч бўлмаса, бошлигининг шаъни тушунчаси ўз кучини йўқотади. Шу нуктаи назардан ишонч анъанавий тарзда оила турмушининг асосий ташмайларидан бирини акс эттиради ва унинг ташқарисига амал қилмайди, демак у бозор нормалари тизимида кўзда тутилганидек, оқилона ҳаракатнинг шарти бўлиши мумкин эмас. Мафиянинг асосий ташкилий бирлиги – cosca – 15-20 (кўпли билан 70-80, камида 7) кишидан иборат ва оила-кариндошчилик алокалари асосида шаксланадиган гурухни ўзида намоён этади. Cosca фаолияти доирасига тушган барча шахслар унинг аъзолари билан дўстона муносабатлар орқали ўзаро боғлик.

Оиладаги муносабатларни қуриш учун фойдаланиладиган ишонч мафиянинг иқтисодий фаолиятини ҳам белгилаб беради. Мафия билан боғлик тадбиркорларнинг рақобат жихатидан яна бир устунлиги ишонч асосида шартнома муносабатларини қуриш ҳисобланади – мафия шартнома мажбуриятлари бажарилишининг энг яхши кафолати ҳисобланади. Д.Гамбеттанинг фикрича, мафияни бозорнинг ишончнинг «табиий» даражаси ҳаддан зиёд паст бўлган ва битим тузиш имконини бермайдиган секторларида ва ана шундай миңтақаларда (Италия Жанубида бундай ҳолат ўрин тутади) ишончни түғдириш, реклама килиш ва сотиш билан шуғулланувчи алоҳида корхона сифатида намоён этиш мумкин.

Шунингдек, ишонч юкори бўлмаган шароитда амалга ошириладиган ошкора товарлар билан исталган хуфиёна битимларга ва таъқиқланган товарлар (курол, гиёхвандлик моддалари) билан исталган битимларга ҳам эътибор қаратилади. Товар сифатида ишончнинг ўзига хос жихатини ҳисобга олган ҳолда, мафия уни сотишни гайриоддий усул билан, яъни оила-кариндошчилик, дўстона ёки мижозлик алокалари соҳасига манфаатдор тадбиркорни аралаштириш орқали амалга оширади. Хусусан, мафиянинг иқтисодий фаолиятини ёритиш учун кўпинча мафиянинг оиласиев алокалари асосида ташкил этиладиган «стармою» тушунчасидан фойдаланилади. Айнан ўзгарувчан шароитларга тез мослашувчи тармоклар доирасида «ўзлариники» ўргасида юкори ишонч салоҳиятидан фойдаланувчи мафиянинг асосий иқтисодий фаолияти амалга оширилади.

Битимлар бўйича ҳамкорларни «ўзинники» ва «бегона» тоифасига ажратиш принципиал жихатдан муҳим, бу ерда гап иккита стандарт, иккى хил хатти-ҳаракат ҳакида боради. «Ўзинники» доирасида шаън ва обрўга биргаликдаги саъй-ҳаракатлар орқали эришилади ва химоя қилинади, муносабатлар ишонч асосида қурилади. «Ўзинники» ва «бегона» ўргасида «ҳасадгуйлик рақобатчилиги» бўлиши мукаррар, ишонч эса душманлик ва зулмга ўз ўрнини бўшатиб беради. Хатти-ҳаракатнинг иккى ёклама стандарти мантиғига яна бир муҳим норма – маҳфийлик киритилади. Ушбу норма ташки олам билан, айниқса, давлат вакиллари билан муносабатларда тўлиқ ёникликни белгилаб беради, унинг тескари томони сифатида тўлиқ очиклик ва оила аъзоларидан фақат ҳақиқатни гапиришни талаб этиш иштирок этади. Ҳакиқий мафиозлар ҳамма вакт жим турадилар.

6.4. Жаҳондаги хуфиёна иқтисодиёт

Хуфиёна иқтисодиёт иқтисодий тизимларнинг барча турларига хос бўлиб, унинг кўламлари ривожланган мамлакатларда ҳам, ривожланаётган мамлакатларда ҳам фоят кенг.

1990-йилларнинг иккинчи ярмида ривожланган мамлакатларда хуфиёна иқтисодиёт ЯИМнинг ўртача 12 фоизига, ўтиш иқтисодиётнига эга мамлакатларда 23 фоизига, ривожланаётган мамлакатларда эса 39 фоизига тенг бўлган.

1998 йилда ушбу кўрсаткич бўйича Греция (ЯИМнинг 29,0 фоизи), Италия (27,8%), Испания (23,4%), Бельгия (23,4%) "етакчилик килди". Ирландия, Канада, Францияда ҳам хуфиёна иқтисодиётнинг кўламлари кенг – 14,9 фоиздан 16,3 фоизгacha. Бу борада Австрия (9,1%), АҚШ (8,9) ва Швейцария (8,0) энг кулай хисобланади¹⁴.

Хуфиёна иқтисодиёт кўламларининг энг тез суръатлар билан ўсиши Греция, Италия, Швеция, Норвегия ва Германияда кузатилмоқда. Масалан, Германияда 2001 йилда хуфиёна секторнинг ўсиши 3,5 фоизни, айни пайтда ЯИМнинг ўсиши эса 1 фонзни ташкил этган. Жами хуфиёна сектор ЯИМнинг 16,5 фоизини ташкил этади. Хуфиёна сектор ривожланаётган мамлакатларда жуда кенг кўламларга эга. Масалан, хуфиёна сектор Нигерияда ЯИМнинг 76 фоизини, Тайландда 71 фоизини, Мисрда 68 фоизини, Боливияда 66 фоизини, Панамада 62 фоизини ташкил этади.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги сабиқ социалистик мамлакатларда амалга оширилган чуқур ислохотлар билан боғлик. Ҳам сиёсий, ҳам ҳукукий тизимнинг бекарорлиги иқтисодий соҳага ҳам салбий таъсир кўрсатди. Ушбу мамлакатларда хуфиёна иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари 6,3-жадвалда келтирилган.

6.3-жадвал

Ўтиш иқтисодиётнига эга мамлакатлар учун хуфиёна иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши динамикаси (ЯИМга нисбатан фоиз хисобида)*

Мамлакатлар	1989	1990	1991	1992	1993	1994	1995
Озарбайжон	12,0	21,9	22,7	39,2	51,2	58,0	60,6
Беларусь	12,0	15,4	16,6	13,2	11,0	18,9	19,3
Болгария	22,8	25,1	23,9	25,0	29,9	29,1	36,2
Венгрия	27,0	28,0	32,9	30,6	28,5	27,7	29,0
Грузия	12,0	24,9	36,0	52,3	61,0	63,5	62,6
Козогистон	12,0	17,0	19,7	24,9	27,2	34,1	34,3
Латвия	12,0	12,8	19,0	34,3	31,0	34,2	35,3
Литва	12,0	11,3	21,8	39,2	31,7	28,7	21,6
Молдова	12,0	18,1	27,1	37,3	34,0	39,7	35,7
Польша	15,7	19,6	23,5	19,7	18,5	15,2	12,6
Россия	12,0	14,7	23,5	32,8	36,7	40,3	41,6
Руминия	22,3	13,7	15,7	18,0	16,4	17,4	19,1
Словакия	6,0	7,7	15,1	18,0	16,4	17,4	19,1
Ўзбекистон	12,0	11,4	7,8	11,7	10,1	9,5	6,5
Украина	12,0	16,3	25,6	33,6	38,0	45,7	48,9

* Эксперт. 2000. №12 (223) от 27 марта.

Чехия	6,0	6,7	12,9	16,9	16,9	17,9	11,3
Эстония	12,0	19,9	26,2	25,4	24,1	25,1	11,8

* Манба: Jensen M. Politics and Entrepreneurships in Transition Economies / M.Jensen, P.Kaufmann, A.Sheifer // Working Paper. - 1997/ WDI. - № 57.

6.3-жадвал маълумотлари ўз муаллифлари томонидан электр-мувозанат усули ёрдамида хисоблаб чиқилган. Мазкур усул гояси шундан иборатки, электр энергиясини гамлаб бўлмайди, шунинг учун истеъмол қилинаётган энергия ҳажмининг ўсиш суръатлари ЯИМ ўсиш суръатларига нисбатан юкори бўлиши энергиянинг хуфиёна истеъмол қилинаётганлигидан далолат беради.

Хуфиёна сектор дастлабки беш йилда Озарбайжон ва Грузияда энг кенг кўламларга эга – тегишлича ЯИМнинг 60,6 ва 62,6 фоизини ташкил этди. Кейинги ўринларда Россия (41,6%), Болгария (36,2%), Молдова (35,7%), Латвия (35,7%) ва Козогистон (34,3%) туради. Ўзбекистонда эса ушбу кўрсаткич бошка давлатларга нисбатан энг паст даражада бўлган.

Қисқача хулоса

Иктисолий субъект томонидан ўз бизнеси учун институционал мухитни – ошкора ёки хуфиёна – танлаш тўғрисидаги қарор биринчи ва иккинчи ҳолатларда битимларни амалга оширишда юзага келадиган трансакция харажатларини киёслаш орқали белгиланади. Бошқача айтганда, конунга бўйсуниш нормаси яна бир бор оқилона асосланади: шахс унинг талабини мутлақ устуворлигининг таъсири остида эмас (конуний нарсаларнинг ҳаммаси яхши), балки конунга амал килишдан кутилаётган фойдалар туфайли бажаради. Конунга иктиёрий бўйсунишга ундовчи омиллар шахсада факат, давлат иктисолийнинг ошкора секторида трансакция харажатларини пасайтириш ўйли билан унинг манфаатларини амалга оширишга кодир бўлган тақдирда, пайдо бўлади.

Иктисолий соҳада хуфиёна битимлар амалга ошириладиган ўйин қоидаларида, биринчи галда бозор иктисолиёти нормалари тизимидан битимларнинг барча иштирокчиларини «ўзиники» ва «бегоналарга» ажратиш билан катта фарқ килади. Ўзиникиларга нисбатан оппортунизмнинг олдини олиш ижтимоий механизмлари амал килади, ишонч ва ўзаро ёрдам меъёрлари ҳукмронлик килади. Аксинча, «бегоналарга» нисбатан оппортунизм норма бўлиб қолади. Хуфиёна иктисолиёт «хасадгуйлик рагобатчилигига» асосланган «ёввойи» бозор моделига жуда якин. Ниҳоят, хуфиёна иктисолиёт энг юкори даражада турли кўринишшага эга ва у тўлиқ тизим шаклини кабул қилмайди ҳамда бозорнинг барча иштирокчилари учун ягона ва мажбурий нормалар тизимини қабул қилмайди. Бундан кўриниб турибдики, конунга бўйсунишнинг юкори баҳосига муқобил вариант ҳам гоят қиммат туради.

Галич сўз ва иборалар

Хуфиёналил, мулкчилик ҳукуқларининг хуфиёна тизими, «конунга бўйсуниш баҳоси», хуфиёна иктисолиётнинг турли унсурлари: норасмий, соҳта ва криминал иктисолиёт. Хуфиёна иктисолиёт ўлчамларини баҳолаш

ёндашувлари: монетар усул, харажат ва даромадлар баланслари усули, бандликни таҳлил килиш усули, технологик коэффициентлар усули, уй хўжаликлари ва корхоналар раҳбарлари ўртасида сўров ўтказиш усули, социологик усул. Хуфиёналиқ баҳосининг унсурлари: хуқукий қоидалардан бош тортиш билан бөглиқ харажатлар, даромадлар трансферти билан бөглиқ харажатлар, соликлар ва иш ҳакига ҳисоблаб ёзишлардан бош тортиш билан бөглиқ харажатлар, қонуний кайд этилган мулкчилик хуқуқларининг мавжуд эмаслиги билан бөглиқ харажатлар, шартнома тизимидан фойдаланишининг имконсизлиги билан бөглиқ харажатлар, хуфиёна битимнинг мутлақ икки томонлама хусусияти билан бөглиқ харажатлар, низоларни ҳал этишининг хуфиёна тартиботларидан фойдаланиш харажатлари. «Мафия» атамаси, «шашн одами», ҳамкорликнинг «ўзиники» ва «бегона» тоифаси.

Тақорлами учун саволлар

1. Факат иқтисодиётнинг хуфиёна сектори субъектларига нисбатан куч ишлатиш чораларини катъийлаштириш ёрдамида ушбу секторнинг ўлчамларини кискартиришга эришиш мумкини?
2. Хуфиёна сектор ялпи ички маҳсулотида юкори улуш билан тавсифланувчи мамлакатда бозор ислоҳотларининг дастлабки босқичлари қандай бўлиши керак?
3. Бозор ислоҳотлари сиёсатининг стандарт дастурига қандай тузатишлар киритилиши лозим?
4. Хуфиёна иқтисодиётнинг қандай унсурлари мавжуд?
5. Хуфиёна иқтисодиёт ўлчамларини баҳолаш ёндашувларини изоҳланг.
6. Хуфиёналиқ баҳосининг унсурлари нималардан иборат?
7. «Мафия» атамасининг келиб чиқишини шарҳланг.

VII бөб. МУЛК ҲУҚУҚЛАРИ НАЗАРИЯСИ ВА МУЛКЧИЛИК ШАКЛЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЭВОЛЮЦИЯСИ

Мулк ҳуқуқлари назарияси ўтган асрнинг 60-70-йиларида шаклланди. Ҳозирги вактда унинг ривожланиши алоҳида мустақил концепция сифатида эмас, балки иктисодий таҳлилнинг учта йўналиши – ҳуқуқ иктисодиёти, янги иктисодий тарих ва иктисодий ташкилот назариясининг методологик ва умумназарий асоси сифатида давом этмоқда.

Америкалик машҳур иктисодчилар – Р.Коуз ва А.Алчиян мулк ҳуқуқлари назарияси асосчилари хисобланади. Мазкур назариянинг кейинги ривожига узок хориж мамлакатларининг Й.Барцель, Д.Норт, Р.Познер, С.Пейович, О.Уильямсон, Ю.Фама, Э.Фуруботи, С.Чунг каби олимлари ўз хиссаларини кўшдилар. Россия иктисодий адабиётларида мулк ҳуқуқлари назарияси Р.Капелюшников, В.Радаев, А.Радигин ва бошқаларнинг ишларида ривожлантирилди.

Ўзбекистонда мулкий муносабатларни ислоҳ қилиш, мулкнинг ҳуқуқий асослари ва мулк назариясининг бошка жиҳатлари Х.Абилқосимов, Н.Юсупова, Н.Неделькина, Ш.Шодмонов, Т.Шодиев, С.Гуломов ва бошкарларнинг ишларида кўриб чикилган.

Мулк ҳуқуқлари назарияси ҳуқуқий механизмининг жамиятнинг кундалик хўжалик хаётидаги ролини ўрганади. Бунда мулк ҳуқуқларини оптималь таҳсиллаш масаласи марказий муаммо сифатида зътироф этилади. Институционал иктисодиёт назариясига кўра, ким мулкдор хисобланиши тўгрисидаги масала эмас, балки мулк ҳуқуқларини тафсирлаш тўгрисидаги масала анча муҳим хисобланади.

7.1. Мулк ҳуқуқлари назариясининг асосий қондалари

Мулк ҳуқуқлари деганда, неъматларнинг мавжуд бўлиши муносабати билан инсонлар ўртасида юзага келадиган ва улардан фойдаланишга тааллукли рухсат этилган кундалик муносабатлар тушунилади. Ушбу муносабаглар неъматлар борасидаги хатти-харакатнинг исталган шахс бошка инсонлар билан ўзаро ҳамкорлик килишда уларга амал қилиши ёки уларга амал қилмаганилик учун харажатлар килиши лозим бўлган нормаларини белгилайди. Кўйида мулк ҳуқуқлари назариясининг Р.Капелюшников¹⁵ томонидан санаб ўтилган асосий қондаларини кўриб чикамиз:

- мулкчилик муносабатлари “инсон/ашё” муносабатлари сифатида эмас, балки инсонлар ўртасидаги муносабатлар сифатида талқин этилади: мулк ҳуқуқлари атамаси инсонлар билан ашёлар ўртасидаги муносабатларни эмас, балки инсонлар ўртасидаги ноёб ашёлардан фойдаланиш борасидаги муносабатларни ёритади;
- мулкчилик муносабатлари ноёблик муаммосидан келиб чикади: ноёбликнинг бирор омилисиз мулкчилик ва адолатлилик ҳақида гапиришдан маъно йўқ;

¹⁵ Капелюшников Р.И. Экономическая теория прав собственности. – М.: ИМЭМО, 1990.

• мулк ҳукукларининг талкини ўзига ҳам моддий, ҳам жисмсиз объектларни (шахсий эркинликкача) ўзлаштирган ҳолда, барча нарсаларни камраб олувчи хусусиятга эга. Мулк ҳукуклари инсоннинг исталган турдаги ноёб ресурслардан фойдаланиш бўйича нуктаи назарини қайд этади;

• мулкчилик муносабатларига жамият томонидан рухсат этилган муносабатлар сифатида қаралади (давлат томонидан рухсат этилган муносабатлар бўлиши шарт эмас). Ўз навбатида, улар нафакат конунлар ва суд қарорлари кўринишида, балки ёзилмаган коидалар, анъаналар, урф-одатлар, ахлоқий нормалар кўринишида мустаҳкамланиши ва химоя қилиниши мумкин;

• мулк ҳукукларига хатти-харакат маъноси берилади – бир хатти-харакат усуllibарини улар кўллаб-қувватлайди, бошқаларини эса йўқ қиласди.

Рухсат этилмаган хатти-харакатлар ҳам мулк ҳукуклари назариясининг диккат марказида туради. У иктисадий жиҳатдан тушунилади: таъкик ва чекловлар уни бартараф этмайди, балки у билан бөглиқ ҳарежатларни (эҳтимолий жазо кўринишида) оширган ҳолда салбий омил сифатида таъсир кўрсатади. Рухсат этилган хатти-харакат нормаларига амал қилиш ҳам, уларни бузиш ҳам оқилона иктисадий танлов ҳаркатларига айланади.

Мулк ҳукуклари назарияси доирасида “мулк” тушунчаси одатда турли шахслар ўртасида ҳар хил улушларда таксимланган ҳукуклар тўплами сифатида талкин этилади. Мулк ҳукукларининг инглиз ҳукукшуноси А. Оноре томонидан тақлиф этилган (Оноре рўйхати) ва қўйидаги 11 та унсурни ўз ичига олган таърифи “тўлик” хисобланади:

1) эгалик қилиш, яъни ашё устидан мутлақ назорат қилиш ҳукуки;

2) фойдаланиш, яъни ашёдан шахсий фойдаланиш ҳукуки;

3) бошқариш, яъни ашё ким томонидан ва қандай фойдаланилиши мумкинлигини ҳал этиш ҳукуки;

4) даромад олиш, ашёдан аввалги шахсий фойдаланишдан ёки башка шахсларга ўндан фойдаланишга рухсат этишдан келиб чикадиган незматларни олиш ҳукуки (бошқача айтганда – ўзлаштириш ҳукуки);

5) ашёдан ўзгалар фойдасига воз кечиши, уни истеммол қилиш, ўзгартириш ёки йўқ қилиш ҳукукини назарда тутувчи “капитал киймат” ҳукуки;

6) хавфсизлик ҳукуки, яъни экспроприацияга қарши иммунитет;

7) ашёнинг мерос бўйича ёки васиятнома бўйича ўтиши ҳукуки;

8) муддатсизлик;

9) зарарли фойдаланишни таъкиклаш, яъни ашёдан ўзгалар учун зарарли усул билан фойдаланишдан ўзини тишиш;

10) ундириш кўринишидаги жавобгарлик, яъни ашёни карзни тўлаш учун олиб кўйиш имконияти;

11) қолдик хусусият, яъни кимгadir ўтказилган ваколатларнинг уларнинг ўтказиш муддати тугагач ёки исталган бошқа сабабга кўра ушбу ўтказиш ўз кучини йўқотган ҳолларда, “табиий” равишда кайтарилишини кутиш.

Ушбу таърифлар аниқдек түолганига қарамай, бу 11 та унсур Л.Беккернинг фикрига кўра, “кўп сонли – тахминан 1,5 мингта комбинацияни амалга ошириш имконини беради, агар уларнинг хукуқ субъектлари ва объектлари бўйича вариацияланишини хисобга олсан, у ҳолда мулк шаклларининг хилма-хиллиги, ҳақиқий ваҳимали омилга айланади”¹⁶.

Мулк хукуклари назариётчилари нуктаси назаридан, мулк хукуки мавжуд бўлган ва у мавжуд бўлмаган вазиятлар ўртасида қатъий чегара ўтказиладиган ёндашув уччилик ҳам тўғри эмас. Мулк хукуки – бу қатъий белгиланган нукта эмас, балки узлуксиз қатор. А.Алчиян ва Г.Демсценинг таъкидлашича¹⁷, ашёга бўлган бирор-бир ваколат мулкдорга кай даражада тегишли эканлиги ҳакида унинг қарори ашёдан ҳақиқий фойдаланишини қанчалик белгилаб беришига кўра фикр юритиш мумкин. Мулк хукуклари назарияси ҳар кандай алмашув харакати аслида ваколатлар тўплами билан алмашиш эканлиги тўғрисидаги асосий тасаевурдан келиб чиқади.

Хукукшуносалар ва иктисадчиларнинг фикрига кўра, “Оноре рўйхати”даги унсурлардан энг занфи – тўккизинчи унсур – *зарарли фойдаланишини таъкидаш* унсури. Заарали фойдаланишини таъкидаш билан боғлиқ муаммо шундаки, бошқа шахсларга зиён етказишнинг кўплаб усувлари нафакат таъкидланмаган, балки қонун билан ҳимояланади. Хусусий мулкчилик хукукий ҳолати шаронтида, одатда, бегона мол-мулкнинг истеъмол қийматига бевосита таъсир этиш йўли билан жисмоний зиён етказиш мумкин эмас, лекин унинг алмашиш қийматини пасайтирган ҳолда бильвосита йўл билан зиён етказиш мумкин.

Тадбиркор рақобатчининг фирмасига ўт қўйиб, уни хонавайрон килишга ҳақли эмас, лекин у ўзининг ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин оширган ҳолда, рақибни хонавайрон килишга ҳақли. Ўрта асрлар цехларида хатти-харакатнинг ушбу усули ҳам ноконуний хисобланар эди. Заарали фойдаланишини таъкидаш билан боғлиқ хукуқ ҳажмини аниқ белгилашнинг мураккаблиги мулк хукукларини чеклашнинг йўл қўйиладиган чегаралари тўғрисидаги асосий муаммони юзага чиқаради. Ушбу хукукнинг маъноси шундаки, ҳатто тўпламга “тўлиқ таъриф”даги барча унсурларни киритиш ҳам мулк хукутини чексиз килмайди.

7.2. Мулкчилик таърифларининг таҳлими

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги жамиятнинг иктисадий негизларига оид XII бобда қўйидагилар баён этилган: “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иктисадийтининг негизини турли шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчилар ҳукукларининг устунлигини хисобга олиб, иктисадий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг хукуклиги ва хукукий жиҳатдан тенг муҳофаза этилишини кафолатлайди.

¹⁶ Becker L.S. Property rights: philosophical foundations. — Cambridge, 1977. P. 21.

¹⁷ Alchian A., Demsetz H. The property rights paradigm // Journal of Economic History. M. 33. № 1. P. 17.

Хусусий мулк бошка мулк шакллари каби "дахлсиз ва давлат химоясидадир. Мулкдор факат конунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин (53-модда). Мулкдор мулкига ўз хошича эгалик киласи, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик мухитга зарар етказмаслиги, фукаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳукуклари ҳамда конун билан кўрикланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт" (54-модда). Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик Кодексига мулкчиликнинг эгалик килиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш учлиги (164-модда) асос килиб олинган. Ушбу Кодексда мулкчиликнинг хусусий шакллари мавжудлиги (167-модда) таъкидланади.

Демак, иктисадиёт ва уни ташкил этишининг бозор модели учун муайянтарихий шаклдаги мулкчилик институти талаб этилади. Мулкчилик институтининг негизини мулк тушунчаси ташкил этади. Мулк – ресурслар чекланганлиги шароитининг оқибатидаги ноёблик муаммосини ҳал этилишининг ягона воситаси хисобланади. Бу восита мулкдорга ҳукуклар йигиндисини тақдим этади. Албатта, мулкий ҳукуклар йигиндиси эгалик килиш ва бошка ҳукукларни (фойдаланиш, тасарруф этиш ва бошкаларни) ташкил этади. Ҳукуклар тизими хўжаликлар ва шахслар ўзаро муносабатларга киришиши учун ҳам мулкдорни, ҳам мулкни химоялайди. Шахснинг жамиятдаги эркинлиги ҳукук билан кафолатланади ва чегараланади. Ундаги барча мавжуд ҳукуклардан энг тўлиги мулкчилик ҳукукидир. Ушбу ҳукук шахс ва жамият учун ўзаро қарама-карши бўйган бегоналашув хусусиятини ҳам намоён этади. Илмий манбаларда мулкчилик муносабатлари умумий тан олинган ягона таърифга эга эмаслиги сабабли катор талқинлар мавжуд (7.1-жадвал).

7.1-жадвал

Мулкчилик институтига оид талқинларининг туркумланиши

Ендашув номи	Мулкчиликнинг асосий белгилари
1. Классик йўналиш	Даромад келтириш қобилияти мұхассамланган капитал
2. Файласуфлар ва неоклассиклар	Ташки дунё обьектлар устидан назоратни уларни ўзлаштириб (эталлаб) олиш асосида амалга ошириш
3. Диалектик усул тарафдорлари	Шахснинг табиятдан ҳам, ижтимоий хаёт жамоатчилигидан ҳам бегоналashiшида ҳамда ишлаб чиқарувчини ишлаб чиқариш воситасидан ажратишда намоён бўлувчи ижтимоий алоказаларни таркиблаш, мурakkabлаштириш шакли
4. Немис тарихий мактаби	Ижтимоий ўзаро камкорликнинг асосий тамоилии хисобланган ахлоқ нормасида жамият томонидан олий ва мукаддас кадрнинг ҳамда индивид мустакиллигининг кафолати сифатида тан олиш
5. Неоинституционал йўналиш	Турли шахслар ўртасида бир буюмда турли ҳукукстарнинг намоён бўлиш имконияти буюмга қарашли ваколатлар йигиндиси
6. Ҳукукшунослар	Шахснинг буюм устидан ҳукумронлиги ва бошка шахслар имкониятларини чеклаш
7. Социологлар	Иктисадий бўйсундириш асосида ижтимоий иерархияни ўрнатиш усули
8. Эрнандо де Сото (Перу)	Кийматтага вийланишда иштирок этиш ва даромад келтириш қобилияти

Жадвалга кўра, мулкчиликни ўзлаштириб олиш билан тенглаштириш неоклассик иқтисодий тафаккур вакилларига хос бўлса, ҳўкукунослар учун шахснинг буюм устидан ҳукумронлиги имкониятларини чегаралаш мулкдан бошка шахсларнинг зиёнига фойдаланишга рухсат бермаслик сифатида таърифланади. Мулкчилик шахс ва буюм ўртасидаги эмас, балки инсонлар ўртасидаги муносабат сифатида гавдаланиши керак.

Мулкчилик ҳукуклари назарияси нафакат бошкарув, хавфсизлик, меросга топшириш ҳукукларини кўшган холда ҳукуклар тўпламини кенгайтиради, балки ҳукукларнинг ўз айланувчанлигига, олди-сотди обьектлари бўлиб буюмларнинг ўзи эмас, балки уларга нисбатан ҳукук хисобланнишига эътиборни қаратади. Масалан, ер участкасидан фойдаланиш ҳукуки; мол-мулкдан фойдаланишдан келадиган даромадни олиш ҳукуки ва б.

Хукукуносларнинг фикрича, мулк – мутлак ҳукук. Мулкдорга қонун билан таъкидланмаган ҳамма нарса рухсат этилган. Мутлак ҳукук ижобий чеклов эмас, балки салбий чеклов (қайсикин бу мумкин эмас) деб изоҳланади.

Агар ҳукукларнинг муайян тўплами, масалан, А. Оноре томонидан санаб ўтилган 11 та ҳукукнинг аксарияти иккиламчи хисобланади. Мисол учун, хавфсизлик ҳукукини олайлик. Унинг ўзи етарли эмас, чунки ҳукук факат давлат томонидан муҳофаза килинган тақдирда, классик нуктаи назардан ҳукук хисобланади. Воз кечиши ҳукуки – тасарруф этиш ҳукукининг бир кисми. Жавобгарлик ҳукуки мулкчилик ҳукукини эмас, умуман фукаролик ҳукукини ўзида намоён этади.


Иқтисодий нуктаи назардан турли ҳукукларни кисмларга ажратиш техникаси ўта самарали. Мулкдор, мулкдорлигича колиб, фойдаланиш ҳукуқидан ҳам, бошカリш ҳукуқидан ҳам, даромад олиш ҳукуқидан ҳам вақтнинчалик воз кечиши мумкин. Товар эса нафакат ўз жисмоний хусусиятларининг йигиндиси, балки имконият ва чекловларнинг маълум тўплами сифатида намоён бўлади. Бироқ бошка мухим иқтисодий мавҳумлик сингари – киймат, мулк таркибий кисмларга бўлинади, лекин улар йигиндисидан таркиб топмайди. Шунинг учун мулкчиликни ҳукукларнинг мураккаб кисмлар йигиндиси сифатида таърифлаш кўпроқ мазмунга эмас, балки технологик хусусиятга эга.

7.3. Мулкчилик муносабатларини амалга оширишининг тарихий шакллари

Иқтисодиётда, хусусан, мулкий муносабатлар шаклларини ўрганишда мулкни таснифлаш мухим ўрин тутади. Кўпчилик иқтисодчи ва файласуфлар учун мулк субъекти таснифлаш мезони сифатида олинади. Агар мулк бир шахсга тегишли бўлса, у – хусусий. Агар у бир неча шахсга тегишли бўлса – жамоавий. Агар у бутун жамиятга тегишли бўлса – умумхалқ ёки давлат мулки хисобланади. Бундай ёндашув Farbdagi тадқиқотчилар учун мулкнинг учта хусусий, жамоавий ва ижтимоий шаклини ифодалашга асос бўлган. Баъзан уларга акциядорлик (корпоратив) ва давлат шакллари ҳам қўшимча қилинади.

Баъзида акциядорлик мулкини жамоавий шакл деб, давлат мулки эса ижтимойй шакл хисобланади. Лекин бундан моҳият ўзгармайди.

Мулкчилик муносабати тарихан қандай шаклларда ривожланганлиги катта қизикиш уйготади (7.1-расм).



7.1-расм. Мулк шаклларининг ривожланниши.

Ихтиёрий шаклдаги мулкнинг намоён бўлиши катор омилларга боғлиқ. Жумладан:

- меҳнат шароитлари ва натижаларини ўзлаштириб олиш усуллари;
- меҳнат шароитлари ва натижаларини тасарруф этиш хусусиятлари;
- меҳнат шароитларини тақрор яратиш;
- фаолият турлари бўйича алмашишнинг асосий усули;
- натижаларни кайта тақсимлаш усуллари.

1. Мулкчиликнинг энг дастлабки шакли **жамоавий мулк** Ғарб ҳукукий тизимининг асос (антик тараққиёт)ини ташкил этади. У учта асосий хусусият билан тавсифланади:

• жамоавий мулк жамиятга – уни тўлаконли аъзолари деб тан олинган ҳамма индивидларга тегишли;

- жамоавий мулкни кайта тақсимлаш ҳуқуки мутлак жамиятга тегишли;

• жамоавий мулк жамоавий ҳуқук нормалари билан тартибга солинади.

Жамоавий мулкнинг асосий тавсифлари қўйидагилардан иборат:

а) бошкариш (тақсимлаш) – ижтимойй;

б) эгалик килиш – хусусий;

в) жамоавий мулк объектидан воз кечиш таъкидланган;

г) ижтимойй мажбуриятлар тизими;

д) ишлаб чиқарувчининг ўз фаолияти натижаларига мулкчилиги.

Жамоавий мулкнинг ривожланиши давлатчиликни юзага келтирган. Ушбу босқичда давлат мажбур этиш аппарати сифатида ҳали жамиятта қарши турмайди.

2. *Олий мулк* давлат мулкининг дастлабки шаклидир. Давлатни ташкил этиш кўп холларда мулкни, масалан, ерни зўрлик билан тортиб ва босиб олиш натижаси бўлган. Олий мулкнинг асосий тавсифлари қўйидагилардан иборат:

а) мулк ва ҳокимиятнинг бўлинмаслиги;

б) хизмат учун мукофот сифатида ресурсни ҳади этиш шаклида фаолият билан алмаши;

в) меҳнат шароитларини ишлаб чиқарувчиларга бириктириш (хусусий эгалик);

г) бириктирилган ресурсларни тасарруф этиш учун давлат монополияси;

д) ишлаб чиқарувчининг ўз фаолияти натижаларига мулкчилиги.

Давлат бошлиги бундай мулкнинг «олий мулкдорига» айланган ва уларни ўз фукароларига тарқатган (ҳадя килган). Ерни эгаликка олиш ва ундан фойдаланиш шарти давлатга хизмат килишдан иборат бўлган. Олий ҳокимият ихтиёрида энг мухим таъсир этиш воситаси – тортиб олиш (тасарруф этиш) ҳуқуқи колдирилган. Бу бир вактнинг ўзида иккита ўзаро боғлиқ вазифани ҳал этиш имконини берган: ишлаб чиқарувчининг эҳтиёжларини кондириш ва ишлаб чиқарувчини ўзи фойдаланадиган ресурсни такрор этиштиришга мажбур килиш.

Аста-секин вакт ўтиши билан олий мулкчилик институти шароитида, давлат монополияси ҳўжалик фаолияти маҳсулотлари билан алмашув ривожланишига тўсқинлик қила бошлаган. Иқтисодий эҳтиёжларнинг таъсири остида мулкчилик институти ўзгара бошлади. Натижада турли ишлаб чиқариш усулларига хос икки хил институт шаклланади: табақали ва кўп погонали мулк.

3. *Табақали мулк* – олдинги даврда асосий меҳнат шарти бўлган табиий ресурсларга табақали монополияларнинг шаклланиши билан тавсифланади, дворянларнинг ўзларига «бириктирилган» мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқининг кенгайиб бориши билан изоҳланади.

Табақали мулкчиликнинг асосий хусусиятлари:

а) мулкдорлар синфининг пайдо бўлиши;

б) ишлаб чиқариш воситалари чекланган айланмасининг пайдо бўлиши;

в) ҳокимият ҳуқукларига нисбатан мулкий ҳуқукларнинг чекланган хусусияти;

г) ишлаб чиқарувчининг ўз фаолияти натижаларига мулкчилиги;

д) мулкдан олинадиган даромадни қайта тақсимлаш янги шаклининг пайдо бўлиши. Ривожланишининг Евropa моделига хос табақали мулкчилик институти давлат мулкчилигидан хусусий мулкчиликка ўтиш босқичи сифатида таърифланади.

4. *Хусусий мулкчилик* индивиднинг жамоавий ҳўжалик фаолиятидан ажralib чиқишини ўзида намоён этади ва қўйидаги асосий хусусиятлар билан тавсифланади:

• иқтисодий агентларнинг мустакиллиги;

- мөхнат шароитлари ва натижаларининг эркин айланиши;
- ҳокимият хукукларига нисбатан мулкий хукукларнинг етарлилиги;
- мулкдорнинг мулкий жавобгарлиги.

Хусусий мулк институтининг шаклланиши тобеликнинг янги шакли – иқтисодий тобеликнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ходимнинг ишлаб чикариш воситаидан ажралиши билан бир каторда ишлаб чикарувчининг ўз меҳнатининг маҳсулига бўлган хукукидан маҳрум этилиши юз берди.

5. Корпоратив мулк. Кўплаб тадқиқчилар корпоратив мулкни хусусий мулк билан тенглаштириб, корхонани ташкил этишининг корпоратив шаклини мулкий мажмуани ишончли бошкариш шакли сифатида талкин этишини таклиф киладилар. Корпоратив мулкчиликнинг асосий хусусиятлари қўйидагилардан иборат: мулкнинг айрим шахсларга тақсимланганлиги; иқтисодий агентларнинг тобелик муносабатлари; иқтисодий агентлар жавобгарлигининг чекланганлиги; қайта тақсимлаш муносабатлари соҳасида мулкдан келадиган даромадлар ролининг кескин ортиши; мулкдор – корпорация хукукларини билвосита химоялаш орқали меҳнат шароитларини тақрорий яратиш.

6. Ижтимоий мулк. Ижтимоий мулк юридик ва жисмоний шахслар мулки билан бирга мавжуд бўлади. Жамият мулки, кўп холатларда давлат томонидан бошкарилишига карамай, унга тегишли эмас. Жамиятнинг муаммоси ресурсларни тақрорий ишлаб чикариш ва мулкдан даромад – монопол рентани олиш устидан назорат ўрнатишдан иборат.

Ижтимоий мулкчиликнинг асосий хусусиятлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- а) жамиятнинг ҳокимият аппарати сифатида давлатдан ажратилиши;
- б) жамиятнинг табиий ресурсларга монополияси;
- в) ижтимоий мулк обьектларидан фойдаланишнинг концессион меҳнезими;
- г) ишлаб чикарувчининг ўз фаолияти натижаларига мулкчилиги;
- д) ижтимоий мулкдан келадиган даромадлардан жамият аъзоларининг ижтимоий ахамиятли эктиёжларини қондириш учун фойдаланиш.

7. Кўн погонали мулкчиликнинг вужудга келиши мулкдор ваколатларининг турли хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тақсимланиши жараёнини ўзида намоён этади. **Кўн погонали** мулкчиликнинг асосий хусусиятлари:

- а) мол-мулк ва ҳокимиятнинг ажратилмаганлиги;
- б) мол-мулк учун тўлик хукукларга эга шахсларнинг мавжуд эмаслиги;
- в) мулкдор ваколатларини амалга оширишда иштирок этишининг хизмат хусусияти;
- г) улар ўртасида мулкчилик ваколатлари тақсимланадиган субъектлар ўртасидаги тобелик муносабатлари;
- д) меҳнат шароитларининг ишлаб чикарувчиларга бириктирилиши.

Таъкидлаш лозимки, **кўн погонали** мулкчилик институти барча хўжалик юритувчи субъектларнинг меҳнат шароитларини тасарруф этишдаги хукукларини сезиларли даражада чеклагани ҳолда, меҳнат натижаларининг

Эркин айланишинини истисно этмайди. Демак, табии ресурслар эмас, балки хўжалик фаолиятининг маҳсулотлари ишлаб чикаришнинг асосий воситаларига айланишига кўра мазкур институтнинг иқтисодий асоси нурай бошлади. Лекин бу ноиктисодий мажбурашга асосланган ҳокимият ўз мавқенини осонгина бўшатиб берганлигини ёнглатмайди. Кўли пагонали мулкчилик институти ўз шаклини ўзгартирди. Тарихдан ушбу ўзгаришнинг иккита йўналиши маълум: тоталитар ва бюрократия мулкчилиги.

8. *Тоталитар мулкчилика* сабиқ Иттифоқда мавжуд бўлган «давлат мулкчилиги» институти яққол мисол бўлади.

Тоталитар мулкчилика мос келувчи режали-таксимлаш иқтисодиётида хўжалик юритувчи субъектлар ўзларига бириктирилган мол-мulkка факат амалда эгалик қиладилар ва ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотнинг ҳам, уни сотишдан олининган маблагларнинг ҳам эгаси хисобланмайдилар. Тоталитар мулкчиликининг асосий хусусиятлари:

- ҳокимият ва мулкнинг ажратилмаслиги;
- ишлаб чикариш воситаларига давлат монополияси;
- меҳнат шароитларининг хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида марказлашган тарзда кайта тақсимланиши;
- ишлаб чиқарувчининг ўзи этиштирсан маҳсулот ва уни сотишдан олинадиган даромадни тасарруф этиш хукусидан маҳрум этилиши;
- меҳнат шароитларини марказлашган режалаштириш механизми ёрдамида такрорий яратиш.

9. Бюрократия мулкчилиги кўп пагонали мулкчилик ривожланишининг табии маҳсулни хисобланади. Ишлаб чиқариш эмас, балки кайта тақсимлаш катта микдордаги пулларни юзага келтиради. Унинг асосий хусусиятари:

- а) мулкчилик хукукларини ҳимоя қилишнинг самарали тизими мавжуд эмаслиги;
- б) ресурслар ва маҳсулотларни кайта тақсимлаш жараённида амалдорлар иштирокининг қонунчилиқда белгиланган имконияти;
- в) нархлар ва тарифларнинг бюрократик тартибга солиниши;
- г) хуфиёна иқтисодиётнинг катта улушки;
- д) меҳнат шароитларини такрор яратиш самарали механизмининг мавжуд эмаслиги.

Ҳокимият ва мулк ажралмаслигининг расман тан олиниши билан хусусий мулкчилик хукукини бузмай қолмайди. Ноиктисодий мажбурашга асосланган ҳокимият мулкдорнинг эркин иродасига нисбатан иқтисодий ҳаётнинг муҳим омили хисобланади. Ҳокимият тузилмаларида иштирок этиш оркали бериладиган имкониятлар хўжалик фаолиятидан келиб чиқадиган имкониятларга нисбатан анча юкори. Ҳокимиятга эга амалдорлар шахсий бойликни кўпайтириш учун ҳокимият имкониятидан фойдаланадилар. Лекин ҳокимият ўз эгасига мулкдан кўра кўпроқ нарсани беради, уларнинг сайд-харакатлари бирори чиқарган ҳокимиятни саклаб қолишга йўналтирилган. Улар, одатда, ҳокимиятни ўқотиб, мулкдан ҳам маҳрум бўладилар.

7.4. Мулкий хукуқлар

1. *Мулк-эгалик қилиш. Мулдор.* Эгалик килиш ижтимоний институт сифатида ноёб ресурсларни тақорири етишириш вазифаси пайдо бўлган вақтда юзага келади. Дастреб мөхнат шароитлари эгалик қилиш обьекти хисобланади.

2. *Мулк-имтиёз. Монополист.* Вакти келиб ижтимоий-иктисодий роль иккита янги ролга бўлинади: табиий ресурслар мулкдорининг роли ва ишлаб чиқарувчининг роли. Эгалик қилиш ҳукуки фойдаланиш ҳукувидан, эгалик қилиш обьекти эса хўжалик юритувчи субъектдан ажралиб чиқади. «Мулк-имтиёз» тушунчаси пайдо бўлади. Бу ерда мулкдор-монополистнинг рента – ўзига тегишли ресурслардан даромад олиш ҳукукига дуч келамиз.

Мулк-имтиёз ахолининг маълум кисми пешона териси билан ўзтирикчилиги учун нон топиш мажбуриятидан озод бўлиши учун имконият, яъни фан, санъет ва ҳарбий ишни ривожлантириш имкониятини яратади.

Ишлаб чиқарувчи. Хўжалик фаолиятини амалга оширунчи-ишлаб чиқарувчининг шахсий максади ўз эътиёжларини кондириш учун маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат. Кўплаб хўжалик юритувчи субъектлар шахсий максадларига эришишга интилиши натижасида ижтимоий ахамиятга молик жиддий вазифанинг амалга ошиши – жамиятни тақоририй ишлаб чиқариш содир бўлади.

3. *Мулк-корхона.* Товар алмашувининг ривожланиши ролларнинг янгидан бўлинишида дастребки тарихий сабаб хисобланади. Ишлаб чиқарувчининг табиий ҳукуки хисобланган маҳсулотга бўлган ҳукук ишлаб чиқариш воситалари мулкдори – хўжайнинг ўтади.

Хусусий мулк мажбурашга асосланган ҳокимият ҳамда обрўга асосланган ҳокимиятни тарихдан сикиб чиқаради. Мулк-корхонанинг пайдо бўлиши билан бирга ёлланма ҳодим ва хўжайнин, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчиликдан маҳрум этилган ва ўз мөхнатга лаёкатини сотишга мажбур бўлган иктисолий агент ҳамда хўжаликнинг янги тури – корхонани ташкил этувчи иктисолий агентнинг роли пайдо бўлади.

Хўжайин. Хўжайнинг шахсий максади – қўшимча кийматни ошишдан иборат. Бу уни иктисолий самарадорликни ошириш имконини берувчи барча янги нарсаларни жорий этишга ундейди. Хўжайнин ўта муҳим ижтимоий-иктисолий вазифа – иктисолий фаолиятни рационаллаштириш эгасига айланади.

Ёлланма ҳодими. Ҳодим – ўз мөхнат килиш лаёкати ҳукукий обьекти хисобланган индивид (ишчи кучи). Лекин бу лаёкат, сўзсиз, унинг ўзига тегишли, яъни ҳодим кимнингдир ҳукуклари обьекти хисобланмаиди. У: а) эркин танлаш ҳукукини кўлга киритади ва б) ўз фаолиятининг маҳсулотларига бўлган ҳукукини йўқотади. Ҳодимнинг ижтимоий-иктисолий вазифаси мөхнатни тақсимлаш самарадорлигини оширишдан иборат.

4. *Мулк-капитал.* Мулк-имтиёз ҳолатида бўлгани каби мулк-корхона ўз эгасига қўшимча маҳсулотни ўзлаштириб олиш ҳукукини беради. Албатта, энди ушбу маҳсулот ортиқча маҳсулотда эмас, балки қўшимча киймат – корхона хўжалик фаолиятининг харажатлари ва натижалари ўртасидаги фарқ

шаклида намоён бўлади. Мулк-капитал пайдо бўлиши билақ хўжайиннинг роли капиталист ва менежер, тақсимлаш жараёнини назорат килувчи иктисодий агент ҳамда ишлаб чиқариш жараёнининг ташкилотчиси ролларига бўлинади.

Капиталист. Капитал эгаси хўжайин сингари кўшимча киймат олишидан маңбаатдор. Лекин ишчи кучини ишлаб чиқариш воситалари билан бирлаштириш эмас, балки капитални тўғри сарфлаш капиталист учун ушбу кийматни олиш усули хисобланади.

Менежер. Капиталистга менежер – ишлаб чиқариш жараёнининг раҳбари, хўжайн вазифасини бажарувчи, лекин мулкни йўқотиш хатарига эга бўлмаган иктисодий агент қарама-карши туради.

Менежернинг ижтимоий-иктиносий роли ва ёлланма ходимининг роли ўртасида ўта муҳим фарқ мавжуд. Ходим ўз ишчи кучини – меҳнатга наёкатини, менежер эса ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш бўйича хизматни сотади. Битим тузилгач, ходим ижрочига, менежер эса корхона раҳбарига айланади. Менежер даромадининг асосини у раҳбарлик кирадиган корхона фаолияти натижалари учун мукофот ташкил қиласди.

5. Мулк-бизнес. Тадбиркор. Мулк миқдори «киймат» деган мавхум тушунчага айланган шароитда саҳнага янги шахс – тадбиркор ва янги мулк обьекти – бизнес чиқади. Чунки нафақат меҳнат, ер ва капитал, балки фаолиятнинг алоҳида тури – тадбиркорлик ҳам «кийматни яратиш» хусусиятига эга. Шахсий бойиш масаласини ҳал этаётуб тадбиркор муносиб ижтимоий вазифа – иктиносий фаолият самарадорлигини оширади. У топган янги карорлар аста-секин ижтимоий нормага вйланади. Лекин янги карорлар нафақат янги имкониятлар, балки янги хатарлардир. Бир вактнинг ўзида мулкдор ва тадбиркор сифатида иштирок этувчи мулкдор-сармоядор кисмларга ажрала бошлайди. Шу тарика тадбиркор аста-секин мулкдордан эжралиб чиқади. Унда ҳатто ўзининг, мулкдордан алоҳида мулк обьекти – бизнес пайдо бўлади.

Сармоядор. Тадбиркорнинг ўзга мулкка талаби капитални кийматга эга бўлган чекланган ресурсга айлантиради. Бир вактнинг ўзида тадбиркорлик фаолиятидан воз кечган ва ўзига тегишли чекланган ресурс – капиталдан фойдаланиш ҳукукини тўлов эвазига сотувчи сармоядор-мулкдорнинг ижтимоий-иктиносий роли пайдо бўлади. Сармоядорнинг шахсий максади мулкдан (капиталдан) олинадиган даромадни кўпайтиришдан иборат.

6. Мулк-талаб. Сармоядор ролининг ички қарама-каршилиги шу нарса билан боғлики, тадбиркорлик фаолияти юкини кўтаришни истамаган холда, у истар-истамас ушбу фаолият билан боғлик мулкни йўқотиш хатарини ўз зиммасига олади. Ўз навбатида, бу мулкдан олинадиган даромаднинг иккита таркибий кисми чекланган ресурс учун тўлов ва хатар учун тўловни ўз ичига олади.

Сармоядор ролининг ушбу иккি томонламалиги натижаси – яна бир бўлинниш: иштирокчи роли ва кредитор роли, тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиш максадини кўзловчи сармоядор ва мулкни йўқотиш хатарини камайтирувчи сармоядор ролининг пайдо бўлиши.

Иштирокчи – мол-мулкка нисбатан мулкчилик ҳукуқидан жамиятга нисбатан талаб ҳукуки эвазига воз кечувчи иктиносий агент. Ўз навбатида, жамият ва унинг мол-мулки эмас, балки ҳўжалик жамиятига нисбатан мажбурият ҳукуклари иштирокчининг мулки ҳисобланади.

Иштирокчининг шахсий мақсади – жамиятнинг фойдасида иштирок этишдан иборат. У тегишлича бу билан boglik хатарларининг бир кисмини ўз зиммасига олади. Натижада мазкур лойиҳалар хатарларини кўплаб иштирокчилар ўртасида тақсимлаш асосида ўта киммат ва узоқ муддатли лойиҳаларни амалга ошириш мумкин. Иштирокчининг ижтимоий-иктиносий вазифаси, шу тарика, хатарлар ва жавобгарлик дисперсиясидан иборат.

Кредитор. Агар сармоядор – тадбиркорлик ролидан воз кечган капиталист бўлса, у ҳолда кредитор тадбиркорлик фаолияти билан boglik хатарлардан воз кечган сармоядордир. Профессионал молиявий воситачилардан фойдаланиш эса хатарларни пасайтириш усули ҳисобланади.

7. Мулк-акция. Жамиятнинг кўп сонли иштирокчилари нафакат унинг ҳўжалик фаолияти шатижалари учун жавобгарлик, балки бошкарувчилар томонидан иштирокчилар ишончининг сунистеъмол килиниш имкониятининг ҳам таксимланишини юзага келтиради. Янги ижтимоий-иктиносий роль пайдо бўлди: назоратчи – ҳўжалик жамиятига нисбатан алоҳида вазифаларни: жамият мол-мулки ва даромадларининг тасарруф этилиши устидан назоратни амалга оширувчи унинг иштирокчиси.

Назоратчининг шахсий мақсади ҳўжалик жамиятини капиталлаштиришнинг ўсишига эришишдан иборат.

Акциядор. Жозибадорлигини йўқотаётган бизнесдан чиқиш ҳам ҳўжалик жамиятларининг фаолияти билан boglik хатарларни соддалаштириш усули ҳисобланади. Ушбу имконият жамиятда иштирок этишнинг алоҳида воситаси – акцияларнинг пайдо бўлиши билан таъминланади.

Расмий жиҳатдан акциялар ўз эгаларига жамиятга нисбатан мажбурият ҳукуклари, хусусан: бошкарув органларида иштирок этиш ҳукуки, жамият фойдасининг бир кисмини олиш ҳукуки ва жамият тутатилган тақдирда мол-мулкининг бир кисмига эга бўлиш ҳукукини берувчи кимматли қозозларни ўзида намоён этади.

Бирор ушбу ҳукуклар кўп жиҳатдан деклоратив ҳисобланади. Бошкарувда иштирок этиш ҳукукини факат акцияларнинг катта миноритарни пакетларига эгалик килувчи акциядорлар – мажоритарийлар амалга оширишлари мумкин. Жамият тутатилган тақдирда мол-мулкининг бир кисмини олиш ҳукукини эса амалга оширишнинг иложи йўқ: жамиятга нисбатан акциядорлар уларнинг талабларини ижро этиш учун колган барча шахслар кондирилганидан кейин қабул килинувчи сўнгги навбатдаги кредиторларни ўзида намоён этади.

Акциядорларнинг компаниядан чиқиши туфайли юзага келган акциялари курси тушиб кетиши янги инвестициярни жаб этиш имкониятини кескин пасайтиради. Акциядорнинг шахсий мақсади муайян компанияни капиталлаштиришнинг ўсиши эмас, балки ўзига тегишли акциялар пакетларининг курси кийматидан ютишдан иборат. Ушбу мақсадга акциялар

бозор котировкаларининг ўзгариши тенденцияларини доимий равишда кузатиш оркали эришилади. Бу эса, ўз навбатида, акциядор ижтимоий-иктисодий вазифасининг амалга оширилишига олиб келади. Унинг сайд-харакатлар туфайли капитал ҳаракатининг тезлиги кескин ошади.

7.5. Мулкий ҳукуклар тақсимоти таҳлили¹⁸

Баркарор бозор иктиносидетига эга ҳукукий-демократик жамият қуришнинг асосий йўналишларидан бири – чукур институционал ўзгаришларни амалга оширишдан иборат. Бунда нафақат эски марказлашган иктиносидет институтларини ислоҳ килиш, балки иктиносидий муносабатларнинг ўзагини ташкил этувчи мулкчилик ва шартномавий муносабатларни ҳам бозор иктиносидетига мос равишда тақомиллаштириш талаб этилади. Бу борадаги амалий ишлар мамлакат мустакиллигининг дастлабки йиллариданоқ бошланган эди ва ҳозирги пайтда юқори босқичга кўтарилиб бормокда.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Конунчиллик Палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузасида республикамизда ушбу йўналишда килинган ишларга тўхталиб, “хусусий мулкни ҳукукий жиҳатдан химоя килишни кучайтириш, мамлакатимизда ҳар томонлама бақувват мулк эгалари синфини шакллантириш, фермерлик ҳаракатини мустаҳкамлаш, иктиносидетни янада либераллаштиришни таъминлаш, тадбиркорлик, аввало, кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш учун қуай шароитлар яратиш, кенг тармокли бозор инфратузилмасини барпо этиш бўйича бутун бир мажмуя ишлари амалга оширилган”,¹⁹ – дея таъкидлаб ўтди.

Маълумки, мулкчилик муносабатлари ишлаб чиқариш муносабатларининг негизини ташкил этади. Мулкчилик муносабатларининг таркиби мулкчилик инститuti билан boglik. Мулкчилик инститuti моҳиятига кўра, ижтимоий институт бўлиб, инсонларга ўз орзу-умидларини шакллантириш имконини беради. Мулкчилик инститuti мулкий ҳукуклардан иборат бўлиб, ушбу ҳукукларни билиш инсонларга истикболдаги ўзлари муносабатга киришадиган бошка инсонларнинг хатти-харакатлари ҳамда фойда ва харажатларни хисоблаш имконини беради. Бундай ҳукуклар мавжуд бўлмаганда эди, инсонлар ўз ҳамкорларини хатти-харакатларини олдиндан хисобга олишлари мумкин бўлмас эди.

Шуларни инобатта олиб, Ўзбекистонда мулкий ҳукукларни амалга оширишни тартибга солувчи бир қатор қонун ҳужжатлари қабул килинди. Уларда мулкий ҳукуқ субъектлари (фуқаролар, юридик шахслар ва давлат), мулкий ҳукуқ обьектлари (ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиги, ўсимлик ва хайвонот дунёси, бошка табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, шу жумладан, бинолар, квартиralар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хомашё ва маҳсулот, пул, қимматли көғозлар ва бошка мол-мулк, шунингдек, интеллектуал мулк), мулкий ҳукуқ турлари (эгалик килиш, фойдаланиш ва

¹⁸ Ушбу кисм Р.Ташматов билан ҳамкорликда ёзилган.

¹⁹ Каримов И.А. Асосий вазифасиниз – Ватанниң тараққиети ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Т.: Ўзбекистон, 2010. – 9 б.

тасарруф қилиш) ҳамда уни амалга ошириш қоидалари ва ҳимояллаш кафолатлари мажмуми кабул қилинди. Улар 7.2-расмда көлтирилган.

Иктисодий нұктан назардан мүлк объектіга иісбатан мавжуд мүлкій ҳуқуқлардан фойдаланған ҳолда ушбу объектден самарали фойдаланишга эришадиган мүлк әгасини топиш мүлкій муносабатларни үзгартыришнинг асосий мөхияттін ифодалайды. Мүлкій муносабатларни үзгартыриш институционал ислохотлар өсітасида амалга оширилади. Уннинг механизми мүлкій ҳуқуқлар тәксимоттін амалга оширишдан иборат. Чунки мүлкій ҳуқуқлар иктисодиёт назариясига күра жамиятта содир этиладиган ҳар қандай алмашуви мүлкій ҳуқуқлар билан алмашувадыр.

Ўзбекистонда мүлк хусусий ва оммавий шактда бўлади. Хусусий мүлк ҳуқуки шахснинг конун ҳужжатларига мувофик тарзда кўлга кириттан мол-мулкка зғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Яъни хусусий мүлк шаклида юқоридаги мүлк ҳуқуқлар бир шахс (жисмоний ва/ёки юридик шахс)да жамланади (7.3-расм), шунинг учун ҳам ушбу мүлк шакли самаралироқ хисобланади.

Чунки бозор иктисодиётіда ўзаро муносабатлар турли мүлк шаклларига асосланған субъектлар ўртасида олиб борилади. Уларнинг ҳар бири ўз мүлкій ҳуқуклари ва ўз маңбаатларига зга. Уларнинг мүлкій ҳуқуклари жуда аник белгиланған, уннинг ҳимоясі конун билан кафолатланған тақдирда ўзаро битимга келишиш осон кечади. Бу мүлкій ҳуқуқлар ҳақиқий згалари, мүлкдан энг унумли тарзда фойдалана олувишлар кўлига ўтиши учун ҳам мухимдир.

Ўзбекистон конунчилигида, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мүлкій ҳуқуқларнинг уч тури көлтирилган. Лекин ривожланған бозор иктисодиёті амал қилаёттган мамлакатларда амалда бўлган умумий ҳуқуқда янада кўпроқ мүлкій ҳуқуқлар ажратилади. Чунки иктисодий агентларнинг бозор тамойиллари нұктан назаридан ўзаро алоқалари мураккаб ҳодиса бўлиб, у мүлкій ҳуқуқларни чуқурроқ аниқлаштиришин талаб қиласи.

Юқорида баён этилганидек, мүлкій ҳуқуқлар А.Оноре рўйхати бўйича куйидагича тақсимланади: зғалик қилиш ҳуқуки, фойдаланиш ҳуқуки, тасарруф этиш ёки бошқариш ҳуқуки, ўзлаштириш ҳуқуки, капитал киймат ҳуқуки, ҳавфиззлик ҳуқуки, ашёнинг мерос ёки васият бўйича ўтишига бўлган ҳуқук, муддатсизлик ҳуқуки, зарарли фойдаланишини таъкидашга бўлган ҳуқук, ундириш кўринишидаги жавобгарлик ҳуқуки, колдик хусусияти ҳуқуки.


Мүлкій ҳуқуқларни аниқлашга бундай ёндашув бозор иктисодиёті шароитида индивидлар ўртасида ресурслардан фойдаланиш бўйича ҳар қандай мураккаб музокараларни олиб бориш ва битишувга келишда самарали хисобланади. Чунки бугунги кунда тадбиркорлик фаолияттида кенг кулоч ёзаёттган ижара, лизинг, франчайзинг каби шакллари мүлкій ҳуқуқларнинг янада кўпроқ субъектлар ўртасида тақсимланишини тақозо этади. Демак, юқоридаги ҳуқуқларнинг улардан энг унумли фойдаланувчи субъектларга аник мустаҳкамланиши трансакцион ҳаражатларни кискартиради ва самарали хўжалик юритишга ижобий таъсир кўрсатади.

Мулкий хуқук субъекти	<ul style="list-style-type: none"> - Ўзбекистон Республикаси фундаменталар, шимоадар, уларнинг бўрланышлари; - ишмоят таҳтилотлари ва дигор ташкилотлар; - фундаменталар оиласиши ва ўзга берлашмалари; - маддий ўзини-фиби бўшларни икоралари; - ҳалк депутатларининг барча бўтиндаги Конғашлари хамда улар вакоат берган давлат бўшларни икоралари;
Мулкий хуқук обьекти	<ul style="list-style-type: none"> - Ўзбекистон Республикаси худудидаги ср. ср ости бойиклари, ични суалар, ҳаво ўзини, ўсмалини за ҳайвонот дунёси; - ишоретлар ва инвентарлар, турар ёй ва квартирамлар; - меҳсулотлар, меҳсулот ва ҳисомат кўрсатчи бетилари, самоат ижмоналари; - ижтимоий, фойдаланим мөдделалар, селекция иջудлари; - юбор-ускунчалар, маддий ва майланган маддийлик бўномалари; - пуллар, симметрия хотозлар; - ижоннинг меҳнат килиш габиблити ва бошса мол-муаллар
Мулкий хуқук турлари	<ul style="list-style-type: none"> - мулкни жалоне килиши; - мулкан фойдаланниш; - маддий тасасиний чизни
Мулкий хуқукни амалга ошириш кондидлари	<ul style="list-style-type: none"> - мулкдор ижодан конун душингчларни билан тъъсида оширишмаган ҳар кандай хўжалик ёки бошка фаволитига амалга оширилган фойдаланниш мутаккини; - мулкдор ўзига кирешсан моль-муалларни мулкий хукукни фикр ўзи бошса шахсларга беришга хосли; - мулкдорнинг энгиссанги бошка шахсларнинг унинг мулкдан чеклаган тарзда фойдаланнишга ёғиб кўйини вазифаси юнданнин мумкини; - мулкдор ўзига тегини мулкий хукуки амалга ошириш пойтида фуқароларниң меҳнатидан фойдаланниш тўғрисида улар билан овартилона тузинга қадси; - фуқаролар меҳнатидан фойдаланниш асос бўйни мулкнини юй шахса энгиссангидан юттий низар мулкдор ўзига шахс томонидан конунга хилоф этгалиб олинган мол-муалликни таъиб килиб, кайтариб олиш хукукига эта. - мулкий қуқонсонни амалга оширилган итроф-муҳитга зарар стикомаслиги, тиҳомоний, юрган шахслар ва деялганлик хукукларни бўзумаслиги хамда конун билди мухофиза ижонидан минифатларига пурт стикомаслиги керак
Мулкий хуқукният ҳимоя килинishi	<ul style="list-style-type: none"> - мулкдор ўз хукукини ҳар кандай бузулаларни, гарни бўйдай бузувашер уни мулкни энгиссан хукуқидан маҳрум этиш билан ботгик бўлмас-да, бартараф этишини таъаб килиши мумкини; - мулкий хукукни ҳимоя килиши суд ёки хўжалик суди томонидан амалга оширилади; - гарчи мулкдор бўлмаси ким, мулкан тўла кўхжалик юритиш, уни оператив бошинариш, мерос юниб қадарнишлаган умброрд эканни килиши ёки конунга (контрномада) бўйда тутилган бошка хокитаудар, моль-муалла эканни килиучи шахстга ҳам таъалулкайдир. Бу шахс ўз эканнини мулкдорни хам ҳимоя килиши хукукига эта. - мулкдорга кариши мол-муаллини олиб кўйиш хамда карор кибул килинини мумосабети билди ёки давлат икоралашган мулкдор мол-муалликни боссиста либ ёбингига картилаганни бошка карори мумосабебти билди мулкдорнинг хукукни тўхтатиб кўйинши фикр қариччалингизда белгальданга ҳолларда ва тартибдагини куза кўйилади. Бутида мулк хукуки тўхтатилиши натижасида стикомизган зарар мулкдорга бетимоч тўданади. - табиият оғетлар, фаложлар, югуруни таъсилчиларниң тарзидан, ҳайвонларда ишасишини ёки ёйлиши ва физикауда рўй берадиган бошка көзетларда мол-муалл даимиюз киоралаштирилган тарзорига биносан эканни минифатларни кўзлаган холда мулкдордаги белгальланган тартибига ва шартлар билан маҳбурий тарзда олиб кўйинши (реквизитни кўзланишни) мумланга ва ўзига мулкнинг кимини тўланади; - конун хуқосатларидан кўзда тутилган холларда суд ёки хўжалик судинага карорига биносан мол-муалл мусодидре килинини мумкини

7.2-расм. Ўзбекистонда мулкдорлар ва уларнинг мулкий хукукларини амалга ошириш²⁰.

²⁰ Расм Ўзбекистон Республикаси "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ти Конуни ва Фуқаролик Кодексига ясасан тузилган.

ХУСУСИЙ МУЛК



7.3-расм. Ўзбекистонда хусусий мулк эгалари субъектлари²¹.

Давлат корхоналарини хусусийлаштириш Даълат дастурларига мувофиқ, очиқ акциондорлик жамияти доирасида мулкий хукуклар таҳсимотининг турли варианatlари низарда тутилди. Масалан, меҳнат жамоаси възлари акциялар умумий улушида 10 фойздан ошмайди, лекин ҳар бир ходим акцияларни олиш хукукига эга ҳисобланади. Натижада мулк субъектлари ва хукукларининг таҳсиланиши кўйидаги 7.2-жадвалдаги кўринишга эга.

Мулкий хукукларнинг 7.2-жадвалдаги таҳсиланиши бирламчи таҳсимот боскичи ҳисобланади. Ушбу боскичда, яъни хукукларнинг ҳар бири ундан самарали фойдаланишдан манфаатдор мулкдорнинг кўлида бўлған вазиятда мулкнинг оптимал тарқибига эришиш мухим ўрин тутади. Бирор-бир имкониятли мулкдорнинг мулкий хукукларидан самарали фойдаланишдан манфаатдорлик даражаси ҳақида мулоҳаза юритишда Коуз теоремаси²² асос бўлиб хизмат килади.

²¹ Расм Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида мунициплик тўғрисида"ги Конуни ва Фукалорлик кодесине асоссан тузилган.

²² Агар мулкий хукуклар аниҳа таҳсиланамиб, трансакция харешатлари ишга тенг бўласа, у холда, агар даромад саварасидан фиддия бошга томонга бурсак, мулкий хукукларнинг таҳсиланишини ўзтариншардни ёзти низар, ишлаб чиборишининг таркиби ўзлармасдан колади.

Бошқача айтганда, мулкий хукукларнинг дастлабки тақсимланиши ишлаб чиқаришнинг таркибига таъсир ўтказмайди, чунки пировардида хукукларнинг хар бири ушбу хукукдан энг самарали фойдаланиш асосида у учун энг юкори нархни таклиф этишга кодир мулкдорнинг кўлида бўлади.

7.2-жадвал

Очиқ акциядорлик жамияти акцияларига мулкий хукукларнинг тақсимланиши*

Мулкий хукук турлари	Мулкий хукук субъектлари			
	Акимидор, корхона ходими	Акциядорлар йигитларини	Ижро этувчи орган, корхона дирекцияси	Давлат мулкии қўмиатаси
Эгалик килиш хукуки	+		+	+
Фойдаланиш хукуки	+		+	+
Тасарруф этиш хукуки	+		+	+
Даромад олиш хукуки	+		+	+
Капитал киймат хукуки		+		
Хавфсизлик хукуки			+	+
Мерос ва васиятнома бўйича ўтиш хукуки	+			
Муддатсизлик хукуки	+			
Заарарли фойдаланишини таъкидлаш хукуки	-			+
Ундириш кўринишидаги жавобгарлик хукуки	+	+		
Колдик хусусияти хукуки		+		

*Жадвал Узбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларни ҳамоиши тўғрисидаги" Конуни асосида тузилган.

Энди бу ҳолатни хусусий корхоналар мисолида кўриб чиқамиз. Амалдаги конунчилликка²³ асосан хусусий корхона мулкдори билан унинг ишчилари ўртасида мулкий хукуклар тақсимоти 7.3-жадвалда келтирилган шаклда намоён этилиши мумкин.

Хулоса килиб айтганда, мулкий хукукларнинг бўлининиш ва маълум ўзгариш иқтисодий рагбатлар тизимида ҳам шунга мутаносиб силжишларга олиб келади. Бу эса хўжалик жараёни иштирокчиларининг хатти-харакатларида ҳам маълум ўзгаришларга сабаб бўлади. Демак, мулкий муносабатлар хўжалик юритишнинг ҳаракатлантирувчи омили бўлиб, турли хўжалик юритиш тизимлари учун ўзига хос мулкий муносабатлар шаклланади.

²³ Узбекистон Республикасининг "Хусусий корхона тўғрисидаги" Конуни. 2003 йил 11 декабрь.

**Хусусий корхоналарда устав фондига бўлган мулкий ҳуқуқлар
тақсимиоти***

Мулкий ҳуқуқ турлари	Мулкий ҳуқуқ субъектлари		
	Корхона бошлиги (директори)	Корхона ишчилари (ходимлари)	Давлат
Этаплик юлиш ҳуқуки	+		
Фойдаланиш ҳуқуки	+	+	
Тасарруф этиш ҳуқуки	+		
Даромад олиш ҳуқуки	+	+	
Капитал қиймат ҳуқуки	+		
Хавфсизлик ҳуқуки	+		+
Мерос ва васиятнома бўйича ўтиш ҳуқуки	+		
Муддатсизлик ҳуқуки	+		
Зарарли фойдаланишини таънилаш ҳуқуки	+		
Уидириш кўринишидаги жавобгарлик ҳуқуки	+	+	
Колдиқ хусусияти ҳуқуки	+	+	

* Жадвал Узбекистон Республикасиning "Хусусий корхоналар тўғрисада"ги ҳамда "Тадбиркорлик феодалити зерининг таънилаши"нига яхшиланган тўғрисада"нига яхшиланган тозумиган.

Ўзбекистонда фермер хўжаликларига тегишли мол-мулк ва уларга бўлган мулкий ҳуқуқлар давлат химоясида. Улар мол-мулкига қуйидагилар киради: бинолар, иншоотлар, кишлок хўжалиги экинзорлари ва кўчкатзорлари, довдараҳтлар, чорва моллар, паррандалар, етиштирган маҳсулот, қишлоқ хўжалиги техникалари, инвентарь, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пул маблаглари, интеллектуал мулк обьеклари ва бошқалар (7.4-расм).

Маълум муддатта ижара олинган ер участкаси учун фермер томонидан давлаттага ижара хаки тўланади. Давлат, ўз навбатида, фермернинг ер участкасинга бўлган ҳуқукини шу муддатда мустаҳкам химоясини таъминлайди. Яъни бу ҳолатда фермер учун ушбу ҳуқуқларни ўз ички имкониятлари билан химоялашдай кўра, бу вазифани давлатта юклаб, ўзи ижара хаки тўлагани фойдалироқдир.



7.4-расм. Фермер хўжаликлирида мулкий ҳукуклар объектлари таркиби*.

*Манба: 2004 йил 26 августда кабул киннган "Фермер хўжалиги тўрисида"ги Конуни асосида тузилган.

Фермер хўжаликлирида ерга бўлган мулкий ҳукукларни таҳлил қиласидан бўлсан, бу ерда мулкий ҳукуклар иккита субъект – фермер хўжалиги ва давлат ўртасида тақсимланган (7.4-жадвал).

Маълумки, фермер хўжаликлири мавсум пайтида турли қишлоқ хўжалиги техникаси (машина, трактор ва бошка транспорт воситалар)га мухтоҷлик сезади. Тегишли техникани лизинг орқали олиш ушбу муаммонинг самарали ечими ҳисобланади. Лизинг орқали олинган техникага бўлган мулкий ҳукукларнинг тақсимоти 7.5-жадвалда кўрсатилган.

7.4-жадвал

Фермер хұжаликтерінде ерға бүлгап мулкий ҳуқуқтар тақситоти*

Мулкий ҳуқуқ түрлары	Фермер хұжалиғи	Давлат
Эталик көзінш ҳуқуқи	-	16 -м. ЕК
Фойдаланыш ҳуқуқи	13 -м. ФХК, 53 -м. ЕК	-
Тасарруф этиш ҳуқуқи	-	16 -м. ЕК
Даромад олиш ҳуқуқи	17-м. ФХК, 173 м. ФК	-
Капитал қыймат ҳуқуқи	-	16 -м. ЕК
Хафсызлик ҳуқуқи	17 -м. ФХК	-
Мерос за власнитнома бүйінча үтиш ҳуқуқи	13, 21 -мм. ФХК	-
Муддатсизлик ҳуқуқи	-	10,16 -м. ЕК
Зарарлы фойдаланыштың тәъқидаш ҳуқуқи	-	36 -м. ЕК, 173 -м. ФК
Үндериш күрнештідеги жаобарлық ҳуқуқи	227 -м. ФК	16 -м. ЕК
Кодлақ хусусият ҳуқуқи	-	36 -м. ЕК

Изох: ФК – ҮзФуқаролик Кодекси, ЕК – ҮзР Ер Кодекси, ФХК – ҮзР “Фермер хұжалиғи тұгристаса”ғы Конуны, м. – мадда.

*Мәнба: Амалдеги қоюнчылық ҳуқықтардың асосында тузылған.

7.5-жадвал

Фермер хұжаликтерінде лизинг орқали олинған техникада бүлгап мулкий ҳуқуқтар тақситоти*

Мулкий ҳуқуқ түрлары	Лизинг олушчи (фермер хұжалиғи)	Лизинг беруучи тәшикшет (компания)	Лизинг сөтуучи муассаса (банк)
Эталик көзінш ҳуқуқи	589 -м. ФК, 2 -м. Лқ	-	-
Фойдаланыш ҳуқуқи	589 -м. ФК, 2 -м. Лқ	-	-
Тасарруф этиш ҳуқуқи	-	597 -м. ФК, 11 -м. Лқ	598 -м. ФК
Даромад олиш ҳуқуқи	183 -м. ФК, 6 -м. Лқ	590 -м. ФК, 22 -м. Лқ	-
Капитал қыймат ҳуқуқи	-	11 -м. Лқ	11 -м. Лқ
Хафсызлик ҳуқуқи	593 -м. ФК, 19 -м. Лқ	19 -м. Лқ	-
Мерос за власнитнома бүйінча үтиш ҳуқуқи	21 -м. ФХК	-	-
Муддатсизлик ҳуқуқи	15 -м. Лқ	-	-
Зарарлы фойдаланыштың тәъқидаш ҳуқуқи	594, 595 -м. ФК, 24 -м. Лқ	24 -м. Лқ	-
Үндериш күрнештідеги жаобарлық ҳуқуқи	227 -м. ФК, 12, 24 -м. Лқ	592 -м. ФК, 11 -м. Лқ	-
Кодлақ хусусият ҳуқуқи	-	12, 20 -м. Лқ	-

Изох: ФК – ҮзР Фуқаролик кодекси, ФХК – ҮзР “Фермер хұжалиғи тұгристаса”ғы Конун, Лқ – ҮзР “Лизинг тұгристаса”ғы Конуны, м. – мадда.

*Мәнба: Амалдеги қоюнчылық ҳуқықтардың асосында муаліф шыланылады.

Жадвалга кўра, ушбу ҳукуклар бир субъект учун белгиланмаган, балки учта (фермер хўжалиги, лизинг компаниялари ва банклар) ўргасида таксимланган. Фермер томонидан лизинг шартномаси асосида олинган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш ҳукуки фермернинг ўзига тегишили, айни пайтда ушбу техникага эгалик қилиш ҳукуки, фермер лизинг тўловини тўлик амалга оширгунига кадар, уни маблаг билан таъминлаган банкка тегишилидир.

Фермер хўжаликларининг асосий фаолияти қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиширишдан иборат. Ушбу мулкка бўлган ҳукуклар "Йигиндиси" вазияти аввалгиларга ўхшаш, яъни фермер хўжалиги, ушбу маҳсулотни кабул килувчи (кайта ишловчи) корхоналар ҳамда давлатта тегишили (7.6-жадвал). Чунки фермер хўжаликлари нафакат ўз эҳтиёjlари учун, балки давлат буюртмаси ёки контрактация шартномасига асосан маҳсулот етишириади.

7.6-жадвал

Фермер хўжаликларида етиширилган маҳсулотларга бўлган мулкий ҳукуклар таъсимиоти*

Мулкий ҳукуқ турлари	Фермер хўжалиги	Кайта ишловчи ташкилот	Давлат
Эгалик қилиш ҳукуки	8 -м.Тқ	-	-
Фойдаланиш ҳукуки	8 -м. Тқ	-	-
Тасарруф этиш ҳукуки	16 -м. Фхк. 8 -м. Тқ	386 -м.ФК	386 -м.ФК
Даромад олиш ҳукуки	16, 24 -м. Фхк. 20 -м. Тқ	-	-
Капитал қиймат ҳукуки	16, 24 -м. Фхк	-	-
Хавфсизлик ҳукуки	464, 467 -м. ФК	466 -м. ФК	463-м. ФК
Мерос ва васиятнома бўйича ўтиш ҳукуки	21 -м. Фхк	-	-
Муддатсизлик ҳукуки	13 -м. Фхк	-	-
Зарарли фойдаланишини таъкидлаш ҳукуки	38 -м. Тқ	466 -м. ФК	464 -м. ФК
Ундириш кўринишидаги жавобгарлик ҳукуки	-	-	35 -м.Фхк
Колдак ҳусусияти ҳукуки	19 -м. Фхк, 14 -м. Тқ	-	-

Изоҳ: ФК – ЎзР Фуқаролик кодексия, Фхк – ЎзР "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги копун Тқ – ЎзР "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигигининг кафолатлари тўғрисида"ги Конун, м. – модда.

*Менба: Амалдаги конунчиллик ҳуҗжатлари асосида тузилган.

Биринчи ҳолатда ушбу мулкка бўлган деярли барча ҳукуклар "Йигиндиси" ер участкасига бўлган ижара муддати тугагунга кадар фермер хўжаликлида мужассам, у мутлақ эгаси ҳисобланади. Иккинчи ва учинчи ҳолатда эса ҳукуклар фермер хўжалиги маҳсулотни мулк қилиб топширгандан кейин кайта ишловчи ташкилот ёки давлат корхоналарга ўтади. Айнан шундай ўхшаш мураккаб мулкий ҳукуклар таъсимиоти бошқа айланма воситалар,

масалан, пул маблаглари, минерал ўгитлар, ёкилги-мойлаш материалларида ҳам кузетилади.

Хулоса килиб айтганда, кишлоқ хўжалигидаги мулк шаклларида мулк хукуклари таркибий ўзгаришлар асосан мулкий хукуклар таҳсимланишининг давлат томонидан тартибга солиниши натижаси бўлиб, айнан мулкий хукуклар таҳсимоти ҳақиқий мулкдорлар ва хўжалик юритишининг самарали шаклларини вужудга келтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга 7.2-7.5-жадвалларда келтирилган мулкий хукуклар таҳсимоти амалдаги қонун хўжжатларини тақомиллаштириш ҳамда мулкдорлар хукукини ҳимоя қилишга доир хукукий нормаларни яратишга асос бўлиб хизмат қиласди. Чунки Ўзбекистон Республикасининг қонун хўжжатларида мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хукуклари нормаларигина қонун хўжжатларига киритилган, колган 8 та мулк хукуки тури ҳали қонун хўжжатларида тўлиқ ўз ифодасини топмаган.

Қисқача хулоса

Мулк хукуклари назарияси мулкий хукукларнинг иқтисодиёт субъектлари (юридик ва жисмоний шахслар) ўртасида таҳсимланиши ҳамда мулкий муносабатлар муаммоларини ўрганади. Мулк хукуки, бир томондан, субъектив ашёвий хукук. Ўз мазмунига кўра, мулк хукуки барча ашёвий хукуклар орасида энг кенг хукуқидир: мулкдор ўз мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хукукига эга бўлиши лозим.

Хорижий манбаларда мулк хукуки 11 та турга ажратилган ҳолда ўрганилади. Бу эса мулк хукукини кенгроқ талқин этиш имконини беради.

Мулкий муносабатлар тарихан турли шаклларга эга бўлган ва улар мулкий хукукларнинг табакаланишида намоён бўлади.

Ўзбекистонда мулк шакли хусусий ва оммавий турларга бўлинади. Оммавий мулк шакли давлат мулкини ҳам ўз ичига олади.

Фермер хўжалигининг мулки фермер ва хўжалик аъзоларининг мулки хисобланади.

Таянч сўз ва иборалар

Мулк хукуси, Оноре рўйхати, хусусий мулк, жамоавий мулк, давлат мулки, туталитар мулк, корпоратив мулк, ижтимоий мулк, мулкдорлар, очик акциядорлик жамияти, фермер хўжалигининг мулкий хукуклари, мулкий хукуклар таҳсимоти.

Тақорлам учун саволлар

1. Мулк хукуки деганда нима тушунилади?
2. Мулк ўзи нима? Унинг қандай шакллари мавжуд?
3. Окоре рўйхатига кирувчи мулк хукуклари турларини айтинг ва уларнинг моҳиятини тушунтиринг.
4. Мулк хукуки таснифи нима ва уни Ўзбекистон иқтисодиётининг амалиётидаги кўллаш имкониятларини изоҳлаб беринг.


VIII боб. ШАРТНОМАЛАР НАЗАРИЯСИ

Трансакция назариясига мувофик шахслар ўзаро ҳамкорлигининг умумий доиралари институтлар томонидан белгиланади. Битимларни тузиш шартларининг муайян доиралари эса ўзаро ҳамкорликнинг турли иштирокчилари ўртасида кайд этилади. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик Кодексининг 9-боби (101-112-моддалар) битимларга багишланган. Агар мулкчилик ҳуқуқлари назариясининг атамаларидан фойдалансак, мулкчилик ҳуқуқлари билан алмашиш ва уларни ҳимоялаш тўғрисидаги ҳар қандай келишувни шартнома, деб аташ мумкин. Шартномани тузишда шахслар расмий ва норасмий меъёрларни муайян битим эҳтиёжлари учун кўллаган ҳолда, улардан фойдаланадилар. Бошқача айтганда, шартнома белгланган институционал доираларда амалга ошириладиган алмашув мақсадлари ва шартларининг шахслар томонидан онгли равишида ва эркин танланишини акс эттиради.

8.1. Шартнома тушунчаси

Шартнома – белгланган институционал доираларда шахсларнинг онгли равишида ва эркин танлови натижаси хисобланган мулкчилик ҳуқуқлари билан алмашиш ва уларни ҳимоялаш тўғрисидаги келишув.

Шундай килиб, институционал таҳлил оқилона танлов моделининг умумий эмас, балки ҳусусий ҳолатини кўриб чиқиш учун замин яратади. Ушбу модел универсал эмас, у алоҳида институционал доираларда шахсларнинг хатти-харакатини ёритиш билан чегараланади, бунда шахслар ушбу доираларга чекланган даражада таъсир кўрсатадилар. Оқилона танлов моделинин институционал доираларга жойлаштириш «доира самараси» деб ном олди. Бироқ оқилона танлов институционал доираларини факат чегаралаш (гиёхвандлик моддалари, курол-аслаҳа, бошқа ижтимоий ҳавфли товар ва хизматлар олди-сотдиси тўғрисида шартномалар тузиш учун конуний таъкик) сифатида талкин этиш нотўғри бўлади. Институционал доиралар нафакат чеклайди, балки оқилона танловни амалга ошириш учун замин яратиши мумкин. Шу тарика, ишончнинг норасмий меъёри ҳам, томонларнинг шартномадан келиб чикувчи мажбуриятлари пайдо бўлиши тўғрисидаги расмий коида ҳам, ҳатто шартнома тузиш ва уни бажариш лаҳзаси ўртасида анча вакт ўтган тақдирда ҳам ҳуқуқлар билан алмашиш имконини беради. Бундай институционал доираларда амал қилювчи «муносабатли» киши, ўз ҳусусиятларига кўра homo oeconomicusдан фарқ қиласи – биринчи тушунча иккинчисига нисбатан анча кенг.



8.1-рasm. Шартномавий мажбурият доираси.

«Муносабатли» киши оқилона мақсадли ҳаракат мөйёрига амал қиласы, лекин шу билан биргә у ўз хатти-харакатини ишонч, эмпатия ва бозор конституциясини ташкил этувчи бошқа мөйёрлар асосида ҳам куради. Уни түзиш ва бажариш лаҳзаларининг вақт бўйича мос келмаслигини назарда тутувчи шартнома одатий ҳолатни ўзида намоён этади.

Бозор иқтисодиёти нормалари тизимида кўра, шахс хатти-харакатига «табиий» омилларнинг таъсирини олдиндан аник айтишининг иложи йўқ. Чунки бозор иқтисодиёти нормалари *шахс* ва «*табиат*» ўртасидаги эмас, балки *шахслар* ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни тартибга солувчи мөйёрлар йигиндисини намоён этади. Шахслар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик натижаларига «Табиат» таъсирининг учта варианти мавжуд.

1. «Табиат» ўзаро ҳамкорлик натижаларига таъсир кўрсатмайди, шахслар ушбу ҳолатда *аниқлик* шароитида бўладилар.

2. «Табиат» ўзаро ҳамкорлик натижаларига таъсир кўрсатади, лекин унинг таъсирини олдиндан айтиш мумкин. Шахс томонидан қабул килинадиган қарорни муқобил натижаларнинг пайдо бўлиши эҳтимоли мълум бўлганида «хисоблаб чиқиш» мумкин.

3. «Табиат» ўзаро ҳамкорлик натижаларига таъсир кўрсатади, лекин унинг таъсирини олдиндан айтиб бўлмайди. Қарор қабул килиш натижаларини «хисоблаб чиқиш» мумкин эмас, чунки қарорни қабул килиш вақтида уларнинг пайдо бўлиши эҳтимол эмас, балки факат унинг муқобил якунлари мълум.

Хатар ва ноаниклик шароитида ҳамма шахслар ҳам бир хил ҳаракат килмайдилар. Инсонларнинг хатарга нисбатан муносабатлари нуқтаи назаридан уларнинг учта тури мавжуд: хатарга қарши инсонлар; хатарга *бетараф* муносабатда бўладиган инсонлар ва хатарга *мойил* инсонлар.

8.2. Сотиш тўғрисидаги шартнома ва ёллаш тўғрисидаги шартнома

Қайси институционал доиралар инсонларнинг «табиий» («табиат» билан шартланган) хатар ва ноаникликларга муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шартномалар түзиш имконини беради? Ушбу институционал доиралар битим томонларидан бирига ўзаро ҳамкорлик натижаларига «табиий омиллар» таъсиридан қатъи назар кафолатланган даромад олиш хукукини қўлга киритиб, хатардан воз кечиши имконини берувчи ёллаш тўғрисидаги шартномада белгиланади. Бироқ бунда шартноманинг хатарга қарши томони вазият кулагай тус олган ҳолларда катта даромад олиш учун эътиrozлардан воз кечади.

«Ёллаш тўғрисидаги шартнома» атамаси ёлланма ходим ва иш берувчининг ўзаро ҳамкорлиги моделидан келиб чиқиб, унда шу нарса назарда тутиладики, ёлланма ходим – хатарга қарши, иш берувчи эса хатарга нисбатан бетараф. Бозор қонъюнктураси ва ёлланма ходим ишлаб чиқарувчи маҳсулотга талаб қандай бўлишидан қатъи назар, у меҳнати учун қатъий белгиланган мукофотни олади. Бунда шартноманинг ўзида қайси ҳаракатларни амалга оширганлик учун ёлланма ходим мукофот олиши аник кўрсатилмайди, ҳаракатлар хусусияти «табиий» омиллар билан шартланган бирор-бир вазият

содир бўлишидан келиб чиқади. Амалда ёллаш тўғрисидаги шартнома факат ёлланма ходим иш берувчининг карорларига бўйсуниши зарурлигини қайд этади.

Энди юқорида айтилганларни математик кўринишда ифодалаш мумкин. Шартнома тузиш палласида унинг амалга оширилишига шартнома иштирокчиларининг назорати остида бўлмаган e , воеалар тъисир кўрсатиши маълум, дейлик. Шу билан бирга ушбу воеаларнинг содир бўлиши эҳтимоли p ; хам маълум. У ҳолда ёллаш тўғрисидаги шартномани тузишда иш берувчи томонидан ёлланма ходим шартноманинг амалга оширилиши палласида қандай e , воеа содир бўлишига кўра бажариши учун x , вазифани танлаш тартиби тафсирланади. Ёллаш тўғрисидаги шартномада бутун X вазифалар йигиндиси ҳакида келишиб олинади, шулардан иш берувчи, бунда ўзининг фойдалилик вазифасини максималлаштирган ҳолда x ; ни танлаши мумкин. Яъни ёллаш тўғрисидаги шартнома деб, X вазифалар йигиндисининг унда вазифанинг максимал қиймати

$$EU[p_1x_1(e_1) + p_2x_2(e_2) + \dots + p_kx_k(e_k)],$$

$x_1, \dots, x_k \in X$ бўлган тафсирсига айтилади, бу ерда EU – иш берувчининг кутилаётган фойдалилиги. Ёллаш тўғрисидаги шартномага сотиши тўғрисидаги шартнома муқобил ҳисобланиб, унда эҳтимолий вазифаларнинг йигиндиси эмас, балки бажариш учун қабул килинадиган ва e ; воеалар содир бўлишининг маълум эҳтимоллиги асосида белгиланган муайян вазифалар ҳакида келишиб олинади. Шундай килиб, сотиш тўғрисидаги шартнома қўйидаги вазифанинг қиймати максимал бўладиган (шартноманинг амал қилиш муддати мобайнида) келгуси даврларда бажариш учун қабул килинадиган вазифаларни белгилаб беради:

$$p_1U[x_1(e_1)] + p_2U[x_2(e_2)] + \dots + p_kU[x_k(e_k)],$$

бу ерда U – битим иштирокчиларининг x_i топширигини бажаришдан умумий фойдалилиги.

Ёллаш тўғрисидаги шартнома – хатарга бетараф бўлган шахс ва хатарга карши шахс ўртасидаги келажакда шартноманинг бажарилиши жарабенида амалга оширилиши мумкин бўлган вазифалар доирасини белгилаб берувчи келишув. Бунда хатарга карши шахс хатарга бетараф бўлган шахсга ўз харакатлари устидан назорат қилиш хукукини топширади.

Сотиш тўғрисидаги шартнома – бир хил даражада хатарга бетараф бўлган шахслар ўртасидаги келажакда шартноманинг бажарилиши жарабенида амалга ошириладиган вазифалар доирасини белгилаб берувчи келишув.

Сотиш тўғрисидаги шартнома факат унинг иккала томони хам хатарга нисбатан бетараф бўлиб, кутилаётган воеалар содир бўлмаслиги ва шартномада қайд этилган вазифалар юзага келадиган вазиятта мос бўлмаган эҳтимолликка кўнишга тайёр бўлган тақдирда тузилиши мумкин.

Демак, сотиш тұғрисидаги шартнома хатарға бир хил муносабатда бўлувчи – хатарға бетараф шахслар ўргасидаги муносабатларни тартибга солади. Ёллаш тұғрисидаги шартнома эса хатарға ҳар хил муносабатда бўлувчи –хатарға бетараф ва хатарға қарши инсонлар ўзаро ҳамкорлигининг институционал доираларини белгилайди. Хатарға қарши шахслар (ёлланма ходжимлар) хатарға бетараф бўлган шахслар (иш берувчилар) фойдасига келгусида «табиий» омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳаракат стратегиясини эркин танлаш ҳукуқидан иктиёрий равишда воз кечадилар. Шахснинг шартномада белгиланган фаолият түри устидан назорат ҳукуқининг иктиёрий равишда топширилиши юз беради. Ҳудди ресурсларни тасарруф этиш ҳукукини топшириш каби шахс ўз ҳаракатлари устидан назорат қилиш ҳукукини ҳам топшириши мумкин.

Шундай қилиб, шахс, агар у бошка шахс томонидан назорат қилинган тақдирда катта фойда ва (ёки) назорат қилиш ҳукуки топширилаётган шахсдан компенсация олишига ишонса, ўз ҳаракатлари устидан назорат ҳукуқининг топширилишидан манбаатдор ҳисобланади.

Шахсга фаолиятнинг шартномада белгиланган соҳалардаги ўз ҳаракатлари устидан назоратнинг топширилиши ҳукмронлик муносабатларига асосланади. Ҳукмронлик муносабатлари бир неча турга бўлинади:

- оддий, унинг доирасида назорат айнан унга назорат қилиш ҳукуки топширилган шахс томонидан амалга оширилади;

- мураккаб, бунда унга назорат ҳукуки топшириладиган шахс бир вактнинг ўзида ушбу ҳукуки учинчи шахсларга топшириш ҳукукини ҳам кўлга киритади;

- алоҳидаланган, унда назорет муайян шахсга топширилади;

- позицион, у назоратнинг муайян шахсга эмас, балки жамиятнинг институционал тарқибида (давлат аппаратида, фирманинг ички тузилишида ва ҳ.к.) муайян мавкега эга шахсга топширилишини назарда тутади.

8.3. Шартнома турлари²⁴

Энди ёллаш тұғрисидаги шартнома билан сотиш тұғрисидаги шартномани ўзаро таққослаган ҳолда, бевосита шартнома тарқибини мухкама қилишга киришмасиз. Шартноманинг учта асосий түри мълум – классик, имплицит ва неоклассик.

Классик шартнома, унда ўзаро ҳамкорликнинг берча шартлари аник ва тўла-тўқис белгиланган, сотиш тұғрисидаги шартномадан ҳосил бўлган шартнома.

Имплицит (бундан «имплицит», яъни охиригача келишилмаган шартнома атамаси келиб чиқкан) шартнома эса, аксинча, ўзаро ҳамкорликнинг аник белгиланишини истисно этади, шартнома томонлари шартномани амалга ошириш жараённида уларнинг тафсирланишини назарда тутади. Бундай шартнома ёллаш тұғрисидаги шартномадан ҳосил қилинади. Неоклассик ёки гибрид, «муносабатли» шартнома ўзида ҳам ёллаш тұғрисидаги шартноманинг,

²⁴ Ушбу қисм Н.Неделькина билан ҳамкорликка ёзилган.

хам сотиш түгрисидаги шартноманинг унсурларини бирлаштиради ва томонларга күттмagan ҳолатлар содир бўлганида унинг шартларига амал килмаслик имконини беради.

Куйидаги жадвал ёрдамида уч турдаги шартноманинг таркиби ва ўлчамларини солиштирамиз.

8. Й-жадвал

Шартнома таркиби ва хусусиятлари

Класик	Неокласик	Имплицит
1. Шартнома томонларининг тасвиғи		
Хар бир иштирок-чиннинг ўринини босадиган шахсни топиш осонлиги. Натижга иштирокчиларнинг таркибига боғлиқ эмас. Томонлар хатарга нисбатан бир хилда бетараф	Тенг ўринбосар топиш кийинлиги туфайли шартнома томонларининг юкори дарежада ўзаро боғликлиги. Томонлар хатарга нисбатан бетараф	Битим иштирокчиларининг иккι томонлама боғлиқлита: натижга уларнинг биргаликда фаолият юрита олишларига боғлик. Бир томон хатарга нисбатан бетараф, иккинчи томон хатарга карши
2. Шартнома шакли		
Шартнома стандарт шаклида, унда шартномани бажаришнинг берча низарчикирлари хакида тўлиқ келишиб олинган	Шартнома шакли «битимга мослаб» маҳсус ишлаб чиқилиди. Шартнома тўлиқ тағсирланмаган, балки тузатишлар киритиш учун имконийт колдидари	Шартноманинг асосий қонидалири эксплицит тарзда умуман тағсирланмаслиги мумкин. Шартнома томонларининг бири ўз харакатини назорат килиш ҳукукини бошка томонга топширишига олиб келади
3. Томонлар ўртасидаги муносабатлар		
Томонлар мустакилликни коладилар	Томонлар мустакилликни саклаб коладилар	Хукмронлик муносабатлари: фаолиятни назорат килиш ҳукукини топшириш
4. Шартнома тузуладиган давр		
Қисса муддатли	Ўрта ва узоқ муддатли	Узоқ муддатли. Шартноманинг амал килиш даври хакида умуман келишмаслик мумкин: у томонлардан бири учун назорат килиш ҳукукидан мустакил фойдаланишига нисбатан уни топшириш фойдалирок экан, у амал килаверади
5. Кутталмаган ҳолатларга маслаштиш усули		
Шартноманинг шартларда кайта тузиш	Музокаралар, позицияларнинг келишиш, «томонларининг ўзаро муносабетлари мобайнида тўпландиган барча ўзаро	Шартнома томонларидан биряning башка томон карорларига бўйсунини (Ҳазифалер вазифаларининг бажарилишига

	хамкорлик талрибаси» асосида ўзаро воз кечиш	тамшуким)
6. Шартнома шартларни бажаришига уйдевчи омиллар		
Кучи: томонларнинг мукофотланиши шартномада кайд этилган майлия вазифаларният бажарилиши билан	Уртача: ўзини «оқишиш» кондасидан фойдаланиши томонларга маъбуриятларният бажарилишига тўсни сифтида кутилмаган холматларни баҳона ҳилиши имконини беради	Кучисиз: шартнома томонларидан бирни назорат хукуқини топширганлиги учун катый белтилантан мукофотни олади
7. Шартнома шартларини бекармаганлик учун санкция		
Шартноманинг ўзида кайд этилган хукукий санкциялар	Томонларнинг узок ваҳти ўзаро хамкорлик давра мобайнида ортирилган обрўнинг йўқотилиши	Матъумурӣ жазо, назорат хукуқини топширганлик учун коплама (компенсация)нинг кам фойдалани шартлари
8. Низолар ҳам этиладиган инстанции		
Суд	Учинчи томон: арбитраж суд, ҳакамлар суди	Низоларни ҳам этиш бирор учинчи томон жалб этилмаган холда, хокимиётдан фойдаланиши асосида амалга оширилади
9. Низоларни ҳам этиш тартибети самарадорлигини чекловчи омиллар		
Суд тасарруфидан бўлган ахборотният чекланганлиги. Конундан фойдалантиш нархи нолга тент замас	Ҳакамлар суди ёки арбитраж судининг обрўси. Учинчи томонга топшириладиган ваколатларният чекланганлиги (арбитраж бундан мустасно). Хуфийналик нархи нолдан фарқ киласди	Матъумурӣ назоретни амалга ошириш ҳаржатлари. Ҳар кандай низо ўзиди томонларнинг нафакит «новоз бериш», балки «чикиш», лъами топширилган назорат хукуқини кайтариб олиш хукуқидан хам фойдаланиши имконини намоён этиди
10. Мисоллар		
Олди-сотди шартномаси	Франҷайзинг, Табиий монополияларният тартибга солиқиши. Транспорт, энергетика ва хомаше компанииалари ўртасидаги узок муддатла шартномалар	Иш берувчи ва ёлланма ходим ўртасидаги шартнома корхонадаги муносабатлар мажмуму

Ўзбекистонда хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ёки бекор қилишининг хукукий асослари “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятингининг шартнома-хукукий асослари тўғрисида”ги конун билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган хўжалик шартномаларининг турлари 8.2-расмida келтирилган.



* Муалтиф томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларига мувофиқ тузилган.

8.2-расм. Ўзбекистон Республикасида шартнома турлари*.

8.4. Ташкилот тушунчаси ва институт билан ташкилот ўртасидаги чегара

Принципиал жиҳатдан янги холат – шахс томонидан ёллаш тұтрысадығы шартнома доирасыда ўз ҳаракатларини назорат килиш ҳуқукининг ихтиёрий равищда топширилиши – бозор иқтисодиёті нормаларига тузатыштар киритишни талаб этади. Биринчидан, мұраккаб фойда күриш нормасига факат ёллаш тұтрысадығы шартноманинг томонларидан бири – унга назорат ҳуқуки топширилаёттан томон амал килади.

Битимнинг ушбу томони «принципал» ёки «топшириқ беруачи» деб аталади. Битимнинг иккінчи томони – «агент» ёки «жеро этиувчи» маълум даражадан ортник бўлган мукофот эвазига ўз ҳаракатларини ўзи назорат килиш ҳуқукидан воз кечади. Бошқача айтганда, «агент» фойда олиш даражасини оширмайди, балки фойданинг маълум даражасига эришишини мўлжаллайди (чекланган фойда күриш нормаси). «Принципал» ва «агент» ўртасидаги муносабатлар катъий шаклда қуйидаги тенгламалар билан изоҳланади:

$$\max EU(\text{принцинал}) = EU[f(Q), Q, A, S],$$

$$EU(\text{агент}) = EU(Y, A, S) \geq U,$$

бу ерда: Q – шартномани амалга ошириш натижаси ("чикиш");

Y = f(Q) - "агент" фаолиятига ҳақ тұлашнинг танланган қоидаси;

A - ""принципал" томонидан күйилған вазифаларни бажариш бүйіча агент"нинг салы-харакатлари;

S – шартнома томонларига boglik бұлмаган «табиий» омиллар.

Иккінчидан, «агент»нинг хатты-харакати оқылдан мақсадлы харакат тамойилларини бузади, чунки у мақсадларни танлашда зеркін эмас – мақсадлар «принципал»нинг манфаатлари билан белгиланған. «Агент» үз харакатларыда факат үз манфаатларига амал килимасдан, у биринчи нағылда «принципал»нинг топширикларини бажариши лозим. Идеал «агент» «принципал»нинг манфаатларини үз манфаатлари сингари қабул қылышы зарур.

Учинчидан, ишонч мезерини амалга ошириш билан boglik муаммолар ҳам мавжуд. «Агент» «принципал»га у томонидан бирор – бир вазиятта қабул килинадиган қарорларнинг түгрилігі нүктай назаридан ишониши лозим. «Принципал»га ишонмаган «агент» унга назорат килиш хукукими топширишдан манфаатдор эмас. Бундан ташқари, «принципал» «агент»нинг харакатлари устидан назоратни шартнома билан белгиленмеган муносабатларға ҳам құлламаслигига ишонч ҳосил килиши керак. Тескари ҳолат нотүгри, чунки «принципал» ҳатто «агент»нинг харакатларини үз фойдалыларини эмас, балки «принципал»нинг фойдалыларини оширишга йұналтириш зарурларини хисобға олған ҳолда унга нисбатан маълум даражада ишочсизлик билан муносабатда бўлиши лозим.

Тұрттыячидан, ёллаш түгрисидеги шартномани амалга ошириш учун хайрихохлиқ нормаси талаб этилмайды. «Принципал» мұкофотнинг «агент» рози бўладиган энг паст даражасини билиши кифоя қиласы. Үнда иккала томон ҳам шартнома ёрдамида үз фойдалыларини оширадиган, «симметрик барқарорлиқ» мезонитига жағоб берувчи сотиши түгрисидеги шартномадан фарқли ўлароқ, ёллаш түгрисидеги шартнома симметрик барқарорликни назарда тутмайды.

Бир томондан, ёллаш түгрисидеги шартномани амалга оширишдан фойданы тақсимлаш ассимметрик хусусиятта зәға. Иккінчи томондан – ҳатто «агент»га үз хукукларини «принципал»га топширганлық учун тұланадиган қолпама «горизонтал бүйіча» эмас, факат «вертикаль бүйіча» муносабатларға тааллуклы. Ёллаш түгрисидеги шартнома бир неча «агент»га амал килинган ҳолатларда улар ўртасидеги муносабатлар «принципал»га мурожаат этиш орқали тартибга солинади ва шуннинг учун симметрик барқарорликка зришишга йұналтирилмagan.

Нихоят, қонунга бўйсуниш нормасига зарурат йўқ, чунки шартномани амалга ошириш юзасидан келиб чиқувчи низолар умуман қонунга бўйсуниш орқали ҳал этилмайды. Ёллаш түгрисидеги шартноманинг бажарылыш билан boglik барча масалалар «ички ҳақам» - «принципал» томонидан ҳал этилади.

Шу тарика «принципал» ва «агент»нинг ифодаловчи ўзаро муносабатларини тартибга солувчи нормалар йигиндиси буйруқбозлик иқтисодиети нормалари тизимини эслатади. Лекин бу тасодиф эмас.

Неоинституционал назария асосчиси, Нобель мүкофотининг лауреати Роналд Коуз «Фирма табиати» мақоласида буйруқбозлик асосига эга бўлган иқтисодий муносабатларда бозор тизими хам мавжуд, деган холосага келади. «Бизнинг иқтисодиётда режалаштириш мавжуд... Фирмада... бозор трансакцияларига барҳам берилган, алмашув трансакцияларига эга мураккаб бозор тузилмасининг ролини эса мувофиқлаштирувчи тадбиркор ўйнайди, у ишлаб чиқаришни хам бошқарди».

Бошкacha айтганда, буйруқбозлик иқтисодиёти нормалари тизими нафакат тарихий жиҳатдан кизиқиш уйготади, балки у алоҳида тузилмалар – ёллаш тўғрисидаги шартнома асосида юзага келадиган *ташкилотлар* доирасидаги муносабатларни тартибга солади. **Ташкилот** деганида, «таърифланадиган чегараларга эга ва максадларга ёки иштирокчи аъзолар томонидан таксимланадиган максадлар йигиндисига эришиш учун фаолият юритувчи мувофиқлаштириш бирлиги» тушунилади. Корхона (фирмалар) (мувофиқлаштиришнинг иқтисодий бирликлари), касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, университетлар, фойда кўрмай ишловчи ташкилотлар ва кўплаб бошка «мувофиқлаштириш бирликлари» ташкилотлар хисобланади. Ушбу таърифдан ташкилотнинг учта асосий хусусияти келиб чиқади.

1. Иштирокчилар йигиндиси.

2. Барча иштирокчиларнинг «принципал» манфаатларидан ҳосил бўлган ташкилот мақсадларига мослашиш даражаси.

3. Ҳукмонлик муносабатларининг расмий тузилмаси, маълум даражадаги мураккаблиги билан тавсифланувчи кўп погоналийк.

Ташкилот - ҳукмонлик муносабатлари, яъни иштирокчиларининг айримлари - «агентлар» томонидан ўз харакатлари устидан назорат килиш ҳуқукининг унинг бошка иштирокчи – «принципал»га топширилиши асосида тузилган мувофиқлаштириш бирлиги.

Ташкилотни мувофиқлаштириш бирлиги сифатида таърифлаш ушбу тушунча ва инсонларнинг ўзаро ҳамкорлигини белгилаб берувчи «институт» тушунчасини аниқ чегаралашни талаб килади. Уларни қўйидаги жадвалдан кўриш мумкин:

Институт	Ташкилот
Макроинституционал тоифа	Микроинституционал тоифа
Ўзаро ҳамкорликнинг умумий доираларини белгилайди	Ўзаро ҳамкорлик(лар)нинг мухтыйян доираларини белгилайди
Соф ижтимоий неъмат тавсифига эга	Шахслар уюшган гурӯҳи неъмати тавсифига эга
Индивидуаллашмаган ва нолокал трансакцияларни тартибга солади	Аниқ четараланган, демак, индивидуаллашмаган ва локал трансакцияларни тартибга солади
Шахслар институтларининг ўзгариш жараёнита таъсири олмайдилар	Ташкилот шахсларининг онгли равишдаги танлови натижаси саналади
Ҳукмонлик муносабетлари унсур мавжуд эмес	Ҳукмонлик муносабетлари ташкилот фаолиятига асосланади
Трансакция харажатлари таркиби ва миқдорини белгилайди	Институционал доиралар томонидан белгиланган трансакция харажатлари тежалишига кўмаклашади

Трансакция харажатларини тежашга тааллукти сўнгти фарқ хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Ёллаш тўғрисидаги шартномани амалга ошириш ўша мақсадлар учун сотиш тўғрисидаги шартноманинг институционал доираларидан фойдаланишга нисбатан анча кам трансакция харажатлари билан боғлиқ. Тежаш, биринчидан, шартномани мунтазам қайта тузиш зарурати йўқолиши муносабати билан, иккимчидан эса, шартноманинг имплицит шакли – ўзаро ҳамкорликнинг барча икир-чикирларини аниқ тафсирлашдан воз кечиш ҳисобидан пайдо бўлади.

Трансакция харажатларини тежашнинг колган маълум воситалари орасида ташкилот бир қатор ўзиға хос хусусиятлари билан тасвифланади. Битимлар тузища музокаралар юритиш харажатларини тежаш имконини берувчи стандарт (намунавий) шартномалардан фойдаланиш; ўлчаш харажатларини пасайтирувчи сифат, ўлчаш ва тортиш стандартларини ишлаб чикиш ва ривожлантириш; жамиятда мулкчилик ҳукукларини тафсирлаш ва ҳимоя килиш харажатларининг камайишига олиб келувчи консенсус мағкурасини шакллантириш каби воситалар шулар жумласидандир. Уларни кўллаш интенсишлигини ошириш билан юкорида кўрсатилган барча учта воситанинг самарадорлиги пасаймайди. Аксинча, ушбу воситалардан қанча кенг фойдаланилса, бир битим ҳисобида трансакция харажатларининг микдори шунчак кам бўлади.

Ташкилот доирасида трансакция харажатларини тежаш борасидаги ишлар эса бошқача кўришишга эга. Трансакция харажатлари микдорлари ўсиши, яъни ташкилий доираларда битимлар кўпроқ амалга оширилиши билан ушбу соҳада унинг самарадорлиги камайди. Ташкилотда битимларни амалга ошириш ҳамон ахборотни излаш харажатлари, шунингдек, музокаралар юритиш харажатлари ва шартнома тузиш харажатларини пасайтириш имконини берса-да, бунда бошка турдаги харажатларнинг ўсиши юз беради.

Ташкилот ўлчамлари ортиши билан, биринчи галда, мониторинг ва оппортунизмининг олдини олиш харажатлари ошади. Биринчидан, ташкилот иштироқчилари сони ўсиши билан улар манфаатларининг бирлигига, аниқроғи улар манфаатларининг «принципаль» манфаатларига мос келишига зеришиш кийинлашади. Шунинг учун «принципаль» мониторинг ва «агентлар» харакатини назорат килиш учун катта саъй-харакатларни амалга оширишга тўгри келади. Бундан ташқари, ташкилотнинг ўсиши «принципаль», «агентлар»ни назорат килиш бўйича ваколатларининг бир кисмини ўз вакилларига топширган ҳолда, мураккаб ҳукмронлик муносабатлари коидасига ўтишга мажбур этади. Ушбу таркибий ўзгаришлар нафақат «агентлар»ни назорат килиш харажатлари ортиши, балки «принципаль» манфаатлари вакилларининг харакатларини назорат килиш зарурати билан ҳам боғлиқ.

Р.Коуз [42] ташкилотнинг ўсиши билан камаювчи самарадорликни «менеджментнинг камаювчи маржинал самарадорлиги» деб номланиб ва ҳамма «ают институтга (бозорга) нисбатан ташкилот (фирма) ўсишининг чегараси маёжуд деган фикрга келган. «Фирма фирмадаги битта қўшимча трансакцияни ташкил этиш харажатлари ўша трансакцияни очиқ бозорда алмашиш орқали

амалга ошириш харажатлари билан тенглашгунга кадар көнтәйиб боради...». Яның өлгиз фирмадан ташкил топған иқтисодиёт (бүйрүкбозлық иқтисодиётини ана шундай дейніш мүмкін), лекин менежменттің маржинал самарадорлиги камайиши туфайли у *самарасыз* бўлади.

Масалан, А фирма бозорда Б, В ва Г фирмалардан (сотиш тўғрисидаги шартнома доирасида) сотиб олиниадиган бутловчи қисмлардан компьютер йигиш билан шугулланади, дейлик. Трансакция харажатларини оптималлаштирган ҳолда, А фирма билан ягона корхона тузишга қарор килади. У В фирма билан ҳам масалани ҳудди шу тарика ҳал этади. Г фирмани ягона ташкилий тузилмага киритиш фирмадаги бошқарув ва назорат харажатлари ўсиши туфайли фойдасиз бўлиб чикиши мүмкін. Шундай килиб, А фирма томонидан В фирманинг қўшиб олиниши чегара битими хисобланиб, шундан сўнг кейинги кенгайтириш самарасыз бўлиб қолади.

Лекин институт билан ташкилот ўртасидаги чегаранинг аник белгилаб қўйилиши сотиш тўғрисидаги шартнома (бозор битимлари)нинг ҳам, Ёлаш тўғрисидаги шартнома (фирма ичидаги битимлар)нинг ҳам элементларини бирлаштирувчи неоклассик шартномаларнинг мавжуд бўлиши билан қийинлашади. Масалан, А фирма ўз таркибиға Г фирмани бирлаштиришдан бош тортиши, лекин айни пайтда у билан бутловчи қисмларни етказиб бериш учун шартнома тузиши мүмкін, бу ҳукмронлик муносабатлари асосида эмас, балки иккى томонлама келишув асосида бозорнинг «табиий» олдиндан айтиб бўлмаслигидан кўриладиган заرارларни пасайтириш имконини беради.

8.5. Қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатлари²⁵

Ўзбекистонда ҳар йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш, моддий-техника ресурсларини етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш учун кўплаб шартномалар тузилади. Томонлар шартномалар бўйича ўз зинмасига олган мажбуриятларининг ўз вақтида бажариши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг якуний натижалари ва уларнинг самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун давлат томонидан шартномалар мониторингини юритиш йўли билан шартномалар шартларининг бажарилишини назорат килишга катта зътибор қаратилади.

Кишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузиладиган шартномалар куйидаги таснифга эга:

- (а) давлат эктиёжлари учун маҳсулотлар учун шартномалар;
- (б) моддий-техника ресурсларини етказиб бериш учун шартномалар;
- (в) контракция шартномалари;
- (г) хизматлар кўрсатиш учун шартномалар.

Давлат эктиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг галла, пахта хомашёси, уруглик пахта, шунингдек, галла ва бошоқли экинлар ургулари каби турлари харид юнинади.

²⁵ Ушбу каси Н.Недельским билан камкорланып ёмалган.

Кўйинда республикамиз кишлоқ хўжалиги корхоналари билан галла ва бошоқли экинлар ҳамда ипак хомашёси етказиб бериш учун тузилган контракция шартномаларининг динамикаси келтирилган (8.2-жадвал).

8.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида тузилган контракция шартномалари динамикаси*

Кўрсаткич	Галла ва бошоқли экинлар етказиб бериш учун тузилган контракция шартномалари			Ипак хомашёси етказиб бериш учун тузилган контракция шартномалари		
	2008	2009	2010	2008	2009	2010
Шартномалар сони, дона	53863	53863	33937	95540	53698	48806
Етказиб бериш ҳажми, минг тонни	2966	3075	2237	23,4	23,7	19,7


*Манба: ушбу ва кейинги жадваллар ҳамда графиклар 2010 йилда туманлар ҳокимларини ўқитиш жарабенида Аддия вазирлиги ва Олий хўжалик суди томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилган.

8.2-жадвал маълумотларига кўра, 2010 йилда галла ва бошоқли экинлар етказиб бериш учун жами 33937 та шартнома тузилган, бунда етказиб бериладиган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг режалаштирилган ҳажми 2237 минг тоннани ташкил этган. Аввалги йилларга нисбатан контракция шартномалари бўйича галла етказиб бериш учун тузилган шартномалар сони камайиши давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган галла ҳажмининг камайиши ҳасобидан юз берган.

Галланинг асосий етиштирувчилари ҳисобланган фермер хўжаликлари ер участкаларининг йириклиштирилиши туфайли уларнинг сони қисқариши галла етказиб бериш учун тузилган шартномалар сони камайишининг иккинчи омили ҳисобланади.

2010 йилда 19,7 минг тонна ҳажмидаги ипак хомашёси етказиб бериш учун 48806 та шартнома тузилган. Төъкидлаш лозимки, ипак хомашёси етказиб бериладиган экинларни тузилган энг кўп шартномалар сони 2008 йилга тўғри келади. Умуман, 2010 йилда хомашёнинг ушбу турини учун тузилган шартномалар сони 2008 йилдагига нисбатан 49 фоизга камайган.

8.3-расмда келтирилган маълумотлар таҳлилига кўра, 2009 йилда республикамизда пахта ҳосили етказиб бериш учун жами 41871 та ва галла етказиб бериш учун жами 53863 та шартнома тузилган. Кўриб чиқилган вилоятлар орасида пахта етказиб бериш учун тузилган энг кўп шартномалар Сирдарё вилояти улушкига тўғри келади – 3101 та. Шунингдек, кўриб чиқилган минтакаларда пахта етказиб бериш учун тузилган шартномалар деярли бир хил сонни ташкил этади (+/- 516 та).



8.3-рasm. Ўзбекистон Республикаси вилоятларида галла ва пахта етказиб бериш учун тузилган шартномалар сони.

2009 йил хосили учун галла етказиб бериш учун тузилган шартномалар сони кўриб чиқилган учта вилоятда турли кўрсаткичга эга. Уларнинг энг кўп сони Жиззах (5541 та) ва Тошкент (4711 та) вилоятларида кузатилади.

Бозор иктиносидёти ривожланиши шароитида томонлар (“принципиал”-тотшириқ берувчи ва “агент”) ўртасидаги мулкий муносабатлар шартномалар асосида қуриладиган мулқдорлар тадбиркорлик фаолиятини муваффақиятли юритиши учун ўз зиммасига олинган мажбуриятларнинг бажарилиши алоҳида аҳамиятта эга. Амалиётда шартнома мажбуриятлари бузилиши турларининг куйидаги таснифи кўлланилади: ишларнинг бажарилмаслиги ёки хазматлар кўрсатилмаслиги; сифатсиз товарлар (ишлар, хазматлар)ни етказиб бериш; тўлиқсиз товарларни етказиб бериш; марказланмаган, шунингдек, идишсиз ёки қадоқланмаган товарларни етказиб бериш; етказиб бериш муддатининг кечиктирилиши, товарларни тўлик етказиб бермаслик; аккредитивдан фойдаланмаслик; тўлов, товар-транспорт хужжатларининг кечиктирилиши; товарлар (ишлар, хазматлар) хақини тўламаслик ёки ўз вақтида тўламаслик; товарларни саралаб олмаслик ёки улардан воз кечиш; маблағларнинг акцептсиз хисобдан чиқарилиши.

Хўжалик юритувчи субъектлар (агентлар) шартнома муносабатларига киришаётib хўжалик фаолиятини келишилган ҳажмда, белгиланган вақтда ва жойда амалга оширилишини таъминлайдиган маҳсулот (ишлар, хазматлар)ни олиш учун кафолатланган асосга эга бўлишини назарда тутади. Бу эса тузилган шартномаларнинг бузилмаслиги ва ўзгармаслягини таъминлайди. Хомаш, материаллар, ярим тайёр маҳсулотларни харид килиш учун шартномалар тузган томонларнинг ўзлари якуний маҳсулотни тайёрлаш занжирни бўйича ушбу маҳсулотни бошқа субъектларга сотиш учун кўплаб шартномалар тузади, яъни хўжалик алокалерининг мураккаб тизими шаклланади. Шунинг учун ҳар қандай жойда шартномаларнинг бажарилиши мамлакат хўжалик фаолияти механизмида кўзланган тотшириқлар бажарилишининг кафолати хисобланади, шартнома мажбуриятлари бажарилмаслиги эса кейинги бўғинларда номутаносибликни келтириб чиқаради.

Кейинги жиҳат шундан иборатки, хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан мулкдорлар шартнома тузишда шартнома мажбуриятлари ўзгариши ёки тутатилишига олиб келиши мумкин бўлган барча шартларни кўрсатишга ҳакли. Бугунги кунда юзага келган амалиётга кўра шартномада хўжалик юритувчи субъектлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилиши шартлари канчалик аник белгиланса, шартнома бандлари ўзгариши ёки мажбуриятларнинг тутатилиши шунчалик осон кечади.

Бундан ташкири, амалиётда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартномалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги кўпинча амалдаги қонун хужжатлари доирасидан чиқувчи кўпгина омиллар оркали юз беради. Шунинг учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилмаслигининг ҳар бир ҳолатини аник тарзда кўриб чиқиш ва бунинг сабабини чукур таҳлил килиш максаддага мувофиқ хисобланади.

Кишлок хўжалигига хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўз зиммасига олинган шартнома мажбуриятлари бажарилмаслиги тўғрисида сўз юригадиган бўлсак, бу ерда:

биринчидан, томонлар етказган заарлар учун тўлов кўринишида жавобгарлик;

иккинчидан, маҳсулот етказиб бериш учун берилган бўнак маблагларини қайтариш;

қонун хужжатларида ва шартнома шартларига кўра назарда тутилган жарималарни тўлаш каби чоралар қўлланилади.

Республикамизда ўзаро ва давлат билан шартнома муносабатларида иштирок этувчи томонларни ҳимоялаш учун қарздорлардан заарларни ундириши талаб этиш имконини берувчи барча қонуний қарорлар мавжуд. Бу ерда таъкидлаш лозимки, заарларнинг қопланиши шартномаларнинг бажарилишини рағбатлантириш ва ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Ушбу усулнинг қўлланиши билан шартнома интизомига амал килинади ва ноишлаб чиқариш харажатлари кискаради. Бундан ташкири, жавобгарликнинг мазкур турини қўллаш моддий ресурсларни тежаш тартиби, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хўжалик фаолиятининг оптимал тарзда юритилишига хизмат килади.

Шартномаларни тайёрлаш, тузиш ва амалга ошириш тамойилларининг белгиланиши республикада шартнома муносабатлари мазмунини муваффакиятли шакллантиришнинг энг муҳим методологик жиҳатларидан бири хисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори билан тасдикланган шартномаларнинг бажарилиши мониторингини юритиш тартиби куйидагилардан иборат.

Тайёрлаш ва кишлок хўжалиги субъектларига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар хўжаликлар билан тузишган шартномаларнинг бажарилиш мониторингини юритади ва ушбу ахборотни Кишлок ва сув хўжалиги бўлимларига хисобот давридан кейин 10 кун ичida тақдим этади. Мазкур бўлинмалар Кишлок ва сув хўжалиги вазирлигининг шартнома мажбуриятлари бажарилиши бўйича материалларга ишлов берувчи тегишли бошқармаларни

бундан хабардор қиласи. Шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ҳолатларда умумлаштирилган маълумотлар ҳудудий суд органларига юборилади. Суд ҳамда кишлек ва сув хўжалиги органлари ўз ваколатлари доирасида тайёрлаш ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан шартномаларнинг бажарилиш мониторингини юритади ва назорет қиласи.

Қисқача хулоса

Шартнома муайян битимларни амалга оширишнинг институционал доираларини ўзида намоён этади. Шартнома ҳар қандай институт сингари нафакат ўзаро ҳамкорликни чегаралайди, балки унга замин яратади, бу ҳол айниқса битимларни тузиш ва амалга ошириш лаҳзаларининг вақт бўйича мос келмаслигига якъол намоён бўлади. Бундай турдаги битимлар улар иштирокчиларнинг мақсадларига боғлик бўлмаган ҳолатларнинг пайдо бўлиши хатари билан боғлиқ.

Инсонлар хатарни қабул қилиш даражаси бўйича фарқ қиласи, бу эса иккι турдаги шартномаларнинг – хатарга бетараф бўлган шериклар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи сотиш тўғрисидаги шартнома ҳамда хатарга бетараф бўлган ва хатарга карши инсонларга ўзаро ҳамкорлик қилиш имконини берувчи ёллаш тўғрисидаги шартноманинг мавжуд бўлишини изохлайди.

Ташкилот кичиклашган буйруқбозлиқ иқтисодиётини ўзида намоён этади. Ташкилот ички ўсишининг чекданганлиги айнан шу билан боғлиқ. Ташкилот кўламларининг кентайиши мониторинг ўтказиш ва ошпортунизмнинг олдини олиш харажатлари ошишига олиб келади. Институт (бозор) билан ташкилот (фирма) ўртасидаги энг аник чегара қўйидаги кўрсаткичлар даражасини баҳолаш ёрдамида аниқланади: активларнинг ўзига хослиги, ноаниклиқ, битим томонларининг хатарга мойиллиги, битимнинг мураккаблиги, шунингдек, қонундан фойдаланиш баҳоси билан хуфиёналик баҳосининг ўзаро нисбати.

Талнч сўз за иборалар

Шартнома, шартномавий мажбуриятлар, сотиш тўғрисидаги шартнома, ёллаш тўғрисидаги шартнома, имплицит шартнома, шартнома даври, шартнома шартлари, санкция, ташкилот, кишлек хўжалигига шартномавий муносабатлар, мониторинг.

Тақорглаш учун саволлар

1. Сиз бугун қандай турдаги шартномаларни тузишингизга тўтри келди? Амалга оширилган битимлардан бирини шу нуктаи назардан тавсифланг.
2. «Лавз пулдан ҳам қиммат» деган машқур мақолни институционал нуктаи назардан талқин этинг. Унда қандай шартнома идеали ўз аксини топган?
3. Бугунги кунда Сиз қандай ўзига хос активга эгасиз? Жавобингизни асосланг.

4. Институт ва ташкилот категорияларидан фойдаланган ҳолда институционал ёндашув асосида сиёсий партия билан ижтимоий-сиёсий характер ўртасидаги фарқни изохланг.

5. Нима учун имплицит шартномани амалга ошириш жараённида юзага келадиган визоларни ҳал этиш учун учинчи томонни жалб этиш зарурати йўқ?

6. Қишлоқ хўжалигида қандай мақсадлар учун шартномалар тузилади ва шартнома шартлари бажарилишини назорат қилиш мониторингининг ўзига хос хусусиятларига нималар киради?

IX боб. ФИРМА НАЗАРИЯСИ

9.1. «Принципаль» билан «агент» ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммоси

Ташкилот таркибига киругучи «агентлар» соня ўсиши, агентлар ҳаракати устидан назорат килиш учун талаб этиладиган «принципаль» харажатлари ошишини белгилаб беради. «Агент»ни назорат килиш зарурати ва назоратни амалга оширишни истамаслик ўртасидаги тақловдан иборат бўлган «принципаль» муаммавий ҳолатини ўйинлар незариясидан куйидаги модель ёрдамида кўриш мумюн.

«Принципаль»ни назорат килиш харажатлари бирга тенг дейлик, «агент» томонидан ўз мажбуриятларининг вижданан бажарилишидан олинадиган фойда 2 га ва виждонисизлик билан бажарганилик ҳолатларидағи йўқотишлар эса 2 га тенг, дейлик. «Агент» томонидан ўз вазифасини бажаришга виждонисизлик билан муносабатда бўлинган ёки «ишдан бўйин товлаш» ҳолатлари аникланди тақдирда, у мукефот олиш хукуқидан маҳрум бўлишини ҳисобга олган ҳолда, «принципаль» билан «агент»нинг ўзаро муносабатлари қўйидаги матрица билан изохланади.

9.1 -жадвал

«Принципаль» билан «агент»нинг ўзаро муносабатлари матрицаси

«Агент»	Кўрсаткичлар	«Принципаль»	
		Назорат килиш	Назорат қилмаслик
	Виждан ишлаш	1; 1 [S _b]	1; 2 [S _t , P]
	Ишдан бўйин товлаш	0; -1	2; -2

Ушбу ўйинда «принципаль» ва «агент» стратегиясининг мос келмаслиги муаммоси яқисол кўриниб турибди. Бунда Нэш бўйича мувозанат мавжуд эмас: «принципаль» ва «агент» ўртасидаги ўзаро муносабатларда оптимал натижага эришиш ташкилот ривожланиши жараённида юзага келадиган таҳдид остида бўлади. Лекин назорат харажатлари ортиши «агентлар» сони ўсишига тўғри пропорционал эмас. Бу ерда «принципаль» ва «агент» ўртасида ахборот асимметриясининг пайдо бўлиши омилини ҳисобга олиш лозим. Учинчи ўйинчи – «табиат» билан ўйинни таҳдил килган ҳолда, биз иккита асосий ўйинчи ўртасидаги ахборот асимметриясидан фикри бошқа томонга бурдик. Ташкилот ичida ахборот асимметриясининг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш учун, институционал тизим сифатида бўйруқбозлик тизимини тадқиқ этган Фридрих фон Хайекнинг исботларини келтириш мумкин. Яъни ҳеч қандай марказ (яъни «принципаль») ҳамма вакт барча ҳодисалардан хабардор бўлиб туриш ва ушбу ахборотни манфаатдор томонларининг хукмига тезкор ҳавола этишига кодир эмас.

Хайекнинг фикрича, битимлиниг барча иштирокчиларини тенг ва тўлик ҳажмидаги ахборот билан тъминловчи механизм мутлақо ракобатчи бозорлардаги нархнинг шаклланиши ҳисобланади. Фирма доирасида ракобатли

нарх шаклланиши тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас, агар «агент»нинг якуний меҳнати маҳсули қийматидан мунтазам равишда бош тортиши ана шундан далолат беради. Чунки фақат иш ҳаки меҳнатнинг якуний маҳсулига тенг бўлган тақдирдагина меҳнат бозорида мувозанатга эришиш мумкин ва нарх тўлиқ ахборотни ўзида мужассамлантиради.

Демак, ташкилотнинг ривожланишига кўра айланадиган ахборотнинг мураккаблашуви ва ихтисослашуви юз беради. Лекин улар самарадорлик бўйича нарх-наво механизми билан таққосланадиган ахборот айланиши тизимининг барпо этилиши билан кузатилмайди. Ташкилотда қабул қилиш жараёни уларнинг ҳар бирда сифат жиҳатдан янги ахборот пайдо бўладиган кўпилаб босқичларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, ушбу сифат жиҳатдан янги ахборотга фақат уни олиш ва унга ишлов беришда бевосита иштирок этувчи ташкилот аъзолари эга бўлади.

Ноёб ахборотга эга ташкилот иштирокчилари - «агентлар» уни таркатиш ва уни бузилмасдан «принципал»га узатилишидан манфаатдор эмаслар. Ҳакикатан ҳам ахборот асимметрияси «агентлар»нинг оппортунистик хатти-харакатлари учун замин яратади - уларнинг ўз фойдалилигини кўлайтиришига уринишлари, улар томонидан ёллаш тўғрисидаги шартнома тузилишида қабул қилинган мажбуриятларга карамай, фойдалиликнинг бирор-бир қатъий белгиланган даражаси билан кондирилади.

«Табиий» кўзда тутилмаган ҳолатлар содир бўлган тақдирда, ёллаш тўғрисидаги шартнома ёрдамида белгилангай мукофот кафолатини олиб, «агент» унга «принципал» билан найранг қилиш ёрдамида фаолият натижасини ўз фойдасига кайта тақсимлаш имконини берувчи кутилмаган «сунъий» ҳолатларни ташкил этишга уринади. Социализм даврида содир этилган «агентлар»нинг ўз фаолияти натижаларини ўзлаштиришда иштирок этишга оппортунистик уриниши каби иктисадий жиноятларнинг аксариятини айнан шу нуктаи назардан талқин этиш лозим.

«Принципал-агент» муаммоси – «агент»нинг «принципал» топшириғиги ва кўрсатмасини бажаришда унинг найранг қилиш ҳавфи ҳисобланади. Найранг қилиш ахборот асимметрияси ва «агент» фаолияти устидан назорат қилиш харажатларининг юкори даражаси туфайли мумкин бўлади.

Шундай ҳилиб, ташкилотларнинг фаолият кўрсатиши танкис ахборотга эга бўлиш натижаси сифатида «агент»нинг оппортунистик хатти-харакат имкониятини тугдирини мұкаррар. Шунинг учун «принципал-агент» муаммоси маънавий ҳатар вазиятида тез-тез учрайдиган ҳолат ҳисобланади: «принципал» «табиий» ҳатарлардан сугурталовчи ролида, «агент» эса (соглиқ ҳолати, кутилаётган даромадлар ва д.к. ҳакидаги) мухим ахборотни яширувчи сугурталанувчи ролида иштирок этади. Энг мухим масала бу ерда «агент» томонидан ишончли ахборотнинг тарқатилишига кўмаклашувчи ёки, аксинча, унга тўсқинлик қалувчи *рагбатлар* тизимики барпо этишдан иборат. Бозорда ишончли ахборотнинг тарқатилиши ракобат билан рагбатлантирилади. Аксинча, «принципал» ва «агент» муносабатларининг одатий вариантида

аҳборот асимметрияси ва оппортунизм имкониятлари «агент»ни «принципал» билан найранг килишга ундаиди.

9.2. «Принципал-агент» муаммоларини хал этиш варианatlари

«Агент»нинг оппортунистик хатти-харакатини чеклашга йўналтирилган рағбатлар тизимини излаш билан оптимал шартнома назарияси ёки «принципал-агент» назарияси шугулланади. Кўпинча ушбу муаммони хал этишнинг кўйидаги варианatlари кўрсатилади.

1. «Агентлар» рақобати. «Принципал-агент» муаммосини хал этишнинг биринчи варианти агентлар ўртасидаги рақобатни кучайтиришни талаб этади. Бунда одатий шартномадан фарқли ўлароқ «агент» томонидан нафақат «принципал» белгилаган (масалан, ишлаб чикириш) даражага эришиши, балки колган «агентлар»га нисбатан энг юқори даражага эришиши (кўшимча равишда) рағбатлантирилади. «Агентлар» рақобати гояси ўзаро ҳаракатларни ўзаро назорат килиш учун «агентлар»нинг ўзларидан фойдаланиш имконини беради.

Чунки энг катта мукофот «принципал» томонидан кўйилган вазифаларни хал этишда энг яхши нисбий кўрсаткичларга эришган «агент»га тегса, «агентлар» бошқаларнинг мудаффакиятларига ҳасад билан карай бошлайдилар –throfdagilarning мудаффакияти ўз мудаффакиятига эришиш имкониятлари пасайишини англатади. Иккинчи томондан, бошқа колоқ «агентлар»га нисбатан ошириб берилган «голиблар» мукофоти унумдорликни оширишга нисбатан кучли рағбат хисобланади. Чунки паст эҳтимолли йирик ютуқ истиқболи юқори эҳтимолли йирик ютуқка нисбатан кам жозибали (ютуқдан математик кутиш таҳминан бир хил). Кўйи даражага менежерларининг шундай фойдали ўринни эгалашга интилишини рағбатлантиришни хисобга олган ҳолда, юқори даражага менежерларига улар меҳнатининг юқори маҳсулидан ортиқ мукофотни тўлаш самарали бўлиши мумкин. Бирок рақобатлашиш элементидан фойдаланиш ўз чегарасига эга:

- факат «голибнинг» мукофоти энг хатарли стратегияни таълашни рағбатлантиради: «агентларни» «тескари таълаш» юз беради, натижада энг хатарли стратегияларни кўлловчи «агентлар» қолади;

- «агент»нинг «табиий» кутилмаган ҳолатлар билан боғлик хатарга мойиллиги даражаси чегараланган;

- «агентлар» ўртасидаги рақобат улар ўртасидаги муносабатлардаги ишонч элементларини бутунлай йўқса чиқаради: «агентлар»нинг биргаликлаги саъй-харакатларини талаб килувчи вазифалар деярли амалга оширилмайдиган бўлиб қолади.

2. «Агент»нинг қўшима фаолият натижаларида иштирок этиши. Муаммони хал этишнинг иккинчи варианти «агент» томонидан қатъий белгиланмаган, балки фирма фаолияти натижаларига боғлик мукофотни тўлашни назарда тутувчи ёллаш ҳақидаги шартноманинг тузилишидан иборат. Бунга, масалан, ёлланма ходимларнинг фирманинг фойдаласида иштирок

этишининг турли шаклари, шу жумладан акциядорлик корхонасининг капиталида иштирок этиш киради.

АҚШда кўп йиллардан бўён ESOP дастури амал қилмоқда, унга кўра 10 фоиздан ортиқ саноат корхоналари ходимлари ўз корхонаси акцияларини харид қилишда имтиёzlарга эга бўладилар. «Агентлар»нинг фирмаси фаолияти натижаларида иштирок этишининг барча турдаги қоидалари орасида мукофотнинг натижаларга чиззали боғликлигини назарда тутувчи оддий йўллар энг самарали хисобланади.

Бу уларда чиззали бўлмаган йўллардан фойдаланиладиган шартномаларни тузишнинг юкори харажатлари билан ҳам, «агентлар» томонидан мукофотнинг натижаларга мураккаб боғликлитининг қийин қабул қилиниши билан ҳам боғлик. Энг қулай варианtlарда қатъий белгиланган мукофот «агент»га эмас, балки «принципал»га таклиф этилади, яъни «агент» «принципал»га рента ва фойданинг улушкини тўлаган ҳолда ундан мол-мулкни ижарага олади. «Агент» томонидан «принципал» топширикларининг вижданан бажарилишини бундай раббатлантириш йўлларини амалиётда кўлашга қўйидаги омиллар тўсқинлик килади:

- «агент»нинг хатарга мойиллик даражаси;

- «агент» томонидан мол-мулкнинг ижарага олиниши ёки унинг мулкда иштирок этиши учун ресурсларнинг чекланганлиги; бунда «агент»нинг ушбу мақсадларда банқдан ссудалар олиши шу ахборот асимметрияси муаммоси ҳамда у билан кредитор сифатида банк ўртасидаги муносабатлардаги маънавий хатар туфайли мураккаблашди.

3. Фирма «агентлар» иттилоғи сифатида. Ушбу қарор аввалгисидан шундай тубдан фарқ қиласиди, бунда нафакат «агентлар»нинг фаолиятдан олинадиган даромадларда иштирок этишига йўл кўйлади, балки «принципал» вазифаларининг ўзи «агентлар» томонидан *навбати билан бажарила бошлиди*. «Принципал» вактинча «тengлар ичиди биринчи» бўлади. Таъқидлаш лозимки, хукмронлик муносабатлари «агентлар» томонидан ўз ҳаракатлари устидан назоратнинг бошқаларга топширилиши билан тутатилмайди, шунчаки назорат ва вазифаларни тақсимлаш вазифалари ташкилот иштирокчилари томонидан навбатма-навбат бажарилади. Вактинча ахборот оқимларининг кесишувидаги мавқени эгаллаган ва натижада айланувчи ахборотни тўплаш имкониятига эга «агент» «принципал»га айланади.

«Агентлар»нинг «принципал» мавқенга ўтиши факат ишончли ахборотни узатишини раббатлантириш муаммосини ҳал этади. Лекин энг асосийси, у «агентлар» ўртасида ишончли муносабатларни мустаҳкамлаш ва кооперацияни ривожлантириш учун замин яратади. О. Уильямсон «агентлар» ўртасида ишончли муносабатларнинг пайдо бўлишида фирмада фойдалиликни ошириш стратегияси сифатида оппортунизмдан бош тортишга олиб келувчи «ассоциатив мухит» пайдо бўлишининг муҳим омилини кўради: «Унумдорлик умумий ишга адолатли улуш қўшганлик учун жавобгарлик хисси туфайли ортади». Ўзини – ўзи бошқарувчи фирма бундай иттилоғни амалиётга жорий этиш шакли сифатида иштирок этади.

Ассоциатив мухитнинг пайдо бўлиши билан боғлик фойда нафакат назорат харажатларида тежаш, балки янги манба – кооперациядан ютишдан иборат. Классик иқтисодиёт фани Адам Смитдан кейинги меҳнат таҳсимотини ташкилот аъзоларининг баъзи вазифаларни ҳал этишдаги қиёсий устуникларининг асосий манбаси, дей зътироф этади. Ушбу ёқдашувга кўра, кооперация фойдали, чунки алоҳида вазифаларни бажаришга юхисослашган ходимлар биргаликдаги сайд-харакатлар билан улар томонидан барча вазифалар мустакил ҳал этилгандагига нисбатан кўп маҳсулот ишлаб чиқаради.

Ишчининг чакконлигини ривожлантириш у бажара оладиган ишлар миқдорини оширади. Меҳнат таҳсимоти эса, ҳар бир ишчининг ишини бирор – бир оддий операцияга йўйиб, ушбу операцияни унинг бутун ҳаётидаги ягона машгулотта айлантирган ҳолда, ишчининг абжирлигини керакли даражада оширади. Ассоциатив мухит нафакат меҳнат таҳсимоти, балки «жамоавий иш» асосида кооперациядан фойда олиш имконини беради. Кооперациядан олинадиган ижобий самара биргаликда ишлаш ва ташкилот аъзолари – «жамоа»нинг ўзаро қўллаб-куватлаши билан изоҳланади.

Хулоса килиб, таъкидлаш жонзки, «агентлар» иттифоки сифатида фирмада «принципал»дан «агентлар»ни уларнинг умумий натижага кўшган улушига мувофик мукофотлаши, «агент»дан эса «принципал» томонидан қўйилган вазифаларнинг вижданан бажарилишини талаб этувчи «олтин қоида» асосида «принципал» ва «агент» муаммосини ҳал этиш имконияти пайдо булади. Мисол тарикасида кўйидаги моделни кеттирамиз, унда ўйинчилар учта стратегиядан биттасини танлайдилар: «олтин қоида», тенг сайд-харакатлар стандарти ва оппортунистик хатти-харакат.

«Принципал» томонидан тенг сайд-харакатлар стандарти «агентлар» меҳнатига катъий белгиланган тенг ҳақ тўланилишини қўллашдан иборат, агентлар томонидан эса яхши ҳам, ёмон ҳам эмас, «ҳамма қатори» ишлашдан иборат. «Принципал» оппортунизми, бунда «агент» бозордаги барча вазият ҳақида тўлик ахборотга эга бўлмайдиган юкулай «табиий» шарт-шаронтлар (масалан, бозор конъюнктураси) белгиси остида «агент»ни пасайтирилган тарзда мукофотлаш шаклига эга бўлиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, Нэш бўйича мувозават ҳисобланмайдиган «олтин қоида» стратегияларини факат, бир томондан, «агентлар» ўртасида, иккинчи томондан, «агентлар» билан «принципал» ўртасидаги ўзаро ишонч нормалари асосида кабул қилиш мумкин. Кўриб чиқилябтган модель унда ўзаро ишончиз ўйинчилар ҳам ўз айбини инкор этиши мумкин бўлган «сукун қилинганлар муваммоли ҳолати»нинг варианти ҳисобланади (9.2-жадвал).

9.2-жадвал

Кўрсатичлар	«Принципал»		
	«Олтин қоида»	Тенг шаронтлар андоғаси	Оппортунизм
«Агент»	«Олтин қоида»	7; 7 [P]	4; 8
	Тенг шаронтлар андоғаси	8; 4	5; 5
	Оппортунизм	9; 1	6; 2
			3;3 [N, St, St]

Шунга карамай, «агентлар» иттифоки сифатидә фирма моделининг тарқалишини қўйидаги омиллар чегаралайди:

- «агентлар»нинг хатарга мойиллиги;

- ташкилот иштирокчилари сони: самарали бўлиш учун, ўрин алманиш тамойиллари асосида ягона ташкилотга бирлашган 5-10 кишидан иборат гурух доирасида қўллинилиши мумкин; ташкилот възларининг умумий сони 100 кишидан ошмаслиги керак (10 кишидан иборат 10 та гурух);

- ташкилот възлари томонидан «ижтимоий» капитал, яъни ўзаро қўллаб-куватлаш ва ўзаро ишонч анъяналари, умумий мақсадлар ва манфаатларга дастлабки эгалик қилиш; ижтимоий капитал ташкилот фаолиятининг дастлабки босқичида «агентлар» ўрин алмашувини бошлаш учун зарур.

9.3. Фирманинг ички тузилмаси

«Принципал-агент» муаммоси ҳал этилиши муқобил моделлардаги ташкилотнинг ички тузилиши асосида ётади. Фирма ички тузилишининг қўйидаги тўртта варианти кенг тарқалган:

о унитар (У-тузилма);

о холдинг (Х-тузилма);

о мультидивизионал (М-тузилма);

о аралаш (А-тузилма).

1. Унитар тузилма - ҳукмроонлик муносабатларининг энг юқори даражада марказлашувини назарда тутади. Барча асосий қарорлар «принципал» томонидан кабул қилинади, унинг ўзи назоратни ҳам амалга оширади. Агар «агентлар» фаолиятини назорат қилиш хуқуқи бошқаларга ўтказилса, у холда функционал белги бўйича – функционал бўлинмалар бошлиqlарига: сотиш бўлими бошлиғи, бош мухандис, бош бухгалтер ва х.к.га берилади. Шундай килиб, функционал бўлинмалар раҳбарлари бир вақтнинг ўзида фирма раҳбариятига нисбатан «агентлар», топширикларнинг бевосита ижрочиларига нисбатан эса - «принципал» хисобланади.

Унитар ташкилотда «принципал-агент» муаммосини ҳал этишининг ягона варианти назоратнинг янги, паст харакатлари билан боғлиқ усувларини ишлаб чиқиши асосида назоратни кучайтиришдай иборат.

2. Холдинг тузилмаси қарорлар кабул қилиш ва «агентлар» харакатлари устидан назорат жараёнини имкон қадар марказлашган тизимдан чиқаришни ўзида намоён этади. Амалда «принципал» факт молиявий оқимлар ва «агентлар» фаолиятининг молиявий натижаларини назорат қилиш ваколатини ўзида сақлаб колади. «Агентлар» барча қарорларни кабул қилишда четда қолади, фойдани тақсимлаш тўғрисидаги қарор бундан мустасно. Бошқача айтганда, «принципал» «агентлар» фаолиятини бевосита эмас, балки «агентлар» мусобақасини ташкил этиш орқали назорат килади.

Холдинг тузилмаси ҳатто бир фирманинг бўлинмалари ўртасида бевосита ракобатни ҳам истисно этмайди. Таъкидлаш лозимки, холдинг бўлинмалари даражасида «принципал» (бир вақтнинг ўзида фирма раҳбарияти учун «агент»

хисобланган бўлинма бошлиги) ва «агент» ўртасидаги муносабатларнинг унитар турини ҳам учратиш мумкин.

Мультидивизионал тузилма. XX асрнинг энг аҳамиятли ташкилий-бошқарув инновацияси бўлиб, 20-йилларда Пьер Дюпон («Du Pont» раҳбари) ва Альфред Слоун («General Motors» раҳбари) томонидан мультидивизионал тузилманинг ташкил этилиши хисобланади.

Мультидивизионал тузилма – маҳсулот тури, савдо маркасига кўра ёки географик белги бўйича ўз харажатини қоплаш ва ўзини – ўзи молиялаш тамойили асосида фаолият юритуви ярим тобе ишлаб чиқариш бўлинмаларини ташкил этишни назарда тутади.

Мультидивизионал тузилма унитар ва холдинг тузилмаларининг ўзига хос синтези хисобланади. Ҳақиқатан ҳам, унда (масалан, янги маҳсулот ишлаб чиқариш тўғрисида) стратегик карорларни кабул қилишининг марказлаштириш тамойили сакланиб колган ва айни пайтда тезкор назорат ва бошқарув марказлашмаган. Шу тарика дивизионлар («агентлар»)нинг молиявий харажатини қоплаш тамойили уларга ўз фаолиятидан олинадиган даромадларда иштирок этиш имконини беради, лекин фирма раҳбарияти («принципал») бунда фирманинг максад ва вазифаларига мувофик бўлинмалар фойдасининг бир кисмини кайта таксимлаш хукукини саклаб колади. Саноат кластерлари ва трансмиллий компаниялар мультидивизионал тузилма тамойилларини амалда кўлловчи корхоналарга мисол бўлади.

4. Арадаш тузилма, агар бўлинмалардан бири худди унитар корхонадаги каби фирма раҳбарияти томонидан тўлиқ назорат қилинса, иккинчи бўлинма холдингдаги каби фирма раҳбариятига молиявий жиҳатдан қарам бўлса, учинчи бўлинма эса операцион мустақилликка эга бўлиб, мультидивизионал тузилмадаги каби ўз харажатини қоплаш тамойили асосида фаолият юритган тақдирда, юзага келади.

9.4. Фирмалар типологияси ва уларни ривожлантириш траекторияси

Фирма ички тузилиши баъзи моделларининг пайдо бўлиши ва таркалишини фақат уларнинг «принципал-агент» муаммосини ҳал этишдаги киёсий самарадорлиги билан изоҳлаб бўлмайди. Фирманинг янги ички тузилишини ривожлантиришга нисбатан эҳтиёж пайдо бўлиб, бирок бу амалга ошмай коладиган ҳолат бўлиши табиий.

Фирманинг ички тузилишини таҳлил қилишда нафакат трансакция харажатлари динамикаси (биринчи навбатда мониторинг харажатлари ва оппортунизмнинг олдини олиш), балки институтлар динамикасидаги «тарихий шартланганлик самараси» каби ташкилий ривожланишнинг ундан аввалги траекторияга боғликлигини ҳам хисобга олиш лозим. Фирманинг ташкилий ривожланишини таркибий ўзгаришларнинг алоҳида траекторияси бўйича харакат сифатида талкин этиш мумкин. Ташкилот ривожланишидаги «тарихий шартланганлик самараси» таҳлили институтлар динамикасини ўрганишда

иғодаланган дағылларни тұлдиріш әсемдең кайта күриб чыкыпты талаб етади.

Бириңчидан, ташкилот доирасыда институционал даражада мағкура бажарадиган вазифаларға үхшаш вазифалар ташкилий маданият қысбланади. Ҳар қандай ташкилотда: корхона, касаба үшіншесінде әки сиёсий партияда умумий таркибий қысым – ташкилий билим мавжуд. Ташкилий маданият, «принципал» билан «агент» үртасидаги үзаро муносабаттар улар асосида күриладиган мөһөннелер, қонда ва амъаналарда амалға оширилади. Ташкилий маданияттың талқын этиш вазифаси баъзи күтилмаган ҳолаттар содир бўлганида «принципал» карорларнинг асослилагини баҳолаш учун ундан «агентлар»нинг фойдаланишларидан иборат. Ташкилий маданият бўйсунувчиларга ташкилот баъзи күтилмаган ҳолатларга қандай муносабат билдириши хақида тасаввур беради. Қатъийроқ айтадиган бўлсак, у туфайли ташкилот ўзига хослика эга бўлади.

Ташкилий маданият – ташкилот аъзолари үртасидаги үзаро муносабатларни тартибга солувчи ва уларнинг жамоавий билимлари ва тажрибасининг иғодасын қысбланган мөһөннелер, қонда ва амъаналар йигиндиси.

Иккинчидан, ташкилоттинг кундалик фаолиятида мутаассиблик муҳим ўрин тутади. Бу ўринда мутаассиблик ҳаракатни мунтазам тақрорлаш орқали эсда саклаб колиш сифатида белгиланади. Мутаассиблик ташкилот аъзолари орасыда ахборот алмашувини таъминлашда марказий ўрин тутади: у уларнинг хабарни олиш, талқын этиш, иғодалаш ва узатиш қобилияти асосида ётади. Ҳар бир ташкилот ўз ташкилий «диалектика» эга, ҳеч бир ташкилотда «соғ» ўзбек тилида ҳам, «соғ» рус тилида ҳам сўзлашмайди.

Бундан ташқари, агар назорат тадбири мутаассиблик хусусиятига эга бўлса, назоратни амалға ошириш анча енгиллашади. Университет ҳаётидан мисол келтирған ҳолда таъкидлаш мумкинки, талабалар давоматининг мутаассиблик хусусияти (семинар бошида әки охирида) факат шу гал давоматни текшириш унтулишига умид килиш билан асосланган дарс қолдиришларнинг олдини олади. Демак, ташкилот ичиде ахборот асимметриясини пасайтириш ва назоратни осонлаштириш орқали «принципал-агент» муаммосини ҳал этиштега кўмаклашган ҳолда мутаассиблик айни пайтда унинг аъзолари үртасида юзага келган үзаро муносабатларнинг тақрорленишига олиб келади.

Берилган траектория бўйича ҳаракат ташкилий маданият ва мутаассиблар асосида «принципал» билан «агент» үртасидаги үзаро муносабатларнинг матъум туритга эга бўлиниши ва мустаҳкамланишини назарда тутади. Шунинг учун ташкилий ривожланишнинг бошлангич нуктаси қысбланган вазиятни билиш лозим – у аввал кейинги эволюциянинг барча варианtlарини ўзида мужассамлаштиради. Чунки бекарор мухитда унитар фирма трансакция ҳаражатларини тежаш нуктаси вазаридан жуда ёмон кўрсаткичларга эга, лекин у баркарор шароитдаги мослашувчан ташкилий тузилмага эга фирмага нисбатан самарали ва бардошли бўлиши мумкин.

Демак, бекарорлик шароитида шаклланган ва фирманинг кейинги ривожланишини белгилаб берган ички тузилиши ташки мухит баркарлашадиган келгусидаги йўқотишларни белгилаб беради. Қизиги шундаки, киска муддатли истикболда оптимал бўлмаган тузилма узоқ муддатли истикболда фойдали бўлиб чиқиши мумкин. Айнан ушбу ҳолатни дастлабки боскичда йўқотишларга олиб келган ва кейинги боскичларда устуликини таъминлаган ўз эволюциясини юкори даражадаги интеграция ва тузилмани марказлаштиришдан бошлаган Япония фирмаларининг урушдан кейинги ривожланиши мисолида кўрсатиш мумкин.

9.5. Фирмаларнинг асосий турлари

Корхоналар ривожланиши траекторияларининг ўзига хос хусусияти корхоналар ташкилий тузилишидаги миллий фарқларни белгилаб беради. Бугунги кунда исталган мамлакатдаги йирик корхоналарнинг аксарияти жаҳон бозорида юзага келган тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда харакат килишига қарамай, уларнинг ташкилий тузилишлари ва улар томонидан амалга ошириладиган стратегияларнинг хилма-хиллиги кузатилади. Чунки ташкилий ривожланиш траекториясини танлашга таъсир этган омиллар йигиндиси турли мамлакатларда турлича.

Ташкилий ривожланиш траекториясини белгилаб берувчи омиллар жумласига қуйидагилар киради:

- институционал мухит, шу жумладан институционал ривожланиш траекторияси;
- активларнинг ўзига хослик даражаси (ракобот бозорининг ривожланганлик даражаси);
- ташки мухитнинг ноаниклик даражаси (бозорнинг баркарорлик даражаси);
- хатарга мояиллик даражаси (мамлакат ахолисининг умумий сонида хатарга нисбатан бетараф бўлган инсонлар улуши);
- ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг умумий даражасига боғлик битимларнинг мураккаблик даражаси;
- қонундан фойдаланиш баҳоси ва хуфиёналик баҳосининг нисбати.

Ташкилий ривожланиш миллий траекториясининг фарклари нафакат тузилмаларга – унитар, ҳолдинг ёки мультидивизионал, балки уларнинг максадли вазифасига, корхонанинг етказиб берувчилар, истеъмолчилар ва ёлланма ходимлар билан муносабатлардаги ҳатти-харакати, шунингдек, корхона фаолиятининг кўплаб бошқа кўрсаткичларига тааллукли. Энди корхоналарнинг бир неча бенуксон турларини ёритишига харакат қиласиз. Улар буйруқбозлик иқтисодиётидаги фаолият юритувчи корхона (*B* корхона); Америка фирмаси (*A* фирма); Япония фирмаси (*J* фирма) ва ўтиш туридаги корхона (*Ў* корхона)лари.

1. Буйруқбозлик иқтисодиётидаги ҳаракат құлуучи корхона. Корхонанинг ушбу турига нисбатан қызықиши асосан шу билан боғлиқки, Россия ва Шарқий Европа корхоналари катта қысманинг илдизи буйруқбозлик иқтисодиётига

бориб тақалади. Буйруқбозлик иқтисодиётгидә ҳаракат күлүүчү корхона фойдани күпайтиришга эмас, балки бир мөйөрдагы ишлаб чыкариш режасини бажаришта йүнәлтирилгән. «Принципал» (режа органи)нинг фармойиши мутлак хүсусиятта эга эмас, балки мүхокама ёки режали савдонинг предмети хисобланади. Ушбу савдода корхонанинг овози рухсатнинг юкори чегараси, нормадан юкорига чикиш ҳақида огохлантиради, юкори турувчи органининг овози эса рухсатнинг күйи чегараси, нормадан күйига оғиш ҳақида эслатади.

Бу ерда «принципал» қандай макомга эгалиги алохуда таҳлилни талаб этади. Коммунистик мафкурага мувофик социализмда ўз манфаатлари вакиля – режа органи орқали *Б* корхона фаолиятини назорат килиш ҳукукини амалга оширувчи барча меҳнаткашлар «принципал» хисобланарди. Лекин назоратнинг самарали механизмлари факат режа органи билан корхона дирекцияси ўртасида ҳамда корхона дирекцияси билан унинг ходимлари ўртасидаги муносабатларда юзага келар эди.

Ишлаб чыкариш топширикларини бажаришдаги катыйи интизомга назоратнинг учта механизми – партия (партия ташкилотлари орқали), хўжалик (вазирликлар ва идоралар орқали) ва кенгаш (Халқ депутатлари кенгашининг ижроия органлари орқали) механизмлари орқали эришилди. Режа органларининг меҳнаткашлар томонидан назорат килиниши механизмлари эса мавжуд эмас эди, натижада меҳнаткашлар «принципал» сифатида ўз манфаатларини амалга ошира олмас эди. Шунинг учун режа органи амалда «агент»дан ягна «принципал»га айланди: назоратсиз бюрократик аппарат ўз манфаатларини умумая жамият манфаатлари билан мослаштириш имкониятига эга бўлди. Келтирилган далилларга асосланган ҳолда *Б* корхонани унитар ташкилот, яъни вазирлик ёки идоранинг бўлинмаси сифатида таърифлаш мумкин.

Б корхона ишлаб чыкариш ва сотиш алокаларининг таркиби унинг унитар ташкилот бўлинмаси сифатидаги ҳолети туфайли унга «принципал» томонидан белгилаб берилган. *Б* корхоналар ўртасидаги барча горизонтал алокалар вертикал алокалар - «принципал»га мурожаат этиш орқали амалга оширилади. Таъминот-сотиш алокаларининг таркиби ресурслар таҳсилотининг ажратиши ёки фондлаш сингари механизмидан ҳосил бўлган. Ажратиш вазирлик ёки идора томонидан *Б* корхона маҳсулотининг асосий истеъмолчилари ва етказиб берувчилари белгиланишидан иборат. *Б* корхонанинг таъминот ва сотиш таркибини мустакил ўзгартиришга уринишларига «принципал» кескин тўскинилик килди.

Б корхонада меҳнат муносабатларининг тизими ҳам ўзига хос. Унда банд бўлганилар сонининг қўйи чегараси режа топшириклари, юкори чегараси эса – ишчи кучининг кутилаётган таъчиллиги билан белгиланади. Ресурслар чекланган иқтисодиётдаги бошқа ҳар қандай ресурс сингари ишчи кучи ҳам тақчил. Шунинг учун корхона ўзининг ресурс, шу жумладан ортиқча бандлик шаклида – ишчи кучи заҳирасини барпо этишга уринади. Бунда таббийки, *Б* корхона барча ходимларини иш билан таъминлашга қодир эмас ва уларга тенглаштирувчилар амалда ишлаб топилмаган иш ҳакини тўлайди. Ишчидан

згалик вазифасини олиб, уни ишлаб чиқариш натижаларига реал таъсир этиш имкониятидан маҳрум этган ҳолда, қоғозбозлик тизими ушбу имкониятнинг ўрнини ишлаб топилмаган иш ҳақини олиш имконияти билан қоплади.

2. *A* фирмаси. Америка фирмаси ёки *A* фирма неоклассик дарсликлар саҳифаларида таҳсил килинувчи фирманинг идеал турига кўпроқ мос келади. *A* фирма ўз маҳсулотига рақобат томонидан белгиланган нархда ва ишлаб чиқариш билан ёритиладиган харажатлар таркибида фойдани кўпайтишини мақсад килиб қўйган. Ҳатто, агар бирор – бир фирмада рақобат бозорида фирманинг мувозанатини тўғри ҳисоблаб чиқа оладиган биронта ходим топилмаса ҳам, у бозорда ўзини неоклассик назариянинг барча қоидалари бўйича фойдани кўпайтиргандек, тутади.

Фойдани кўпайтишига йўналтирилиш *A* фирма «принципали» - унинг акциядорларининг мақсадли вазифаси билан белгиланган. Акциядорларнинг асосий мағфати бир акцияга ҳисобланган ўз даромадини оширишдан иборат, бу йил якунига кўра корхонанинг инвестишия килинмаган фойдасининг миқдорига bogлиқ. Ўз навбатида, фойда миқдори «агентлар» - *A* фирманинг ёлланма менежерлари харажатлари билан белгиланган. «Принципал-агент» туридаги ўзаро муносабатлар менежерлар билан ёлланма ходимлар ўртасида ҳам юзага келади.

Акциядорлар билан менежерларнинг ўзаро муносабатларида «принципал-агент» муаммоси иккита мукобил механизм – «ковоз бериш» ва «чиқиш» асосида ҳал этилади. Акциядорлар менежерларнинг фаолияти устидан назорат ҳуқуқини ё акциядорларнинг йиллик йигилишида иштирок этиб, директорлар кенгаши таркибини ўзгартириш («ковоз бериш») орқали ёки ўз акциясини сотиб, бу билан менежерларнинг ҳаражатларини маъқулламаслигини ифодалаш («чиқиш») йўли билан амалга оширишлари мумкин.

Менежерларга ўз хизматлари бозори томонидан кўрсатиладиган интизомий таъсир ушбу бозорда юкори трансакция ҳаражатлари ва унда алмапиладиган ресурслар – бошқарув кўнималари ва иқтидорларнинг юкори дараҷадаги ўзига хослиги туфайли, самараси кам ҳисобланади.

Иккала мукобил вариант – «ковоз бериш» ҳам, «чиқиш» ҳам қатор камчиликларга эга. Овоз бериш акцияларнинг кичик пакетлари згалари учун «чипгасиз муаммо»ни келтираб чиқаради. Бундан ташқари, менежерлар акциядорлар йигилиши кун тартибини назорат киладилар. Самарасиз бошқарилаётган фирма акцияларининг сотилиши эса ҳамма вакт акцияларнинг пасайган курси туфайли мулкдорларга зарар келтиради.

«Овоз бериш» борасидаги ҳолатни ишончли овоз бериш амалиёти ёрдамида тўғрилаш мумкин, бунда кичик пакетлар мулкдорлари ўз номидан овоз беришни йирикроқ пакетлар згаларига ишониб топширадилар. «Чиқиш» вариантидан фойдаланишни эса акцияларнинг бирлаштирилган пакетлари олди-сотдисига тендер тактифларидан фойдаланиш орқали оптималлаштириш мумкин.

Менежерлар билан ходимларнинг ўзаро муносабатларида «принципал-агент» муаммосининг ҳал этилиши фордизм – Буюк катагонлик даврида Генри

Форд томонидан ишлаб чиқилган меҳнатни таъкил этиш тизими тамойилларига асосланади. Менежерлар билан ёлланма ходимларнинг ўзаро муносабатлари сиёсати сифатида фордизмнинг асосий унсурлари кўйидагилардан иборат:

- нархларнинг ўсишига кўра иш ҳақининг индексацияланишини ўз ичига олувчи меҳнатга юкори даражада ҳақ тўлаш;
- катъий ишлаб чиқариш интизоми, бунда машина (масалан, конвейер) ходимнинг ҳаракатларини назорат килиш воситаси ролини бажаради;
- қасаба уюшмалари иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ўртасидаги низоли муносабатларда воситачи ролини бажаради;
- бир тармокнинг ўзига тегишли корхоналарда (масалан, «Ford» ва «General Motors» ўртасида) кадрлар ўрнининг алмаштирилиши юкори даражада.

Ниҳоят, *A* фирманинг ишлаб чиқариш ва сотиш алоқалари таркиби трансакция ҳаражатларини пасайтириш вазифасига тўлиқ бўйсунган. Интеграция – оркага, олдинга ва комбинациялаш – мукобил мақсадларга нисбатан кўпроқ трансакция ҳаражатларини пасайтириш мақсадлари билан боғлик. Етказиб берувчилар, харидорлар, шунингдек, улар билан тузиладиган шартнома турини танлаш фирманинг шу онда бозорда юзага келган трансакция ҳаражатлари даражасини пасайтиришга интилишини акс эттиради. Масалан, гўшт маҳсулотини ташиш учун рефрижератор техника билан таъминлашга катта микдордаги инвестициялар зарурлиги боис, кўпинча гўштни кайта ишловчи корхоналар ташиш масаласини рефрижераторлар паркини харид килган холда, пудрат асосида ҳал этади.

3. *J* фирма. Мацашика Аоки томонидан *J* фирма деб номланган Япония фирмаси Америка фирмасидан катта фарқ килади. *J* фирмада «принципаль» макомини факат мулкдорларнинг турли тоифалари ўртасида акцияларнинг таксимланиши тўғрисидаги статистика маълумотлари асосида аниқлаш мушкул. Ушбу маълумотлар факатгина япон фирмаларида ҳам, ҳудди АҚШда бўлгани каби, якка акциядорлар «принципаль» хисобланмайди, деб таъкидлаш имконини беради. Агар 1949 йилда япон компаниялари акцияларининг таҳминан 70 фоизи якка акциядорларга тегишли бўлса (эслатиб ўтамиз, урушдан кейинги даврда гап институтни - *A* фирмани - Японияга импорт килиш ҳақида борди), 80-йилларнинг охирига келиб, уларнинг кўлида факатгина акцияларнинг 24 фоизи колди. *J* фирма акцияларининг 42 фоизи молиявий институтларга, 25 фоизи урушдан аввалги «дзайбатс» туридаги холдингларга тегишли²⁶.

Бироқ япон фирмаларини таҳлил килишда юзага келадиган асосий кийинчилик – факат турли ҳаракатни белгилаб берувчи ҳужжатларга биринтирилган расмий маълумотларга таянишининг имкони йўклиги. Очик мулкдорлар сафида *J* фирма ходимлари мавжуд эмаслигига карамай, улар амалда ўз фирмасининг фаолиятини назорат килишда бевосита иштирок этишади. М.Аоки «принципаль» ролида бир вактнинг ўзида ташки акциядорлар ҳам, «инсайдерлар» - корхона ходимлари ҳам иштирок этадиган вазиятни

²⁶ Aoki M. Economic Japonaisc. Information, motivations et marchandage. Paris: Economica, 1991, p. 128, 135.

ёритиш учун «никси томонлама назорат» атамасини тақлиф этди. Бунда назорат соҳалари акциядорлар ва ходимлар ўртасида аниқ бўлинган. Йирик акциядорлар, биринчи иавбатда банклар, корхона ўз акцияси учун даромаднинг кулагай (максимал эмас!) даражасини таъминлагунга кадар жорий назоратдан бош тортади. Бу билан улар жорий назоратни фирмада ходимларига ишониб топширадилар. Бу ерда гап қиска муддатли шартномалар асосида ёлланган ходимлар ҳакида эмас, балки доимий ходимлар ҳакида боради:

Шундай килиб, япон фирмаси «агентлар» иттифоқи моделига жуда яқин ва унда «принципал-агент» хилидаги классик муносабатлар мавжуд эмас. Ушбу фикр қуйидаги фактлар билан ҳам тасдиқланади. Биринчидан, Ј фирмада ходимларни бўлинмалар ва бажариладиган вазифалар бўйича бўлишдан фаол фойдаланилади: ўзаро боғлиқ операцияларни бажариш ҳамда раҳбарликни амалга оширишга ҳам лаёкатли универсал ходим идеал ҳисобланади. Масалан, янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш билан шугулланувчи мухандисларни ишлаб чиқариш жараёнинг сафарбар этиш амалиёти, ва аксинча, «чизиқли» мухандисларнинг тажриба-конструкторлик бюросидаги ҳар йиллик амалиёти кўпроқ горизонтал мувофиқлашувга мисол бўлади.

Мувофиқлашувнинг горизонтал тамойиллари фирмада ахборот оқимлари айланнишини шу даражада оптималлаштириш имконини берадики, бўлинмалар шиддат билан ишлаб ва зарурат тутилишига кўра янги маҳсулот тўпламларини бошка бўлинмаларга буюртма килгани ҳолда, сугурта ва бутловча қисмлар захираларини барпо этмай фаолиятда давом этадилар.

Иккинчидан, ўрин алмашиш тамойили ходимларнинг мансаб бўйича ўсишларини режалаштириш асосида ётади. Ј фирмада даража пагонаси амал килади, яъни ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларнинг ижтимоий мақоми ишлаб чиқариш ўлчами билан эмас, балки фирмадаги погона даражаси билан белгиланади. Янгидан ишга қабул килинган ходим учун лавозимда ўсиш паст пагоналардан бошланиб, унинг меҳнат фволияти мобайнида давом этади. Қизиги шундаки, акциядор банклар ҳам, Ј фирма ҳам, унинг ҳамкорлари (ўзаро боғлиқ корхоналар) ҳам даражаларнинг ягона иерархиясини ҳосил килади. Шунинг учун ходимнинг мансабда кўтарилиши корхонадан бошланиб, банкда ёки ҳамкор фирмада давом этиши мумкин ва аксинча.

Япония корпорацияси агентлар иттифоқи томонидан назорат қилинади, бу фирманинг мақсадли вазифасини ўзгартиради: ҳозирда фойданни кўпайтириш унинг мақсадлари иерархиясида дастлабки ўринни эгалламайди. Фирма томонидан назорат қилинадиган бозор улушининг узлуксиз ўсишини таъминлаш биринчи ўринда туради, чунки бундай ўсиш ташкилий ўзгартириш, тузилмани ҳенгайтириш ва ривожлантириш учун замин яратади. Ўсиш уни таъминлаганларни мукофотлайди, - тамойилий япон фирмаларига нисбатан тўғри, уларда ташкилий ўзгартириш даражаларининг сонини оширади, демак, ходимларнинг мансабдаги ўсишини яхшилайди.

Бошқача айтганда, акциядорларни ҳам, ходимларни ҳам назорет қилиш ишлаб чиқариш ва сотув ҳажмини ошириш орқали фирмани ташкилий юкори рентани оширишга йўналтиради: факат ана шундай мақсад турли

мулқорларнинг манфаатларини тенглаштиради. *J* фирманинг асосий хамкорлари – ўзаро боғлиқ корхоналар ва давлат билан ўзаро муносабатларига тұхтадырып бұлсак, ҳар бир фирма квазидоимий ўзаро боғлиқ корхоналар – «кейретсу» дөирасига зга. Бунда «Toyota» туридаги йирик корпорацияларда ўзаро боғлиқ корхоналар бош фирма атрофида учта қаторға гурухланади.

Бириңчиси – әнд барқарор фирмалар (неоклассик шартнома асосида ишловчи бундай ўзаро боғлиқ корхоналарнинг сони «Toyota»да 122 та), иккінчиси – бозордаги вазият тубдан ўзгарған холатда улар билан муносабатлар узилиши эхтимолига зга (5437 та) фирмалар, үчинчиси - киска муддатлы шартномалар асосида ишловчи етказиб берувчилардан (41703 та фирма) таркиб топади. «Кейретсу»ни тузища ўзаро боғлиқ корхоналарнинг нуфузи асосида трансакция харажатларини тежаш омилига хатарни бўлиш омили қўшимча килинади: бозор конъюнктурасининг асосий тавсирини иккинчи ва ейникса үчинчи қатор таркибидаги ўзаро боғлиқ корхоналар ўзида хис этади.

Давлат билан муносабатларга келсак, *A* фирмадан фаркли ўларо *J* фирма тўлик мустакилликка интилмайди. Амалда давлатта япон фирмаси томонидан корпоратив манфаатлар ва умуман жамият манфаатлари ўртасидаги ҳакам корпорациялар курашида эса мувозанатни сақлаш кафолати сифатида қаралади.

4. *Ўтиш туридаги корхона*. Шарқий Европа мамлакатларида амалга оширилган бозор ислоҳотлари *B* корхона билан *A* фирма ўртасида ярим йўлда турган яна бир идеал корхона – ўтиш туридаги корхонанинг пайдо бўлишига олиб келди. Ў корхонанинг «оралиқ» холати, бироқ, уни *B* корхона ва *A* фирма элементларининг турли комбинацияларидан фойдаланиб таърифлаш мумкинлигини англатмайди. Ҳеч бўлмагандан Ў корхонанинг максадли вазифасини олайлик: у маъмурӣ буйрукларни бажаришдан ҳам, фойдани кўпайтиришдан ҳам иборат эмас. Ў корхона омон қолишга, меҳнат жамоасини сақлаб қолишга йўналтирилган, шу муносабат билан ейрим тадқиқотчилар ушбу идеални тавсифлаш учун хатто «омон қолишга йўналтирилган корхона» атамасини ҳам таклиф этди.

Ўтиш туридаги корхона максадларини танлашнинг ўзига хос хусусияти унинг мулки таркибига боғлиқ. *J* фирмада бўлгани каби бу ерда ҳам мулкнинг тўлик ва реал таркиблари ўртасида номувофиқлик мавжуд ва бу ҳам «инсайдерлар» - корхона ходимлари ва раҳбарларни фойдасига хизмат қиласиди. Бу ерда гап қайта комбинацияланган мулк ҳакида бораляпти, яъни унда куйидагиларга йўл қўйилади:

- хусусий ва давлат мулки ўртасидаги чегараларнинг йўқолиши. Давлат бюджетидан катын назар расмий жиҳатдан хусусийлаштирилган корхона. Бироқ давлатнинг шартнома мажбуриятлари ва бюджет олдидаги мажбуриятларни бажармаган корхоналарнинг банкротлигини эълон қилишга тайёр эмаслиги, давлат дебиторлик қарзларининг бир қисмими ўз зиммасига олишга розилигини англатади. Ўзаро ҳисоб-китобларни ўтказиш амалиёти ҳакиқий молиявий битимларни имитация қиласиди ва корхонани тўхтатиб қўйишнинг иложи

йўклиги холатини шунчаки ниқоблайди, чунки бу ишчиларнинг норозилигига ва ишлаб чиқаришнинг пасайишини келтириб чиқаради.

- корхона ташкилий чегараларининг йўқолиши. Тўланмасликлар муаммоси нафакат пул массасининг ишлаб чиқариладиган товар ва хизматлар ҳажмига мос келмаслиги, балки корхоналарнинг ўзи билан ўзаро боғлиқ корхоналарга товар кредити беришга тайёрлтигини акс эттиради. Шартнома мажбуриятларини бажаришнинг паст маданиятини ҳисобга олган ҳолда, корхоналар томонидан ўзаро ҳақ тўланмасликларга иктиёрий равишда йўл қўйилишининг ягона изохи бўлиб ўзаро боғлиқ корхоналар ўртасида фирма ичидаги оқимлар каби тамойилларда товар-пул оқимини ташкил этиш имконини берувчи ўзаро назоратнинг мавжудлиги ҳақидаги тасаввур ҳисобланади.

- мулкнинг расмий ва реал таркибининг мос келмаслиги. Ташки мулкдорлар, одатда, фонд бозорининг оптималь бўлмаган ҳолда фаолият юритиши ва менежерларнинг ахборот асимметриясидан оппортунистик фойдаланишлар туфайли Ў корхона менежерларини назорат қилиш ҳукукини амалга оширишнинг иложи йўқ. Натижада «агентлар» - менежерлар – ҳатто акцияларнинг асосий қисми ташки сармандорларга тегишли корхоналар устидан ҳам назоратни саклаб қоладилар.

Шундай қилиб, омон қолишга йўналтирилиш «агентлар»нинг «принципаллар»нинг ўз назорат ҳукукини «воз бериш» оркали ҳам, «чиши» оркали ҳам амалга ошириш мумкин бўлмаган вазиятни саклаб қолишга уринишларини англаади. Демак, «агентлар» оппортунизми Ў корхона фаолиятининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, менежерлар ҳодимлар (уларнинг ўзларига нисбатан «агентлар») устидан назоратни саклаб қолишга эришдилар. Улар буни молиявий кийинчиликларга қарамай корхона балансида ижтимоий соҳа обьектлари (уй-жой-коммунал хўжалиги, дам олиш базаси, болалар муассасалари, асл ҳолатида таъминлаш)ни саклаб туришда ифодаланувчи патернализм сиёсати ҳисобидан уддаладилар.

Ў корхона томонидан ишлаб чиқариш алоқалари таркиби трансакция харажатларини камайтириш мезони бўйича эмас, балки вакт оркали текширилган алоқани саклеб қолишга уриниш асосида шаклланади. 1993-1994 йилларда Россия корхоналарининг аксарияти асосий етказиб берувчилар (83%) ва истеъмолчилар (70%) билан аввалги алоқаларини саклаб қолган ва янги шерикларни топиш истиқболига шубҳа билан қараган. Таъминлаш ва сотиш сиёсатидаги мутавассибликнинг эҳтимолий талқинларидан бирни янги шериклар билан шартномалар тузишнинг ғоят юқори трансакция харажатлари ҳақидаги тасаввурдан иборат.

Биринчى навбатда бу янги шерикларнинг оппортунистик ҳатти-харакатларининг юқори даражада эҳтимол тутилиши билан боғлиқ. Эски шерикларнинг оппортунизми уларнинг юзага келган нуфузи ва режали иқтисодиёт мухитидаги факат «ўзинникига» нисбатан амал қилувчи алоҳида ахлоқ нормаларига эга директорларнинг мавжудлиги туфайли деярли истиносо этилган.

Энди корхоналарнинг тўртта бенуқсон турини жадвал кўринишида киёсий таҳлил қилиш натижаларини келтирамиз (9.3-жадвал).

9.3-жадвал

Турли иқтисодиётда ҳаракат қилувчи корхоналар фасонияти мезонлари

Тақдослаш мезонлари	Б корхона	А корхона	Ж корхона	Ў корхона
Мақсадли вазифа	Нормал юкламали режани бажариш	Фойдани ошириш	Ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини ошириш хисобидан ташкилий рентани ошириш	Корхонанинг омон колиши, меҳнат жамоасини саклаб колиш
Мулчилик тарқиби	Формал-давлат, «идораларнинг» реал мулки	Акциядорлар ичнада жисмоний шахслар устунлик қиладиган акциядорлик	Формал-акциядорлик, жамоа корхонаси элементларига эга реал акциядорлик	Формал-акциядорлик, реал – «рекомбинация ланган»
«Принципал»	«Идора» (вазирлик, идора)	Якка акциядорлар	Акциядорлар ва доимий ходимлар иттифоқи	Корхона раҳбарияти
Бюджет чекловларининг катъийлик дарражаси	0-2	4	3-4	2-3
Ташки мухит тавсияфи	Баркарор	Хатар	Хатар	Номалум
«Принципал-агент» муаммосини ҳал этиш усуслари	Уч шаклдаги бевосита назорат (матмурӣ, партия, касаба ўюшмалари ёки кенгаш)	«Овоз бериш» ёки «чиқиши» оркали	«Агентлар» иттифоқи сифатидан фирма моделидан фойдаланиш	Корхона раҳбарияти ва ходимларининг ўзаро муносабатлари даги паттернлизм сиёсати
Хўжалик алоқалари тарқибини белгилаб берувчи омиллар	Барча горизонтал алоқалар вертикал алоқалар оркали (ресурсларни амротиш доирасида) амалга оширилади	Трансакция харажатларни пасайтираш	Трансакция харажатларини пасайтириш ва хатарни турли бўгинлар таркибидаги ўзаро боғлиқ корхоналар Ўтасида таҳсиллаш	Илгари юзага келган алоқаларни саклаш, юкори трансакция харажатлари туфайли янти алоқаларни излашдан бош тортиш
Давлат билан ўзаро муносабатлар	Режа органи бўйруқларига бўйсуниш	Тўлиқ мустакиллик	Бошка корхоналар билан низолар пайдо бўлганида ҳакам сифатидан фойдаланиш	Тўлиқ мустакиллик, лекин давлат пассивларни бошқаришиш реал марказлаштириш доирасида маҷбуриятлар

				ишиг бир кисмими ўз эннисига олади
Бандлик сиёсати	Ресурслар тақчиллигининг кутилаётган міндоридан функция сифатыда мекннатта талаб	Махсулоттага талаб за ходимнинг мекннат унумдорлигидан кутилаётган міндоридаги вазифа сифатыда мекннатта талаб	Домый ходимларнинг меҳнатига бўлган талаб беркарор, махсулотта иисбетган кутилаётган талаб факат кисман за вактинчалик бандлик міндорига тъйсир кўрсатади	Мехнат жамоасининг ўзагини сақлаб колишига интилиш туфайли меҳнатга талаб беркарор, ихтиёрӣ ишдан бўшашлар хисобидан ортиқча бандлик дарежаси кискаради
Иш сиёсати	Ягона тариф сенсаси асосида китъий белгиланган	Энг юкори мекннат унумдорлигига кўра мослашувчан	Ходимнинг даржалар нерархиясидаги ўринига кареб китъий белгиланган	Китъий белгиланган
Касаба уюшмаси шакли	Тармоқ	Тармоқ	Корхонанинг касаба уюшмаси	Тармоқ
Касаба уюшмасининг вазифаси	Ходимларни назорат колишининг кўшичма меҳанизми; ижтимоий бойликларни тақсимлаш	Ходимлар ва юш берувчиликлар уртасида кисюлари пайдо бўйланади воситачи	Оддигӣ яшчялардан тортиб то дарекциягача барча «инсейдерлар» манбаатларини намоён этиш	Касаба уюшмалари паст сафербар этубчи салоҳиятте эга

Қисқача хулоса

«Принципал-агент» муаммоси ҳар қандай ташкилот фаолиятини кўрсатишими мураккаблаштиради. «Агент»дан «принципал»нинг фойдалилигини оширувчи ҳаракатлар кутилади, лекин «агент» ҳамма вакт ўзи билан «принципал» ўртасида мавжуд аҳборот асимметриясидан ўз фойдаси йўлида ва «принципал» манбаатларига зид ҳолатда фойдаланишга ҳаракат киласди. Муаммони ҳал этиш йўллари бир нечта: юкори ҳаражатлар билан боғлиқ бевосита назоратни кучайтириш; «принципал» томонидан «агентлар» мусобакасининг ташкил этилиши; «агентлар»нинг ташкилот фаолияти даромадларида иштирок этиши ва «агентлар» томонидан «принципал» вазифаларининг бажарилиши. «Принципал-агент» муаммосини ҳал этишининг ушбу вариантлари фирма ички тузилмасининг кўринишини учта тури: унитар, холдинг ва мультидивизионал кўринишини изоҳлайди.

Фирманинг ички тузилиши таркибини шартловчи омилларнинг ҳар бир ўзига хос комбинацияси ташкилий маданийт асосида ўзини – ўзи таҳрор ишлаб чиқариш тенденциясига эга. Гап ташкилотнинг траектория бўйича

ривожланиши ҳакида бормоқда. «Ривожланишнинг тарихий шартланганлик самараси» мавжудлиги корхоналарнинг тўрт идеал тури ҳакида сўзлаш имконини беради: буйруқбозлик иқтисодиётида ҳаракатланувчи *B* корхона, *A* фирма, *J* фирма ва ўтиш туридаги корхона. Корхоналарнинг бундай хиллари буйруқбозлик иқтисодиётида (режали иқтисодиётда), мутлак рақобат иқтисодиётида (Америка иқтисодиётида), иқтисодиётнинг корпоратив моделида (Япония иқтисодиётида) ва ўтиш иқтисодиётида юзага келган омилларнинг ўзига хос комбинацияларини акс эттиради.

Таянч сўз ва иборалар

“Принципиал” ва “агент” муносабатлари, ички ахборот асимметрияси, Нэш бўйича мувазанат, “агентлар” рақобати, фирманинг ички тузилмалари, холдинг, унитар ташкилот, мултидивизинал тузилма, траектория, ташкилий маданият, фирма турлари, таккослаш мезонлари.

Тақоррлаш учун саволлар

1. “Принципиал” ва “агент” сўзлари нимани англатади? Улар ўртасидаги муносабатлар нималарга асосланади?
2. Сизга яхши таниш ташкилотни танланг ва қуидаги саволларга жавоб беринг: корхонада «принцип-агент» муаммоси қандай ҳал этилади; корхонанинг ташкилий тузилиши қандай (унитар, холдинг, мультидивизионал, аралаш); корхона фирманинг қайси бенуқсон турига кўпроқ якин?
3. Ўзбекистон бозорида фаолият юритувчи чет эл фирмасининг филиали қандай турдаги корхона жумласига кириши мумкин? Жавобингизни асослашда қайси омиларни хисобга олиш лозим?
4. Ўтиш туридаги корхона баркарор ташкилий тузилма хисобланадими ёки ушбу бенуқсон тур ёрдамида факат *B* корхонанинг *A* фирмага айлантирилишидаги боскич ёритилганми?

Х бөб. ТАШКИЛОТНИ АМАЛИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ НАЗАРИЯСИ

Фирмаларни энг мақбул (бенуқсон) турларга бўлиш реал ташкилотлар тўгрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини бермайди, балки факат ташкилий тузилманинг баркарор қисмини ажратиб кўрсатади. Аммо ушбу фикр институционал ёндашув факаттина ташкилотда юз беравётган жарабёнларни тушунишга кодир эканлигини англатмайди. Муайян ташкилот ҳолатини текшириш ва муайян амалий ташкилий муаммоларни ҳал этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишида институционал ёндашув билан бир қаторда, трансакция харажатлари назарияси, келишувлар назарияси ва мулкчилик хукуклари назариясини ҳам амалда кўллаш мумкин.

10.1. Трансакция харажатлари назарияси асосида ташкилот тузилмаларни амалий таҳлил қилиш

Трансакция харажатларини ўлчашдаги қийинчиликлар муайян иқтисодий таҳлил учун асосий тўсиклардан бири ҳисобланади. Биринчи галда трансакция харажатлари барча турлари пул эквивалентида баҳоланиши мумкинми деган савол очиқлигича қолмокда. Ҳатто трансакцияни амалга ошириш учун вақт сарфини пул эквивалентида иғодалашнинг оддий тадбири ҳам кўпгина ҳолатларда трансакциянинг (масалан, музокаралар юритишнинг) бавзи жиҳатларини тъъминлашга ихтисослашган воситачиларнинг йўклиги туфайли тақомиллашмаган. Шунингдек, илгари ишончга эга шерикнинг оппортунистик ҳатти-харакати ёки мулкчилик хукукларининг ҳимояланмаганинг туфайли юзага келадиган руҳий ташвиш натижасида харажатларни пул шағлида баҳолашга уринишида янада каттароқ мураккабликлар пайдо бўлади.

Трансакция харажатларини ўлчаш ўтган аср охирида фойдалиликни ўлчаш юзасидан мунозаралар жарабёнида кўйилган муаммога ўхшаш муаммони келтириб чиқаради. Агар фойдалиликни сифат жиҳатдан функционал боғлиқлиқдаги аниқлик билан ўлчаш мумкин бўлса, у ҳолда биринчи ва иккинчи ҳосила нафлий маъносини касб этади; биринчи ҳосиланинг миқдори энг юкори нафлийк чўрсаткичи ҳисобланади, манфий белгили иккинчи ҳосила эса энг юкори нафни камайтирувчи қонуннинг амал қилишини англатади²⁷.


Мунозаралар чогида фойдалиликни ўлчашнинг қабул қилинган усулига мукобил вариант сифатида Ж.Эзжуорт ва И.Фишер фойдалиликнинг турли даражалари нисбатини аниқлаш ва уларнинг мутлақ микдорини баҳолашга нисбетан давъолардан бош тортишдан иборат бўлган ординалистик ёндашувни тақлиф этганлар²⁸. Трансакция харажатлари назарияси ҳам ушбу йўналища ривожланмоқда. Иқтисодий ташкилотларни қиёсий таҳлил қилишда ҳеч качон

²⁷ Балуг М. Экономическая мысль в ретроспективе. – М.: Дело, 1991, с. 307-30.

²⁸ Олейник А. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. // Вопросы экономики. 1999, №1, с.134.

алоҳида олинган ташкилий шакллар тадқиқ этилмайди, улар факат мавжуд мукобил варианatlарга нисбатан кўриб чиқилади.

Турли шартномалар ва ташкилий матнларда юзага келадиган трансакция харажатларини таккослаш уларнинг микдорини экспертиза ўюли билан баҳолаш оркали чегаралаш имконини беради. Турли варианtlарга аниқликлар киритиш трансакция харажатларини пул шаклида ўлчашнинг тақомиллашмаган усулларидан бош тортиш имконини беради. У ҳолда муайян битимни амалга оширишнинг оптимал шаклини танлаш алгоритми иккита босқични ўз ичига олади. Биринчи босқичда турли кўринишдаги: классик, неоклассик ва имплицит шартномалардан (5-бобга к.) фойдаланишда юзага келадиган трансакция харажатлари таккосланади.



10.1-расм. Битимни амалга ошириш босқичлари.

Агар эксперт баҳоларга кўра, энг кам харажатлар имплицит шартномалардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда иккинчи босқичда унитар, холдинг, мультидивизионал ва аралаш каби мукобил ташкилий тузилмалар донрасида юзага келадиган трансакция харажатларини таккослаш мумкин.

Умумий кўринишда (битимнинг муайян шартларини ҳисобга олмай) шартноманинг учта тури киёсий устунликлари, О.Уильямсон фикрига кўра, кўйидаги тарзда намоён этиш мумкин (10.1-жадвал).

10.1-жадвал

Шартноманинг қиёсий устунликлари [54]

Киёсий мониторинг харажатлари параметрлари	Шартнома турлари		
	классик	неоклассик	имплицит
Рагбатлар кучи	++	+	0
Назорат қилиш самарадорлиги	0	+	++
Иштирокчиларнинг кутилмаган холатларга автоном мослашиши	++	+	0
Иштирокчиларнинг кутилмаган холатларга келишилган тарзда мослашиши	0	+	++
Низоларни ҳал этиш хуқукий тадбирларининг қуалйлиги	++	+	0

Изоҳ: ++- энг самарали; +- етарлича самарали; 0 - самарасиз.

Мисол тарықасыда корхона раҳбарларының корхоналар соҳасига тааллуқи бўлмаган фаолият турини мустакил равишда ёки четки ташкилотларга пурдат (неоклассик шартнома) асосида бажаришни афзal кўришларига оид маълумотлар 10.2-жадвалда келтирилган.

10.2-жадвал

Корхоналарда (имплицит шартнома асосида) амалга ошириладиган фаолият турни улуси таддиили*

Фаолият турни	Мустакил равишда (имплицит шартнома асосида) бажариш улуси, фойзда		
	1990-1992 йй.	1994-1995 йй.	1996-1998 йй.
Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланималари (ИТТКИ)	100	70	50
Курилишни лойиҳалаштириш	50	60	50
Курилиш-монтаж ишлари	72	44	45
Жиҳозларга хизмат кўрсатиш	65	63	63
Асбоб-анжомлар ишлаб чиқариш	73	77	73
Идаицлар ишлаб чиқариш	68	51	71
Иссиқлик таъминоти	100	10	10
Транспорт хизмати	75	72	82

*Манба: хориж эксперт баҳолари маълумотлари.

Фаолиятнинг маълум турини мустакил равишда амалга оширувчи корхоналар улусининг энг тез кисқариши ИТТКИ, курилиш-монтаж ишлари ва иссиқлик таъминоти соҳасида кўзатилиди. Табиийки, бу ушбу фаолият турлари классик шартномадан фойдаланиш харажатлари пасайиши билан боғлиқ. Аксинча, классик шартнома асосида транспорт хизматларига эга бўлиш харажатлари кўриб чиқилаётган даврда корхонанинг таркибий транспорт бўлинмасини барпо этишга нисбатан ошган.

Фирма ички тузилмаларининг турли варианктарини ҳам ҳудди шу тарика таққослаш мүмкин. Бутловчи қисмларнинг алоҳида турларини ишлаб чиқариш билан шугулланувчи таркибий бўлинмалар ё унитар, ёки холдинг, ёхуд мультидивизионал тузилма доирасида ўзаро ҳамкорлик қиласи, дейлик. Унда барча ахборот оқими марказлашгандар унитар тузилмада ахборотни харажатлари энг кам ва холдинг тузилмада энг юкори, чунки бўлинмалар ҳатто факат молниявий кўрсаткичларни назорат килувчи бош офисда ҳам бир – бири ҳақидаги ахборотга эга бўла олмайди.

Музокаралар юритиш харажатлари унитар корхонада энг кам, бўлинмалари таркоқ жойлашган холдингда эса - энг юкори. Ўлчаш харажатлари холдингда юкори, у ерда ягона стандартларни жорий этиш вазифалари қўйилмайди. Шартнома тузиш харажатлари бош офис ва бўлинмалар ўртасидаги ҳукукларни чегаралаш қийинлиги туфайли мультидивизионал тузилмада энг юкори. Мониторинг харажатлари холдингда энг паст. У ерда бўлинмаларнинг оппортунистик ҳатти-харакатлари устидан назорат бозор

механизмлари асосида амалга оширилади. Трансакция харажатлари микдорининг тафсилоти 10.3-жадвал кўринишида берилган.

10.3-жадвал

Трансакция харажатлари микдорининг эксперт баҳоларидаги тафсилоти

Трансакция харажатлари турни	Унитар корхона	Холдинг	Мультидивизионал тузилма
Ахборотни излаш	1	3	2
Музокаралар олиб бориш	1	3	2
Ўлчаш	1	2	1
Шартнома тузиш	1	2	3
Мониторинг	3	1	2
Мулкчилик хукукларини химоялаш	-	-	-
Учиничи шахслардан химоялаш	-	-	-
Жами	7 (min)	11 (max)	10

Демак, унитар корхона трансакция харажатларининг энг паст умумий микдори билан тавсифланади. Бироқ амалда тармок бозоридаги муайян вазият хисобга олинини лозим. Масалан, капитал бозори ва фонд бозорининг ривожланмаганлиги капиталнинг тармоқлараро оқимини таъминлаш учун холдингнинг жозибадорлиги, капиталнинг тармоқдаги оқимини таъминлаш учун эса мультидивизионал тузилманинг жозибадорлигини оширади. Бундан ташқари, битимнинг хусусиятига кўра ҳар бир параметрга (0 дан 1 гача) алоҳида улуш бериш зарур. Ахборотни излаш харажатларининг нисбати эмас, балки айнан мониторинг харажатларининг нисбати ҳал этувчи бўлиши мумкин.

10.2. Фирманинг баланси унинг таркиби тўғрисидаги ахборот маёнбаси сифатида

Бухгалтерия хисоботларининг, биринчи галда баланс ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги хисобот (даромадлар ҳақидаги хисобот) маълумотлари эксперт баҳоларидан ташқари, трансакция харажатларининг нисбий микдори ва ташкилий тузилманинг оптималлик даражаси ҳақидаги ахборот маёнбаси бўлиб хизмат килиши мумкин. Балансдан фойдаланишининг бундай йўналиши асосан фирманинг кредиттга лаёқатлиигини имкониятли кредиторлар нуктаи назаридан баҳолашга қаратилган молиявий таҳлилнинг оддий технологиясидан фарқ килади.

Институционал таҳлил учун тақлиф этилаётган балансдан фойдаланиш методологияси, албатта, тўлиқ эмас, шунинг учун унга мутлак аниқ ва тўла-тўқис хусусиятга даъвогарлик килмайдиган ҳомаки вариант сифатида ёндашиш лозим.

Бухгалтерия хисоботининг институционал таҳлилиндаги дастлабки нукта сифатида биз даромадлар ҳақидаги хисобот асосида аникланадиган фирма маҳсулотини сотиш нархининг таркиби «ахборотнинг уч турини: ташкилотнинг

ички тафсилотлари, бозордаги ракобат даражаси ва фирма стратегияси ҳакидаги ахборотни синтез қиласи», деган тезисни кабул қиласиз. Ҳакикатан ҳам, таннарх таркиби нафакат ишлаб чиқарыш ва технологик харажатлар, балки ташкилот ичидә юзага келадиган трансакция харажатларини ҳам акс эттиради. Иккинчи томондан, даромадлар таркиби фирма фаолият юритадиган ташы мұттим ҳаюндағи: талаб ҳолати ва динамикаси, ракобатчилар товарларининг нархи ва сифати, ракиб фирмаларнинг савдо тажовузкорлыги даражаси, мазкур секторда трансакция харажатлари мөндөри ҳакидаги ахборотни ҳам мужассам этади.

Алохидә фирманинг бухгалтерия хисоботида көлтирилган ахборот ўз – ўзича кам маълумот беради: институционал таҳлил уни тармок бўйича ёки шундай ўлчамдаги фирмалар гурӯхлари бўйича ўртача кўрсаткичлар билан таққослашни талаб этади, чунки гал трансакция харажатларини мутлақ эмас, балки нисбий ифодада ўлчаш ҳақида бормоқда. Масалан, Японияда ҳар йили 865 та йирик фирманинг ўртача ҳолатга көлтирилган баланс кўрсаткичлари хисоблаб чиқлади (NEEDS – Nikkei Economic Electronic Data System).

Айнан ўртача ҳолатга көлтирилган баланс маълумотлари асосида М.Аоки ишдан бўшаща тўланадиган йигилган нафакалар мөндөри фирма томонидан ходимнинг фирма учун ўзига хос кўнишка ва билимларга эга бўлиши учун сарфланадиган сайд-харажатларга тўгри пропорционал, деган фараздан келиб чиқиб, Й фирмада инсон капитали ўзига хослигининг мөндорини баҳолашга уринган. Бундай эҳтимолликни Ялония фирмаларида нафакага чиқаришда тўланадиган нафакани шакллантириш тартиботини таҳлил қилиш орқали кабул қилиш мумкин.

Янги ходим келиши билан унинг номига маҳсус хисобварақ очилади, унданға маблаглар суммаси иш стажининг ортиши ва ички иерархия тузилмалари бўйича харажатланишга кўра ошади. Нафакага чиқиш маблаги пенсияга кетиши ёки муддатидан олдин ишдан бўшаща, тўланади (иккинчи ҳолатда ходим катта йўқотишларга дуч келади), бу уни фирма томонидан тўланадиган якка пенсияга яқинлаштиради. М.Аоки фирмада инсон капитали ўзига хослиги даражасини тўпланган чиқиш нафакалари суммасининг фирманинг умумий капиталига нисбати сифатида хисоблаб чиқладиган индекс ёрдамида аниклаган. Агар муайян фирма учун хисоблаб чиқилган бундай индекс ўртачалаштирилган баланс маълумотлари бўйича хисоблаб чиқилгая индексдан ортиқ бўлса, у ҳолда фирмада инсон капитали ўзига хослиги даражаси нисбатан юқори, ва аксинча.

NEEDSra ўхшаш баланс ҳар бир мамлакатда ҳам хисоблаб чиқилавермаслигига қарамай, исталган йирик консалтинг ёки аудиторлик фирмасининг маълумотлар базаси таққослаш учун зарур ахборотни ўзида мужассам этган. Энди ташкилотнинг ички тузилиши ва унинг бозор стратегияси ҳақида хулоса чиқариш имконини берувчи индексларниң йигиндисини бетағсил кўриб чиқамиз. Дастанлаб баланснинг умумий таркиби ва GAAP стандартидаги даромадлар ҳақидаги хисоботни ёдга оламиз (10.4-жадвал).

Актив ва пассив алохига моддаларининг таҳлили ташкилотда ҳукукларнинг реал таҳсиланиши ҳакида тасаввурга эга бўлиш имконини беради, у расмий, таъсис ҳужжатлари ва акциядорлар реестрида кайд этилган таҳсилашга ҳамма вакт ҳам мос келмайди.

«Ходимларга иш ҳаки бўйича қарздорлик»

$I_1 =$

«Жами жорий операцион мажбуриятлар»

I_1 индекс корхона ходимларининг карорларни кабул килиш жараёнига таъсири даражасини акс этириди. Банклар, давлат ва ўзаро боғлиқ корхоналар олдидаги қиска муддатли қарздорлик бўйича ҳам шундай I_1 индекслар хисоблаб чикилади. Агар корхона раҳбарияти ходимлар олдидаги мажбуриятларни бажаришни банклар, давлат (бюджет) ва ўзаро боғлиқ корхоналар олдидаги мажбуриятларни бажаришдан кўра устуворли деб хисобласа, у холда бу меҳнат жамоаси томонидан эгалик килиш, тасарруф этиш ва даромад олиш ҳукуқига норасмий эгалик килинишидан далолат беради.

«Узок муддатли кредитлар: таъминланмаган»

$I_2 =$

«Жами узок муддатли мажбуриятлар»

Банклар томонидан корхона устидан назорат даражасини аниклаш учун I_2 индексни хисоблаб чикиш ҳам фойдали, чунки банк томонидан гаров билан таъминланмаган кредитлар, фақат берилган кредит кайтарилишининг бошка, норасмий кафолатлари кўзда тутилган ҳолатларда берилтиши мумкин²⁹.

«Дебиторлар хисобвараклари: тижорат»

$I_3 =$

«Тўланадиган хисобварактар: тижорат»

«Дебиторлар хисобвараклари: тижорат»

$I_4 =$

«Жами айланма маблаглар»

Ўзаро боғлиқ корхоналар томонидан ташкилот устидан назорат даражасини аниклаш учун (масалан, кайта комбинацияланган мулкнинг мавжудлиги ҳақидаги гепотезани текширишда) I_1 турдаги индексни (суръатда – «Тўланадиган хисобвараклар») I_1 , дебиторлик карздорлиги индекси ва I_4 коэффициенти билан мувофикаштириш зарур. Агар I_1 индексининг микдори ўзаро боғлиқ корхоналарнинг имтиёзли ҳолати ҳакида тасаввур этиш имконини берса, у холда I_1 ва I_4 индекслари корхонанинг ўзаро боғлиқ корхоналар устидан назорат даражаси ва ўзаро боғлиқ корхоналарнинг корхона устидан назорат

²⁹ «Кредиторнинг ўз пулларини кайтириб олиш ҳукуки чеграланган, лекин акциядорларнига нисбатен кам, чунки (кредиторларда) назоратнинг битвосита, наимаён усуслари мавжуд» (Стигли Дж. Кредитные рынки и контроль над капиталом. – М.: ЭнМО, 1989, № 6, с. 46–47).

даражасини белгилайди. Ушбу индексларнинг кўлланалиши М1 пул агрегатининг реал товар массасига мос келмаслиги натижаси³⁰ сифатидаги ҳақ тўламасликлар ва корхоналар ўртасидаги товар кредитининг шакли сифатидаги ҳақ тўламасликлар ўртасида чегара ўтказиш имконини беради.

10.4-жадвал

Фирманнинг баланс кўрсаткичлари

БАЛАНС

АКТИВ	ПАССИВ
Накд пул Осои сотиладиган кимматли қоғозлар Дебиторлар хисобвараклари: тижорат Захиралар: хомашӣ Захиралер: туталланмаган ишлаб чикариш Захиралар: тайёр маҳсулот Жами зехиралар Бўлаҳак даврлар харажатлари Бонолар, иншоотлар ва жиҳозлар Асосий жиҳозлар лизинги Амалдаги жиҳозлар лизинги Милут амортизация Жами бонолар, иншоотлар ва жиҳозлар: соф Инвестициялар ва ссудалар Узок муддатли кимматли қоғозлар Дебиторларнинг турли хисобвараклари Соф активлар Бошка айланмадан ташқари маблаглар Номоддий активлар Харидларни капиталлаштириш (гудвил)	Тулаандиган векселлар Тулаандиган хисобвараклар: тижорат Бошка жорий мажбуриятлар Жами жорий операцион мажбуриятлар Жорий узок муддатли карздорликнинг бир кисми Бўлаҳак даврлар даромадлари Узок муддатли кредитлар: тъъминланмаган Узок муддатли кредитлар: тъъминланган Капитал лизинги бўйича мажбуриятлар Операцион лизингнинг хозарти киймати Бошка жорий мажбуриятлар Жами узок муддатли мажбуриятлар Субординациялардан қарздорлик Кисло муддатли пенсия мажбуриятлари Тулаш муддати кечирилган солик тўловлари
Жами пассив	
	ХУСУСИЙ КАПИТАЛ
	Тулаш муддати кечирилган солик тўловлари Шульба корхоналарда ташки капитал Имтиёзли акцилар Оддай акцилар Таксимланмаган фойда Сармоядорлардан сотиб олинган акция-лар
Жами асосий воситалар	Жами хусусий капитал
Жами актив	УСТУНДАГИ ЖАМИ

ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДА ХИСОБОТ

Соф сотувалар (тумушмалар)

Сотилган товарлар таниархи (минус амортизация)

Амортизация ажратмалари

Ялти фойда

Сотиш харажатлари

Маъмурий-бошқарув харажатлари

³⁰ М1 пуларнига мөхдорий тенглемаси $MV=PY$ асосида хисоблаб чиқарилиди, бу ерда M - пул агрегати, V - пул мувоидасиганлари, P - нархлар дараси ва Y - реал даромади.

Рахбар ходимларни мукофотлаш

Бошка операция харажатлари

Операцион даромад

Бошка операциядан ташқари харажатлар

Тўланган фоизлар

Олингандарни фоизлар

Корхоналарни ёпиш ва хисобдан чиқариш

Капитал кўйилмалардан даромадлар

Соликлар тўлангунга қадар фойда

Даромад солиги

Давом этаётган операциялардан даромад

Тўхтатилган операциялардан соғ фойда

Корхонани сотишдан фойда (зарар)

Фавкулодда даромадни олгунга қадар даромад (зарар)

Фавкулодда даромад

Соғ фойда

«Тақсимланмаган фойда»

$I_5 = \frac{\text{«Жами хусусий капитал»}}{\text{«Маъмурий-бошкарув харажатлари»} + \text{«Рахбар ходимларни мукофотлаш»}}$;

(«Маъмурий-бошкарув харажатлари» +
«Рахбар ходимларни мукофотлаш»)

$I_6 = \frac{\text{«Ялпи фойда»}}{\text{«Найд пулда тўланган дивидендер»}}$;

I_5 индекси акциядорларнинг акциядорлик жамиятидаги қолдик даромадни олиш хукувидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш учун тақлиф этилади. Агар тадқиқ этилаётган фирманинг баланси асосида хисоблаб чиқилган ушбу индекс тармоқ ёки корхоналар гурӯҳлари бўйича ўргача индексдан анча кичик бўлса, у ҳолда расмий мулкдорлар «агентлар» - менежерларнинг оппортунистик хатти-харакатлари эҳтимолига эътиборни қартиши мақсадга мувофик.

Менежерларнинг оппортунизми, масалан, даромадлар тўгрисидаги хисоботда «Маъмурий-бошкарув харажатлари» моддасининг ошириб кўрсатилиши ҳолатлари тасдиклайди, чунки кўпинчя менежерлар ўз даромадларини пул шаклида кўпайтириш имкониятидан маҳрум бўладилар. Шунинг учун I_6 индекси I_5 индексининг табиий тўлдирувчиси хисобланади.

«Найд пулда тўланган дивидендер»

$I_1 = \frac{\text{«Соликлар тўланганидан сўнг фойда»}}{\text{«Найд пулда тўланган дивидендер»}}$;

$$I_9 = \frac{\text{«Жорий операция ҳаражатлари»}}{\text{«Соликлар тұлангунича фойда»}}$$

Мазкур индекслар фирманиң максадлы вазифасини таҳлил қилиш ва, ўз нағыбетида, уннинг реал «принципал»ини аниқлаш үчүн мүлжаллаялган. Бир акцияга даромадни күпайтириш гепотезасин текшириш үчүн («принципал» - акциздорлар) I_1 , дивидендларни тұлаш көзфициенті күлланилади (нақд пуллар ҳаракеті ҳақидағы хисоботдан «Нақд пулда тұланған дивидендлар» моддаси). Бунда I_1 , көзфициенттің динамикада күриб чыкып лозим – факат уннинг бир неча хисобот даврларидагы ижебий динамикаси фирманиң бир акцияга даромадни күпайтириш мақсади күзлаганлығидан далолат беради. Иккінчи томондан, корхонаның омон колишігә йүналтирилиши даражасы соликлар тұлангунга қадар фойданинг барқарор зәнг кам миқдори чогида жорий операция мажбуриятлари ва умуман пассивнинг ўзаро нисбати динамикаси (ошиш томонға) асосида бағаланади.

«Сотилған товарлар таннархи»

$$I_9 = \frac{(\text{«Захиралар: хомашे»} + \text{«Захиралар: тугалланмаган ишлаб чыкаш»})}{;}$$

$$(\text{«Захиралар: хомаше»} + \text{«Захиралар: тугалланмаган ишлаб чыкаш»})$$

$$I_{10} = \frac{\text{«Жами айланма активлар»}}{;}$$

Ј корхонаси мисолида биз шунга амин бүлдики, хомаше ва тугалланмаган ишлаб чыкаш захиралари даражасы фирмада ахборот оқындарини ташкил этиш ва бўлинмалар фаолиятини горизонтал мувофиқлаштириш самараదорлигини акс эттиради. Шундай қилиб, захираларнинг айланувчанлиги ва даражасы көзфициентлари фирма ички тузилишининг нисбий устуниклари (камчиликлари)дан далолат беради.

«Бинолар, иншоотлар ва жиҳозлар»

$$I_{11} = \frac{\text{«Жами асосий воситалар»}}{;}$$

«Номоддий активлар»

$$I_{12} = \frac{\text{«Жами асосий воситалар»}}{;}$$

«Жами айланма активлар»

$$I_{13} = \frac{\text{«Жами жорий операция мажбуриятлари»}}{;}$$

I₁₄ =

«Жами жорий операция мажбуриятлари»

Активларнинг ўзига хослик даражаси активнинг куйидаги моддаларини таққослаш ёрдамида баҳоланади: «Бинолар, иншоотлар ва жиҳозлар» (жойлашиш ўрни бўйича ўзига хослик ва технологик ўзига хослик) ва «Номоддий активлар» (товар белгилари). Активларнинг ўзига хослиги даражаси ҳакида ликвидлилик коэффициентларини ноанъанавий талқин этишини таклиф этган ҳолда тасаввурга эга бўлиш мумкин – ликвидлиликнинг жорий (I₁₃) ва «тез» (I₁₄) коэффициентлари канча юкори бўлса, фирма активлари шунча кам ўзига хослик даражасига эга.

10.3. Фирмадаги низоларни таҳлил қилиш ва келишувлар назарияси асосида ҳал этиш


Ташкилотни амалий таҳлил қилишга келишувлар назарияси ҳам ўз улушкини кўшади. Унинг ёрдамида ташкилотдаги низолар табиатини, оптимал шартнома назарияси ва трансакция харажатлари назариясининг тарафдорлари таклиф этганидек, «принципал» ва «агент» манфаатларининг қарама-карши қўйилишига йўйиш мумкин эмас. Келишувлар назарияси ташкилот тузилмасининг мураккаблигидан келиб чиқади – у турли хилдаги келишувлар унсурларини ўз ичига олади. Одатда, ҳар қандай ташкилотнинг фаолият юритиши камида қуйидаги келишувлар устуворликларига жавоб берини лозим: бозор, индустрисл, анъанавий, фукаролик, ижодий фаолият ва ижтимоий фикр.

Ҳар қандай ташкилот, ҳатто фойда кўрмай ишлаётган корхона ҳам, ўз даромадларини харажатларга мувофиклаштириши ва ўзининг молиявий мажбуриятларини бажариши зарур (бозор келишувининг унсурлари). Ҳар қандай ташкилотни бошқаришда меҳнатни илмий ташкил қилиш ва, ўз наебатида, индустрисл келишув унсурларидан фойдаланилади. Ташкилотда ўзининг алоҳида маданияти, эскилип тўпламининг шаклланиши унинг фаолиятида анъанавий келишувлар унсурлари пайдо бўлганилигидан далолат беради.

Ташкилотда «агентлар» бирлашган манфаатлари - касаба улошмаси вакилининг иштироки, шунингдек, ташкилот ички ҳаётининг меҳнат тўғрисидаги конун ҳужжатларига бўйсуниши фукаролик келишуви импертивини ўзида акс эттиради. Ташкилотнинг ишбилармонлик доираларидан обрўси ёки истеъмолчилар ўртасида товар белгисининг машҳурлиги бизни ижтимоий фикр устуворликларига амал қилишга ундайди. Нихоят, кенг маънодаги инновацияларга интилиш (янги товар ёки хизматлар ишлаб чиқаришдан тортиб то ташкилий тузилмани оптималлаштиришгача) ташкилот фаолиятида ижодий фаолият устуворлигини акс эттиради. Шундай қилиб, ташкилот асосида турли устуворликлар ўртасидаги *низолар* ётади.

Келишувалар назариясинг устунлиги нафакат ташкилот фаолияти жарабида юзага келадиган низоларни озми ёки күпми мунтазам ёритищдан иборат, балки у муросанинг турли кўринишларини тахлил қилиш асосида низоларни ҳал этиш вариантларини ҳам таклиф этади. Масалан, корхона раҳбари, ишлаб чиқариш жарабини оқилона ташкил этиш хисобидан истемолчиларга таклиф этилаётган маҳсулот нархини пасайтиришни кўзлаган холда, бош мухандис (инустриал келишув) ва сотув бўлими (бозор келишув) хизматларининг манфаатлари ўргасидаги низони ҳал этиш йўлини излаши лозим. «Фордизм» тамойилларидан бирин инустриал ва бозор келишувлари ўргасидаги муросанинг бундай кўринишини кўйядагича изоҳлайди: ишлаб чиқаришни узлуксиз ташкил этиш асосида ишлаб чиқариладиган машиналар таниархини пасайтириш, сотувни рагбатлантириш ва ҳатто истемолнинг янги стандартини ташкил этиш имконини беради.

Француз ишлаб чиқарувчisinинг «Погребок Аффинуа» янги пишлок навини ишлаб чиқариш тўғрисидаги карори муросанинг янада мураккаб кўринишига мисол бўлади. Ушбу карор анъанавий рецептлар, замонавий технологиялардан фойдаланиш ва пишлокнинг ушбу тури кўплаб сонли совринлар билан таҳдирланадиган нуфузли танловларда иштирок этиши асосида истемолчининг нозик дидли талабларини қондиришга урниш таъсири остида қабул килинган. Мазкур корхона фаолиятини белгилаб берувчи бозор, анъанавий, инустриал келишувлар ҳамда ижтимоий фикр тўғрисидаги келишув муросаси кўзга ташланиб турибди (10.2-расм.).



10.2-расм. Келишувалар назарияси бўйича тахлил.

Хар кандай корхона учун юзага келадиган муаммоларни унинг ёрдамида идентификациялаш ва уларни ҳал этиш йўлларини излаш йўналишларини белгилаш осон бўладиган ўзига хос келишувлар «харитасини» тузиш мумкин. Келишувалар назарияси нуткази назаридан ташкилий тузулмани

оптималлаштириш ташкилот олдида турган турли устуворликларни мувофиқлаштиришга ёрдам берувчи муроса тамойилларини излаб топишдан иборат.

Қисқача хулоса

Фақат трансакция харажатларининг микдорини баҳолашга нисбатан ординалистик ёндашув ёрдамида муайян ташкилотлар тузилемасини таҳлил килиш учун трансакция харажатлари назариясини кўллаш мумкин. Мазкур ёндашув турли шартнома ва ташкилий шаклларда битим тузишда юзага келадиган трансакция харажатлари микдорини экспертиза йўли билан баҳолаш ёрдамида таккослашдан иборат. Эксперт баҳоларидан ташкари, ташкилотнинг бухгалтерия хисоботи ҳам ахборот манбаи бўлиб хизмат килиши мумкин. Ўз навбатида, келишувлар назарияси ташкилотларни микдорий жихатдан эмас, балки сифат жихатдан таҳлил килишга ўз ҳиссасини кўшади. Унинг асосида ташкилотда юзага келадиган низолар табиатини изоҳлаш ва унинг тузилишини трансакция харажатлари мезони бўйича эмас, балки низоларнинг кескинилигини пасайтириш мезони бўйича оптималлаштириш мумкин.

Талич сўз ва иборалар

Трансакция харажатлари, фойдалиликни ўлчаш, шартномаларни киёслаш, харажат турлари, фирма баланси, даромадлар тўгрисида хисобот, фирмадаги низолар, индустрисал бозор, анъанавий ва фуқаролик келишувлари.

Такорглаш учун саволлар

1. Трансакция харажатлари ва фойдалиликни ўлчашнинг ўзига хос жихатларини тушунтиринг.
2. Шартноманинг киёсий устунликлари нималарда намоён бўлади?
3. Трансакция харажатлари таркибининг ахборот базаси қандай хужжатларда мужассамланган?
4. Фирма баланси қандай мақсадда таҳлил килинади ва бунда қандай индекслар ҳисоблаб чиқилади?
5. Келишувлар нима учун зарур ва уларнинг қандай йўналишлари мавжуд?

XI боб. ФИРМАНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ ЩАКЛИНИИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

11.1. Мулкий хуқуқларнинг тавсифланиши

Мулкчилик хуқуқлари назарияси ҳар қандай ташкилот мулкчилик хуқуқлари иштирокчилари ўртасида тақсимланишини белгилаб берувчи шартномага олиб келади. «Фирма» атамаси шартнома келишувлари асосида фаолиятни ташкил этишнинг кискартирилган таърифи хисобланади. Коуз теоремасига мувофиқ эркин алмашув натижасида эришилган хуқуқлар тақсимоти энг оптимал вариант (трансакция харажатлари нолга teng) бўлиб, ўзаро ҳамкорлик иштирокчилари уни ўзгартиришдан манфаатдор эмасдар.

Шу сабабли ташкилий тузилмани амалий таҳлил қилиш учун мулкчилик хуқуқлари назариясини қўллашга кизикиш шу билан шартланғанки, ҳакикатда трансакция харажатлари нолга teng эмас, демак, хуқуқлар тақсимоти ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатади. Мулкчилик хуқуқлари назарияси ташкилот фволиятининг ўзига хослигига кўра мулкдорлар ўртасида хуқуқлар тақсимотининг энг оптимал вариантини танлашга ёрдам беради. Бундан ташқари, корхонанинг ташкилий-хуқуқий шакли тўғрисидаги маълумотлар асосида шериларни танлаш имконияти очилади.

Бирор-бир ташкилий-хуқуқий шаклга хос бўлган хуқуқлар тақсимоти Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг «Юридик шахслар» деб номланувчи 4-бобида кайд этилган меъёрлар билан белгиланади. Юридик шахсларни ташкил этишнинг ташкилий-хуқуқий жиҳатлари мулк хуқуқининг турли иқтисодий субъектларга тегишли алоҳида хуқуқларга ажратилишига олиб келади. Мисол тарикасида ташкилий-хуқуқий шаклни белгиловчи хуқуқлар тўпламининг айrim жиҳатларини қўйидаги жадвал орқали ҳавола этамиш, унда турли хуқуқларнинг тегишилиги Фуқаролик кодексининг тегишли моддасида белгиланган (11.1-жадвал).

Удушли мулк хуқуки эса қўйидаги субъектлар ўртасида тақсимланади: унинг иштирокчилари, иштирокчиларнинг умумий йигилиши, ижро этувчи орган ва давлат. Конунда кайд этилган хуқуқтарнинг бундай тақсимланиши иқтисодий фаолиятни таъминлаш нуқтаи назаридан канчалик оптималлигига оид саволга жавоб бериш учун ташкилий-хуқуқий шаклни танлаш мезонларидан фойдаланиш мумкин.

11.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида мулкий хуқуқларнинг тавсифланиши

	Шахс	Удушли мулк	Биргаликдаги мулк	Давлат
Эталик қилиш хуқуки	154.207	219	225	
Фойдаланиш хуқуки	154.207	219	225	
Тасарруф этиш хуқуки	154.207	218	225	179.180
Хўжалик юритиш хуқуки				176
Тезкор бошқариш хуқуки				178

11.2. Ташкилий-хуқуқий шаклни танлаш мезонлари

Ташкилий-хуқуқий шаклни танлаш мезонлари сифатида куйидаги ёндашувлар кўлланилади.

1. Мулкий хуқуқларнинг тафсирланиш (аник ва бир хил маънода белгиланиш) даражаси.

2. Эгалик килиш ва колдик кийматни олиш хуқуқларининг иктисодий субъектлараро таҳсилланиши.

3. Хуқуқлар тўплами доирасини ўзгартиришга нисбатан чекловлар мавжудлиги.

4. Мулкий хуқук учлигининг турли иктисодий субъектларга («Принцип» ва «агент») тегишлилиги.

5. Хатарларни бўлиш ва ўтказиш даражаси.

6. Капитални жамгариш даражаси.

1. Мулкий хуқуқларнинг тафсирланиш (аник ва бир хил маънода белгиланиш) даражаси. Тафсирлаш даражаси жуда муҳим, чунки Коуз теоремасига мувофиқ ресурсларнинг иккита самарали омилидан бирни хуқуқларни тафсирлашнинг тўлиқлигидан иборат. Иккинчи томондан, хуқуқлар эгасини аник белгиламаслик ёки мулк хуқукининг йўколганлиги ресурслардан самарали фойдаланишга кизиктиришга тўскинлик килади. Улушки мулкда барча хуқуқлар эгалари аник ва бир хил маънода белгиланган, колдик кийматни олиш хуқуки ва устав капиталидаги улушнинг мерос бўйича ўтиши хуқуки бундан мустасно. Давлат суд органлари оркали хамма вакт «конунни бир неча марта ёки кўпол бузганлик» учун юридик шахсни тугатишнинг ташаббусчиларидаи бирни ҳисобланишини ҳисобга олган ҳолда, тафсирлаш билан боғлиқ ягона муаммо устав капиталидаги улушнинг мерос бўйича ўтиши хуқукининг эҳтимолий «йўколиши»дан иборат.

2. Эгалик килиш ва колдик кийматни олиш хуқуқларининг иктисодий субъектлараро таҳсилланиши. Агар мулкдор, яъни ташкилот фаолиятини назорат қўлувчи «принцип» бир вактнинг ўзида колдик қийматни олиш хуқуқига ҳам эга бўлса, у ҳолда бу унга ўз назорат-бошкарув вазифаларни бажарища ўзини оппортунистик тарзда тутмаслик учун туртки беради. МЧЖ ҳолатида кўриб чиқилаётган иккала хуқук ҳам иштирокчиларнинг умумий йигилишига тегишли. Бирок умумий йигилишнинг жамоавий табиати самарали назоратга бўлган рағбатларнинг амалийлигини чегвralайди, чунки «чиштасиз» муаммоси пайдо бўлади. Аслида барча иштирокчилар фирманинг фойдали фаолият юритишидан манфаатдор, бирок шу билан бирга улар назоратни амалга ошириш харажатларини бошқа шахслар зиммасига юклашга интиладилар, бунинг натижаси ўларок, назорат вазифасини ҳеч ким бажармайди. Лекин улушки мулк ҳолатида унинг иштирокчилари сонн конун билан чеклангвиллиги туфайли «чиштасиз» муаммосининг кескинилиги пасаяди.

3. Хуқуқлар тўплами доирасини ўзгартиришга нисбатан чекловлар мавжудлиги. Хуқуқларни алмashiшга чекловлар масаласи Коуз теоремаси нуктаи назаридан ҳам муҳим: трансакция харажатларидан ташқари яна қандай омиллар хуқуқларнинг улардан энг кўп манфаатдор бўлган мулкдорлар кўлига

үтишига тўсиқиңлик килади? Масалан, хукукларни жисмоний ва юридик шахсларнинг алоҳида тоифаларига (норезидентлар, банк тузилмалари, исталган бошка учинчи шахсларга) топширишдаги ҳамда хукуклар тўпламининг турларини тубдан ўзгартиришдаги конуний чекловлар. Улушли мулк доирасида хукуклар билан алмашиш учун чекловлар уставда қайд этилиши ва иштирокчиларнинг ўз улушларини умуман учинчи шахслар ва хусусан, меросхўрларга ўтказиш хукукига таалукли бўлиши мумкин. Фуқаролик Кодексида улушли мулкка эга субъектларнинг турли варианлари “тижорат ташкилотлари” (58-69-модда) бандида келтирилган. Конун улушли мулк субъектлари учун хукуклар тўплами турларини ўзгартириш учун энг кам тўсиқларни белгилайди.

4. Мулкий хукук учлигининг турли иктисодий субъектларга (*«Принципал» ва «агент»*) тегишлилиги. Бундай муаммо эгалик килиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хукуклари турли субъектларга тегишлилиги билан боғлик. Учала хукук турли субъектларга тегишли бўлган ҳолатда «принцинал-агент» муаммоси иккита даражада пайдо бўлади: мулкдорлар ва менежер (бошкарувчи) ўртасидаги муносабатлар ҳамда менежер ва бевосита ижро этувчи (ходим) ўртасидаги муносабатларда. «Принцинал-агент» муаммоси кўплаб усуллар ёрдамида ҳал этилиши мумкин – «агентлар»нинг фирма фаолияти натижаларида иштирок этишдан тортиб то «принцинал» томонидан «овоз бериш» ва «чикиш» хукувидан фойдаланилишигача.

Улушли мулкли субъект ҳолатида «принцинал-агент» муаммоси иштирокчиларнинг умумий йигилиши (*«принцинал»*) ва ижро этувчи орган (*«агент»*) ўртасидаги ўзаро муносабатларда пайдо бўлади. Акциондорлик жамиятидан фарқли ўларок, масъулияти чекланган жамият (МЧЖ)да «агент»га босим ўтказиш варианти сифатида «чикиш» мумкин эмас, чунки устав капитали суммасига фонд бозорида котировка килинадиган акциялар чиқарилмайди. Ҳар йиллик аудиторлик текширувлари ва ишларни юритиш натижалари тўғрисидаги маълумотларнинг чоп этилиши мажбурий эмаслиги туфайли умумий йигилишининг самараадорлиги ҳам катта эмас.

5. Хатарларни бўлиш ва ўтказиш даражаси. Хукуклар тўпламининг доираси унинг карорлар кабул килиш (тасарруф этиш хукуки) ва хатарни кабул килиш (колдик кийматни олиш хукуки) вазифаларига бўлиниши ёки ушбу тўпламнинг битта мулк хукуки субъектининг кўлида бўлишини назарда тутади. Биринчи ҳолатда хатарнинг ҳәжирланимиши, яъни унинг менежердан мулкдорга ўтиши мухим ўрин тутади. Ҳәжирлаш хатарга камрок карши бўлган иктисодий субъектлар хатарини кабул килиш вазифасига ихтисослашувни назарда тутади. Сўнгра хатар кўплаб мулкдорлар ўртасида бўлиниши ва, боз устига, маълум миқдор (масалан, устав капиталига кўшилган улуш миқдори) билан чегараланган бўлиши мумкин. Хатарни бўлиш ва ўтказиш тамоилилари дастлаб фаолияти бошидан соф иктисодий фаолиятта йўналтирилмасдан, балки ижтимоний (диний, таълим, ўзини-ўзи бошқариш) фаолиятни молиялаш билан шугулланган корпорациялар доирасида амалга оширилган эди.

МЧЖда ҳам хатарни ўтказиш (жамият иштирокчиларига), ҳам хатарни бўлиш ва чегаралаш (барча иштирокчилар ўзлари киритган улушларнинг киймати доирасида зарар кўриш хатарига эга) механизмлари амал килади. МЧЖнинг ягона камчилиги – унинг иштирокчилари сони конун билан чекланганлиги, бу ҳол ушбу ташкилий-хукукий шакл акциядорлик жамияти билан солиштирилганда кам жозибали будади.

6. Капитални жамгариш даражаси. Маъкур ташкилий-хукукий шакл капиталнинг кам трансакция харажатлари билан тўпланишини таъминлашга кодирми? Бу ерда ҳам очик акциядорлик жамияти идеал хисобланади, чунки унда устав капитали акциядорлар умумий йигилишининг карори асосида кўшимча акцияларни чиқариш хисобидан оширилади. МЧЖда капитални жамгариш жараёни, юкори трансакция харажатлари билан бөлгик бўлмаса-да (устав капиталини ошириш учун умумий йигилишининг карори етарли), МЧЖ иштирокчиларининг энг кўп сони конун билан чекланганлиги туфайли, чегараларга эга.

Юкорида таклиф этилган мезонлар ёрдамида Ўзбекистон Республикаси конун хужоатларига мувофиқ фаолият юритаётган мулкчиликнинг ўп битта ташкилий-хукукий шаклини таққослаймиз. Ушбу мезонлар бўйича энг оптималь ташкилий-хукукий шаклни бир балл билан, энг паст оптималь шаклни эса ўн бир балл билан қайд этган ҳолда ташкилий-хукукий шакллари олтида мезонининг ҳар бирни бўйича кўриб чиқамиз (11.2-жадвал).

Бундай эксперт баҳолари шартли бўлгани ҳолда, улар очик акциядорлик жамияти (ОАЖ) (камиде 19 балл) ва хусусий корхона, дехкон ва фермер хўжаликлари (25-28 балл)нинг устунликларини ҳамда тезкор бошкарув хукукига (кўши билан 54 балл) ва хўжалик юритиш хукукига эга бўлган (52 балл) унитар корхоналарнинг нисбатан самарасизлигини тасдиқлаб турибди.

11.2-жадвал

Ўзбекистонда фаолият юритаётган ёктиносидёт субъектларни турли мезонлар бўйича баҳолаш

Ташкилий-хукукий шакл	Мезонлар					
	1	2	3	4	5	6
Хусусий корхона	1	1	1	1	11	11
Оила тадбиркорлиги	1	1	1	2	11	10
Очиқ акциядорлик жамияти	2	8	2	5	1	1
Еслек акциядорлик жамияти	3	7	3	9	2	2
Шульба корхона (филиал)	9	9	4	6	3	3
Масъулнят чекланган жамият	5	5	5	8	6	4
Кўшимча масъулнятли жамият	6	6	6	7	7	5
Тезкор бошкарув хукукига эга унитар корхона	11	10	11	11	5	6
Хўжалик юритиш хукукига эга унитар корхона	10	11	10	10	4	7
Фермер хўжалиги	2	2	1	2	10	11
Дехкон хўжалиги	1	1	1	1	11	10

11.3. Ташкилий-хукукий шакл фирманинг стратегияси ҳакида ахборот тарабан сифатида

Ташкилий-хукукий шакл нафакат фирманинг ташкилий тузилиши, балки шартномани амалга ошириш жаренидаги эҳтимолий хатти-харакати ҳакидағи ахборотни ҳам ўзида мужассам этади. Шу нұктай назардан ташкилий-хукукий шаклни таҳлил қилиш битимни амалга ошириш учун шерик танлашда фойдалы хисобланади. Бошка шартларда (активларнинг ўзига хослик даражаси, битимнинг мураккаблик даражаси) битимнинг якунин унинг ташкилий-хукукий шаклини белгилаб беруачы шартнома бўйича ҳамкор хатти-харакатининг ўзига хос хусусиятларига боғлик.

Янада аниқрок айтадиган бўлсак, ҳамкорнинг ташкилий-хукукий шаклни билиш битимни амалга оширишда гаровнинг мавжудлиги ҳамда мулкнинг расмий ва ҳакикий таркибларини мувофиқлаштириш қанчалик мумкинлиги ҳакида ахборот олиш имконини беради. Сүнгти жихат мулокотлар юритиш ва шартномани бажариш шартларини фирманинг расмий эгалари билан мувофиқлаштиришнинг самараисизлиги туфайли муҳим, бунда шартномани бажариш корхонани ҳақиқий назорат килувчи инсонларнинг харакатларига боғлик.

Гаров шаклари. Шартнома мажбуриятларининг бажарилишини кафолатлаш учун битим томонлари анъанавий тарзда гаровдан фойдаланади. Пул шаклидаги гаровни битим тузиш вактида томонлардан бири, шартнома бекор қилинган ёки у керакли тарзда бажарилмаган тақдирда, иккинчи томоннинг йўқотишиларини қоплаш учун тўлайди. Мулк ҳукуки назариясининг атамаларида ундириб олиш кўриннишида жавобгарликни ўtkазиш юз беради. Масалан, банк томонидан крёдит берилаётганда, у одатда кредитнинг қайтарилиши ва у бўйича фоизлар тўланишининг кафолати сифатида гаров киритилишини талаб этади.

Битим шартларидан қатъий назар пул шаклидаги гаров микдорини хисоблаб чикиш осон, бунда ягона муаммо шартноманинг тўлиқсизлигига ва демак, гаровни бегоналаштиришнинг қонунийлиги хусусида низолар келиб чикиши мухаррарлигига. Шунинг учун шартнома томонларининг ихтинослашган гаровни биргаликда барпо этишини назарда тутувчи соф (натура) шаклдаги гаров (ушбу гаров ҳакида шартномада келишилмаса-да) анча самарали. Масалан, имкониятли харидор нафакат маҳсулотни сотиш тармокларига эга, балки уни ишлаб чиқариш ва унга сотувдан кейин хизмат кўрсатиш харажатларининг бир кисмини ҳам ўз зиммасига олади.

Фирма томонидан мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, Фуқаролик кодекси нормаларига мувофик унинг мулкдорлари зиммасида бўладиган жавобгарлик улуши шартнома шартларида кўрсатилмайдиган гаровнинг яна бир шакли хисобланади. МЧЖ, ЁАЖ ва ОАЖ ҳолатларида бундай жавобгарлик устав капиталининг миқдори билан чегараланди, бунда ушбу ташкилий-хукукий шаклларнинг муассислари сонига нисбатан чекловларни ҳисобга олган ҳолда, устав капиталига нисбатан энг кичик талаблар МЧЖда, энг катта талаблар ОАЖда кўйилади.

Колган ташкилий-хукукий шакллар учун мулкдорларнинг анча катта ҳажмдаги жавобгарлиги кўзда тутилган. Бу ерда гаров сифатида муассисларнинг мол-мулки иштирок этади, унинг микдори мулкдорлар томонидан киритилган хиссаларнинг ёки уларга тегишли акцияларнинг киймати билан чегараланмайди. Тўлик ширкат иштирокчилари зинмасига юқлатиладиган мажбуриятлар ҳажми энг катта, чунки гаров ролини унга тегишли барча мол-мулк бажаради.

Кўшимча масъулиятли жамиятда иштирокчилар барча мол-мулклари билан эмас, балки барча учун тенг бўлган, улар хиссалари кийматининг карраси микдорида жавобгарлиска эгалар. Ишлаб чикариш кооперативи асосида ҳам ҳудди шундай тамойил ётади. Тезкор бошкарув ҳукукига асосланган унитар корхона шакли мулкдор – давлат ёки маҳаллий ҳокимият органлари томонидан унинг мажбуриятлари юзасидан ўз мулки билан субсидиар жавобгарлика эга бўлишини назарда тутади.

Шульба хўжалик жамияти холатида ҳам ҳудди шундай тамойил, лекин факат «принципал» (бошка хўжалик жамияти ёки ширкат) кўрсатмаларини бажаришда амалга оширилган битимларга нисбатан кўлланилади. Таъкидлаш лозимки, бу ерда муассисларнинг мол-мулки шаклидаги гаровнинг микдори эмас, балки мулкдорнинг фирма фаолияти учун ўз мол-мулки билан жавоб бериши туфайли юзага келадиган шартнома мажбуриятларини бажаришга ундовчи омиллар мухим. Бундай омиллар тўлик ширкатда энг кучли ва МЧЖ, ЁАЖ ва ОАЖда – энг кам (11.1-расм.)

Тўлик ширкат	Коммандит ширкат	Кўшимча масъулиятли жамият	Ишлаб чикариш кооперативи	ЁАЖ, ОАЖ, МЧЖ
--------------	------------------	----------------------------	---------------------------	---------------

11.1-расм. Мажбуриятни бажаришдан рагбатланиш интенсивлиги

Муассислар нуфузи ва корхонанинг товар белгисини пулда баҳолаш битимни амалга оширишда имплицит иштирок этувчи гаровнинг навбатдаги шакли хисбланади. Бу асосан тижорат доираларида, шу жумладан имкониятли шериклар ҳамда ўзи ишлаб чикарадиган товар ва хизматларнинг истеммолчилари орасида иштирокчилар ва умуман фирма нуфузига boglik. Бу ерда асосий тушунча - товар белгисининг капиталлаштирилган киймати: фирма ўзига тегишли товар белгилари кийматини сақлаб колишига интилади. Шундай қилиб, нуфузни ушлаб туриш факат ижтимоий санкцияларга boglik бўлмай колади. Нуфуз бозор нархига эга бўлади, чунки у ўзида имкониятли шерикнинг ишончлилиги ва унинг ҳаракати стратегияси ҳакида кўшимча ахборотни мужассамлаштиради. Айни пайтда, иктиносидий субъект ёки фирма кўпинча реклама ҳаражатлари шаклидаги нуфузни барпо этиш учун тўлашга тайёр.

Реклама – имкониятли ҳаридорларга сотувчилар ҳакида маълумот бериш усули. Табиийки, бу восита маълумот бериш учун оғзаки маъруза ўрнига китобдан фойдаланиш билан таккосланувчи бехабарликни тугатиш учун жуда

мухим. Реклама институтнинг муваффакиятли эволюциясига мисол бўлиб, эгасизлантирилган ўзаро таъсирашув тартибида иорасмий институтнинг устунилигини – нуфузни сақлашга ёрдам беради.

Айрим корхоналар, биринчи навбатда тўлик ширкат ва ишончга асосланган ширкатнинг ташкилий-хукукий шакли ижтимоий нуфузни бозор товар белгисига айлантиришга замин яратади. Ҳакикатан ҳам, тўлик ширкат ва ишончга асосланган ширкатнинг фирма номи барча тўлик ширкатларнинг ёки «ва компания» сўзлари кўшимча килинган ҳолда камида битта тўлик ширкатнинг номини ўзида мужассамлантириши керак. Шунинг учун хўжалик ширкатлари тижорат соҳасидаги щериклар сифатида энг жозибали, чунки битим тузишда гаров сифатида улар билан нафакат муассисларнинг шахсий мол-мулки, балки уларнинг товар белгиси шаклидаги ижтимоий нуфузи иштирок этади.

Шу муносабат билан хўжалик ширкатларига солик имтиёzlари ва рўйхатга олишдаги имтиёzlарни бериш асосли ҳисобланади. Корхонанинг ташкилий-хукукий шаклига кўра қонунга бўйсуниш баҳосини табақалаш шартнома маданияти ошиши ва ўз навбатида, трансакция харажатлари пасайишига кўмаклашган ҳолда иктисадиётни давлат томонидан билвосита тартибга солишнинг самарали воситасига айланиши мумкин.

Мулкнинг расмий ва ҳакиқий таркибларини мувофиқлаштириш шакллари. Ташкилий-хукукий шакл мулк хукуклари тўпламининг расмий - қонунда кайд этилган ва ҳакиқий доирасини мувофиқлаштиришнинг эҳтимолий вариантлари ҳакидаги ахборотни ҳам акс этиради. Ушбу ахборот кайта ташкил этилган мулк асосида фаолият юритувчи ўтиш туридаги корхоналар (Ў корхоналар)га нисбатан муҳим аҳамият касб этади. Эвристик тарзда ташкилий-хукукий шакл ва мулк хукуклари тўпламининг расмий - қонунда кайд этилган ва ҳакиқий таркибларини мувофиқлаштириш эҳтимоли ўртасидаги қўйидаги боғлиқликларни ифодалаш мумкин.

Биринчидан, қонунда хукуклар канча кам тафсирланган бўлса (1-мезон), «агентлар» (ижроия органи) оппортунизми ва улар томонидан фирманинг фаолияти устидан назорат вазифаларининг ўзлаштирилиш эҳтимоли шунча юкори.

Иккинчидан, корхонанинг ташкилий-хукукий шакли «принципал-агент» муаммосини ҳал этиш механизmlарининг қанча кам сонидан фойдаланишга йўл кўйса (4-мезон), «агентлар» томонидан реал назорат эҳтимоли шунчалик юкори. Масалан, ЁАЖда акциядорларнинг сони анча кўп, бу улар томонидан «ковоз бериш» механизмидан фойдаланишда «чилтасиз» муаммосининг келиб чикишига замин яратади, лекин шу билан бирга ЁАЖ акциялари фонд бозорида котировка килинmasлиги туфайли «чиқиши» механизми ҳам ишламайди.

Учинчидан, қонунда кайд этилган хукукларни кайта таксимлаш трансакция харажатлари канча юкори бўлса, мулкнинг расмий ва ҳакиқий таркибларини мувофиқлаштириш эҳтимоли шунча юкори. Назарда тутиш лозимки, бирор хукукка эгалик килишдан энг манфаатдор шахслар пировардида уни қўлга киритади, лекин ошкора эмас, балки хуфиёна усул

билан. Фонд бозорида, масалан, ОАЖ акциялари билан битимлар тузилишининг фаоллигини кузатиш унда хукукларни алмашиш билан боғлик трансакция харажатларининг миқдорини билвосита баҳолаш имконини беради. Шунингдек, хукукларни алмашиш бўйича битимларнинг қонуний чекланиши натижасида юзага келадиган трансакция харажатларини ҳам ҳисобга олиш лозим (3-мезон).

МЧЖда иштирокчи улушини сотиб олишнинг имтиёзли хукукига бошка иштирокчилар эга, ушбу улушдан учинчи шахс ҳисобига воз кечиш учун эса, бошка иштирокчилар уни сотиб олишдан бош тортганларидан сўнг, уч ой ўтиши керак. Юкорида айтилган фикрларни умумлаштирган ҳолда тъкидлаш мумкинки, мулкнинг расмий ва ҳақиқий таркибларини мувофиқлаштириш эҳтимоли унитар корхоналарнинг иккала турида, ЁАЖ, МЧЖ ва ОАЖда энг юкори. Шундай фирмалар билан ўзаро муносабатларда расмий мулкдорлар томонидан тақдим этиладиган шартномаларнинг бажарилиши кафолатлари етарли эмас ва ҳақиқий мулкдорлар билан «норасмий» шартнома тузиш бўйича қўшимча сайд-ҳаракалар талаб этилади, бундай мулкдорлар сифатида кўпинча «агентлар» - бошқарувчилар иштирок этади.

Қисқача ҳулоса

Трансакция харажатлари нолга teng бўлмаган шароитда хукуклар тўпламини тақсимлаш корхона фаолияти самарадорлигига таъсир кўрсатади. Фукаролик кодексида мустаҳкамланган, бирор – бир ташкилий-хукукий шаклга хос бўлган хукукларнинг тақсимланиши иқтисодий жihatдан муҳим ахамиятга эга. Мулк хукуклари турларининг оптималлик даражасини баҳолаш учун олти мезондан фойдаланилади: (1) қонунда мулк хукукларининг тафсирланиш даражаси; (2) эгалик килиш хукуки ва колдик кийматни олиш хукукини тақсимлаш; (3) хукуклар билан алмашиш учун чекловлар мавжудлиги; (4) «принцип-агент» муаммосини ҳал этиш варианtlари сони; (5) хатарларни бўлиш ва ўтказиш даражаси; (6) капитални жамғариш даражаси. Ушбу мезонлардан факат корхонанинг ташкилий-хукукий шаклига тааллуқли ахборот мавжуд бўлганда битимни амалга ошириш учун шерикни танлашда фойдаланиш мумкин.

Таянч сўз ва иборалар

Мулкчилик хукуклари тақсимланиши, эгалик килиш, фойдаланиш, тасарруф этиш, колдик киймат, мулкчилик хукукларини тафсирлаш, хатарларни бўлиш, капитални жамғариш, мезонлар, гаров шакллари, мулкнинг расмий ва ҳақиқий таркиби.

Такрорлаш учун саволлар

1. “Имкон капитал” компаниясининг ижроchi директори билан тузилган шартнома унга йилига 750000 сўм миқдоридаги ҳар йиллик мукофот ҳамда дивидендар тўланганидан сўнг қоладиган 11 фонз миқдоридаги йиллик фойданинг 2 фонзи тўланишини назарда тутар эди. Менежерларни бундай

рагбатлантириш тизимларининг пайдо бўлиши хатарларни бўлиш ва ўтказиш даражаларига кандай янгилликлар киритади?

2. Қонун ҳужжатлари «Иқтисодий манфаатлар бўйича бирлашувларни» - ўз мустакиллигини йўқотмаган ҳолда бошка корхоналар билан кўшма фаолият юритиш ва ҳамкорлик килишни истовчи корхоналар йигиндисини назарда тутади. Ушбу ташкилий-хукукий шаклга акциядорлик жамиятининг ҳам, юридик шахслар бирлашмаларининг ҳам хусусиятлари хос. Фуқаролик кодексига бундай тушунчанинг киритилиши бизнес учун кандай ўзига хос вазиятни қонунлаштириши мумкин?

3. Корхона бўлинмалари ўртасидаги низоларни ҳал этишда унинг раҳбари бажарадиган ҳакамлик вазифаларининг ўзига хослиги нимадан иборат? Чунки «фирма ичидағи низоларни судда ҳал этишининг имкони бўлмаган шароитда ушбу низолар томонлари фирма ичидаги низони ҳал этиш йўлини излашга мажбурлар. Иерархия фирманинг ўз «аппеляция суди»га айланади».

4. ЛУКойл, Ўзбекнефтгаз каби нефть-газ қазиб чикаришдан тортиб то бензин-газ сотишгача бўлган технологик занжирнинг барча бўгинларини бирлаштирувчи вертикал интеграциялашган компанияларни шакллантириш фойдасига хизмат килювчи институционал далилларни келтиришга уриниб кўринг.

5. Нотижорат ташкilotларида, масалан, таълим муассасаларида – олий ўқув юртларида мулкнинг расмий ва ҳақиқий таркибларини мувофиқлаштириш мумкинми? Мувофиқлаштириш сабаблари нималардан иборат бўлиши мумкин? Сиз таҳсил олаётган университет ёки институтда мувофиқлаштириш кузатиладими?

XII боб. ДАВЛАТ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАШКИЛОТ СИФАТИДА

Давлат ва давлат томонидан тартибга солиш табиатининг концептуал асосларини тадқиқ этиш институционал назарияда алоҳида ўрин тутади. Бу шундай изохланадики, жаҳон хўжалиги тизими ривожланишининг ҳозирги боскичида иктисодий ривожланиш ва бирор – бир давлатнинг иктисодий асосини шакллантириш йўлини аниқлашда муҳим роль ўйновчи мулк ҳуқуқларини таъминлаш мулк соҳасида муайян чекловларни белгилаш, ушбу чекловларга риоя этилишини назорат килиш ва мазкур чекловлар бузилган ҳолатларда куч ишлатиш монополиясига эга мавжуд сиёсий тузилмага боғлиқ.

Шундай килиб, давлат жамиятда расмий қоидаларнинг шаклланишида катта роль ўйнайди ва бу билан институционал мухитнинг ўзгаришига ҳал этувчи таъсир кўрсатади.

12.1. Давлатнинг вазифалари

2008-йилда бошланган жаҳон хўжалик тизимида юз берган молиявий инкиroz давлатнинг иктисодиётдаги роли ва давлатнинг табиати тўғрисидаги янги баҳс-мунозараларга турткি берди.

Давлатнинг иктисодий жараёнларга аралашуви чегараси нима билан белгиланади? Давлатнинг иктисодий соҳада иштирок этишининг ўзи инкиroz сабаби ва иктисодий ривожланиш учун тўсик хисобланмайдими? Агар давлатнинг аралашуви етарлича самарали бўлмаса, буни қандай қилиб тўғрилаш мумкин? Давлатнинг ролига таалукли шу ва бошқа саволларга жавоб излаш билан турли илмий мактаб ва йўналишлар иктисадчиларининг аксарияти банд.

Давлат томонидан тартибга солиш соҳалари тўғрисидаги масала энг баҳс-мунозарали бўлиб, ушбу параграфда унга жавоб топишига уриниб кўрамиз.

Адам Смит XVIII асрнинг иккинчи ярмидаёқ давлатнинг асосий мажбуриятлари доирасини белгилаб берди:

- биринчидан, жамиятни куч ишлатиш ва бошқа мустакил жамиятларнинг бостириб келишидан химоялаш;

- иккинчидан, имкон қадар, жамиятнинг ҳар бир аъзосини адолатсизлик ва унинг бошқа аъзолари томонидан жабрлашдан химоялаш ёки яхши адолат ҳукмини ўрнатиш;

- учинчидан, уларни барпо этиш ва саклаб туриш алоҳида шахслар ёки кичик гурухлар манфаатлари йўлида амалга оширилмайдиган муайян ижтимойи иншоотлар ва ижтимойи муассасаларни барпо этиш ва саклаб туриш. чунки улардан келадиган фойда хеч қаҷон алоҳида шахслар ёки кичик гурухларга харажатларни тўлай олмайди, лекин кўпинча харажатларни катта жамиятга ортиқча тўлаши мумкин³¹.

Икки асрдан ортиқ вакт ўтган бўлишига қарамай, мазкур тасниф давлат фаолияти соҳаларининг асосий маъносини акс эттиради.

³¹ Смит А. Исследование о природе и богатстве народов. – М.: Лекиздат, 1935, с. 231.

Янги институционал мактабнинг ҳозирги вакиллари давлат харакатларини иқтисодий асослашни бозорнинг нуксонлари ёки начорлигига кўрмоқда. Янги институционалистларнинг ҳозирги талқинида давлатнинг вазифалари куйидагилардан иборат³²:

- мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиш: трансакция харажатлари нолга тенг бўлмаган тақдирда мулкчилик ҳуқуқларининг таксимланиши ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатади;

- ахборот билан алмашиш тармоқларини барто этиш: мува занатли нарх бозор иштирокчиларига паст харажатли ва кам бузуб кўрсатилган ахборот билан алмашиш имконини берувчи ривожланган ахборот инфратузилмаси базасида шаклланади;

- ўлчаш стандартларини ишлаб чиқиши: давлатнинг ушбу йўналишдаги фаолияти алмашинадиган товар ва хизматлар сифатини ўлчаш харажатларини пасайтириш имконини беради, янада кенг маънода эса универсал чоратабдирлар жумласига давлат томонидан пул муомаласининг ташкил этилиши ҳам киради, чунки алмашувнинг универсал тадбир – пулнинг энг муҳим вазифаларидан бири;

- товар ва хизматлар билан жисмоний алмашиш тармоқлари ва механизмларини барто этиши: бозор инфратузилмаси нафақат ахборот билан алмашиш тармоқлари, балки товар ва хизматларнинг жисмоний ҳаракатланиши тармоқлари (транспорт тармоқлари, савдолар учун уюшган майдончалар ва х.к.)ни ўз ичига олади;

- ҳуқуқни муҳофаза қилиши фаолияти ва низоларда «учинчи» томон ролини бажариш: шартномалорни бажаришда кутилмаган ҳолатларнинг пайдо бўлиши шарнома томонларининг улардан оппортунистик фойдаланишидан кафолатлаш учун «учинчи» томон (суд)нинг аралашувини талаб этади;

- соғ ижтимоий фаровонликни яратиш «чиптасиз» муаммосини келтириб чиқаради, бу уни молиялаш учун давлат томонидан мажбурлов чораларидан фойдаланишни талаб этади (биринчя навбатда мудофа, кейин согликни саклаш ва таълим сингари ижтимоий фаровонликни яратиш).

Янги институционал назария воситаларига талниб, давлатни шакллантириш ва ривожлантириш босқичларини тадқик этган ҳолда, давлатни асосий бошқариш соҳаларини танлашнинг институционал сабабларини аниглаш мумкин.

12.2. Давлатнинг институционал табияти

Келишувлар ва алмашувнинг оддий шаклларидан тортиб то ҳозирги даврнинг ривожланётган иқтисодиётини ажратиб турувчи мураккаб шаклларгача бўлган инсон ҳамкорлигининг эволюцияси ўз-ўзидан автоматик тарзда юз бергани йўқ.

Иқтисодий тарихнинг катта қисмида майда ишлаб чиқариш ва маҳаллий савдо-сотик жараённида томонларнинг индивидуаллашган муносабатлари билан тавсифланувчи алмашув тури устунлик килди. Бундай алмашув тақрорланиб

³² Олейник А. Институциональная экономика. – М.: ИНФРА-М, 2000, с. 344-345.

туриши, маданий гомогенлик (яни бойликлар умумий түпламининг мавжуддиги) ва учинчи шахслар томонидан назорат ва мажбурловнинг мавжуд эмаслиги билан ажралиб туради. Бундай алмашув иштирокчилари учун чекловлар қонли муносабатлар, гаровлар, гаровга олингандарни алмашиш каби ҳолатларлар туфайли юзага келарди.

Жамиятнинг ривожланиши билан алмашув турлари кўпайди, кўпроқ илгари белгиланган чекловлар доирасидан ташкарига чикувчи алмашув харакатлари амалга оширилди. Бундай индивидуаллаштирилмаган алмашув бозорни кенгайтириш ҳамда янада мураккаб ишлаб чиқариш ва кичик жуғрофий ёки этник бирликлар доирасидан ташкарига чикувчи битимлар фойдаларини сотиш имконини берди. Томонлар ўртасида тузилган янада мураккаб келишувлар шартномалардан фойдаланишини таъминловчи кўшимча институтларнинг шаклланишига ёрдам берди. Алмашувнинг ушбу тури давлатнинг шаклланиши ва ихтисослашган институтларнинг савдо гарларни ҳимоялаш ва савдо кодексларини қабул килишдаги роли ортишига хизмат килди.

Шундай килиб, алмашувнинг учинчи шакли – учинчи томондан назорат килинадиган индивидуаллаштирилмаган алмашув пайдо бўлди. Учинчи томондан келишув шартларининг таъминланиши ҳеч қачон идеал ва мукаммал бўлмайди ва у алмашув иштирокчилари учун катта харажатлар билан боғлик. Давлат ривожланишининг дастлабки босқичида унинг фаолиятини икки томондан тавсифлаш мумкин: бир томондан – у мулк ҳукукларини ҳимоялаш ва таъминлаш манбаи бўлиб хизмат килди, иккинчи томондан – ушбу вазифаларни кўпинча алмашув иштирокчилари учун катта микдордаги трансакция харажатлари звязига амалга ошириди. Бирок томонларнинг келишувларни мастакил равишда таъминлаши янада катта харажатлар билан боғлик эди, чуни мураккаб жамиятларда хатти-харакатнинг оппортунизм (алдаш, товламачилик) каби шакллари фойдалироқ бўлади.

Давлат ривожланишининг юкорида келтирилган босқичларига давлат тузилишининг куйидаги турлари мос келади³³:

1) унда конун чиқарувчи, суд ва ҳукукни муҳофаза килиш органлари ва умумий қоидалар мавжуд бўлмаган ҳамжамият;

2) унда мутлақ ҳукукларни тафсирловчи умумий қоидалар, конун чиқарувчи орган, судлар мавжуд бўлган, лекин полиция ёки армия мавжуд бўлмаган ва бу билан конунга риоя этишга мажбурлаш алоҳида хусусиятга эга бўлган жамият;

3) унда давлат қоидаларни белгилайди, низолар юзага келганда ҳакамлар суди вазифасини бажаради ва мутлақ ҳукукларни таъминлайди³⁴.

³³ Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. – М.: Фонд экономической книги "Начала", 1997, с. 54-55.

³⁴ Эйттерссон Т. Экономическое поведение и институты. –М.: ДЕЛО. 2001, с. 75-76.

12.3. Давлатнинг моҳияти ва унинг таърифи

Давлат нима? Институционал ёндашувга мувофик унинг асосий моҳиятини “трансакция харажатлари” категориясидан фойдаланган ҳолда очиб бериш мумкин.

Д. Нортнинг таърифлашича, давлат – ўз ҳукмини амалга оширишда киёсий устунликларга эга бўлган, чегаралари унинг фуқароларга солик солиш кобилияти билан белгиланган географик худудни камраб олувчи ташкилот. Ушбу устунликлар нималар билан белгиланади?

Ҳакикатан ҳам, ҳар кандай кафолатланган алмашув, пировардида, мол-мulkни химоялашни соғ куч билан амалга ошириш ёки куч ишлатиш таҳдидини солишга олиб келади. Шу маънода ҳукм ишлатиш, иктиносидий жиҳатдан, хўжалик фаолиятининг бошқа икки туридан фарқ қilmайди.

Бундан ташкири, трансакция харажатлари иктиносидий тизимнинг самарадорлигига таъсири кўсатади. Улар иктиносидий, сиёсий ва ижтимоий тузилмалар фаолиятининг самарадорлигини таққослашда асосий мезонлардан бири ҳисобланиб, жамият, шу жумладан, давлат тузуми фаолиятининг барча соҳаларида агентлик муносабатлари ушбу мезонга асосланади. Шундай килиб, бирор-бир тузилмани танлаш ва ривожлантириш минимал трансакция харажатлари билан шартланган.

Демак, суверен (давлат) ҳокимияти агентлик муносабатларининг харажатлари билан чекланган ва унга ракобат тўскинилик килади³⁵. Энди ушбу ҳолатга ойдинлик киритамиз. Агар жамиятда тартибни саклаш ва давлат вазифаларини амалга ошириш ўлчамсиз юкори нархларда амалга оширилса, у ҳолда бу давлатнинг ичидаги ҳам, унинг ташкарисида ҳам (ҳам расмий, қонун доирасида фаолият юритувчи, ҳам норасмий) рақобатлашувчи тузилмаларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Солик солиш эктимоли ҳам агентлик муносабатлари ва ўлчаш (солик солиш базасини аниклаш ва ўлчаш) ҳамда соликларни йигиш харажатлари билан боғлиқ катор чекловлар туфайли юзага келади.

Шундай қилиб, давлат – назарий жиҳатдан энг самарали мажбур қилиш органи ҳисобланиб, бунда унинг самарадорлиги унинг легитимлиги, яъни “солик солинадиган фуқаролар томонидан” давлатда ҳукм ишлатиш ҳукуки мавжудлигининг тан олинишига бевосита боғлиқ. Чунки агар жамоат фикрига мос келадиган бундай тан олиш мавжуд бўлса, у ҳолда давлат ўз вазифа ва мақсадларини амалга ошириш учун чекланган ресурслардан оқилона фойдаланувчи ташкилот сифатида ўз имкониятларини аҳолининг ушбу вазифалар ва мақсадлар бажарилишига қаршилигини енгиш учун сарфламаслиги мумкин³⁶.

³⁵ Эггерссон Т. Экономическое поведение и институты. – М.: ДЕЛО. 2001. с. 77.

³⁶ Томбовцев В.Л. Государство и переходная экономика: Пределы управляемости. – М.: МГУ – ТЕИС. 1997, с. 34.

12.4. Давлатнинг шартномавий ва эксплуататорлик концепцияси

Фуқаролар билан давлат ўртасида ҳуқукларнинг тақсимланиши, одатда, жамоат шартномаси ролини ўйновчи Конституцияда кайд этилади. Бирок давлатнинг моҳияти фуқаролар билан давлат аппарати ўртасида юзага келадиган ҳокимлик муносабатлари билан белгиланади.

Келишувларнинг учинчи томоннинг куч билан самарали таъминланишига сўнгра норасмий чекловларни ҳам самарали килувчи коидаларни яратиш йўли билан эришилади. Лекин келишувларни муайян коидаларни кўлловчи таъсирчан ҳуқукий тизим орқали учинчи томоннинг кучлари билан таъминлаш муаммоси институционал эволюция тадқиқотларидаги энг мухим муаммо хисобланади.

Давлатнинг юқорида келтирилган таърифлари кўп жиҳатдан унинг шартномавий моҳиятини тавсифлайди, яъни давлат жамоат шартномасидир. У тартибни таъминлаш воситаси сифатида (нафакат иктисадий, балки ижтимоий алмашувларнинг ҳам тартибга солинганлиги) куч ишлатиш ҳолатини эмас, балки фуқароларнинг ўзаро кутишлари тизими сифатида ушбу тартибни ўрнатиш ҳолатини таъкидлайди.

Давлатнинг шартномавий назариясидан ташқари давлатнинг асосан эксплуататорлик моҳиятини назарда тутувчи назария ҳам мавжуд.

Ж.Бьюкенен¹⁷ ўз асрларида давлатнинг жамиятдаги роли икки томонламалигига алоҳида эътибор каратади, яъни давлат ҳам химоя килувчи, ҳам ишлаб чиқарувчи воситадир.

Химоя килувчи ёки ҳуқукий давлат конституцион боскичда келишувчи томонларга нисбатан концептуал ташки ва ҳуқукларни ҳамда бундай ҳуқукларни ихтиёрий равишда алмashiш бўйича шартномаларни таъминлаш учун ягона жавобгарликка эга ҳуқукларни таъминлаш институти ёки органи сифатида пайдо бўлади. Ушбу боскичда давлат факатгина конституциявий шартномада мустахкамланган ҳуқукларни таъминлайди ва ижтимоий неъматларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш билан боғлиқ эмас. Суд ҳокимияти жамоавий танловни амалга оширувчи қонун чиқарувчи ҳокимиятга қарам эмас.

Гал ижтимоий неъматларни ишлаб чиқариш ҳакида боргандা, ишлаб чиқарувчи давлат намоён бўлади. Давлат конституциядан кейинги (шартномадан кейинги) боскичда амалга ошириладиган мазкур ролда муайян ҳуқукларни “химоя килмайди”, балки жамиятнинг иктисадий фаровонлиги даражаси ошишида, ҳеч бўлмаганда назарий жиҳатдан, энг яхши кўмаклашувчи ишлаб чиқариш жараёнини акс эттиради. Назарий жиҳатдан, мазкур жараённинг натижалари уларнинг якуний натижаларга таъсири танловни амалга оширишнинг конституцион коидалари билан белгиланадиган инсонлар афзалликларининг таркибини акс эттирувчи индивидлар манфаатлари уйгунлашувини намоён этади.

Шу муносабат билан хусусий ва жамоат неъматлари, уларни ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш ва ишлаб чиқариш ҳажми борасидаги

¹⁷ Бьюкенен Дж. Границы свободы. – М.: Таурус Альфа, 1977. - 272 с..

якуний карор кандай бўлиши уларга боғлик бўлган якка тартибдаги афзалликларни аниклашга ётибор қаратиш лозим.

Конституциядан кейинги шартнома шароитида алоҳида субъектлар учун ушбу қайта тақсимилашни ўз манфаатлари ёки алоҳида гурухлар манфаатлари йўлида амалга ошириш имконияти мавжуд. Агар ҳимоя қилувчи давлат вазифасини амалга оширувчи амалдорлар якка тартибдаги ҳокимиятни мустаҳкамлаган ҳолда шартнома шартларини бажармасалар, давлат жамиятни сиёсий жихатдан таъсир этувчи алоҳида субъектлар манфаатлари йўлида эксплуатация қилувчи мажбурий репрессив механизм сифатида қабул қилина бошлади.

12.5. Давлатнинг «муваффакиятсизликлари»

Исталган бошка ташкилий тузилма сингари давлатнинг фаолият юритиши ҳам трансакция харажатлари билан боғлик. Улар катта миқдордаги трансакцияларга нисбатан қанча кўп бўлса, давлат шартнома шартларини бажаришнинг кафили сифатида иштирок этади. Шахс ва давлат ўтасида юзага келувчи хукмронлик муносабатлари *мураккаб ва позицион* хусусиятга эга.

Биринчидан, шахслар давлатта назорат қилиш хукуки билан бирга ушбу хукукни ўз вакилларига – давлат хизматчиларига ўtkазиш хукукини ҳам топширадилар. Иккинчидан, шахслар назорат қилиш хукукини муайян шахсга эмас, балки давлат тузилмасида маълум мавкени эгаллаб турган функционер - бюроқратларга топширадилар. Хукмронлик муносабатлари функционерларнинг шахсий хусусиятларига эмас, балки уларнинг «оқилона яратилган қондалар билан асосланган ишбилармонлик маҳоратига» асосланади.

Мулкчилик хукукларини тафсирлаш ва ҳимоя қилишда давлатнинг роли қанча фаол бўлса, давлатнинг ички тузилиши шунча мураккаб ва давлат хизматчилари сони шунча юкори, демак, давлат аппаратида айланувчи ахборотнинг бузуб кўрсатилиш даражаси шунча юкори бўлади. Бундан ташкири, мониторинг ва давлат томонидан ўз вакиллари – бюроқратлар оппортунистик ҳатти-харакатларининг олдини олиш харажатлари ҳам ортади. Шунинг учун давлатнинг мулкчилик хукукларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиш жараёнинг ҳар кандай аралашувини моделлаштиришда, биринчидан, ахборотнинг эҳтимолий бузуб кўрсатилиши, иккинчидан, мажбур қилишдан легитим фойдаланиш эҳтимоли ҳамма вакт 100 фойздан камлигини ҳисобга олиш зарур.

Шу нуткази назардан бозорнинг «муваффакиятсизликлари» билан бир каторда давлатнинг «муваффакиятсизликлари»ни ҳам ётиборга олиш лозим. Хусусан, давлатнинг қўйидаги «муваффакиятсизликлари» ажратилади:

- *даромад ва харажатларнинг мос келмаслиги*: оддий фирмадан фарқли улароқ, давлатнинг қатъий бюджет чеклови даражаси мутлақ даражадан анча йирок, давлат, ҳатто ўз ҳиммасига олган мажбуриятларни бажаришга кодир бўлмаган тақдирда ҳам, уни банкротга айлантириш анча мушкул;

- *давлат фаолияти самарадорлигининг аниқ мезонлари мавжуд эмаслиги*: фирма учун фойда сингари самарадорликнинг аниқ мезонлари

мавжуд эмаслиги туфайли давлат тузилмалари уларни мустакил ишлаб чиқилган стандартлар билан алмаштиради ва ушбу ҳолатда давлатнинг фаолияти улар томонидан бериладиган мезонлар (бюджет тушумлари ўсиши, давлат назорати экспансияси ва х.к.) бўйича баҳоланади;

- олдинга қўйилган натижалардан фарқ қиливчи натижаларга эриши эҳтимоли: ахборот харажатлари ҳамда мониторинг ва назорат харажатлари ўсиши амалга оширилган вазифаларнинг олдинга қўйилган вазифалардан мунтазам фарқ қилиши учун замин яратади (юкорида келтирилган, унда давлатнинг куч ишлатишдан хусусий фойдаланишини чеклашга уриниши унинг эскалациясига олиб келиши эҳтимоли бўлган модель бунга якъол мисол бўлади);

- ресурсларнинг хотүгри тақсимланиши: трансакция харажатлари нолдан фарқ қилганда ресурсларга мулкчилик ҳукукларини тақсимлашда давлат учун адолатлиликнинг бир неча стандартлари мавжуд; Парето бўйича оптимум билан бир қаторда қуйидагилар ана шундай стандартлар ҳисобланади: Калдора қоидаси (агар ресурсларни тақсимлаш натижасидан ютаётган томон ютказаётган томонга йўқотишларни коплашга қодир бўлса, ресурсларни тақсимлашга ўзгартириш киритишга йўл қўйилади), Ролз қоидаси (энг кам таъминланганларнинг ахволини яхшиловчи - ресурсларнинг адолатли тақсимланиши) ва кўплаб бошқа стандартлар.

Шунинг учун иккита идеал ҳолат (бир томондан, шартноманинг бажарилиши кисман кафолатланган мулкчилик ҳукукларини харажатларсиз фаолият юритувчи бозор алмашуви асосида тақсимлаш ва, иккинчи томондан, ҳукуклар билан алмашиб устидан назоратни шартнома томонларининг манфаатлари йўлида ҳаракат қиливчи давлатга ўтказиш) ўртасида эмас, балки иккита такомиллашмаган мукобил варианtlар ўртасида танлашга тўғри келади.

Бозор ва давлат ўртасидаги танлов факат номукаммаликларнинг турли даража ва турлари ўртасидаги танлов ҳисобланади. Шундай қилиб, мулкчилик ҳукукларини алмашиб ва химоя қилишнинг бозор механизми нолдан фарқ қиливчи трансакция харажатлари ва куч ишлатиш эскалациясини назарда тутади, давлат томонидан куч ишлатишдан фойдаланиш учун монопол ҳукукнинг кўлга киритилиши ҳам, бу сафар давлат аппаратида, трансакция харажатлари ўсишига олиб келади, бу хол ҳукуклар тақсимланишида мунтазам бузуб кўрсатишларни келтириб чиқаради.

Шу муносабат билан О.Уильямсон мулкчилик ҳукукларини тақсимлашнинг бирор – бир варианти самарадорлигини, уни фараз билан эмас, балки *real* амалга ошириладиган мукобил варианtlар билан таққослаган холда баҳолашни таклиф этади. Агар тақсимлашнинг бирор варианти учун уни таърифлаш ва катта микдордаги соф ютуқ билан жорий этиш эҳтимоли бўлган мукобил варианти таклиф этиш мумкин бўлмаса, уни оптимал деб ҳисоблаш лозим. Шу нуктai назардан, илгари самарасиз ҳисобланган мулкчилик ҳукукларини тақсимлаш мисоллари *real* мукобил варианtlарни ҳисобга олган холда, оптимал бўлиб чиқмокда.

Қасқача ҳулоса

Давлат ташкилотнинг бир тури хисобланади. Давлатнинг ўлчамлари катта бўлса-да, давлатнинг иктиносидётга аралашувини тахлил қилиш микроиктисодиёт эмас, балки макроиктисодиёт предметига киради. Давлатни алоҳида ташкилот сифатида эмас, балки институт сифатида кўриб чиқиш лозим. Фукаролар ҳукукларининг бир кисми давлатта топширилиш ҳолати бундай ёндашувнинг асосини ташкил этади. Давлат ўз фаолиятини айнан шу асосда амалга оширади, яъни давлат мөхияти фукаролар ва давлат аппарати ўртасида юзага келадиган ҳукмронлик муносабатлари билан белгиланади. Шунинг учун институционал нуқтаи назардан давлатнинг асосий вазифаси - мулкчилик ҳукукларини тафсирлаш ва химоя қилишдан иборат. Давлатнинг оптималь ўлчамлари уларда давлат кафил сифатида бошқа кафиллар (битим томонлари, ҳакам, ижтимоий гурӯҳ)га нисбатан самаралирок фаолият юритувчи битимлар доираси билан белгиланади. Давлатнинг оптималь ўлчамлари ўзгармас эмас, балки тарихан шартланган.

Таянч сўз ва иборалар

Давлатнинг вазифалари, мулкчилик ҳукукларини тафсирлаш ва химоя қилиш, ахборот билан алмашиш тармоқлари, ўлчаш стандартлари, товар ва хизматлар билан алмашиш, ҳукуки мухофаза қилиш, ижтимоий фаравонлик, ижтимоий шартнома, Конституция, ҳуқукий давлат, давлатнинг «муваффакиятсизликлари», Колардо қоидаси, Ролз қоидаси.


. Таркорлаш учун саволлар

1. “Давлат” гушунчасига таъриф беринг. Давлатнинг институционал мөхиятини тушунтиришга уриниб кўринг. Таърифдан келиб чиқиб, давлатнинг асосий вазифаларини санаб беринг.
2. Давлат, институтлар ва иктисолий тизим ўртасида қандай боғликлек мавжуд?
3. Давлатнинг шартномавий ва эксплуататорлик табиати нима?

XIII бөб. ДАВЛАТ ТУРЛАРИ

13.1. Давлат ва «принципал-агент» муаммоси

Давлатни фукаролар билан давлат аппарати ўртасидаги ижтимоий шартнома орқали таърифлаш «принципал-агент» муаммосини олдинги ўринга суради. Бу ерда биринчى галда кайм «принципал» ва ким «агент» эканлигини аниклаб олиш талаб этилади. Жавоб умуман аник эмас. Фукаро ҳам, давлат ҳам икки томонлама роль ўйнайди. Бир томондан, фукаро давлатга айрим вазифаларнинг бажарилишини юклаган холда унинг таркибини белгилайди, яъни у «принципал», давлат эса «агент» хисобланади. Иккинчи томондан, фукаро «агент» ролида иштирок этиб, шартномалар бажарилишининг кафили сифатида давлат карорларига бўйсунади. Ж.Бьюкенен³⁸ ушбу икки томонламаликни «бўйсунувчининг аклга зид фикри» деб номлган: инсон ўзини бир вактнинг ўзида ҳам давлат бошқарувининг иштирокчиси – обьекти сифатида, ҳам ўзи танламаган хатти-харакат меъёрларига амал килишга мажбур этилувчи субъект сифатида кабул қиласди. Шундай килиб, «принципал-агент» муаммоси мазкур холатда икки томонлама хусусиятга эга ва уни куйидаги чизма ёрдамида тасвирлаш мумкин:



13.1-расм. «Принципал-агент» муносабати.

«Принципал-агент» модели давлатнинг фаолияти билан боғлиқ куйидаги хавф-хатарларни аниклаш имконини беради. Биринчидан, давлат ўз назорати соҳасини томонлар билан аниқ келишилган битимлар доирасидан ташқарига ҳам ёймайдими, деган хавф-хатар ҳақида 1651 йилдаёк машхур инглиз файласуфи Томас Гоббс айнан «Левиафан», деб номланувчи китобида огоҳлантирган эди. Иккинчидан, бир томондан, давлат куч ишлатишни қўллаш учун монополия хукуқидан фойдаланган холда, фукароларнинг манфаатларини инкор этмайдими? Иккинчи томондан, фукаролар давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳақини тўлашдан бош тортишга уриниб, худди жамоат транспортидаги оддий читтасиз кимса каби, ўзларини оппортунистларча тутмайдиларми? Чунки давлат хизматлари ва жамоат транспорти хизматлари ижтимоий фаровонлик хусусиятига эга.

Икки томонлама «принципал-агент» муаммосининг қай тарзда ҳал этилишига кўра, давлатнинг турли моделлари шакланади. Назарий жиҳатдан якка хисоб-китоблардан ҳосил бўлган давлат шартнома воситаси сифатида,

³⁸ Бьюкенен Дж. Границы свободы. – М.: Таурус Альфа, 1977. – 272 с.

мураккаб алмашувга кўмаклашиш ва уни амалга ошириш воситаси сифатида пайдо бўладиган давлатдан мутлак фарқ килади.

Ўз навбатида, давлатнинг икки бенуқсон модели мавжуд. Биз, Д.Норт бўйича, «шартномавий» деб атайдиган биринчи модел юкорида санаб ўтилган муаммоларни ҳал этиш чоргида пайдо бўлади. Иккинчи – «эксплуататор» модели унда давлатнинг ҳам, фуқаронинг ҳам оппортунистик хатти-харакатига тўсиқ мавжуд бўлмаган давлат фаолиятини ёритади. Ўзаро муносабатларнинг иккала томони ҳам, биринчи навбатда душманни кўрган ҳолда, зиммага олинган мажбуриятлар адо этилмайди. Шу ўринда ҳар бир модельни алоҳида тарзда батафсил кўриб чиқамиз.

13.2. «Шартномавий» давлат тушунчаси

Шартномавий давлатнинг қисқача таърифи шундай бўлади: бу – факат унга фуқаролар томонидан топширилган ҳуқуклар доирасида ва уларнинг манфаатлари йўлида куч ишлатиш монополиясидан фойдаланувчи давлат, фуқаролар эса соликларни тўлашга мажбурият деб эмас, балки ўз зиммасига ихтиёрий равишда олинган мажбурият сифатида қарайди. Бошқача айтганда, давлатнинг роли уларда мулкчилик ҳуқукларини химоя қилишни давлат ихтиёрига топшириш қулагай битимлар доираси бўйича кафил роли билан чегараланади.

Трансакция харажатлари нолга тенг бўлмаган тақдирда, мулкчилик ҳуқукларини химоя қилиш вазифасидан ташкари, давлат Коуз назариясида ёритилган ҳуқукларнинг оптималь таксимланишини кўзда тутган ҳолда уларни тағсирлаш жараёнинга ҳам аралаша бошлайди. Шундай қилиб, шартномавий давлатнинг мақсади ҳуқукларни уларни оптималь тарзда тасарруф этишга кодир иқтисодий субъектлар кўлига топшириш асосида мулкчилик ҳуқукларининг жамиятнинг умумий даромадини ошириш тарзида таксимланишига эришишдан иборат. Қандай шароитда шартномавий давлат мавжуд бўлади?

1. *Давлат фаолиятининг аниқ конституциявий доиралари мавжуд бўлиши.* Конституцияда шахслар томонидан давлатга топшириладиган ва хеч бир шароитда бегоналаштирилиши мумкин бўлмаган ҳуқуклар эксплицит тарзда келингилган. Бундан ташкари, давлат аппаратида улар асосида фаолият ўрнитувчи меъёрлар аниқ ифодаланган³⁹.

2. *Фуқароларнинг давлат фаолиятида иштирок этиши механизmlарининг мавжудлиги.* Фуқаролар давлат фаолиятида иштирок этишининг сиёсий механизmlари жумласига демократик тартиботлар киради. Бирок демократия нормалари ўз ўзича етарли эмас, улар фуқаролар иштирокининг барқарор анъаналарига таяниши лозим, улар баъзан фуқароларнинг умумий фаровонлик ўсишини таъминлашдаги роли туфайли ижтимоий капитал деб аталади. Иқтисодий соҳада фуқаролар иштироки анъаналари алоҳида фирмалар даражасида ўзини-ўзи бошкарниши ривожлантириш шаклини қабул килади. Иш ўрнидаги демократия умуман жамиятни демократлаштиришининг унсури ҳисобланади: инсон, агар у давлатни демократик бошкарнишда фаол иштирок

³⁹ Тамбовцев В. Государство и переходная экономика: пределы управляемости. – М., 1997, с. 80-81.

этишга интилса, кундалик турмушида демократик ўзини ўзи бошкариш тажрибасига эга бўлиши лозим.

3. *Мулкчилик ҳукукларини тақсимлашнинг асосий мұқобил механизми сифатида бозор институтининг мавжудлиги*. Давлат мулкчилик ҳукукларининг бозорда нолли трансакция харажатлари чоғида эришилиши мумкин бўлган тарзда тақсимланишига эришишни кўзлайди. Шунинг учун давлат вакти-вакти билан бозорга таққосланмаган ҳолда фаолият юрита олмайди.

4. *Мулкчилик ҳукукларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиши мұқобил механизмларининг мавжудлиги*. «Овоз»дан фойдаланиш, яъни фуқароларнинг давлат фаолиятида иштирок этиши билан бир каторда «чиқиши» - шахсларнинг шартномалар бажарилишининг бошқа кафилларига мурожаат этишининг мұқобил варианatlари ҳам мавжуд бўлиши керак. Мұқобил кафиллар сифатида бошқа давлатлар, давлатни назорат килувчи гурухга муҳолифат, ижтимоий гурух, ҳакамлар судьяси иштирок этиши мумкин. Субинститутлар канча такомиллашган бўлса, давлат шунча кам даражада эркинликка эга, умумий даромаднинг шунчалик катта улуши фуқароларнинг қўлларига тегади.

Шу нуктаи назардан бир давлат минтақалари ўргасидаги ҳамда давлатлар ўргасидаги миграцион оқимлар инсонларнинг самарасиз давлат аппаратига карши овоз бериш истагини акс эттиради. Умуман, мулкчилик ҳукукларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиш механизмлари «бозори» ҳақида гапириш мумкин. Ушбу бозорда шахслар нафакат муайян жамият доирасидаги мавжуд мұқобил варианtlарни танлайдилар, балки бошқа мамлакатларда, тарихда ёки назарияда мавжуд мұқобил варианtlарни ҳам хисобга оладилар. Шаркий Европа мамлакатларида бундай бозор айниksа яққол ифодалантган: ушбу бозорнинг давлатни унинг шартномаларнинг мұқобил кафиллари билан рақобатлашиши жараёнида ислоҳ этишдаги роли ўта мухим.

13.3. «Эксплуататорлик» давлати тушунчаси

Шартномавий давлатдан фарқли ўлароқ эксплуататорлик давлати ўз даромадини (солик тушумларини), аниқроги, - давлат аппаратини назорат килувчи гурухнинг даромадини ошириш учун мажбурлаш монополиясидан фойдаланади. Эксплуататорлик давлатининг мулкчилик ҳукукларини тафсирлаш ва ҳимоя қилишдан асосий максади унга умуман жамият фаровонлигига зиён етказиб эришилса-да «бошқарувчи рентасини оширувчи мулк таркибиға» эришишдан иборат. Масалан, кироллар ўрта асрлар корпорацияларига ҳунармандчиликнинг ривожланиши ва техника таракқиётiga тўсқинлик қилувчи кўплаб ҳукукларни топшириб, бунинг ўрнига баркарор тушумлар манбаига эришганлар. Бундан ташкири, давлат унга ижтимоий шартнома билан берилган доиралар билан чегараланмайди, давлат аппарати инсонлар ўргасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги соҳаларига доимий экспансияни амалга оширади, бу ҳол эксплуататорлик давлатининг ўз даромадлари ва давлат бюджети орқали ўтувчи ресурслар ҳажмини оширишга интилиши билан изохланади.

Эксплуататорлик давлати фаолиятидан кўриладиган зарарни фақат оғир соликлар (ноҳақ йигимлар) ва мулкчилик хукукларини тақсимлаш мунтазам ва олдиндан айтиб бўладиган хусусиятга эга бўлган тақдирда кисқартиши мумкин. Оғир соликларнинг олдиндан айтиб берилиши ҳам давлат, ҳам фукаролар манфаатларига хизмат қилади, бунда давлат узок муддатли истиқболда барқарор даромадга эга бўлади, фукаролар эса ўз фаолиятини давлатга ажратмаларнинг юқори, лекин олдиндан маълум бўлган даражасини хисобга олган ҳолда режалаштириш имкониятига эга бўладилар.

Шу нуқтаи назардан эксплуататорлик давлати кўп жиҳатдан мафия билан умумийликка эга – уларнинг иккаласи ҳам ўзи назорат қиладиган худудда яшовчилардан солик йигса-да, лекин айни пайтда «чегарани биладиган» ва бунинг устига уларни «сўгирилаш ва кочиш» тамойили бўйича ҳаракат қилувчи «кўнимсизлар»дан химояловчи «ўтроқ» қароқчига ўхшайди.

Эксплуататорлик давлати фаолиятида мажбурлаш салоҳиятининг фукаролар ўртасида тақсимланиши муҳим роль ўйнайди. Чунки айнан шахс ёки куч ишлатишнинг катта имкониятига эга гурух давлат аппаратини назорат қилади ва куч ишлатишни кўллаш монополиясини кўлга киритади. Айнан шунинг учун ҳарбий технологиянинг ривожланиши эксплуататорлик давлати фаолиятида асосий омиллардан бирига айланади. Бу эса, ўз навбатида, унинг ички бекарорлигини назарда тутади.

Ҳакиқатан ҳам, ҳарбий технологиянинг ўзгариши куч ишлатиш салоҳиятининг турли аҳоли гурухлари ўртасида қайта тақсимланиши, яъни давлат аппаратини назорат қилувчи гурухнинг алмашишига олиб келади. Давлатнинг эксплуататорлик моделидан шартномавий моделга ўтиш ҳам мумкин. Бундан давлат қурилиши динамикасининг, демак, мулкчилик хукуклари таркиби динамикасининг тебрантириб турувчи хусусияти ҳақидаги тахминлар келиб чикади. Рентани ундиришга йўналтирилган тизимдан кейин самарадорликни оширувчи тизим келиши муқаррар ва аксинча.

13.4. Давлат хусусиятини баҳолаш усул ва мезонлари

Давлат турини аниқлаш (шартномавий ёки эксплуататорлик) давлат бюджетининг таркибини таҳлил килиш имконини беради. Фирманинг баланси каби давлат бюджети ҳам институционал таҳлил учун зарур етарли миқдордаги ахборотни беради. Талаб этиладиган маълумотлар қабул килинган ва реал ижро этилган давлат бюджети даромад ва ҳаражатлар кисмларининг катор моддаларида акс этган. Бундан ташкари, агар бюджет тақчиллиги мавжуд бўлса, уни коплаш усуслари давлатнинг муҳим тавсифи хисобланади. Кўйида давлат бюджетининг таркибини келтирамиз:

ДАРОМАДЛАР	ХАРАЖАТЛАР
Солик даромадлари . шу жумладан: фойда солиги даромад солиги кўшилган қиymат солиги	Иктисолиётга бюджет кредитлари Ташки иктисолий фаолият Ижтимоий-маданий тадбирлар Фан Мудофаа

махсус солиқлар акцизлар экспорт-импорт божлари ресурс тўловлари лицензијалар	Хукукни муҳофаза килиш фаолияти Адлия Давлат бошкаруви Давлат заҳираларини тўлдириш Фавқулодда ҳолатлар бўйича харажатлар Хизмат кўрсатиш ҳамда ташқи ва ички карзни тўлаш Махалтий бюджетларни молиялаш
Солиқдан ташқари даромадлар, шу жумладан: ташқи иқтисодий фаолиятдан даромадлар давлат мулкида бўлган активлар давлат заҳираларини амалга ошириш	
Бюджет кредитларини кайтариш Мақсадли бюджет фондлари	Жами
Жами	Тақчиллик

Давлатни бирор-бир турга киритишнинг биринчи мезони –даромадлар турли моддаларининг нисбати. Солиқдан ташқари тушумларнинг улуши қанча юкори бўлса, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви шунча фаол бўлади. Бундай ҳолатда унинг роли шартномалар бажарилишининг оддий кафили доирасидан ташқарига чикади. Бюджетнинг солиқдан ташқари даромадлар улуши динамикаси барқарор тенденция мавжудлиги ҳакида сўзлаш имконини бермайди.

Бундан ташқари, турли солик тушумлари нисбати таҳлили уларнинг мусодара хусусияти ҳакида (рента тўловлари ва маҳсус солиқлар устунлигига), ёки солик тизимининг ишлаб чикириш фаолиятини рағбатлантириш максадларига бўйсуниши («бозор» солиқлари: фойда солиги, ККС, акцизлар, даромад солиги, мол-мулк солиги устунлик қилган ҳолатда) ҳакида фикр юритиш имконини беради. Таъкидлаш лозимки, бюджетда «бозор» солиқларининг улуши барқарор кисқариш тенденциясига эга. Шунингдек, солиқларнинг йигилиши, яъни амалдаги солик тушумлари ва солик солиш базасининг реал миқдорларидан келиб чиқсан ҳолда хисоблаб ёзилган солиқлар ўртасидаги нисбат тўғрисидаги маълумотлар ҳам мухим ахборотни акс эттиради. Солиқларнинг йигилиши қанча юкори бўлса, давлат шартномавий моделга шунча яқин бўлади.

Иккинчи мезон – давлат харажатларининг таркиби ва биринчи навбатда реал молияланган ҳамда давлат бюджети тўғрисидаги қонунда кайд этилган харажатлар нисбати. Эксплуататорлик давлатида унинг мажбурлаш салоҳиятини саклаб қолиш ва кучайтириш билан боғлиқ харажатлар («куч ишлатувчи» вазирликларни саклаб туриш харажатлари) ҳамда бевосита давлат аппаратини саклаб туриш учун йўналтирилган харажатларни молиялашнинг устуворлиги мухим ўрин тутади. Мудофа, хукукни муҳофаза килиш фаолияти ва давлат аппарати харажатларни катта тайёргарлик билан амалга оширади.

Харажат моддалари

Хукукни муҳофаза қилиш фаолияти (аддиясиз)
Ижтимоий-маданий тадбирлар
Давлат бошқаруви
Халкаро фаолият (шу жумладан давлатнинг ташки карзига хизмат кўрсатиш)
Мудофа

Учинчи мезон – бюджет тақчиллигини молиялаш усуллари. Бюджет тақчиллигини қоплашнинг учта асосий усули – Марказий банкнинг ҳукуматга кредитлари, ташки ва ички қарзлардан эксплуататорлик давлати биринчисини афзал кўради. Бундан ташкари, марказий банкнинг кредитларидан фойдаланиш давлатга мусодара хусусиятига эга «инфляция солиги» орқали даромад олиш имконини беради. Аксинча, шартномавий давлат бюджет тақчиллигини молиялашнинг энг кам инфляция усули – ташки бозордаги қарзларни афзал кўради. Ички бозордаги қарзлар узок муддатли даврда инфляция хавфини туғдиради ва жамият умумий фаровонлигининг ўсишига тўскинлик қиласи, чунки молиявий ресурслар реал сектордан давлат қарз мажбуриятлари бозорига оқиб кетади.

Бюджет тақчиллигини молиялаш усули

МБ кредитлари, ташки кредитлар, қимматли когоzlар
Хазина мажбуриятлари

13.5. Коррупция муаммоси

Коррупция назариясининг ривожланиши давлатнинг иқтисодиётдаги роли тўғрисидаги масалага нисбатан янтича ёндашувга мисол бўлади ва шу билан бирга назарий жиҳатдан тўлиқ англаб етилмаган тажрибадан тўғридан-тўғри хulosаси қилишнинг хавфилигини намоён этади.

Фақатгина 1970-йилларга келиб, коррупциянинг иқтисодий муаммо эканлиги англаб етилди. Коррупция – нафақат ривожланган ва ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар, балки бутун жаҳон муаммоси. 13.1-жадвалда иқтисодий ривожланиш ва жамиятнинг демократлашганлик даражаси бўйича мутлако турлича бўлган 50 та мамлакат бўйича коррупцияланиш индекси келтирилган.

Коррупцияланиш индекси қўйидаги катор омилларни баҳолаш усуллари ёрдамида хисоблаб чиқилган: юридик коидаларнинг очик-ойдинлиги, идоравий тузилмаларнинг етуклиги, эркинлашиш даражаси, лицензиялар олиш ва рўхатдан ўтказишнинг қийинлиги, суд тизимлари самарадорлиги, бюрократиянинг омилкорлик даражаси, фискал тизимнинг самарадорлиги ва очик-ойдинлиги, божхона, ишининг самарадорлиги ва ҳ.к. Мамлакат индекси (нолдан 10 гача бўлган шкала бўйича) канча юқори бўлса, унинг коррупцияланиш даражаси шунча паст бўлади.

**Ривожланган ва ўтиш мәтисодиётига эга мамлакатларда
коррупцияланиш индекси***

Мамлакат	Коррупцияланиш индекси	Харид кобилнити дарежаси, АҚШ долл.	Мамлакат	Коррупцияланиш индекси	Харид кобилнити дарежаси, АҚШ долл.
Дания	9,94	21,23	Бельгия	5,25	21,66
Финляндия	9,48	17,76	Чехия	5,20	9,77
Швеция	9,35	18,54	Венгрия	5,18	6,41
Яңги Зеландия	9,23	16,36	Польша	5,0	5,40
Канада	9,10	21,13	Италия	5,03	19,87
Нидерландия	9,03	19,95	Малайзия	5,01	9,02
Норвегия	8,92	21,94	ЖАР	4,95	5,03
Австралия	8,86	18,94	Жанубий Корея	4,29	11,45
Сингапур	8,66	22,77	Уругвай	4,14	6,63
Люксембург	8,61	37,93	Бразилия	3,56	5,40
Швейцария	8,61	25,86	Руминия	3,44	4,36
Шымоли Ирания	8,28	15,68	Түркия	3,21	5,58
Германия	8,23	20,07	Тайланд	3,06	7,54
Буюк Британия	8,22	19,26	Филиппин	3,05	2,85
Исроил	7,97	16,49	Хитой	2,88	2,92
АҚШ	7,61	26,98	Аргентина	2,81	8,31
Австрия	7,61	21,25	Венесуэла	2,77	7,90
Гонконг	7,28	22,95	Хиндистон	2,75	1,40
Португалия	6,97	12,67	Индонезия	2,72	3,80
Франция	6,66	21,03	Мексика	2,66	6,40
Япония	6,57	22,11	Покистон	2,53	2,23
Коста-Рика	6,45	5,85	Россия	2,27	4,48
Чили	6,05	9,52	Колумбия	2,23	6,13
Испания	5,90	14,52	Боливия	2,05	2,54
Греция	5,35	11,71	Нигерия	1,76	1,22

* Манба: ХТТБ маълумотлари.

Бюрократик аппаратнинг коррупциясига қарши курашиш муаммосига турли халқаро ташкилотлар, шу жумладан Жаҳон банкининг материалларида катта эътибор қаратилади. 13.2-расмда бюрократияга қарши кураш ва давлат институтларининг кобилнитини ошириш юзасидан асосий тадбирлар келтирилган.

Мазкур дастурнинг асосий бандлари қўйидагилардан иборат:

- самарали нормалар ва чекловларни қабул килиш;
- давлат хизматчилари, шунингдек, давлат ва хусусий сектор соҳасида ракобатни кучайтириш;
- давлатни инсонларга яқинлаштириш: фуқаролар билан давлатнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, фуқаролар фикрларини хисобга олиш;



13.2-расм. Коррупцияга қарши кураш соҳасида давлатнинг имкониятларини мустаҳкамлашга кўмаклашувчи механизмлар доираси.

- бюджет ўсишининг ички барқарорлаштирувчи воситаларини яратиш, масалан, ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятлари, карорларни ким белгилаши, кабул қилиш ва амалга ошириши устидан назорат қилиш.

Ушбу дастур давлат ва давлат институтлари фаолияти асосида ётувчи мотивациянинг ўзгариши билан боғлиқ. Унинг амалга оширилиши давлат амалдорларига жамоавий манбаатлар йўлида ҳаракат қилиш учун рагбатлантирувчи омилларни яратишга кўмаклашувчи ва бир вактнинг ўзида мажбурий ҳаракатлар эҳтимолини чекловчи коида ва нормаларнинг жорий этилишини назарда тутади.

Янада самаралироқ давлатни барпо этишга уринишлар далолат бериб турибдики, ҳатто саноати ривожланган мамлакатлarda ҳам бироз яхшиланишлардан самара жуда юкори. Жаҳон тажрибасига кўра, ҳатто давлат самарадорлигининг паст даражада оширилиши ҳам вакт ўтиши билан инсонлар турмуш сифатини сезилафли даражада оширади, чунки ислоҳотлар, одатда, ўзининг фойдали бир вактига етади.

Жаҳон банки томонидан ўтказилган тадқикотлар натижаларига кўра, паст салоҳиятли давлатта эга бўлиб, амалга оширилаётган сиёсатнинг сифати паст

бўлган мамлакатларда ахоли жон бошига тўгри келувчи даромад ҳажми бир йилда, тахминан, 0,4 фоизга ўсган, айни пайтда кучли давлатта эга бўлиб, окилона сиёsat юритувчи мамлакатларда эса ахоли жон бошига тўгри келаувчи даромад ҳажми бир йилда ўртacha 3 фоизга ўсгани аниқланди⁴⁰.

Кисқача хулоса

Куйида келтирилган маълумотлар давлатнинг икки турини такқослаш имконини беради:

	Шартномавий давлат	Эксплуататорлик давлати
Максади	Жамият възоларининг умумий даромади (ЯИМ)ни кўпайтириш, трансакция харажатларини пасайтириш	Давлат аппаратини назорат килувчи гурӯхнинг рентасини (солик тушумларини) кўпайтириш
Вазифалари (вазифалари)	Шахслар ўртасидаги катор битимларда кафиллик, мулкчилик ҳукукларини тағсирлаш ва химоя килиш	Кафил роли билан чегараланмаган ҳолда ижтимоий ва иқтисодий ўзаро ҳамкорликка фаол аралашиш
Воситалар (мажбурулаш килиш монополиясидан фойдаланиш)	Ижтимоий шартнома ва конституциявий доиралар билан чегараланган	Давлатни назорат килувчи гурӯхнинг сиёсий иродасига боғлик
«Принципал-агент» муаммосини хал этиш механизmlари	Принципал – фукаро: демократик назорат механизmlари, конституциявий доиралар мавжудлиги, мукобил варианtlар мавжудлиги. Принципал – давлат: қонунга иктиерий бўйсуниш месъёрларини ёниш	Принципал – фукаро: мавжуд эмас. Принципал – давлат: мажбур килиш ва куч ишлатишдан фойдаланиш, ҳар томонлама назоретни амалга оширишга уриниш
Бюджет чекловлари	Катъий, бюджетни тасдиқлашнинг демократик тартиботи билан чекланган	Юшок
Даромадларнинг асосий моддалари	Биринчи наебатда «бозор» солиқларидан тушумлар	Мусодара солиқлари ва солиқдан ташқари тушумлар
Харажатларнинг асосий бандлари	Адлия, ҳукукни муҳофаза килиш фаолияти	Мудофаа, давлат бошкаруви, ҳукукни муҳофаза килиш фаолияти
Бюджет тақчиллигини асосий коплаш усуслари	Ташки бозордаги карзлар	МБнинг ҳукуматга карзлари, ички бозордаги карзлар. мусодара солигининг тури сифатида мажбуриятларни бажаришдан бош тортиш ҳам мумкин

Таянч сўз ва иборалар

Давлат турлари, «принципал-агент» муаммоси, «шартномавий» давлат, «эксплуататорлик» давлати, давлат бюджети таҳлили, бюджет даромадлари,

⁴⁰ Государство в меняющемся мире. Отчет о мировом развитии 1997. – М.: ПРАЙМ-ТАСС, 1997, с. 39.

бюджет харажатлари, “бозор соликлари”, давлатни бирор-бир турга киритиш мезонлари, коррупция индекси.

Тақрорлаш учун саволлар

1. Давлат ва «принципал-агент» муаммосининг моҳиятини тушунтиринг.
2. «Шартномавий» давлатта таъриф беринг.
3. «Шартномавий» давлат қандай шароитларда мавжуд бўлади?
4. «Эксплуататорлик» давлатининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?
5. Давлат ҳусусиятини белгилашнинг қандай усул ва мезонлари мавжуд?
6. Коррупция ва унга қандай омиллар таъсир кўрсатади?

XIV боб. УЙ ХЎЖАЛИГИ ФАОЛИЯТИ ВА РИВОЖЛАНИШИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Уй хўжалиги иктисадий фаолиятнинг муҳим субъектларидан бири хисобланниб, нафакат оила ёки хўжалик, балки бутун мамлакат аҳолисининг фаровонлиги унинг натижаларига боғлиқ. Уй хўжалиги иктисадиётнинг йирик сектори сифатида тижорат корхоналари ва давлат билан бир қаторда барча макроиктисадий тартибга солиш жараёнларида иштирок этади. Шу нуткан назардан уй хўжалигининг таркиби, максади ва асосий вазифаларини ўрганиш оила бизнеси (тадбиркорлиги)ни ташкил этиш ва уни юритиш учун муҳим асос бўлиб хизмат қиласди. Уларнинг турларини таққослаш уй хўжалигининг бозор муносабатларига мос тури ва унинг таркибини танлаш имконини беради.

Хозирги вактда уй хўжаликлари фаолиятининг муаммоларига зътиборнинг ортганлиги кузатилмокда. Бу авваламбор уй хўжаликларининг миллий иктисадиёт ўсишига кўшаётган ҳиссаси ошаётгани билан боғлиқдир. шу боис уй хўжалиги тушунчасининг ижтимоий-иктисадий моҳиятини, унинг белгилари ва таркибий-функционал хусусиятлари, ривожланиш омилларини чуқурроқ билиш талаб этилади.

14.1. Уй хўжалиги турлари ва унинг оила билан функционал боғлиқлиги

Уй хўжалиги жамият ҳаётининг барча соҳалари билан боғлиқ бўлиб, уни социология, демография, статистика, психология, иктисадиёт ва бошка ижтимоий фанлар вакиллари ўрганади. Ушбу фанларнинг ҳар бири уй хўжалиги фаолиятининг у ёки бу жиҳатларини тадқиқ этади. Уй хўжалигининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ муаммоларнинг мажмуавий хусусиятга эга эканлиги унинг фаолият кўрсатишнинг турли жиҳатларини ёритувчи кўп йўналишларининг мавжудлигидан далолат беради.

Илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатади, уй хўжалиги тушунчасига ҳозиргача ягона таъриф берилмаган. Муаллифлар уй хўжалиги моҳиятининг турли дастлабки тушунчалари ва унинг функцияларини бош асос килиб олган холда, ўз таърифларини берганлар. Бирок турли вактларда, турли шароитларда ва турли вазифаларни ҳал этишда улар турли маънога ва турлича талкинга эга бўлган (14.1-жадвал).

14.1-жадвал

“Уй хўжалиги” тушунчасининг таърифлари

Муаллифлар	Таъриф
Макконелл С.Р., Брю С.Д. ⁴¹	Уй хўжалиги – бир ёки ундан кўп шахсдан таркиб топган, иктисадиётни ресурслар билан таъминловчи ва ушбу ресурслар учун олинган пулни инсоннинг моддий эҳтиёжларини кондирувчи товар ва хизматларни сотиб олиш учун сарфловчи иктисадий бирлик

⁴¹ Макконелл С.Р., Брю С.Д. Экономикс: принципы, проблемы и политика. – М.: Республика. – 1992. т. 2. - 396 с.

Жадвал давоми

Олейник А.Н. ⁴²	Уй хўжалиги – инсон капиталини тақор барпо этишнинг умумий вазифалари, яшаш жойи, бюджет ва оила-кариндошлик алоқалари билан бирлашган инсонлар гурухи. Уй хўжалигининг асосида ҳокимият муносабатлари ётади – биргаликдаги иктисодий фаолият устидан назорат килиш ҳукуклари оила аъзоларидан биринга, яъни оила бошлигига тояширилади
Винтер М., Моррис У. ⁴³	Уй хўжалиги – инсон капиталини тақор барпо этишнинг умумий вазифалари, яшаш жойи, бюджет ва одетда оила-кариндошлик алоқалари билан бирлашган инсонлар гурухи
Бойчук Н.И., Корнеева Е.С. ⁴⁴	Уй хўжалиги – бир ёки ундан кўп шахсадан таркиб топган, иктисодиётни ресурслар билан таъминловчи ва ушбу ресурслар учун олинган даромадларни инсоннинг моддий эҳтиёжларини кондиридиган товар ва хизматларни харид килиш учун сарфловчи иктисодий бирлиқ
Мироненко О.В. ⁴⁵	Иктисодий-мехнат муносабатларининг субъекти сифатида уй хўжалиги – умумий бюджет ва яшаш жойи билан бирлашган, ҳар кайсиси ишлаб чиқариш омили сифатида меҳнат таъминотчиси бўлгани ҳолда бандлик мақомига эга бўлган, шунингдек, ҳам табиий, ҳам товар хусусиятига эга бўлиши мумкин бўлган иктисодий фаолиятда иштирок этувчи бир ёки бир неча шахслар гурухи
Ахмедова М.А. ⁴⁶	Бозор иктисодиёти шароитида уй хўжалиги ресурслар, маҳсулотлар ва хизматларни харид килиш ва сотиш тўғрисида мустакил карор қабул қулувчи, ўз эҳтиёжларини имкон қадар кондиришга интигулувчи бозор муносабатларининг агентини ўзида намоён ётади
Барсукова С.Ю. ⁴⁷	“Уй хўжалиги” тушунчаси бир уйда яшовчи ва биргаликда хўжалик юритувчи шахслар гурухига таалуқли бўлиб, бу неъматларни биргаликда ишлаб чиқариш ва истеъмол килинада намоён бўлади. Уй хўжалигидан фарқли равишда оила кариндошлик тушунчасига асосланади, лекин ягона оиласа бирлашиш учун етари бўлган кариндошлик дарражаси тарихий ва маданий контекста боғлик
Журавлева Г.П. ⁴⁸	Уй хўжалиги – иктисодиётнинг истеъмол соҳасида фаолият юритувчи, бир ёки бир неча шахсадан таркиб топиши мумкин бўлган иктисодий бирлиқ. У “инсон капитали”нинг барпо бўлиши ва тақор барпо бўлишини таъминлайди, мустакил равишда карорлар қабул қилади, бозор иктисодиётида канадайдир ишлаб чиқариш омилининг этаси ва етказиб берувчиси хисобланади, шахсий эҳтиёжларини имкон қадар кондиришта (фойдани оширишга эмас) интилади

⁴² Олейник А. Институциональная экономика: Учебник.- М.: ИНФРА-М, 2009.-704 с.

⁴³ Winter M., Morris E. Family Resource & Family Business: Coming Together // Theory and Research, working paper. Ames: Iowa State University, Iowa Agriculture and Home Economics Experiment Station, 1996. P.2

⁴⁴ Бойчук Н.И., Корнеева Е.С. Домашнее хозяйство как сектор экономики. // Вологодские чтения. - 2005. - № 54-2. - С. 27-29. <http://vafu.ru/text/bul2/bul10.htm>

⁴⁵ Мироненко О.В. Домашние хозяйства в системе социально – трудовых отношений. Автореферат дисс. к.э.н. , Хабаровск. 2008. – 20 с. <http://www.festu.khv.ru>

⁴⁶ Ахмедова М.А. Домашнее хозяйство в системе национальной экономики и его роль в развитии рыночных отношений Республики Таджикистан // Автореф. дис. к.э.н.. Худжанд, 2012. – 18 с.

⁴⁷ Барсукова С.Ю. Сущность и функции домашней экономики. svbars@mail.ru

⁴⁸ Гурсенев, Акрамбековбеков и региональной экономике. kondratyev.professorjournal.ru/c/document_library/get_file?p_id=520889...

Орлов Л.Ф. ³⁹	Уй хўжалиги – бу мамлакат иқтисодиётидаги жисмоний шахслар бўлиб, бунда улар бир нафар шахсдан ҳам, умумий бюджет билан бирлашган шахслар гуруҳидан ҳам таркиб топиши мумкин (кариндошлар бўлиши шарт эмас). «Уй, хўжалиги» тушунчасига фаолиятни юридик жиҳатдан ҳам, иқтисодий нуткани назардан ҳам ўз мулкдорларининг фаолиятидан ажратиб бўлмайдиган уй хўжаликларининг нокорпоратив корхоналари ҳам киради
Мазнай Е.А. ⁴⁰	Уй хўжалиги – бу индивид билан жамият ўртасидаги, шунингдек, ўз бюджетини бирлаштирувчи ва биргаликда карорлар кабул киливчи, инсоя томонидан ўз эҳтиёжларини қондириш ҳамда ўз ҳаётни ва фаолиятининг шароитларини таъкор яратиш мақсадида барпо этиладиган иқтисодий муносабатлар тизими

“Уй хўжалиги” тушунчаси тор маънода оила аъзоларига майший хизмат кўрсатиш, шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш, уйда натура ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш каби хўжалик юритиш бўйича анъанавий уй ишлари йиғиндисини ўз ичига олади. Ҳозирги “уй хўжалиги” тушунчаси кенг маънода ўта мураккаб, кўп киррали ва кўп жиҳатли бўлиб, «индивид» ва «оила» тушунчалари билан тавсифланувчи, лекин айни пайтда унга ўхаш бўлмаган (чунки у бир индивиддан ҳам, бир неча оила аъзоларидан ҳам таркиб топиши мумкин) иқтисодий кичик тизим яъни ташкилот сифатида кўриб чиқилади.

“Уй хўжалиги” тушунчасининг юқоридағи таърифларда изохланishi ушбу категория ижтимоий-иктисодий моҳиятининг аста-секин вужудга келиши ва шаклланишининг мантигини акс эттиради.

Кўпинча уй хўжаликлири оиласининг иқтисодий, ижтимоий-демографик ва статистик белгиланиши сифатида кўриб чиқилади. Оила анъанавий тарзда никоҳ-кариндошлик муносабатлари, биргаликда ҳаёт кечириш, умумий бюджет ва биргаликда хўжалик юритиш белгилари билан таърифланади. Қариндошлик белгиси, оиласи таърифлаш учун шарт ҳисобланса-да, лекин у ҳамма вакт ҳам иштирок этмайди, чунки оила таркибига ҳам туғишиган, ҳам асраб олинган фарзандлар кириши мумкин.

Шунингдек, хусусан, турмуш ўртоғининг бошка қариндошлари ҳам бир оила аъзолари бўлиши мумкин. Оила хўжалик нуткани назаридан, биринчи навбатда, уй хўжалиги негизи сифатида кўриб чиқилади. Бунда хўжалик-иктисодий тавсифлар, инсонларни кичик гуруҳга бирлаштирувчи иқтисодий алоқалар биринчи ўринга кўйилади. Шундай қилиб, “уй хўжалиги” тушунчасининг мазмуний аҳамияти ижтимоий-иктисодий йўналишга эга бўлади. У оиласининг ижтимоий таркиби, даромад-мулкий ҳамда сарф-харажат ва истеъмол килиш салоҳияти билан тавсифланади.


Уй хўжалигининг таърифи муайян ижтимоий-иктисодий шароитларга боғлиқ бўлиб, мамлакатлар бўйича фарқ килади. БМТ комиссиясининг

³⁹ Орлов Л.Ф. Исследование роли и места финансовых домашних хозяйств в современной экономике России. // Вестник Московского государственного областного университета. lib.usue.ru/lexu/hui2/bul310.htm

⁴⁰ Мазнай Е.А. Домашнее хозяйство в системе экономических отношений общества. Автореферат дисс. к.э.н. Самара, 2006. – 28 с.

тавсияларига кўра (1981 й.),⁵¹ «уй хўжалиги» тушунчаси унинг доирасида алоҳида шахслар ёки шахслар гурухлари ўзини озиқ-овқат ва турмуш учун барча зарур нарсалар билан таъминлайдиган турмуш, тарзига асосланган. Аксарият мамлакатлар БМТ берган таърифга кўшилади. Лекин айрим мамлакатларда бошқа таърифлар ҳам қабул килинган. Бунда уларнинг айримларида биргаликда тановвул килиш, бошқаларида эса биргаликда истиқомат килиш биринчи ўринда туради. Масалан, айрим мамлакатларда (АҚШ, Швеция, Швейцария) алоҳида турар жойни эгаллаган шахс ёки шахслар гурухи уй хўжалиги хисобланади.

Юқорида номлари келтирилган муаллифларнинг илмий ишларини таҳлил килиш асосида шундай хуносага келиш мумкинки, барча уй хўжаликларини оиласиб, оиласдан ташқари ва жамоавий турларга бўлиш мумкин (14.1-расм).



14.1.-расм. Уй хўжалиги турлари

Ҳозирги иқтисодий шароитда «уй хўжалиги» ва «оила» тушунчалари бир-бирига жуда якин. Шунинг учун адабиётларда аксарият ҳолатларда «уй хўжалиги» атамаси «оила» тушунчаси билан қўшилиб кетган ёки ўзаро тўлдириш ёхуд хатто ўзаро ўрин босиш муносабатларига эга.

Шунингдек, “оила” тушунчасининг таърифлари унинг ўзига хос мақсади ва функцияларига кўра асосий эътиборни каратади. Масалан, қариндошлар гурухи сифатида оиласа куйидагича таъриф берилган⁵²: “Оила – бирга яшовчи якин қариндошлар гурухи ёки никоҳ ва қариндошлик муносабатлари билан бояланган инсонларнинг фарзандлар тарбиясини ва бошқа ижтимоий аҳамиятли функцияларнинг бажарилишини таъминловчи гурухи”. Винтер М. ва Моррис У. тадқиқотида⁵³: “Оила – бир уйда яшashi ва умумий бюджетга эга бўлиши шарт бўлмаган, оила-қариндошлик алокаларининг умумийлиги билан бирлашадиган гурух” эканлиги эътироф этилади. Урумова Ф.И. эса⁵⁴: “Оила – инсонларнинг, одатда, қариндошлик алокалари ва турмушнинг умумийлиги асосида онгли равишда ташкил этилган кичик гурухи бўлиб, уларнинг хаёти ва фаолияти индивиднинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларини

⁵¹ Принципы и рекомендации в отношении проведения переписей населения и жилого фонда. Статистические документы. Серия М.- №67.- ООН, Нью – Йорк, 1981. – 68 с.

⁵² Исследование домохозяйства в рыночной экономике kondratyev.professorjournal.ru/c/document_library/get_file?p_l_id=520889...

⁵³ Winter M., Morris E. Family Resource & Family Business: Coming Together // Theory and Research, working paper. Ames: Iowa State University, Iowa Agriculture and Home Economics Experiment Station, 1996. P.2

⁵⁴ Экономическая теория: учебник / Под общей редакцией В.И.Виданина, Г.П.Журавлевой. М.: Издательство М.: Издательство ИНФРА-М, 1997. с. 243.

қондириш учун амалга оширилади”, -деб таъкидлаган. Ушбу таърифларда оиланинг қариндошлиқ, никоҳ ҳамда ижтимоий функцияларни таъминлаш каби белгилари асос сифатида иштирок этади.

Уй хўжалиги ҳам қуйидаги асосий белгилар билан тавсифланади: биргаликда ҳаёт кечириш, биргаликда хўжалик юритиш, умумий бюджет ва никоҳ-кариндошлиқ алокалари (14.1-жадвалга қаранг). Бунда никоҳ-кариндошлиқ алокалари бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Лекин бу ҳол шундай хulosага келиш имконини берадики, “уй хўжалиги” ва “оила”нинг ўзига хос белгилари кўпинча мос келади, аммо оила уй хўжалигининг негизи хисобланади. Буни янада яққол кўриш учун уй хўжалиги билан оиланинг асосий белгилари ва таркибий-функционал хусусиятларини таққослаш мумкин (14.2-жадвал).

14.2 -жадвал

Оила ва уй хўжалиги функцияларининг таркиби

Функциялар	Оила	Уй хўжалиги
Асосий ҳал қилувчи белгилар (вҳамиятига қараб пасайиш)	- Никоҳ-кариндошлиқ алокалари; яшаш жойи; - умумий бюджет; - биргаликда хўжалик юритиш	- Яшаш жойи; - биргаликда хўжалик юритиш; умумий бюджет; никоҳ-кариндошлиқ алокалари
Асосий мақсадли функция	Инсонни дунёга келтириш	Инсон салоҳиятини тақорор тиклаш
Ўзига хос функциялар (оила ва уй хўжалиги-нинг мөхиятидан келиб чиқади)	Жамиятнинг барча ўзғарышларида ўтгармасдан колади: <i>репродуктив, социаллашув ва б.</i>	Инсон капиталини тақорор тиклаш ва амалга оширишнинг асоси хисобланади, ташки ва ички иктисолий ўзаро муносабатларнинг тарихий хусусиятини акс эттиради: <i>таъминот;</i> <i>ишилаб чиқариш;</i> <i>жамғариси;</i> <i>истеъмол</i>
Ўзига хос бўлмаган функциялар (муайян тарихий шаронтда мажбурий ёки мослаштирилган функциялар)	Оила ичидаги муносабатларнинг тарихий хусусиятини ва оиланинг жамият билан ўзаро ҳамкорлигини акс эттиради: <i>хўжатик-майший;</i> <i>ишилаб чиқариш;</i> <i>истеъмол;</i> <i>рекреацион ва б. функциялар</i>	Инсон салоҳиятининг физиологик асосини яратиш, уни шакллантириш ва саклаш; <i>репродуктив;</i> <i>социаллашув;</i> <i>рекреацион ва б. функциялар</i>

Уй хўжалиги ва оиланинг асосий функцияларини қиёсий тахлил қилиш натижалари, уларнинг бир-бирини ўзаро тўлдириши ва боғликлигини кўрсатади, яъни уй хўжалиги ўзига хос (таъминот, ишилаб чиқариш, жамғариси ва истеъмол) функцияларининг муваффакиятли амалга оширилиши унинг бир

вактнинг ўзида оиланинг ўзига хос функциялари хисобланган унга хос бўлмаган (репродуктив, реакреация ва б.) функцияларининг сифати, сакланиши ва амалга оширилишига боғлик.

Бу уй хўжаликларининг асосий функцияларини тўлдириш, уларни ўзига хос ва хос бўлмаган турларга бўлиш орқали қуйидаги хуросаларга келиш имконини беради.

Биринчидан, таҳлиллар оила билан уй хўжалиги ўртасидаги узвий функционал боғлиқлик мавжудлигидан, шунингдек, уй хўжалиги ҳамда оиланинг ўзига хос функцияларини тўлдиришидан, яъни ўзаро боғлик бўлиб, шунинг учун бир – бирига таъсир кўрсатишидан далолат беради.

Иккинчидан, уй хўжалиги ҳамда оиланинг ўзига хос ва хос бўлмаган функциялари бир-бирини тақрорлайди ва тавсифланаётган обьектга караб, уларни тадқик этишнинг негизига қараб фарқланади. Уй хўжалигининг асосида ётувчи оиланинг таркиби ва функциялари унинг ичидаги юзага келадиган муносабатларни тўлиқ очиб бериш имконини беради. Бу уй хўжаликларини тадқик этишдаги муҳим омил хисобланади. Чунки ички муносабатлар ташки хўжалик-иктисодий муносабатларни шакллантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Уй хўжалигининг функциялари ташки хўжалик-иктисодий муносабатларнинг бутун таркибини, унинг тўлиқ ҳажмда очиб бериш имконини беради ва оиласда ички муносабатларнинг шаклланишига ҳамда рол ва функцияларнинг тақсимланишига таъсир кўрсатади.

Учинчидан, уй хўжалиги бир шахсадан таркиб топиши, оиласдан ташкари ва жамоавий бўлиши мумкинлиги, оиланинг эса никох-кариндошлик муносабатлари иштирокининг шартлиги билан тавсифланиши бизга уй хўжалигини оила билан солиштирилганда янада кенг тушунча сифатида кўриб чикиш ва бунда оиласи тадқиқ этиш ахборот базасидан фойдаланиш имконини беради.


Тўртинчидан, уй хўжалиги билан оиланинг асосий мақсадли функцияларини таққослаш натижаси ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлади.

Оиланинг асосий мақсадли функцияси – инсонни дунёга келтириш, уй хўжалигини эса – инсон капиталини тақрор тиклаш ва саклаш (14.2-расм). Инсон капиталини тақрор тиклаш тушунчаси кўп қиррали жараён можиятини чуқурроқ акс эттирган ҳолда нафакат шахс сифатида инсонни ва жамоа сифатида уй хўжалигини ҳам биологик, ҳам ижтимоий, ҳам хўжалик-иктисодий жиҳатдан тақрор тиклаш, балки унинг ҳаёти ва фаолияти шарт-шароитларини ҳам тақрор тиклашни ўз ичига олади.

Ушбу тушунча уй хўжалиги мавжуд бўлишининг моддий, инсоний, маънавий, этник, диний асослари йигиндинисини ўзида акс эттиради ва бу билан унинг кўп қирралилиги ва катта аҳамиятга эгалигини кўрсатади. Лекин уй хўжалиги унинг иктисодий баҳоси нуқтаи назаридан, кўпинча, инсон капиталини тақрор тиклаш сифатида кўриб чиқлади.

Шундай қилиб, уй хўжаликларини юқорида келтирилган иктисодий категория сифатида унга қуйидагича таъриф бериш мумкин. Уй хўжалиги – бу инсон капиталини тақрор тиклаш ва уни амалга оширишнинг асосий

ижтимоий-иктисодий бирлігі, якка ёки бирғалиқда яшовчи ва бирғалиқда



14.2-расм. Оила ва уй хұжалигининг функционал болгыларынан қарастырылған функциялары

хұжалик юритувчи бир неча шахслар томонидан таъминланадиган яхлит ҳаёт фаялияті воситаси ҳисобланади. Ушбу таъриф, назаримизда, уй хұжалигининг мөхияттінің: уннің тарқибини; аъзолари ўртасидаги үзаро боғлиқликні; ижтимоий-иктисодий табиатини аник тарзда акс эттиради; уннің ҳаёты ва фаялияттін асосий йұналишини белгилаб беради.

Біно ижарага олинган қолаттарда бинонинг хұжайини, ташкил этилған уй хұжалигининг аъзоси ҳисобланмайды. Шу билан бирга уй хизматчилари хам үз иш берувларининг үйіда истиқомат килишганида ҳам (мехнатлари учун бошпана ва озиқ-овқат билан таъминланадилар) уй хұжалигининг аъзоси ҳисобланмайдылар.

“Уй хұжалиғы” ва “оила” түшунчаларини адаштирумаслик зәнг асосий шарт ҳисобланади. Бу иккі атама бир-бираға үшаса-да, аввал таъкидланғаныдей, оила уй хұжалигининг үзаги бўлиб ҳисобланади.

14.2. Уй хўжалигининг инсон капиталини ривожлантиришдаги функциялари


Оила ва унинг моддий асосини мустаҳкамлаш уй хўжаликларини ўрганиш, улар бажарадиган функцияларни билиш, ривожланишини рагбатлантириш бўйича карорлар кабул килиш ўта муҳим ҳисобланади.

Бозор иктисодиётида уй хўжалиги мустакил субъект (ташкилот) сифатида фаолият кўрсатади. Улар ўз эҳтиёж ва талабларини қондириш учун бозорда маҳсулот ва хизматларини айирбош килади. Шу орқали уй хўжаликлари ижтимоий-иктисодий фаолиятнинг асосий субъекти сифатида бошка корхоналар ҳамда давлат билан ўзаро алоқада бўлади.

Кўп ҳолларда уй хўжаликлари функциялари “оила” функциялари билан тенглаштирилиб, “оила хўжаликлари” ёки “дехқон хўжаликлари”, “шахсий томорка хўжаликлари” сифатида ўрганилган. Шу нуқтаи назардан “уй хўжалиги” функцияларининг асосий моҳиятини билиш муҳим ҳисобланади.

Уй хўжалигининг максади – кутилмаган ҳолатлар юзага келишидан катъи назар ўз оила аъзоларига фаровонликнинг кафолатланган даражасини таъминлашдан иборат. Уй хўжалигининг ҳимоя вазифаси ўзаро ёрдам ва оила аъзоларини моддий жиҳатдан кўллаб-куватлашнинг расмий ва норасмий меъёрларига асосланади.

1. Уй хўжалиги фаолиятининг асосий функциясини инсон капиталини ишлаб чиқариш, реализация килиш ва саклаш сифатида белгилаш лозим. Инсон капитали, ўз навбатида, инсоннинг билимлари, амалий қўнимларни ва меҳнат саъӣ-харакатлари йигиндиси сифатида тушунилади. Уй хўжалигининг инсон капиталини шакллантириш бўйича қўйидаги таркибий қисмларга ажратиш мумкин (14.3-расм).



14.3-расм. Инсон капиталини шакллантириш бўйича уй хўжалиги фаолияти таркиби

2. Уй хўжалиги фаолиятида инсон капиталини тиклаш ва саклаш. Ушбу функцияларни бажарища иккита асосий вазифа хал этилади. Биринчиси, уй хўжалиги бюджетини шакллантириш ва ундан фойдаланиш. Иккинчиси, уй хўжалигини юритиш. Бу вазифалар уй хўжаликлари харажатларини коплаш ва инсон капиталини шакллантириб (жамгариб) бориш билан боғлик холда амалга оширилади.

3. Уй хўжалигида инсон капиталини ишлаб чиқариш (шакллантириш), яъни бола туғилиши, уни тарбиялаш, вояга етказиш ва ижтимоий функцияларини бажариш ҳисобланади. Булар ўз навбатида инсон капиталини амалда турли йўналишларда ишлатиш функцияси билан чамбарчас боғликдир.

4. Уй хўжалигининг инсон капиталидан фойдаланиш, амалда иккита функцияни ўз ичига олади. Биринчиси, оила бизнесини ҳамда қишлоқда дехқон хўжалигини юритиш (ишлаб чиқариш) ва иккинчиси, уй хўжалиги аъзоларининг бозор муносабатларида якка тартибда ёки корпоратив шаклда иштирок этиш функциялари.

Уй хўжалигининг ушбу функцияларини ҳаётда амалга ошириш, бир томондан оила ҳамда унинг бошлигига боғлик бўлса, иккинчи томондан давлатнинг уй хўжаликларини тартибга солиш, уларни қўллаб – кувватлаш тизимига ҳам боғлик ҳисобланади.

Шу нуктаи назардан Ўзбекистонда уй хўжаликлари фаолияти билан бевосита боғлик бўлган конун хужжатлари кабул килинган. Улар ичida оила бюджетини шакллантириш билан боғлик бўлган мухим қонунлар мавжуд. “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги ва “Оила тадбиркорлиги тўғрисида”ги ЎзР Қонунлари шулар жумласига киради. Ушбу қонунлар негизида уй хўжаликларининг ишлаб чиқариш ҳамда оила бизнеси амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонун кабул килинган даврга кадар (1998 йилгача) Давлат статистика қўмитаси тизимида, оила бошлигига берилган томорка ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиширадиган барча субъектлар номлари, шу жумладан томорка хўжалиги, шахсий ёрдамчи хўжаликлар “дехқон хўжалиги”⁵⁵ номи билан юритилган.

Қонунга мувофик “Дехқон хўжалиги” майда товар ишлаб чиқарувчи хўжалик ҳисобланади. Оила бошлигига мерос килиб қолдириш ҳуқуки билан ажратиб берилган ер участкасида оила аъзолари меҳнатидан фойдаланиб маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Улар оила истеъмолига ҳамда бозорда сотиш учун таҳсилланади.

Оила тадбиркорлиги (бизнеси) ҳамда дехқон хўжаликлари тўғрисидаги қонунларнинг кабул килиниши уй хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятини ҳамда уларни молиявий ва инвестициялаш функцияларини фаоллаштирумокда.

⁵⁵ Узбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонлиқ карори билан тасдиқланган “Фаолият кўрсататётган шахсий ёрдамчи хўжаликларини дехқон хўжаликларига ўзгартириш тартиби”.

14.3. Турли иқтисодиётлардаги уй хўжалиги шакллари

Уй хўжалиги функцияларини тўлақонли бажарилиши жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида мухим роль ўйнайди. Шу боис иқтисодий ривожланиш кўп жиҳатдан уй хўжаликлари ҳолати билан тавсифланади. Турли иқтисодиётда уй хўжаликлари шакллари ўзига хос хусусиятга эга.

Уй хўжалиги инсонни ташки мухитнинг ноаниклиги, унга юклатиладиган харакат нормалари ва қоидалари, қундалик муаммоларга ортиқча эътибор қаратишдан саклайди. Бинобарин, институционал мухит хусусиятлари (ноаниклик даражаси, расмий ва норасмий мөъёрларнинг ўзаро нисбати, содир бўлаётган ўзгаришлар тезлиги) уй хўжалиги таркibiга таъсир кўрсатади.

Корхона ёки давлатнинг ҳамма учун бир хил (универсал) модели бўлмагани каби, уй хўжалигининг ҳам ягона модели мавжуд эмас. Шу муносабат билан турли иқтисодиётлар шаронтида шаклланган уй хўжалигининг учта шаклини ажратиш мумкин. Улар қаторига—бозор иқтисодиёти, буйруқбозлик иқтисодиёти ва буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ўтиш шаронтида фаолият юритувчи уй хўжаликларини киритиш мумкин. Ушбу тоифадаги уй хўжаликлари фаолияти ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари кўйидагилардан иборат (14.3-жадвал).

14.3-жадвал

Турли иқтисодиётдаги уй хўжаликлари шаклларининг асосий тавсифлари

Таккослаш кўрсаткичлари	Бозор уй хўжалиги	Буйруқбозлик иқтисодиётида уй хўжалиги	Ўтниш иқтисодиётидаги уй хўжалиги
Максад функциялари	Тўловга кодир талабининг чекланганлиги шаронтида фойдалиликни ошириш	Ресурслар тақчиллиги шаронтида фойдалиликни ошириш	Фаолият кўрсатишда давом этиш (яшончанлик қобилиятини йўқотмаслик)
Ресурслар	Асосий ишда иш хаки	Асосий ишдаги иш хаки + бўш вакт + алоқалар + трансфертлар	Расмий, норасмий ва криминал бандликдан олинадиган ресурслар “портфели” + рента
Бюджет чекловларининг катъйлиги	Мутлак катъий: уй хўжалиги маошдан ташкири бошқа даромад манбаларига этга эмас	Даромадларининг катта хисмини трансфертлар кўринишида олиш имконини беради	Даромадларининг турли манбалари ўргасидаги чегараларнинг мослашувчанилиги
Жамгармаларнинг мухимлиги ва уларнинг міқдори	Жамгармалар миқдори * уларнинг жамгаришга нисбетан мойилляти билан белгиланади	Жамгармалар (тақчиллик туфайли) ҳам мажбурий, ҳам ихтиёрий хусусиятта эга	Жамгармалар асосан “сугурталаш” хусусиятига эга

14.3-жадвал давоми

Иктисодий ресурсларни бирлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги	Уй хўжалиги аъзоларининг ҳар бири ноёб ресурсларга эга, шунинг учун турмуш куршиз узок муддатли инвестицияллаш тўғрисидаги карор билан айнан бир хил	Оила асосида алоҳида турдаги ноёб ресурсларни бирлаштириш ётади-алоқаларга, маймурий хукуқларга (яаш жойида рўйхатда туриш, партияга аъзолик) эга бўлиш	Ҳар бир оила аъзосидан мустақил даромад манбаларининг мавжуд бўлиши хатарни камайтириш имконини беради
Уй хўжаликларининг оптималь ўлчами	Ўзига хос ресурсларни ишлаб чиқариш имкониятининг камайшига караб уй хўжаликларининг ўсиши тўхтайди	Уй хўжаликларининг ўлчамлари алоҳида ўзига хос ресурслар - алоқалар, турар-жой майдонлари ва ҳ.к.га эга бўлиш харажатлари билан чегараланган	Ўлчамлар уй хўжалиги аъзоларининг ўхшаш бандлиги туфайли хатарларни диверсификация килиш билан чекланади
Ички тузилма	Оддий иерархия, оила бошлигининг жинси ахамиятга эга эмас	Оддий иерархия, партия иерархиясида юкори турган шахс. Оила бошлиги	Оддий иерархия, энг кўп даромад оладиган шахс. Оила бошлиги

Буйруқбозлик иктисодиётида уй хўжалиги. Буйруқбозлик иктисодиётида инсон капиталини тиклаш бир қатор муаммоларга дуч келади. Ташки мухитнинг баркарор хусусиятга эгалигига қарамай, уй хўжалигининг кундалик хаёти истеъмол товарлари ва хизматларнинг танқислиги билан мураккаблашади. Бошка ҳолатда маҳсулотлар ёки кийим-кечак харид килишнинг мутаассиблик (тез-тез такрорланиб турувчи ҳолатлар) тадбири кўп вақт, куч ва руҳий хаяжонларни талаб қилувчи жараёнга айланади.

Буйруқбозлик иктисодиётида уй хўжалигининг шаклланишини иктисодий жиҳатдан асослаш унинг негизида танқис товар ва ресурслардан фойдаланишини кенгайтиришдан иборат бўлган. Партия-давлат поғонасидаги ўрнига кўра ноёб ресурслардан фойдаланишининг табакаланиши уй хўжалиги ва давлатнинг ўзаро муносабатлари турини алоҳида ифодалаган. Уй хўжалиги бюджет чекловлари, корхонанинг бюджет чекловларига нисбатан анча катъий бўлишига қарамай, уй хўжалиги томонидан давлатдан олинадиган пул (ижтимоий трансферлар) ва пул бўлмаган (нуфуз, такчил товарлардан фойдаланишда устунлик) шаклдаги “рента даромадлари”ни хисобга олиш лозим.

Уй хўжалигининг давлатга юкори даражада қарамлиги буйруқбозлик иктисодиётининг кўз илгамас тизим сифатида тавсифлаш имконини беради. Бирор-бир ижтимоий гурух давлат хокимиюти бошқаруви ва давлат ресурсларини таҳсиллаш тизимиға қанча яқин бўлса, унинг ижтимоий ва иктисодий мавқеи шунча юкори бўлган. Шунинг учун уй хўжалигини биринчи

галда давлат сиёсатининг унга партия-давлат погонасидағи мавқеи асосида рентани олиш имконини берувчи йўналишлари кизиктирган, булар: пенсия; ўйжой коммунал хизматлари сиёсати; ижтимоий таъминот сиёсати; таълим соҳасидағи сиёсат.

Бозор иқтисодиётидаги уй хўжалиги. Бозор институти уй хўжалигини камёб товар ва хизматларни излаш ҳамда улар учун навбатда туриш билан боғлиқ вактнинг йўқотилишидан ҳолос этади – ҳарид қилиш жараёни мутаассибликка (хар кун тақрорланадиган бир хилдаги юмуш, вазифа) айланади. Масалан, шанба куни кечкурун ва дам олиш куни эрталабдан савдо дўконларида ҳаридорлар кўп бўлади, шу кунлари кишилар анъанавий тарзда кейнинг хафтага етадиган микдорда ҳарид қиладилар. Ҳариднинг мутаассибликка айланиши натижасида бўшаб коладиган кисқа вакти имкониятлар нима учун сарфланади?

Биринчидан, ҳарид ҳатти-харакатини оптималлаштириш. Агар буйруқбозлик иқтисодиётидаги нимани ҳарид қилиш мумкин бўлса, ўша нарсани сотиб олиш муҳим ҳисобланса, бозор иқтисодиётидаги сифат ва нархнинг энг яхши ўзаро нисбати асосида истеъмол қилинганда энг кўп фойдани таъминловчи товарни ҳарид қилиш муҳим саналади. Истеъмолни оптималлаштириш ишлаб чиқарувчиларнинг реклама ёрдамида талабни тартибга солишга интилиши билан мураккаблашади. Реклама ҳарид жараёнини мутаассибликка бутунлай айланишига тўскинлик қилган ҳолда, доимий равишда янги талабларни шакллантиради.

Иккинчидан, уй хўжалигининг у учун асосий даромад манбаи бўлган меҳнат бозорида иштирок этиши доимий назоратни талаб этади. Уй хўжалиги меҳнат бозоридаги бандликнинг муқобил варинатлари, уй хўжалигини юритиш ва бўш вакт ўртасида танланган ҳолда, меҳнат бозорида инсон капиталини фойдали тарзда сотишга интилади. Бир томондан, уй хўжалигининг аъзоси эгалик қиладиган инсон капиталининг ўзига хослик даражаси қанча юкори бўлса, уй хўжалигини юритиш билан эмас, балки ўз меҳнат ресурларини бозорда сотиш билан шугулланиш шунчак фойдали.

Иккинчи томондан, инсон капиталининг ўзига хослик даражаси қанчалик паст бўлса, унинг эгаси учун уй хўжалигини юритиш билан чегараланиш шунчалик асослидир. Ўз навбатида, бандликни оптималлаштириш ҳам уй хўжалиги доирасида амалга ошади.

Уй хўжалигининг асосий даромад манбаларини бозор билан белгиланадиган соҳага йўналтириш унинг давлатдан кам қарам бўлишини таъминлайди. Давлат фаолияти уй хўжалигини фақаттинга давлат меҳнат бозорида битимлар кафолати сифатида иштирок этиш даражаси ва у (солик кодекси орқали) уй хўжалиги даромадининг бир кисмига даъвогар бўлиши учун кизиктиради.

Ўтиш иқтисодиётидаги уй хўжалиги. Уй хўжалиги фаолият юритадиган институционал мухитнинг ноаниклиги ва бекарорлиги мутаассибликларнинг мавжуд бўлишини шубҳа остига кўяди. Бундай шароитда мутаассибликлар доимий равишда қайта кўриб чикилишини талаб этади, яъни улар инсон

онгнининг онгсиз соҳасидан онгли ва доимий эътиборни талаб этувчи соҳасига ўтади. Ислоҳотлар қанча фаол амалга оширилса, уларнинг мутваассибларларга нисбатан салбий таъсири шунча кучли бўлади. Бундан ўтиш иктисодиётида уй хўжалигининг максади келиб чиқади: уй хўжалигининг химоя функциясини сақлаб колишига интилиш борган сари ортиб боруўчи сайд-харакатларни ва имкон қадар кўп эътиборни талаб этади.

Асосий фаолиятдан олинадиган даромадлар ва рента даромадлари (пенсиялар, ижтимоий тўловлар, ходимнинг обрўси) билан юзага келадиган ноаниқликлар уй хўжалигини ўз фаолиятини максимал тарзда диверсификация килишга мажбур этади, бинобарин, ҳар қандай даромад манбаи ҳам баркарор манба сифатида каралиши мумкин эмас. Оила аъзоларининг инсон капиталини такрор ишлаб чиқаришга аник иктинослашувига таянадиган бозор туридаги уй хўжалигидан фарқли ўларок, ўтиш иктисодиётидаги уй хўжалиги ишчи кучини меҳнат бозорига таклиф этиш ҳамда ижтимоий трансферларни истеъмол килиш, шунингдек, томорка ери ёрдамида ўзини ўзи таъминлаш ва кўплаб бошқа фаолият турлари билан шугулланади.

Турли иктисодиётларда уй хўжаликлари фаолиятининг яна бир муҳим таққослаш мезони мавжуд бўлиб, давлатнинг ижтимоий сиёсати хисобланади. Масалан, бозор шароитидаги уй хўжаликлари учун меҳнат муносабатлари, солик ҳамда таълим соҳасидаги сиёсатлар муҳимdir. Бунинг асосий сабаби ушбу хўжаликлардаги сиёсат уй хўжалиги даромадига катта таъсири билан изоҳланади.

Режали иктисодиётдаги уй хўжалиги учун эса нафақа, уй-жой-коммунал хизматлар ҳамда айрим тур ижтимоий таъминот, хизматлар соҳасидаги сиёсатлар, уларнинг даромади ҳамда уни жамғаришга катта таъсири этган.

Ўтиш иктисодиётдаги уй хўжаликлари учун эса соғлиқни саклаш соҳасидаги сиёсат, ижтимоий таъминот тизими ҳамда нафақа сиёсати устувор хисобланади. Булар ўтиш даври уй хўжаликларининг яшовчанлиги учун асосий омиллардан хисобланади. Уй хўжаликларининг турли иктисодиётдаги таҳлил этилган тавсифлари, улар ривожланишини конуниятларини ўрганиш ёндашувларини танлашга асос бўлиб хизмат киласди.

Масалан, уй хўжаликларининг иктисодий фаолиятини таҳлил килишда уларни икки погонага, яъни микро ҳамда макродаражага бўлиб ўрганиш ёндашувини кўллаш максадга мувофиқ хисобланади. Бунда микродаражада алоҳида (якка) уй хўжалигини иктисодиётнинг кичик модели сифатида ажратиб кўриб чиқиш, макродаражада эса уй хўжаликлари йигиндинин миллий иктисодиётнинг алоҳида сектори сифатида таҳлил килиш мумкин. Шунингдек, такрор ишлаб чиқариш ёндашуви тамоиллари асосида уй хўжаликларини товар ва хизматларга бўлган ялпи истеъмол талабини шакллантириши асослаш, уй хўжаликлари жамғармаларининг иктисодиётга инвестициялар киритишнинг муҳим манбалари эканлигини кўрсатиш, уй хўжаликлари секторини бошқа иктисодиёт субъектлари билан ўзаро алокаларининг асосий йўналишларини очиб бериш муҳим хисобланади.

14.4. Уй хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий функциялари

Уй хўжаликлирида юз берадиган барча иқтисодий муносабатларнинг можиҳити уларнинг функциялари орқали тавсифланади. Уй хўжалиги аъзолари томонидан иқтисодий фаолиятнинг амалга оширилиши жараёнида у иқтисодий бирлик (ташкилот) сифатида ишлаб чиқариш ва иқтисодий ноишлаб чиқариш функцияларини, молиявий тизим субъекти сифатида эса кайта таксимлаш, тартибга солувчи ва назорат функцияларини бажаради (14.4-расм).



14.4-расм. Уй хўжалислари даромадлари шаклланиши ва уларни тақсимлаш функциялари

Уй хўжалигининг ишлаб чиқариш функциялари дехқон хўжалигини юритиш, якка тартибдаги меҳнат фаолияти, оилавий тадбиркорлик билан боғлиқ.

Уй хўжалигининг ишлаб чиқариш функцияларига қуидагиларни киритиш мумкин:

- дехқон хўжалигини юритиш. Бунда барча турдаги ер участкаларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштириш учун фойдаланилади. Етиштирилган маҳсулотни ўзи истеммол килиши ҳам, бозорда сотиши ҳам мумкин. Бозор иқтисодиётни ривожланишининг ҳозирги босқичида ва иқтисодий инкиroz шароитида дехқон хўжалиги аҳоли турмушини тўкин бўлишидаги аҳамияти янада ортди ҳамда оила даромадларининг мухим манбаига айланди.

Дехкон хўжалигида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўпайиши нафақат маҳаллий аҳолини мева ва сабзавотлар билан таъминлаш, балки уларни бошқа минтақалар бозорларида сотиш имконини ҳам кенгайтирди. Бу қишлоқ жойлари учун четдан пул маблағлари тушумининг муҳим манбаига ҳам айланди.

- якка тартибдаги уй меҳнати ва тадбиркорлик фаолияти. У билан асосан уй шароитида йирик корхоналар билан кооперация (касаначилик) негизида аҳоли учун кундалик эҳтиёж молларини ишлаб чиқариш ва турли ишлар бажарилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти жараённида кўйидаги ишлар бажарилади:

- кийим-кечак тикиш, пойабзal тайёрлаш;
- ҳонадонларни таъмиrlашда, дала ҳовлиларини қуришда фойдаланиладиган материалларни тайёрлаш ва сотиш;
- ҳунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш;
- маҳаллий доимий ва мавсумий ҳунармандчилик;
- озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш;
- ошхона маҳсулотлари тайёрлаш;
- оиласвий корхоналар (дўқонлар, қаҳвахоналар, устахоналар ва х.к.)ни ташкил этиш ва саклаб туриш.

- оиласвий тадбиркорлик. Бу уй шароитида ёки алоҳида кичик корхоналарда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш; улар билан савдо – сотик килиш; тўпланиб қолган кераксиз майда мулкларни сотиш; четдан олиб келингган товар ва маҳсулотлар билан савдо қилиш каби фаолият турларини ўз ичига олади.

Уй хўжаликларининг дехкон хўжалигидаги ишлаб чиқариш ва оиласвий тадбиркорлик фаолиятидан 2005 йилда қарийб 4,5, 2011 йилда эса 22,9 трлн. сўм даромад олинган. Ёки шу даврда уй хўжаликлари тадбиркорлик даромадлари 5,1 мартаға қўпайган. Уй хўжаликларининг тадбиркорлик даромадлари аҳоли умумий даромадининг 36,2 фоизини ташкил этади (14.4-жадвал).

Уй хўжалигининг иқтисодий ноишлаб чиқариш функциялари жумласига кўйидагилар киради:

- турар жой майдони, дала ҳовлилари, узок муддатли фойдаланиладиган буюмлар, автомобиллар, гаражлар, саройлар ва бошқа мулкларни ижарага бериш;

- кимматли қоғозларни харид қилиш ва улардан фойдаланиш, банкдаги омонатлар билан операцияларни амалга ошириш.

Уй хўжаликлари ноишлаб чиқариш фаолиятидан олинган даромадлар ҳам кейинги йилларда тез ўсиш тенденциясига эга. Статистик маълумотларга кўра, уй хўжаликлари мулкидан олинган даромад 2005 йилда 35,1 млрд. сўмдан, 2011 йилда 272,1 млрд. сўмга ошган. Ёки шу даврда ўсиши қарийб 7,8 мартаға тенг бўлган (14.4-жадвал).

Уй хўжаликлари даромадларининг ўзгариш динамикаси

(млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	2005 й.	2007 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2011 йилда 2005 йилга нисбетан ўснш, марта
Ахолининг ялпи даромади	11674	20906	36430	47760	63282	1,3
ЯИМга нисбатан %да	73,3	74,2	73,8	76,6	81,4	8,1 ф.п.
Тадбиркорлик фаолигити	4476,	8123,	12317	17656	22936	5,1
даромади	4	1				
Мулқдан олинган даромад	35,1	57,7	135,6	191,1	272,1	7,8
Маюш кўринишидаги	3771	6929	12969	16886	21666	5,7
даромад						
ЯИМга нисбатан %да	23,7	24,6	26,3	27,1	27,9	2,4 ф.п.
Натурал шаклдаги даромад	1035	1635	2468	2870	3576	3,4
ЯИМга нисбатан %да	6,5	5,8	5,0	4,6	4,6	-1,9 ф.п.
Пенсия ва бошқа юктимоий	1508	2666	4938	6239	7775	5,2
трансфертлар						
ЯИМга нисбатан %да	9,5	9,5	10,0	10,0	10,0	0,5
Бошқа даромадлар	849,4	1553	3738	4110	7329	8,6

Манба: ЎзР Иктисолиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузиленган.

Шу билан бирга бозор муносабатлари ва ракобатни шакллантириш учун уй хўжаликлари муайян ҳажмдаги молиявий ва мулкий салоҳиятга эга бўлиши лозим. Бу:

- кўчмас мулк (ер участкаси, квартира, бошқа бинолар);
- капитал активлар (ускуналар, асбоб-анжомлар, иш ҳайвони);
- молиявий активлар (пул, қимматли қоғозлар ва б.);
- мол-мулк (узок муддат фойдаланиладиган товарлар).

Уй хўжаликлирида бундай активларнинг мавжудлиги уларга мустақиллик беради ва бозорда ракобат курашини олиб бориц имкониятини яратади. Умуман олганда мамлакатда бозор муносабатларини ривожлантириш учун шароит яратади.

Уй хўжалигининг даромадлари, одатда, мақсадли йўналишга эга бўлган алоҳида ажратилган пул жамгармалари кўринишида шаклланади. Уй хўжалигига оиласининг иккита асосий пул жамгармаси ташкил этилади:

- оиласининг шахсий эҳтиёжларини кондириш (озик-овқат маҳсулотлари, саноат ишлаб чиқариши товарларини харид қилиш, турли пулли хизматлар хакини тўлаш) учун мўлжалланган истеъмол жамгармаси;
- келгусида кимматбаҳо товарларни харид қилиш ёки фойда олиш учун капитал сифатида фойдаланиладиган омонатлар жамгармаси.

Даромадларни жамгарма шакли уй хўжалигининг эҳтиёжини хўжалик аъзоларининг имконияти билан боялаш ҳамда оиласидаги ҳар бир кишининг эҳтиёжи қандай кондирилаётганлигини назорат қилиш имконини беради. Шуларни инобатга олганда уй хўжаликлирида молиявий ресурсларни шаклланиш ва уларни тақсимлаш функциялари амал қилиши мухим хисобланади.

Үй хўжалиги молияси — оила аъзоларининг якка тартибдаги меҳнат фаолияти натижасида яратиладиган пул маблагларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлик иқтисодий пул муносабатлари йигиндиси хисобланади.

Үй хўжаликлари молиявий ресурсларни тақсимлаш функциясини бажарган ҳолда ишлаб чиқариш омилларидан бири сифатида ишчи кучини қайта тиклаш жарёнинг узлуксизлигини моддий ресурслар билан таъминлади. Үй хўжалиги молиясининг айнан ушбу функцияси орқали ҳар бир инсонни унга хаёт кечириш учун зарур бўлган ресурслар билан таъминлаш амалга оширилади.

Үй хўжалигининг молиявий муносабатлари иккита гурухни ўз ичига олади:

1) иш ҳаки, пенсиялар, нафакалар ва ҳ.к. кўринишида бошлангич даромадларни яратган ҳолда ушбу хўжалик бирлиги билан молия тизимининг бошка бўғинлари (давлат молияси – бюджетлар ва бюджетдан ташкири фонdlар ҳамда тижорат ташкилотлари ва корхоналарининг молияси) ўртасидаги муносабатлар;

2) маблаглар алоҳида ажратилган пул жамғармаларини хосил килган ҳолда тақсимланадиган ва алоҳида ажратиладиган ҳолларда үй хўжалигининг аъзолари ўртасидаги муносабатлар.

Үй хўжалигининг соғ даромади – умумий даромаднинг солиқлар ва бошка маҗбурий тўловлар тўланганидан кейин үй хўжалигининг ихтиёрида коладиган кисми тақсимлаш функцияси амал килишининг обьекти хисобланади. Таксимлашнинг субъектлари жумласига үй хўжалигининг барча иштирокчилари киради.

Бозор иқтисодиёти шароитида үй хўжалиги мустакил хўжалик юритувчи субъект хисобланади, яъни үй хўжалиги аъзоларининг турмуш даражаси унинг улушига тўгри келадиган даромаднинг миқдорига боғлик. Ушбу миқдорга бир катор омиллар таъсир кўрсатади. Ушбу омиллар таъсири остида у ҳам ошиб, ҳам камайиб туриши мумкин. Шунинг учун истеъмолнинг одатий даражасини саклаб туриш максадини кўзлаган ҳолда үй хўжалиги турли жамғармалар бўйича олинган даромаднинг тақсимланиши, ушбу жамғармалар маблагларидан максадли фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириши зарур. Бу үй хўжалиги молиясининг назорат функцияси хисобланади.

Үй хўжаликлари молиясининг яна муҳим бир функцияси – инвестициялаш функцияси хисобланади. У шундан иборатки, үй хўжаликлари иқтисодиёт учун асосий молиявий ресурслар таъминотчилиаридан бири хисобланади. Үй хўжаликлари даромадларининг ўсиши мазкур функцияни бажариш учун моддий асос хисобланади. Кўпинча үй хўжаликларининг инвестициялаш функцияси факат капиталлаштириладиган даромадтар улуси билан боғланади. Лекин бу бир томонлама ёндашув хисобланади. Аслида эса истеъмол улушкининг ортиши иқтисодиётда инвестицияларнинг ўсишига хизмат килувчи омил хисобланади.

Статистик маълумотларга кўра, 2005 йилда асосий капиталга уй хўжаликлари 361,1 млрд. сўм инвестиция киригтан, бу кўрсаткич 2011 йилда 2005 йилга нисбатан 9,3 марта ошган ёки 3357,5 млрд. сўмга тенг бўлган. Бу мамлакат ЯИМ нисбатан 4,3 фоизни, жами инвестицияларга нисбатан эса 18,4 фоизни ташкил этади (14.5-жадвал).

14.5-жадвал

Ўзбекистонда уй хўжаликларининг асосий капиталга инвестициялар киритиш динамикаси

Кўрсаткичларни	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	(млрд. сўм)
								2011 й.да 2005 й.га нисбатан Числа, %
Асосий капиталга инвестициялар	3165,2	4041,0	5903,5	9555,9	12531,9	15338,7	18291,3	5,8
ЯИМга нисбатан %да	19,9	19,1	20,9	24,5	25,4	24,6	23,5	3,6 ф.п.
Ахоли маблаги	361,1	477,9	643,8	834,6	1325	2448,9	3357,5	9,3
ЯИМга нисбатан %да	2,3	2,3	2,3	2,1	2,7	3,9	4,3	2,0 ф.п.
Умумий инвестицияга нисбатан %	11,4	11,8	10,9	8,7	10,6	16,0	18,4	7,0 ф.п.

Манба: ЎзР Иктисолидёт вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

Уй хўжаликларининг молиявий ресурслари қўйидаги манбалардан келиб тушадиган маблаглар ҳисобига шакланади:

- ўз маблаглари, яъни онланинг ҳар бир аъзоси томонидан ишлаб топилган маблаглар – иш ҳаки, дехкон хўжалигидан келадиган даромад, тижорат фаолиятидан кўриладиган фойда;
- кредит ташкилотларидан олинган кредит шаклида бозорга сафарбар этилган маблаглар, дивидендлар, фоизлар;
- кайта тақсимлаш тартибида келиб тушган маблаглар – пенсиялар, нафакалар, бюджетлардан ва бюджетдан ташқари фонdlардан олинган ссудалар.

Уй хўжалиги пул маблаглари марказлаштирилган молия (давлат ва маҳаллий бюджетлар ҳамда бюджетдан ташқари ижтимоий фонdlар), мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналарнинг марказлашмаган молияси ва молиявий бозор билан ўзаро ҳамкорлик килади. Улар ўргасида узлуксиз пул окимлари юзага келади.

Пул окимлари уй хўжаликлида тижорат корхоналари, фермер хўжаликлари, турли ташкилотлар, ижтимоий соҳа ва истеъмол бозори субъектлари билан ҳам юзага келади (14.5-расм). Улардан товар ва хизматларни кўлга киритиб, уй хўжаликлари уларга пул шаклида олинган турли неъматлар кийматини кайтаради. Шу билан бирга юридик шахслар уй хўжаликларини мазкур жамоа аъзоларида тегишли мулк мавжуд бўлган холларда кредит ресурсларий, фойда, дивидендлар, фонdlар, ижара тўлови билан ҳам таъминлашлари мумкин.



- 1-трансферлар;
 2-солик ва бошка тўловлар;
 3-пул даромади (иш хаки ва б.);
 4-ишли кучи, махсулот, хомаше;
 5-максулот ва хизматлар;
 6-мутахассислар;
 7-хизматлар;
 8-ишичи кучи;
 9-ресурслар ва хизматлар;
 10-тўловлар;
 11-жамгарма пули;
 12-кредит

14.5-расм. Уй хўжаликларининг бошқа иқтисодиёт субъектлари билан ўзаро алоқалари

Уй хўжаликларининг иқтисодиётдаги роли яна шунда намоён бўладики. улар, бир томондан, корхоналарнинг бирламчи эгалари бўлгани ҳолда уларга ишлаб чиқариш омилларини тақдим этади, иккинчи томондан, тўловга кодир талабни шакллантирган ҳолда бозорда корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларнинг харидорлари сифатида иштирок этади. Уй хўжаликлари иқтисодий фаолиятда иштирок этишининг асосий мотиви – унинг аъзоларининг моддий эҳтиёжларини имкон қадар тўлиқ кондиришдан иборат.

14.5. Ўзбекистон иқтисодиётидаги Уй хўжаликларининг ўрин ва ривожланишиш тенденциялари

Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилган институционал ислохотлар жараёнида шахар ва кишлек ахолиси уй хўжаликлари ривожланишини ҳар томонлама кўллаб-кувватлаш ва

рагбатлантириш тизими шаклланди. Унга мувофиқ уй хўжаликларига кўшимча ер участкалари ажратиш, кам таъминланган оилалар учун корамоллар, пул маблаглари ҳамда ёш оилаларга уй – жой бериш йўлга кўйилган. Натижада мамлакат бўйича уй хўжаликлири сони ҳамда даромадлари кескин кўпайди, айниқса, уларнинг тадбиркорлик фаолияти ривожланиши тезлашиди.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, мамлакат иктисолидётида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 2000 – 2004 йилларда ўртача 4,1 фоизга, 2005 – 2007 йилларда 8 фоизга, 2008 йилда 9 фоизга тенг бўлган бўлса, жаҳон молиявий-иктисолид инкирози даврида кўплаб хорижий давлатларда (масалан, АҚШ, Япония, Германия ва б.) иктисолид ўсиш сезиларли даражада пасайган бир пайтда, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2009 йилда 8,1, 2010 йилда 8,5, 2011 йилда эса 8,3 фоизга тенг бўлди. Умуман олганда, 2000–2011 йиллар давомида Ўзбекистонда ЯИМ 2 мартаңдан кўпрокка ошиди [21].

Мамлакатимиз ахолиси сонининг мунтазам ўсиб боришига қарамай, ЯИМ ўсиш суръатлари ахоли жон бошига уни ишлаб чиқаришни ошишини таъминлаб берди. Агар ахоли сони 2011 йилда 2005 йилга нисбатан 11,7 фоизга кўпайган бўлса, шу даврда ахоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ 4,4 марта ошгани бунинг исботи ҳисобланади. Шу билан бир вактда ахоли умумий даромади шу даврда 11674 млрд. сўмдан 63282 млрд. сўмни ташкил этди. Ёки ушбу кўрсаткичнинг ўсиши 2011 йилда 2005 йилга нисбатан 5,4 мартаға ошган.

Бундай ижобий ўзгаришларда республика уй хўжалиги сектори ҳам ўзига хос ўрин тутади. Статистик маълумотларга қараганда, республикада 2010 йилда 5389,1 мингта ва 2011 йилда 5752,8 мингта уй хўжаликлири мавжуд бўлиб, улар сони 2005 йилга солиштирганда 12,1 фоизга ошган. Эксперт баҳоларга қараганда республикада шулардан 3,7 млн. ден ошиги кишлоқ ахолиси уй хўжаликлири ҳисобланади.

Республика шаҳар ва кишлоқ туманларини ҳам кўшиб олганда, уй хўжаликлири сони (2011 й.) Самарканд (646,8 минг), Фарғона (644,6 минг), Тошкент (536,9 минг), Кашқадарё (518,9 минг), Андижон (472,5 минг), Наманган (448,6 минг) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида (606 минг) энг кўп ҳисобланади. Бундай юкори кўрсаткичлар ушбу минтақаларда ахоли сони кўплиги билан тавсифланади.

Ўзбекистонда уй хўжаликлири сонининг ошиши уларга якка тартиба уй-жой куриш ҳамда дехкон хўжалиги юритиш учун ажратиб берилаётган томорка ерларининг кўпайишига олиб келмоқда.

Ўзбекистонда уй хўжаликлири ихтиёридаги умумий ер майдони 2000 йилда 579,3 мингга гектарни ташкил этган ва бу кўрсаткич 2011 йилда 617,2 мингга тенг бўлган (14,6-жадвал). Шундан кишлоқ хўжалиги ерлари 500 минг гектардан ошик бўлиб, 2000 йилга солиштирганда 6,9 фоизга кўпайган. Уй хўжаликларига берилган ҳайдаладиган ерлар 2011 йилда 421,7 минг гектарни ташкил этган ва бу республикадаги бутун ҳайдаладиган ерларнинг 10 фоизидан кўпрогини ташкил этади. Уй хўжаликларига ажратилган ерларнинг 474,2 гектарида кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиради (дехкон хўжаликлири

шаклида) ва бу ер майдони 2011 йилда 2000 йилга нисбатан такрор экинларни хам кўшиб ҳисоблаганда 18 фоизга кўпайган.

14.6-жадвал

Ўзбекистонда уй хўжаликлари ер майдонларининг таркиби ва улар ўзгариш динамикаси

Йиллар	Умумий ер майдони		Кишлек хўжалиги ерлари		шундан				Экин майдони, минг га**
	минг га	%*	минг га	%*	ҳайдаладиган ерлар	%*	бог ва узум юрлар	%*	
2000	579,3	2,3	468,2	2,3	395,9	9,8	72,4	21,3	401,5
2005	612,1	2,7	497,3	2,9	422,8	10,5	74,5	22,9	441,9
2006	623,4	2,8	509,3	2,9	434,8	10,8	74,5	23,2	454,8
2007	622,5	2,8	507,6	2,9	432,9	10,7	74,7	23,0	458,0
2008	621,7	2,8	506,0	2,9	430,6	10,6	75,4	23,0	466,7
2009	621,4	2,8	505,0	2,9	426,1	10,5	78,9	23,9	472,8
2010	619,2	2,9	502,7	3,1	423,8	10,5	78,9	23,6	471,8
2011	617,2	3,0	500,6	3,2	421,7	10,4	78,9	23,4	474,2
2011 йилда 2000 йилга нисбатан ўсми, %	6,5	0,7 ф. п.	6,9	0,9 ф. п.	106,5	0,6 ф. п.	8,9	2,1 ф. п.	18,0

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

* Республика кишлек хўжалиги ерларида деҳқон хўжаликлари ерларининг улуси

** Такрор экинлар майдони билан

Умуман олганда уй хўжаликлари улушига республикадаги жами ер майдонларининг 3 фоизи (2011 й.), кишлек хўжалик ерларининг 3,2; ҳайдаладиган ерларнинг 10,4 фоизи тўғри келади.

Республикада доннинг 18,3 фоизи, картошканинг қарийб 80 фоизи, сабзавот маҳсулотларининг 63,9 фоизи, меванинг 51,1 фоизи, узумнинг 42,7 фоизи уй хўжаликларида ишлаб чиқарилади. Ушбу фоиз кўрсаткичлари 2005 йилга нисбатан бирмунча пасайган (дон маҳсулотларидан бошқа) бўлсада, уларни ишлаб чиқариш ҳажми шу даврда ўсиб бориш тенденциясига эгадир. Масалан, уй хўжаликларида картошка ишлаб чиқариш 2011 йилда 2005 йилга нисбатан 67,2 фоизга, сабзавот – 64,5; мева – 55; узум – 40 фоизга ошган. Шу билан бир вактда, уй хўжаликларининг чорва моллари ва паррандаларнинг бош сони хамда маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги ўрнининг юкори даражаси сақланиб қолмоқда.

Кишлек хўжалигидаги кора моллар сонининг 90 фоизидан кўпроғи, кўй ва эчкиларнинг қарийб 80 фоизи, паррандаларнинг 60 фоиздан ортиги уй хўжаликларида жойлашган. Республикада ўртача битта уй хўжалигига (кишлек жойларида) 2,3 бош корамол (шундан бир боши соғин сигир), 3,3 бош кўй ва эчки, 6 бош парранда тўғри келади.

Статистик маълумотларга кўра, 2011 йилда 2000 йилга солиширигандан уй хўжаликларида корамоллар сони 1,8 марта, шундан сигирлар 1,7 марта кўпайган. Бу уй хўжаликларининг республика бўйича шу даврда корамоллар подасидаги улушини 7,2 фоиз пунктига, сут ишлаб чиқариш ҳажмини эса 1,9 марта ошириш имкониятини берди. Шу билан бир вактда ушбу даврда кўй ва эчкилар, паррандалар сони мос равишда 2 ва 2,5 марта ошган. Булар ҳаммаси республика уй хўжаликларида гўшт ва тухум ишлаб чиқариш ҳажмини тез суръат билан ўсиб боришини таъминлади.

Экинлар ҳосилдорлиги ҳамда 1 гектар ердан олинган маҳсулот қийматларини такъослаш шундан далолат берадики, республика уй хўжаликлири, мамлакатимизда тобора ривожланиб бораётган фермер хўжаликларига нисбатан юкори иктисадий кўрсаткичларга эга. Буни биринчи навбатда экинлар ҳосилдорлигининг ўсиш тезлиги ҳамда уларнинг жисмоний ҳажмининг ўзгаришида кузатиш мумкин.

Статистик маълумотларга кўра, дон ҳосилдорлиги фермер хўжаликларида 2011 йилда 2000 йилга нисбатан қарийб 2 марта, дехкон хўжаликларида эса шу даврда 1,5 марта ошган. Аммо, дехкон хўжаликларида дон экинлари ҳосилдорлиги бир гектаридан 2011 йилда 59,6 центнерга, фермер хўжаликларида эса 43,5 центнерга тенг бўлган. Ёки шу даврда дехкон хўжаликларида 1 гектар ердан фермер хўжаликларига нисбатан 16,1 центнер кўп дон ҳосили этиширилган (14.7-жадвал).

Худди шундай нисбатлар картошка, сабзавот, полиз ва бошка маҳсулотлар ҳосилдорлигининг ўзгариш динамикасида ҳам кузатилади. Бундай ижобий ўзгаришларни фермер ҳамда дехкон хўжаликларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қийматининг ўзгаришида ҳам кўриш мумкин.

14.7-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, 2000 – 2011 йиллар давомида фермер хўжаликлари маҳсулоти қийматининг 18,3 марта, дехкон хўжаликларида эса 10,7 марта ошган. Дехкон хўжаликлири 2011 йилда, фермер хўжаликларда ишлаб чиқарган маҳсулотлар қийматига нисбатан 11,2 марта кўп маҳсулот ишлаб чиқарган. Ушбу нисбат 2000 йилда 19,2 марта ташкил этган. Бундай ҳолатни, биринчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги дехкон хўжаликларининг катта тажрибаси билан ва иккинчидан, улар маҳсулотлари таркибида бозор баҳоси нисбатан юкори бўлган гўшт, сут, тухум ҳамда уй шароитида қайта ишланган маҳсулотлар улуши катталиги билан изохлаш мумкин.

Мамлакатимиз уй хўжаликларида дехкончиллик ва чорва маҳсулотларини аҳоли ва бозор талаблари асосида диверсификация килиниши, давлат томонидан уларни қўллаб – қувватлаш, нафакат уй хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришини узлуксиз ривожига ва таркибий ўзгаришларга олиб келди, балки уй хўжалигида маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

**Ўзбекистон уй хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари
ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари**

Йиллар	Асосий экши турлари хосилдорлиги, кг/га							
	Дон экшиларни		Картошка		Сабзавот		Полиз	
	Фермер	Деҳқон	Ф/х	Д/х	Ф/х	Д/х	Ф/х	Д/х
2000	22,3	38,8	118,5	143,5	154,1	228,7	77,7	185,0
2005	38,1	53,6	158,3	189,0	221,3	273,2	138,9	238,3
2006	39,5	54,2	208,3	192,3	290,1	273,8	167,9	243,9
2007	41,4	57,1	226,1	211,9	292,5	294,6	194,2	247,8
2008	40,2	58,8	228,8	235,2	304,6	330,5	201,7	269,1
2009	43,7	57,5	263,8	241,5	343,8	346,5	234,3	254,9
2010	42,4	58,8	214,8	247,9	374,9	362,9	225,7	277,7
2011	43,5	59,6	219,9	257,7	368,9	373,3	230,9	290,2
2011 йилда 2000 йилга нисбатан, марта	2,0	1,5	1,9	1,8	2,4	1,6	3,0	1,6

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузиленган.

Шундай килиб, таъкидлаш мумкинки, уй хўжаликларида ердан фойдаланиш ҳамда деҳқон хўжалигини юритиш иктисодий жиҳатдан бошқа тоифадаги хўжаликларга нисбатан самарали ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олганда уй хўжаликларини мамлакатимиз ва унинг ҳудудлари ривожидаги роли ва аҳамиятини янада ошириш, улар салоҳиятидан тўлик фойдаланиш имкониятларини баҳолаш мухим ҳисобланади.

Қисқачча ҳулоса

Институционал ёндашув асосида уй хўжалигини барча ҳусусиятларга эга бўлган ўзига хос ташкилот (иктисодиёт субъекти) сифатида таърифлаш мумкин.

Уй хўжалигининг асосий функцияси инсон капиталини асрар ҳисобланади. Ушбу функцияни самарали бажарилиши ўзаро боғлик ҳамда бошқа иктисодий функцияларнинг ажратилиши билан белгиланади.

Хозирги бозор муносабати шароитида уй хўжалиги бошқа иктисодий субъектлар билан доимий ўзаро ҳамкорликка киришади. Шунинг учун уй хўжалигини институционал ривожлантириш жараёни доирасида уларнинг давлат билан ўзаро муносабатлари муаммоси долзарб аҳамият касб этади.

Уй хўжаликлари ривожланишининг хозирги босқичида, уларнинг умумий даромади асосан учта манба ҳисобига шаклланмоқда, яъни меҳнат ҳақи, тадбиркорлик ва мулкдан олинган даромадлар ҳамда ижтимоий тўловлар. Барча манбалар ичida уй хўжаликлари даромадларининг оила тадбиркорлиги фаолиятидан олинган қисми ҳисобига улар кўпайиши кузатилмоқда.

Талнч сўз ва иборалар

Уй хўжалиги, оила, инсон капитали, химоя вазифалари, буйруқбозлик иқтисодиётида уй хўжалиги, бозор иқтисодиётида уй хўжалиги, ўтиш иқтисодиёти даврида уй хўжалиги, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш, молиявий ресурслар, жамғармалар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Уй хўжалиги таърифини келтиринг ва унинг ташкилот сифатидаги ўзига хос хусусиятлари нималардан иборатлигини айтинг.
2. Оила билан уй хўжалиги ўртасидаги фарқ нимада?
3. Уй хўжалигини юритиш ва инсон капиталини шакллантиришда кандай вазифалар амалга оширилади?
4. Уй хўжалигининг кандай шакллари мавжуд ва уларнинг ўзаро фарқи нимада?
5. Уй хўжаликлари кандай иқтисодий функцияларини бажаради?
6. Уй хўжаликларининг молиявий функцияларига нималар киради?
7. Ўзбекистонда уй хўжаликларининг ривожланиш тенденцияларини изохлаб беринг.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Расмий манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси “Мулк тўғрисида”ги Қонуни. 1990 й. 31 октябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси “Давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. 1991 й. 19 ноябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 й. 8 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 1996 й. 26 апрель.
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. 1996 й. 29 август.
6. Ўзбекистон Республикаси Солик Кодекси. 1997 й. 24 апрель.
7. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси. 1998 й. 30 апрель.
8. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодекси. 1998 й. 24 декабрь.
9. Ўзбекистон Республикаси “Дехкон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. 1998 й. 20 апрель.
10. Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни. 1999 й. 14 апрель.
11. Ўзбекистон Республикаси “Хусусий тадбиркорлик кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида”ги Қонуни. 2000 й. 25 май.
12. Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча маъсулияти жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни. 2001 й. 6 декабрь.
13. Ўзбекистон Республикаси “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги Қонуни. 2003 й. 11 декабрь.
14. Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. 2004 й. 26 август.
15. Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ҳукуки ва турдош ҳукуклар тўғрисида”ги Қонуни. 2006 й. 20 июль.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартағи “Кишлек хўжалигига ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” ПФ-3226-сонли Фармони.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-3342-сонли Фармони.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июнданги “Тадбиркорлик субъектларини ҳукукий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3619-сонли Фармони.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги “2007 йилда кишлек хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-514-сонли Қарори.

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари ва маърузалари

20. Каримов И.А. Ўзбекистон иктисадий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. - 269 б.

21. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлашириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005.

22. Каримов И.А. Инсон манбаатлари устуворлигинй таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. //Халқ сўзи. 2009 йил 9 февраль.

23. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, уни Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009.

24. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

II. Масус китоблар ва шумай тўпламлардаги мақолалар

25. Агабекян Р.А., Бајдураян Г.А. Институциональная экономика: бизнес и занятость: Учебное пособие. – М.: Магистр, 2008.

26. Агеев А.И. Предпринимательство: проблемы собственности и культуры. - М., 1991.

27. Беркинов Б.Б., Неделькина Н.И. Имущественные отношения в сфере недвижимой собственности в Республике Узбекистан: V Международная научно-практическая конференция. Сборник тезисов. – Пенза: Пензенский государственный университет архитектуры и строительства, 2009, с. 22-25.

28. Беркинов Б.Б. Мулкчилик муносабатлари ролининг ўзгариши. //Иктисодий ислоҳотлар амалда: эришилган ютуклар, муаммолар ва иктисодиётнинг ривожланиш истиқболлари: Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиғига багишланган илмий-оммабоп мақолалар тўплами. – Т.: Иктисолиёт, 2009.

29. Беркинов Б.Б. Трансакция харажатларини камайтириш иктисолиёт ракобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили: Илмий анжуман маърузалари тўплами. – Тошкент: ЎзРФА Иктисолиёт институти, 2010.

30. Бренделева Е.А. Неинституциональная теория. Учебное пособие. /Под.ред. проф. М.Н.Чепурина. – М.: ТЕИС, 2003.

31. Введение в институциональную экономику: Учебное пособие. /Под.ред. Д.С.Львова. – М.: Из-во “Экономика”, 2005.

32. Веблен Т. Теория праздного класса. – М.: Прогресс, 1987.

33. Голышев В.А., Закирова С.А. Национальная экономика Республики Узбекистан в переходный период: Учебное пособие. – Т.: УМЭД, 2007.

34. Гребенников В.Г. Эволюция институциональных систем. - М.: Наука, 2004.

35. Грибов А. Ю. Институциональная теория денег: сущность и правовой режим денег и ценных бумаг. – М.: РИОР, 2008.

36. Гэлбрейт Дж.К. Экономические теории и цели общества. – М.: Прогресс, 1976.

37. Даглас К.Норт. Институты и экономический рост: историческое введение. – М.: 2003.

38. Данилов С.Ю. Конституционная экономика в зарубежных странах:

Учеб. пособие. /С.Ю.Данилов; Гос.ун-т – Высшая школа экономики. – М.: Изд. дом ГУ ВШЭ, 2008.

39. Институциональные основы формирования многоукладной экономики. Монография. /Под общ. ред. И.Л.Бутикова. – Т.: Консаудитинформ, 2002.

40. Институциональная экономика: Учебник. /Под общ. ред. А. Олейника. – М.: ИНФРА-М, 2009.

41. Институциональная экономика: новая институциональная экономическая теория: Учебник. /Под общей ред. д.э.н., проф. А.А. Аузана. – М.: ИНФРА-М, 2006.

42. Коуз Р. Фирма, рынок и право. – М.: Дело, 1993.

43. Кузьминов Я.И. Курс институциональной экономики: институты, сети, трансакционные издержки, контракты: учебник для студентов вузов. – М.: Изд.дом ГУ ВШЭ, 2006.

44. Неделькина Н.И. Институты права собственности в Республики Узбекистан. //Иқтисодий ислоҳотлар амалда: эришилган ютуқлар, муаммолар ва иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболлари: Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллигига багишлиланган илмий-оммабоп мақолалар тўплами. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.

45. Некипелов А. Становление и функционирование экономических институтов: от «рабинзонады» до рыночной экономики, основанной на индивидуальном производстве. – М.: Экономистъ, 2006.

46. Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. – М.: Фонд экономической книги «Начало», 1997.

47. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2009.

48. Ортиков А.А. Исоҳўжаев А.Т., Шестаков А.В. Хуфиёна иқтисодиёт: Ўқув кўлланма. /Масъул мухаррир – ю. ф. д., проф. У.Тожихонов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002.

49. Рыночные преобразования и развитие предпринимательства. //Сборник научных трудов НИИУРР. – Т.: Консаудитинформ, 2002. – 352 с.

50. Сухарев О.С. Институты и экономическое развитие. – М.: ООО ИКП «ДeКА», 2005.

51. Сухарев О.С. Институциональная экономика: теория и практика. /О.С.Сухарев; Ин-т экономики РАН. – М.: Наука, 2008.

52. Тарушкин А.Б. Институциональная экономика. Учебное пособие. – СПб.: Питер, 2004.

53. Ташматов Р.Х. Фермер хўжаликларининг институционал асосларини такомиллаштириш. // Иқтисодий ислоҳотлар амалда: эришилган ютуқлар, муаммолар ва иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболлари: Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллигига багишлиланган илмий-оммабоп мақолалар тўплами. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.

54. Ташматов Р.Х., Хашимов У. Особенности земельно-имущественных отношений в фермерских хозяйствах Узбекистана: V Международная научно-практическая конференция. Сборник тезисов. – Пенза: Пензенский государственный университет архитектуры и строительства, 2009.

55. Ходжсон Джейфри. Экономическая теория и институты: Манифест современной институциональной экономической теории. /Пер. с англ. – М.: Дело, 2003.

56. Шаститко А.Е. Новая институциональная экономическая теория, 3-е изд., перераб. и доп. – М.: МГУ, ТЕИС, 2002. – 591 с.

57. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация килиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўкув услугубий мажмуа. /Тузувчилар: Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Гофуров У.В. – Т.: Иктисадиёт, 2010. – 340 б.

58. Эванс Фрэнк Ч., Бишоп Дэвид М. Оценка компаний при слияниях и поглощениях: Создание стоимости в частных компаниях. /Пер. с англ. – М.: Алтыпина Бизнес Букс, 2004. – 332 с.

59. Эггерсон Т. Экономическое поведение и институты. – М.: ДЕЛО, 2001. 18-19 б.

60. On Economic Institutions: Theory and Applications. Alder-shot: Edrdward Elgar, 1995.

ГЛОССАРИЙ

Бозор конституцияси – бозорда битимларни амалга ошириш ва унда мувозанатга эришиш имконини берувчи хатти-харакатларнинг ўзаро шартланган нормалари йигиндисини ташкил этади.

Бюрократик рента – ўз лавозим мавқеидан нөконуний тарзда даромад олиш учун фойдаланувчи давлат амалдори томонидан олинган даромад (масалан, пора, совгалар ва х.к.).

Бюрократиянинг иқтисодий назарияси – ижтимоий танлов назариясининг йўналишларидан бири бўлиб, у кимматбахо неъматларни ишлаб чиқармайдиган ва даромадлари ўз фаолияти натижаларини сотиш билан боғлик бўлмаган ташкилотларнинг фаолиятини ўрганади.

Давлат – чегаралари унинг фуқароларга солик солиш қобилияти билан белгиланган жуғрофий ҳудудга жойлашган, ҳукмини амалга оширища қиёсий устунликка эга ташкилот.

Дисвазифа – бирор-бир орган, тизим, иқтисодий институт вазифаларининг асосан сифат жихатдан бузилиши.

Жамоавий хатти-ҳаракат харажатлари – Ж.Комманс методологиясидан келиб чиқкан ҳолда, институтларни ташкил килиш ва улар фаолиятини таъминлаш харажатлари.

Ижтимоий танлов назарияси – улар ёрдамида инсонлар ҳукумат муассасаларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланувчи турли усусларни ўрганувчи назария.

Институт – инсонлар томонидан барпо этиладиган ва ўзаро ҳамкорликни таркибловчи сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий меъёр ва коидалар.

Институт – жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб берувчи расмий коидалар ва норасмий нормалар тизими.

Институтопровайдер – неоинституционал назария доирасида – ишлаб чиқариш институтлари ва келишувлар ишлаб чиқувчиси ва тарқатувчиси ролини, институтлар инкубатори ролини (тегишли институционал мухитда янги институтларни етиштириш), якка тартибдаги институционал интегратор ролини (ушбу нормага амал қилувчилар таркибига янги индивидларни жалб этиш) бажарган ҳолда неоинституционал таркибига таъсир этувчи ташкилот.

Институционаллаштириш – индивидлар ўртасидаги муносабатларда жамият аъзоларининг катта қисми томонидан фойдаланиладиган муайян коидалар ёки нормаларни мустахкамлаш.

Институционал вакуум – илгариги хўжалик тизимини бошқариш механизмининг тугатилиши ва янги механизмнинг мавжуд эмаслиги туфайли институционал тизимда энг кам трансакция харажатларига эга битимларнинг амалга оширилишини қўллаб-куватлашга қодир расмий институтларнинг мавжуд эмаслиги ёки етишмаслиги.

Институционал матрица – тарихан барқарор шаклланган, дастлабки давлатларнинг пайдо бўлиши ва барча кейинги институционал тузилмаларнинг ривожланишини белгилаб берган, ўз навбатида, моҳияти ҳамон сакланиб

колган бирламчи моделни такрор яратишга хизмат қылувчи асосий ижтимоий институтлар тизими.

Институционал низо – расмий ва норасмий қоидалар ўртасидаги номувофиқлик натижаси. Бир ҳолатда, институционал низо истиқболсиз институтларнинг пайдо бўлиши, бошка ҳолатда эса самарасиз бўлса-да барқарор хосилалар – институционал тузокларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Институционал технология – институтларни жорий этиш (импорт қилиш), шунингдек, иктисадий тизим фаолияти трансакция харажатларининг пасайишига олиб келиш ва иктисадий ўсишни таъминлашга кодир янги институтларни ишлаб чикиш (етиштириш) билан боғлик технология.

Институционал тузок – ўзини-ўзи кўллаб-куватловчи хусусиятга эга самарасиз барқарор норма (самарасиз институт).

Иштирокчи – мол-мулкка нисбатан мулкчилик ҳуқуқидан жамиятта нисбатан талаб ҳуқуки эвазига воз кечувчи иктисадий агент.

Иктисадиётдаги маъмурӣ тўсисчлар – давлат органларининг қарорлари билан белгиланган, уларга амал килиш бозорда фаолият юритишнинг мажбурий шарти хисобланган, бюрократик тартиботларни ўташ учун одатда бюджетга тушмайдиган тўловларни жорий этувчи қоидалар.

Иктисадий империализм – неоклассик ёндашув асосида жамият тўгрисидаги фанларнинг бутун тарқоқ оиласини унификациялаш.

Келишувлар нисбатининг қўйидаги вариантлари мавжуд:

Муроса – унда турли келишувлар талаблари ўртасидаги зиддиятга барҳам берувчи синтетик нормалар намоён бўлувчи келишувлар нисбати.

Уриниш – унда бир ўзаро ҳамкорликнинг ўзи бир-бирини истисно этувчи нормалар асосида амалга оширилиши мумкин бўлган келишувлар нисбати.

Экспансия – унда ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш илгари бошка келишувлар ҳукмронлик қилган соҳалардаги келишувлардан бирининг нормалари асосида амалга ошадиган келишувлар нисбати.

Кооперация – инсонлар гурухининг ҳамкорлиги тури бўлиб, унинг натижасида бирор-бир ресурсларни биргаликда фойдаланиш якка тартибда фойдаланишдагига нисбатан яхшироқ натижаларга эришишга ёрдам беради.

Коррупцияни институционаллаштириш – қарорлар коррупцияланган сиёсатчилар томонидан хусусий компаниялар манфаатлари йўлида эмас, балки коррупцияланган бюрократик тузилмалар манфаатлари йўлида кабул қилинадиган маъмурӣ ва сиёсий коррупцияни синтез қилиш.

Коуз теоремаси: агар мулк ҳуқуки аниқ тафсирланган бўлса, яъни хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларининг чегаралари аниқ белгиланган бўлса ва икро этилса, у ҳолда томонлар ўртасидаги ушбу мулкдан фойдаланишдан етказилган зарарлар бўйича ихтилофли масалани учинчи томон (давлат)ни жалб этмаган қолда ҳал этиш мумкин, чунки мазкур ҳолатда трансакция харажатлари кам бўлади.

Коуз теоремаси (Ж. Стиглер томонидан ифодаланган): мукаммал ракобат шароитида хусусий ва ижтимоий харажатлар тенг бўлади.

Коуз теоремаси (Т. Эттертсон томонидан ифодаланган): агар трансакция харажатлари катта бўлмаса, у ҳолда иктисодиёт, ундаги мавжуд сиёсий ва бошқа институтлар тўпламидан катъи назар, оптимал траектория бўйича ривожланади.

Кредитор – тадбиркорлик фаолияти билан боғлик хатарлардан воз кечган сармоядор.

Лоббизм – давлат ҳокимиётининг конун чикарувчи ва ижро этувчи органларига мақсадли таъсир этиш йўли билан алоҳида ташкилотлар ва турли жамоатчилик гурухлари манфаатларини амалга оширишнинг алоҳида тизими ва амалиёти.

Мувозанатларнинг қўйидаги турлари мавжуд:

Парето бўйича мувозанат – ўйинчилардан бирининг ҳолатини, иккинчи ўйинчининг ҳолатини ёмонлаштирган ҳолда, яхшилаб бўлмайдиган вазият.

Штакельберг бўйича мувозанат – ҳеч бир ўйинчи ўз ютугини бир томонлама тартибда ошира олмайдиган вазият. Бунда қарор дастлаб биринчи ўйинчи томонидан қабул қилинади, сўнгра иккинчи ўйинчига маълум бўлади.

Нэш бўйича мувозанат – ўйинчиларнинг ҳеч бири ўз ҳаракатлари режасини ўзгартирган ҳолда ўз ютугини бир томонлама ошира олмайдиган вазият.

Устун стратегияли мувозанат – бошқа иштирокчининг ҳаракатларидан қатъи назар иштирокчига максимум фойдалиликни таъминловчи ҳаракатлар режаси.

Мураккаб утилитаризм – индивид томонидан ўз фойдалилигининг самарали фаолияти асосида оширилиши.

Мутассиблик (рутиня) – (французча “toutine” – ўрганилган йўл маъносини англатади) одатга кирган усул, бирор-бир фаолият тури учун одатдаги иш усули, ўзгаришдан чўчиш, тургунлик.

Норма – институционал мухитда индивидларнинг ўз танловини амалга оширишда фойдаланиладиган асосий унсур ҳисобланади.

Оддий утилитаризм – индивиднинг самарали фаолияти билан боғлик бўлмаган ҳолда ўз фойдалилигини оширишга интилиши.

Олий мулк – давлат мулкининг дастлабки шакли ҳисобланади.

Оппортунистик хатти-ҳаракатлар – ўз манфаатига эришиш учун алдаш, ёлғон, ўғирлик ва бошқа қабиҳликларни амалга ошириш.

«Принципал-агент» муаммоси – «агент»нинг «принципал» топшириги ва кўрсатмасини бажаришдаги хийласи (найранги). Хийла ишлатиш (найранг) аҳборот асимметрияси ва «агент» фаолияти устидан юкори даражадаги назоратнинг туфайли мумкин бўлади.

Расмий қонидалар – конституциялар, қонунлар, суд қарорлари, маъмурий хужжатлар.

Реклама – имкониятли харидорларга сотувчилар ҳакида маълумотлар бериш усули.

Сармоядор – тадбиркорлик ролидан воз кечган капиталист.

Солиқ бўшлиғи – назарда тутилаётган солиқ тушумларининг суммаси билан реал йигилган даромад ўртасидаги фарқ.

Табақали мулк – олдинги даврда асосий меҳнат шаронти бўлган табиий ресурсларга табақали монополиялар шаклланиши билан тавсифланади, мулкдорларнинг ўзларига «бириктирилган» мол-мулкни тасарруф этиш хукуки боргас сайин кенгайиши билан изоҳланади.

Ташкилий маданият – ташкилот аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи ва уларнинг жамоавий билимлари ва тажрибасининг ифодаси ҳисобланган меъёrlар, коида ва анъаналар йигиндиси.

Ташкилот - хукмронлик муносабатлари, яъни иштирокчиларнинг айримлари - «кагентлар» томонидан ўз ҳаракатлари устидан назорат хукуқининг унинг бошка иштирокчиси - «принципал»га топширилиши асосида курилган мувофиқлаштириш бирлиги.

Ташки таъсиrlар (экстерналийлар) – нархда ўз аксини топмаган кўшимча харажатлар ёки фойдалар. Ижобий ташки таъсиrlар бир иктисодий субъект фаолияти бошка субъектлар учун кўшимча фойдаларнинг пайдо бўлишига олиб келган ҳолларда юзага келади, бунда у ишлаб чиқарилаётган неъматнинг нархларида ўз аксини топмайди. Салбий ташки таъсиrlар бир иктисодий субъект фаолияти бошка субъектлар учун кўшимча харажатларни келтириб чиқарган ҳолларда юзага келади.

Трансакция – шартнома шаклига эга бўлган битим.

Трансакция харажатлари – ишлаб чиқариш жараёни билан боғлик бўлмаган харажатлар, хусусан, ахборотни тўплаш ва кайта ишлаш харажатлари, мунозараларни ўtkазиш ва карорлар қабул килиш харажатлари, шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва хукукий химоялаш харажатлари.

Трансакция харажатлари – мулкчилик хукукларини алмашиш ва химоялаш билан боғлик барча харажатлар.

Трансформация харажатлари – иктисодий тизимдаги эски институтларни тутатиш, янги институтларни шакллантириш (ёки импорт қилиш) ва мослаштириш билан боғлик харажатлар.

Уй хўжалиги – инсон капиталини ишлаб чиқаришнинг умумий вазифалари, яшаш, бюджет ва оила-қариндошлик алоқалари билан бирлашган кишилар гурухи.

Фирма ички тузилишининг вариантлари

Аралаш тузилма, агар бўлинмалардан бири унитар корхонадаги сингари фирма раҳбарияти томонидан тўлиқ назорат килинса, иккинчи бўлинма холдингдаги каби фирма раҳбариятига молиявий жихатдан қарам бўлса, учинчи бўлинма эса операцион мустақилликка эга бўлиб, мультидивизионал тузилмадаги каби ўз харажатини қоплаш тамойили асосида фаолият юритган тақдирда, юзага келади.

Мультидивизионал тузилма – маҳсулот турни, савдо марказига кўра ёки жуғрофий белги бўйича ўз харажатини қоплаш ва ўзини-ўзи молиялаш

тамойили асосида фаолият юритувчи ярим мухтор ишлаб чиқариш бўлинмаларини ташкил этишни назарда тутади.

Холдинг тузиласи – карорлар қабул қилиш ва «агентлар» ҳаракатлари устидан назорат жараёнини имкон қадар марказлашган тизимдан чиқариши намоён этади.

Унитар тузилма – хукмронлик муносабатларининг максимал даражада марказлашувини назарда тутади.

Хусусий мулкчиллик – индивиднинг жамоавий хўжалик фаолиятидан ажralиб чиқишини ўзида намоён этади.

Хуфиёна иқтисодиёт – унда иқтисодий фаолият конун доирасидан ташқарида амалга ошириладиган, яъни битимлар конундан, хўжалик турмушининг ҳукукий меъёрлари ва расмана коидаларидан фойдаланилмаган ҳолда амалга ошириладиган соҳа. Хуфиёна иқтисодиёт куйидаги уч унсурдан таркиб топади:

Норасмий иқтисодиёт – иқтисодий фаолиятнинг ошкора турлари, унда харажатларни пасайтириш мақсадида товар ва хизматларнинг қайд этилмаган тарзда ишлаб чиқарилиши ўрин тутади (таъкидлаш лозимки, давлатдан яшириладиган барча фаолият турлари ҳукукий меъёрлар билан тартибиға солиниши мумкин эмас ва мулкчиллик ҳукукларини химоялашнинг мүқобил механизмлари кўлланилишини талаб этади).

Соҳта иқтисодиёт – кўшиб ёзишлар, чайковчиллик битимлари, порахўрлик ва пулни олиш ҳамда бериш билан боғлиқ ҳар хил товламачилик ҳаракатлари иқтисодиёти.

Криминал иқтисодиёт – конуннинг (биринчи навбатда – Жиной ва Фукаролик кодексларининг) тўғридан-тўғри бузилиши ва мулкчиликнинг конуний ҳукукларига тажовуз қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият.

Хуфиёна иқтисодиёт – биринчи навбатда иқтисодий ҳолат, чунки ушбу сектор иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари оқилоналик мотиви ва иқтисодий фойда билан изохланади. Бу ерда фаолият юритувчи иқтисодий субъектлар ўзига хос "*homo economicus*" модели билан ёритилади.

Хуфиёна иқтисодиёт – у учун одатий хўжалик фаолиятини юритиша мавжуд конунларга амал қилиш харажатлари (трансакция харажатлари) ўз мақсадларига эришишдан кўриладиган фойдадан юкори бўлган инсонлар учун паноҳ (Э. де Сото).

Шартнома – белгаланган институционал доираларда шахсларнинг онги равишда ва эркин танлови натижаси ҳисобланган мулкчиллик ҳукуклари билан алмашиш ва уларни химоялаш тўғрисидаги келишув.

Сотии тўғрисидаги шартнома – бир хил даражада хатарга бетараф бўлган шахслар ўртасидаги келажакда шартноманинг бажарилиши жараёнida амалга ошириладиган вазифалар доирасини белгилаб берувчи келишув.

Ёллаш тўғрисидаги шартнома – хатарга бетараф бўлган шахс ва хатарга карши шахс ўртасидаги келажакда шартноманинг бажарилиши жараёнida амалга оширилиши мумкин бўлган вазифалар доирасини белгилаб берувчи

келишув. Бунда хатарга карши шахс хатарга бетараф бўлган шахсга ўз харакатлари устидан назорат қилиш хукукини топширади.

Шартномавий давлат – факат унга фукаролар томонидан топширилган хукуклар доирасида ва уларнинг манфаатлари йўлида куч ишлатиш монополиясидан фойдаланувчи давлат, фукаролар эса соликларни тўлашга мажбурият деб эмас, балки ўз зиммасига ихтиёрий равищда олинган бурч сифатида карайди.

Эксплуататорлик давлати ўз даромадини (солик тушумларини), аникроги, - давлат аппаратини назорат қилувчи гурухнинг даромадини ошириш учун мажбур қилиш монополиясидан фойдаланади.

Экстремал вазиятлар – мулк хукукини қайта тақсимлашни қонуннинг кабул қилиниши натижасида зарар кўрган томонларни хуфиёна харакат қилишга ундейдиган ҳолат.


Кариндош-уругчиллик капитализми – сиёсий ва иктисодий иерархияда ролларнинг кариндошчиллик ёки ошначиллик белгиси бўйича, яъни бирор-бир оиласиб қавмга ёки “калин дўстлар” жумласига киришига кўра тақсимланishi.

Хисоб-китобларнииг пулсиз шакли – бартер алмашуви, ўзаро хисоб-китоб (клиринг) схемалари, шунингдек, нотижорат йўли билан барча кредитлаш турлари (шу жумладан, тўламасликлар).

“Институционал иқтисодиёт” ўкув кўлланмасига иловалар

1-илюстрация


Ўзбекистон Республикасида 2005-2011 йилларда ялпи ички маҳсулот суръатлари (олдинги йилга нисбатан фонзда)



Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.


2-илюстрация

Ўзбекистон Республикасида 2005-2011 йилларда ялпи ички маҳсулот суръатлари (млн. долларда)




Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

**Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулот таркиби
(жамига нисбатан фоизда)**



Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикасида 2005-2011 йилларда инвестициялар суръатлари (аввалги йилга нисбатан фоизда)



Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

**2005-2010 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши
(Фондда)**

Молиялаштириш манбалари	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Давлат бюджети	12,2	10,4	8,0	8,5	8,1	5,6
Чет эл инвестициялари ва кредитлари	21,7	18,5	24,5	30,0	32,4	28,3
Корхоналар ва ахоли маблаглари	57,5	60,2	56,6	50,0	46,9	49,0
Банк кредитлари ва бошқа карз маблаглари	3,8	4,1	5,1	5,4	5,2	9,7
Бюджетдан ташкири фондлар	4,8	6,8	5,8	6,1	7,4	7,4

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.


**2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган Инвестицион
лойиҳалар дастури (иқтисодий тармоқлари таркибида, млн долл.)**



Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

2005-2011 Ыштарда ташкесавын күрсөткүчлөрдин динамикасы (млн. долл.)

7-шабака



Мәнбә: ҮзРД дыялгат статистика құмитасы мәденияттеги ассоциацияның түзүлгөн.

Иктисолиёт тармоқлари бўйича корхона ва ташкилотларининг таҳсилманиши (1 январга; МИНГ)

	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009* й.	2010* й.	2011* й.
Жамон												
ШУ ЖУМЛАДАР:												
саноат	21,9	21,2	21,7	24,5	27,9	28,9	28,1	29,0	28,2	28,7	31,7	35,5
жинишок ва тўмон хўжалиги	41,4	60,4	77,3	106,8	125,0	152,5	186,0	252,7	281,2	62,1	62,6	57,1
курниши	14,1	13,5	13,7	14,7	15,6	16,4	16,9	18,2	19,3	20,0	21,7	22,4
транспорт ва аломат	2,6	2,7	2,8	3,2	3,5	3,8	4,2	5,3	6,0	7,2	8,6	9,6
савдо ва узумнии овакатланиш	63,8	63,1	62,1	63,2	61,7	63,4	60,7	62,9	66,7	68,8	72,3	76,3
моддин-техника таъминоти ва	1,5	1,2	1,1	0,9	0,8	0,6	0,5	0,2	0,3	0,3	0,3	0,4
сотилиш												
таджирбов	1,2	1,1	1,2	1,4	1,7	1,9	1,9	2,2	2,2	2,1	2,3	2,3
ахборот-хисоблаш хизмати	0,4	0,4	0,4	0,5	0,7	0,8	1,0	1,3	1,7	2,1	3,1	3,7
жой-жой коммунал ҳўжаланинг												
ахолига маанини хизмат кўрсатишни												
нингномалаб чиқарни турларни	1,9	2,0	2,0	2,2	2,4	2,4	2,4	2,7	3,0	3,4	3,8	4,0
соглини сақлаш	4,8	5,4	5,8	6,4	16,4	6,5	6,6	7,5	9,3	9,7	10,2	10,4
маориф	2,2	4,9	6,2	6,6	6,6	6,4	5,3	5,3	13,0	13,4	16,4	18,6
маданият ва санъат	1,7	1,7	1,8	1,8	1,8	1,9	1,8	1,8	1,8	1,9	2,0	
фен ва илмий хизмат кўрсатиш	1,6	1,3	1,3	1,2	1,1	1,4	1,8	1,1	1,1	1,0	1,0	1,0
мөслим - кредит берниш ва сугутга	1,1	1,0	0,7	0,7	0,6	0,6	0,6	0,6	0,6	0,7	0,7	0,8
илоратнор												
бончарув органлари аппарати	7,0	11,3	11,6	11,6	11,8	11,6	11,6	11,7	12,0	12,8	13,1	13,2
бончалар	9,5	9,7	10,4	11,7	13,1	13,8	14,1	14,9	15,5	16,3	17,2	18,3

Манба: Йиллик статистик тўплам. 2008. Ўзбекистон Республикаси Даъват статистика қўмигаси. – Т., 2009.-200 б. Йиллик статистик тўплам. 2012. -186 бет.

*2009-2011 й. й. фермер ҳўжаликлариниң.

Корхона ва ташкынотларниң мүлжымлар шақылдари бүйнча таксимланыш (1 январга; минг)
(фермер хұжаттарынан)

	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Жемін	157,4	165,7	187,2	196,3	210,9	218,5	231,8	250,1	257,7	274,4	283,4
Шу жумаладан мүлжымлар											
шакипарға бүйнеш:											
дашт	25,0	26,2	26,1	26,0	25,3	24,2	24,0	32,7	34	36,9	39,4
нодалыкт	132,4	139,4	161,1	170,3	185,5	194,3	207,8	217,4	223,7	237,5	244,0
унардан:											
фуқаролар хусусий мүлки	77,1	78,5	84,8	92,4	94,6	91,5	95,2	98,5	100,5	104,5	107,3
акимділорлық жамандары	7,8	7,7	7,6	5,0	2,5	2,2	2,0	1,9	1,8	1,4	1,2
чет зе фуқароларға да	2,9	2,9	3,0	3,2	3,4	3,6	3,8	4,1	4,3	4,4	4,6
тапшылғандардың күтімі корхонанары											
бөшке нодалыкт мүлж шакипары	44,6	50,4	65,7	69,7	85,0	97,0	106,8	112,9	117,1	127,2	130,9

Мәндер: Қызылжы статистик түлпам. 2008. Ұзбекистон Республикасы. Давлат статистика қызметтерінен. -Т., 2009.-2011. Қызылжы статистик түлпам. 2012. -187 бер.

Корхона ба ташкилотларнинг корхона турлари бўйича таъсимиланниши (1 январга; минг)
(фермер хўжаликларисиз)

	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005* й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Жами	157,4	165,7	187,2	196,3	210,8	218,5	231,8	250,1	257,7	274,4	283,4
шу жумладан корхоналар:											
ўрга	6,9	7,0	6,9	-	-	-	-	-	-	-	-
кичик	21,5	21,3	22,4	18,5	16,1	15,5	16,6	18,7	19,6	22,2	21,7
микрофирмалар	109,1	116,6	137,4	159,8	156,4	164,7	176,3	185,0	190,6	202,0	210,0
босқинар	19,9	20,8	20,5	18,0	38,3	38,3	38,9	46,4	47,5	50,2	51,7

Максба: Ўзбеклик статистик тўлиғам. 2008. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика юрмаси. –Т., 2009. -201 б. Ўзбеклик статистик тўлиғам. 2012. -187 бет.

* Вазирлар Махкамасининг 11.10.2003 йилдаги 439-сонли карорига асосан.

Иқтисодиёт секторларининг ялпи ачки маҳсулот (ЯИМ) улуши, фоиз

1992 йил

2008 йил


2011 йил




Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши

2006 йил



2010 йил



Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

**Ўзбекистонда давлат ва нодавлат секторларининг нисбати, 2011 йилда
умумий ҳажмга нисбатан фоизда**



Манба: ЎзР. Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистонда мулк ҳукукининг асосий минбалари

I. ЎзР Конституцияси; ЎзР Фуқаролик кодекси; ЎзР Ер кодекси.

II. “Давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги ЎзР Конуни; “Мулк тўғрисида”ги ЎзР Конуни; “Давлат ўй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида”ги ЎзР Конуни; “Муаллифлик ҳукуки ва турдош ҳукуклар тўғрисида”ги ЎзР Конуни; “Хусусий тадбиркорлик кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида”ги ЎзР Конуни; “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳукукларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎзР Конуни.

III. “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги ЎзР Конуни; “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги ЎзР Конуни; “Фермер ҳўжалиги тўғрисида”ги ЎзР Конуни; “Дехқон ҳўжалиги тўғрисида”ги ЎзР Конуни; “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги ЎзР Конуни ва бошқалар.

Мулк ҳуқуки институтининг асосий тамоҳияллари

- 1) хусусий мулкнинг давлат мулки билан бир каторда конституцияйи тан олиниши ва давлат мулкнинг ҳам, хусусий мулкнинг ҳам юридик жиҳатдан тенг ҳимояланиши;
- 2) ҳар кандай объектнинг хусусий мулк сифатида тан олиниши, қонунда кўрсатиб ўтилганлар бундан мустасно;
- 3) якка тартибдаги шахснинг хусусий мулкида бўлган объектлар сифати ёки кийматига чекловларнинг мавжуд эмаслиги;
- 4) хусусий мулк унинг мулкдори томонидан исталган вактда учинчи томонга мулкни топшириш усулларини тартибга солувчи тегишли қоидаларга амал юзинган ҳолда топширилиши мумкинлиги;
- 5) хусусий мулк обьекти ашёларни ҳам, мулкий ҳуқукларни ҳам ўз ичига олиши;
- 6) хусусий мулк эгаси бундай мулкни бошқа шахсга мулкни, ишончли мулкчилик асосида тасарруф этиувчи шахсга мулкчилик ҳуқукини ўтказмаган ҳолда, ишончли бошқаришига топшириши мумкинлиги;
- 7) давлат мулкни, ўзига тегишли корхонани хўжалик юритиш ёки тезкор бошқариш ҳуқукларида топшириши мумкинлиги;
- 8) барча ер ва табиий ресурслар мутлақ давлат мулки хисобланиши;
- 9) давлат ер ва минерал ресурслардан фойдаланиш, уларга эгалик қилиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқукини хусусий (жисмоний ёки юридик) шахсга топшириши мумкинлиги;
- 10) жамият эҳтиёжлари учун хусусий мулк реквизиция қилинишига факат қонунда кўрсатилган алоҳида холатларда рухсат этилиши ва мулкдор учун Фукаролик кодексининг 203-моддасидаги реквизициялаш тўғрисидаги қоидада акс этган ҳимоялаш чораларини назарда тутади.

Ўзбекистонда хусусий мулкчилик шакслари:

- якка тадбиркорлик;
- хусусий корхоналар;
- фермер хўжаликлари;
- дехқон хўжаликлари;
- хўжалик жамиятлари (АЖ, МЧЖ, КМЖ);
- кичик корхоналар;
- микро фирмалар;
- оила тадбиркорлиги.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликкинг бошқа институтлар билан алоқаси



Манба: Муаллиф ишланмаси.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликкин күллаб-куватловчи институтлар



Манба: Муаллиф ишланмаси.


Фаолият күркятасттан кичин талдирикорлык субъектлари сони динамикасы (худудлар бүйнчы), минг

Худудлар	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009* й.	2010* й.	2010 йил 2009 йилга насбеттан %
Коракалпостон Республикасы	12,1	12,3	14,2	15,1	16,9	16,9	9,7	10,2	105,1
Андижон	20,4	18,6	16,0	25,1	30,1	31,2	17,8	19,3	108,4
Бухоро	17,2	18,9	20,2	23,7	26,9	28,0	15,1	14,0	92,7
Жиззак	16,5	15,4	15,7	18,5	19,1	18,5	5,9	6,7	113,5
Кашкадарье	27,9	41,2	54,5	65,9	69,9	69,4	48,0	44,4	92,5
Навоий	9,4	8,6	9,5	10,8	11,9	12,2	5,9	6,2	105,1
Наманган	14,3	12,0	14,0	20,0	22,6	22,5	12,3	13,2	107,3
Самарқанд	21,2	20,9	20,9	30,6	36,3	35,9	14,3	14,9	104,2
Сурхондарье	11,8	12,3	14,0	20,0	24,1	25,1	11,6	11,4	98,3
Сидирд	10,1	10,5	10,5	11,6	12,8	13,1	5,1	6,1	119,6
Тошкент	17,6	17,3	18,2	28,3	32,3	32,3	16,3	18,2	111,6
Фарғона	18,9	18,1	23,0	31,8	37,9	39,3	17,7	19,1	107,9
Хоразм	12,7	12,9	18,7	23,0	25,4	25,1	10,7	11,8	110,3
Тошкент ш.	19,5	17,9	19,1	21,6	25,9	29,2	33,7	36,1	107,1
Республика бүйнчы	229,6	237,0	268,6	346,1	392,0	398,6	224,2	231,7	103,3

Мәнба: Узр Давлат статистика үйүнгасы майтууларды ассошия түзүлдөн.
*2009-2010 йил маңытуулардың формасында күрсөттөлгөн.

20-шлова


Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари сони ўзгариш динамикаси



Манба: «Альманах Узбекистана» статистик тўплам маълумотлари асосида тузилган, 2010.


21-шлова

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларининг умумий устав фонди, млрд.сўм




Манба: «Альманах Узбекистана» статистик тўплам маълумотлари асосида тузилган, 2010.

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ЯИМдаги улушки,
фоизда**




Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиёт соҳалари
бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришдаги саломги, фоизда**



Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

**Корхона чиқимларининг умумий таркибида трансакция
харажатларининг ўрия**



Маяба: Муаллиф ишланмаси.

**Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда рухсат бериш жараёнларининг
қисқартирилиши ва тўловларнинг оптималлаштирилиши**

Рухсат бериш билан боглиқ жараёнлар турлари	Тўлов миқдори				Тўлов миқдори қисқариши, фоизда	
	Аввал амалда бўлган		Яиги киритилган			
	энг кам иш ҳақи миқдори бўйича	сўмда*	энг кам иш ҳақи миқдори бўйича	сўмда*		
Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш	5	140200	2	56080	- 60	
Банкда ҳисоб рақамини очиш	1	28040	0,5	14020	- 50	
Архитектура- режалаштириш топширикларини ишлаб чикиш	40	1120000	10	280400	- 75	
Ер участкасини расмийлаштириш	-	130000	-	58000	- 56	
Экологик экспертиза	25	701400	1	28040	- 96	
Лойиха-смета хужжатларини экспертиза килиш	10	280400	3	84120	- 70	
Курилиш давомида назорат-ижро съемкалари ўтказиш	5	140200	3	84120	- 40	
Нормативлар лойихаларининг экологик экспертизасини ўтказиш	75	2103000	1	28040	- 98,7	
Гигиеник сертификатлар олиш	10	280 400	3	84 120	- 70	
Жами тўловлар киймати (лицензия ва рухсатномаларсиз)	-	5037660	-	830960	- 83,5	

Манба: Вилоят ҳокимларининг ҳудудий ўюшларидаги таркатма материаллари
асосида тузилган.


**Ўзбекистондаги монополист корхоналар ва улардаги монопол
мадсулот турлари миқдори**

Секторлар	2005 й.		2006		2007		2008		2009	
	КС	МС								
Нон ва нон мадсулотлари, буғдой	1	2	1	2	1	2	1	2	1	2
Кўмир	1	2	1	2	1	2	2	2	2	2
Газ	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2
Озиқ-овқат	19	7	17	7	17	7	24	8	22	8
Енгил саноат	10	9	8	7	7	5	2	4	1	1
Махаллий саноат	1	1	1	1	1	1	-	1	-	-
Нефть-кимё саноати	14	23	16	23	16	23	20	23	20	23
Машинасозлик	25	37	24	36	20	27	16	23	15	20
Курилиш материаллари	19	12	24	12	31	16	25	16	25	15
Хизматлар	142	73	132	72	126	69	114	65	103	74
Бошка тармоклар	20	12	16	12	16	12	19	11	20	15
Жами	253	180	242	176	238	166	225	157	211	162

Манба: ЎзР Даълат статистика кўмитаси маълумотлари яосига тузилган.

Фермер хұжаликпарнан соли, уларға биректірілгән ер майдони ва уларда ишловчилар соли үзгарышы динамикасы

27-шабака



Манба: ҰУР Қишлоқ ва сув хұжалиғы мәдениеттік ассоциацияның тұзилған.

Экспортчиларниг расмий тұловлари босқичлары

ШАРНОМАНИ ТУЗИШ		1	ШАРНОМАНИ ТИЖОРАТ БАНКІДА ҲИСОБГА ҚҰЙИШ 3 та ҳуҗжат, 1 кун	3
ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚҮМИТАСИННИГ ХУЛОСАСИНИ ОЛИШ 3 та ҳуҗжат, 3 кун	2		ШАРНОМАНИ БОЖХОНА ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЛДОТАНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ҲИСОБГА ҚҰЙИШ 4 та ҳуҗжат, 3 кун	4
ЭКСПЕДИТОРЛИК ФИРМАСИГА МУРОЖААТ ЭТИШ 4 та ҳуҗжат	5		ТОВАРНИ ЮКЛАШ ВА ВАГОН РЕЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ТАШТЕХПДГА МУРОЖААТ ЭТИШ 4 та ҳуҗжат, 1 кун	6
ЎЗБЕКЭКСПЕРТИЗАГА МУРОЖААТ ЭТИШ 2 та ҳуҗжат, 1 кун харәжатлар расмий – 13000 сүм,	7			
ДЕКЛАРАЦИЯНИ ВА ЧЕТТА ЧИҚАРИЛАДЫГАН ТОВАРНИ РАСМІЙЛАШТИРИШ УЧУН БОЖХОНА ОРГАНЛАРИГА МУРОЖААТ ЭТИШ 6 та ҳуҗжат, 2 соят харәжатлар расмий – шартнома қийматининг 0,2 фоизи,		8	ТОВАРНИ ДЕКЛАРАЦИЯ ҚИЛИШ БҮЙІЧА МАХСУС ФИРМАГА МУРОЖААТ ЭТИШ 2 та ҳуҗжат, харәжатлар расмий – шартнома қийматининг 0,2 фоизи,	9
ВАЛДОТА ТУШУМИНИНГ 50 ФОИЗИНИ ТҰЛАШ 1 та ҳуҗжат, 10 кун	10		ТОВАРНИ ПЛОМБАЛАШ ВА ОЛИВ ЧИКИШ	
ШАРТНОМАНИ ОРГАНЛАРИДА БОЖХОНА ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ 5 та ҳуҗжат, 1 кундан 7 кунгача	11		ШАРТНОМАНИ ВАКОЛАТЛИ БАНКДА ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ 5 та ҳуҗжат, 1 кун	12

Мәлба: Халқаро молия корпорациясінінг таджікоттар мәдениеттегі ассоциациясының түзілген.

МУНДАРИЖА

Кириш		3
I боб. ИНСТИТУЦИОНАЛ НАЗАРИЯЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛANIШИ		5
1.1. Институционал назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи		5
1.2. Институционализмнинг методологик асослари ва институционал таҳлилда бошлангич нукта масаласи		9
1.3. Неоинституционал назариянинг асосий йўналишлари		11
1.4. Институционал иктисодиётнинг ривожланиш хусусиятлари		12
II боб. ИНСТИТУЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ЖАМИЯТ РИВОЖЛANIШИДАГИ РОЛИ		16
2.1. “Институт” ва “норма” тушунчаларининг моҳияти		16
2.2. Расмий ва норасмий нормалар ва уларнинг шаклланиши		19
2.3. Институционал матрица		22
2.4. Институционал ўзгаришлар ва институтларнинг ўзаро боғликлиги		23
III боб. ЎЙИНЛАР НАЗАРИЯСИ ВА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ		28
3.1. Ўйинлар назариясининг асосий тушунчалари		28
3.2. Мувозанат турлари ва уларни излаш йўллари		39
3.3. Ўйинлар назарияси таянч моделларининг таснифи		31
IV боб. РЕЖА ИНСТИТУТИ ВА БОЗОР ИНСТИТУТИ		36
4.1. Иктисодиёт фаолият юритишнинг нормалар тизимининг шаклланиши		36
4.2. Бўйрукбозлик иктисодиёти нормалари		37
4.3. Бозор иктисодиёти нормалари тизими		39
4.4. Мулкчилик ҳукукларини иктисодий асослаш		41
V боб. ТРАНСАКЦИЯ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ ТАХЛИЛ КИЛИШГА ЁНДАШУВЛАР		44
5.1. Трансакция ва унинг турлари		44
5.2. Трансакция харажатлари ва уларни тахлил килишга Коуз – Уильямсон ёндашуви		48
5.3. Трансформация харажатлари ва уларни тахлил килишга нисбатан Норт ёндашуви		52
5.4. Трансакция харажатларини оптималлаштириш тажрибаси		56
VI боб. ХУФИЁНА ИКТИСОДИЁТ		61
6.1. Хуфиёна иктисодиётнинг келиб чикиш сабаблари		61
6.2. Хуфиёна иктисодиёт турларининг таснифи ва уни баҳолашга ёндашувлар		64
6.3. Хуфиёна бозор иқтисидондай тизим сифатида		69
6.4. Жаҳондаги хуфиёна иктисодиёт		72
VII боб. МУЛК ҲУҚУҚЛАРИ НАЗАРИЯСИ ВА МУЛКЧИЛИК ШАКЛЛАРИНИНГ РИВОЖЛANIШ ЭВОЛЮЦИЯСИ		75

7.1.	Мулк хукуқлари назариясининг асосий қоидалари	75
7.2.	Мулкчилик таърифларининг таҳлили	77
7.3.	Мулкчилик муносабатларини амалга оширишнинг тарихий шакллари	79
7.4.	Мулкий хукуклар	84
7.5.	Мулкий хукуклар тақсимоти таҳлили	87
VIII боб.	ШАРТНОМАЛАР НАЗАРИЯСИ	97
8.1.	Шартнома тушунчаси	97
8.2.	Сотиш тўғрисидаги шартнома ва ёллаш тўғрисидаги шартнома	98
8.3.	Шартнома турлари	100
8.4.	Ташкилот тушунчаси ва институт билан ташкилот ўртасидаги чегара	103
8.5.	Кишлоқ хўжалигига шартнома муносабатлари	107
IX боб.	ФИРМА НАЗАРИЯСИ	111
9.1.	«Принципал» билан «агент» ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммоси	113
9.2.	«Принципал-агент» муаммоларини ҳал этиш вариантлари	115
9.3.	Фирманинг ички тузилмаси	118
9.4.	Фирмалар типологияси ва уларни ривожлантириш траекторияси	119
9.5.	Фирмаларнинг асосий турлари	121
X боб.	ТАШКИЛОТНИ АМАЛИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ НАЗАРИЯСИ	131
10.1.	Трансакция харажатлари назарияси асосида ташкилий тузилмаларни амалий таҳлил қилиш	131
10.2.	Фирманинг баланси унинг таркиби тўғрисидаги ахборот маъбанди сифатида	134
10.3.	Фирмадаги низоларни таҳлил қилиш ва келишувлар назарияси асосида ҳал этиш	140
XI боб.	ФИРМАНИНГ ТАШКИЛИЙ - ХУҚУҚИЙ ШАКЛИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ	143
11.1.	Мулкий хукуқларнинг тавсифланиши	143
11.2.	Ташкилий-хукуқий шакли танлаш мезонлари	144
11.3.	Ташкилий-хукуқий шакл фирманинг стратегияси ҳақида ахборот маъбанди сифатида	147
XII боб.	ДАВЛАТ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАШКИЛОТ СИФАТИДА	152
12.1.	Давлатнинг вазифалари	152
12.2.	Давлатнинг институционал табииати	153
12.3.	Давлатнинг мөхияти ва унинг таърифи	155
12.4.	Давлатнинг шартномавий ва эксплуататорлик концепцияси	156
12.5.	Давлатнинг «муваффақиятсизликлари»	157
XIII боб.	ДАВЛАТ ТУРЛАРИ	160
13.1.	Давлат ва «принципал-агент» муаммоси	160

13.2.	«Шартномавий» давлат тушунчаси	161
13.3.	«Эксплуататорлик» давлати тушунчаси	162
13.4.	Давлат хусусиятини баҳолаш усул ва мезонлари	163
13.5.	Коррупция муаммоси	165
XIV боб.	УЙ ХЎЖАЛИГИ ФАОЛИЯТИ ВА РИВОЖЛНИШИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	170
14.1.	Уй хўжалиги турлари ва унинг оила билан функционал боғликлиги	170
14.2.	Уй хўжалигининг инсон капиталини ривожлантиришдаги функциялари	177
14.3.	Турли иктисадиётлардаги уй хўжалиги шакллари	179
14.4.	Уй хўжаликларининг иктисадий ва молиявий функциялари	183
14.5.	Ўзбекистон иктисадиётида уй хўжаликларининг ўрни ва ривожланиш тенденциялари	188
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ		194
ГЛОССАРИЙ		198
ИЛОВАЛАР		204
МУНДАРИЖА		223

Бозорбой Беркинович Беркинов

ИНСТИТУЦИОНАЛ ИҚТИСОДИЁТ

*Мұхаррір
Мирбабаева С.А.
Мусаффият
Мирзидоятова Д.М.*

"Иқтисодиёт" - 2013

Лицензия АI № 089 15.03.2007 й. Теришга берилди 27.02.2013 й. Босишга рухсат этилди 28.02.2013 й. Қоғоз бичими 60x80 1/16. Times гарнитураси. Офсет мұхри. Офсет көғози. Шартли босма табоги 14,2. Ҳисоб нашр вараги 15,0 **Алдағы 150 нұсқа. 035-сөйли буюртма. Бағоси келишилган**

100003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ күчаси, 49-үй.
Тошкент давлат иқтисодиёт университеті босмахонасида босилди.

15.000.